

Мирёкуб Хайдаров

ХАЛҚАРО
МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ ТАРАККИЁТИ
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА

“Фан”

Узб.2
33
X - 22

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИ МАРКАЗИ

МИРЁҚУБ ТОДЖИЕВИЧ ҲАЙДАРОВ

**ХАЛҚАРО
МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Олий ўқув-юртларо илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини
мурофиқлаштириш Кенгашининг
2003 йил 17 майдаги 35-сонли мажлисида
Q-1140-сонли баёни билан олий ўқув юртлари учун
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
2003

Мазкур рисолада молия бозорлари тараққиёти, янги иқтисодий тарих, сармоялар, молия оқимлари йўлланмалари, халқаро бозорлар глобаллашуви, сиёсатшунослик ва молия бозорлари тараққиётининг турили соҳалардаги ўрни ва таъсироти ёритилган.

Ёритилган масалалар мураккаб бўлганлиги учун рисола кўпроқ илмий ходимлар, аспирантлар, магистрантлар, олий ўқув юргизувчилари, талабалари, банк-молия ва иқтисодий колледжлар талабалари ва шу соҳа мутахассислари учун фойдалидир.

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридан Солиқ-бюджет сиёсати маркази ходими томонидан тайёрланган. Уни чоп этиш ҳуқуқи ҳимояланган.

Тақризчилар:

и.ф.д. профессор О.Ю. Рашидов

и.ф.д. профессор А.Ф. Расулов

X $\frac{0604000000 - 3 - 693}{M355(04) - 2003}$ рез.2003

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашиёти, М.Т.Ҳайдаров,
2003 йил

ACKNOWLEDGEMENTS

Among most important directions of international relationships the attention attracts financial markets development nowadays. This sphere of humanity's activity is the most dramatically moving towards Globalization. The Globalization trends have both supporters and opponents over the word. It is recognized, that the Globalization trends have both positive aspects like acceleration of technical progress or deepening of economic, social, political, cultural relations and dialogs among nations, and negative like Globalization of poverty, Global pollution of seas, Global environmental problems, Global confrontations of cultures.

That is why, "International financial markets development in the Globalization epoch" is considered to be actual. This sphere is changing dramatically. The Bretton Woods system was constructed, at the mid of last century, in order to assist international trade development and support investments. Now the situation has changed. The successful movement of financial flows between countries is a basis for development of other fields like trade, reason to create development of political dialog and cultural contacts. If the financial relations among nations are weak, then there is limited room for contact. So, the international financial system is not more means, but becomes dictator of relations among nations and states.

At the same time, there are widening problems inside the financial system itself. The leading stock markets over the main financial markets of America, Western Europe, and Japan are recognized as overheated. There are deep gaps between stock prices and profits, which can generate assets, backed these stocks. There are deep gaps between many billions loans provided by developed countries to "developing markets" and the ability of latter to pay these loans back. To fill these gaps it is necessary for developing countries to increase export of fossil goods (first of all fuels), raw materials and woods, so further deterioration of environment, tightening of the developing and poor countries budgets.

Who is happy with that? Bankers? Stock dealers? It does not look like that. The bankers and stock makers obey to the financial system's operations rules. They cat not deviate from these rules under pressure of hardest rivalry. The financial system is so strong that can eliminate anybody, let physical person or organization, which dare to oppose the system.

This modest book cannot explain how that happens in details. That is just attempt to ask questions, following the history of the process development, to understand how the financial mechanism works inside of coun-

tries, and connected with international markets, providing free flows of trillions of dollars, euro and yens every day.

Main ideas of this book were developed and basic data was gathered in Case Western Reserve University's Library and Coventry Public Library during my stay in Cleveland, Ohio, in frame of participation of Visiting Fulbright Scholarship Program of the USA Department of State. I am very grateful to the personal of Department of Marketing and Policy Studies of the Weatherhead School of Management, Dr. Robert D. Hisrich- Head of the Department and his team, whom I was affiliated with. I'll never forget their warm hospitality and open friendly relation to me.

My participation in the Fulbright program, as well creation of the book becomes realistic due to help of many people. First of all I have to mention the personal of Public Affairs Department of the USA Embassy in Tashkent Elnora Muradova, Mark Antonio and Sevara Melibaeva. The most important are references of Academic Murat Sharifkhodjaev – Rector of Tashkent Financial Institute, Hugo Minderhaud – General Director of ABN AMRO NB Uzbekistan AO, Erik Wayer (IMF) Hurram Teshabaev – Director of Center of Pricing and Finance Policy of the Ministry of Finance of Uzbekistan and Ambassador Sodik Safaev. I am afraid, unfortunately I can't ever fully express my gratitude to them. But using this opportunity I wish them good health and well-being.

Sincerely,

Miryakub Khaydarov.

МУҚАДДИМА

Мустақилликка эришилганида вазият тақозоси билан Ўзбекистон дастлабки кунларданоқ бир ёклама ривожланган мажруҳ иқтиодиётдан мерос бўлиб қолган табиий ва минерал ҳом ашё захираларидан нотўғри фойдаланиши. ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришдаги, аҳолининг истеъмол таркибидаги бузилишлар туфайли вужудга келган ғоят кескин муаммоларни якка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди. Маъмурий йўл билан режалаштиришга асосланган иқтиодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтишининг тартиби ва усулларини ўзи белгилашига тўғри келди. Жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға кириши, давлатлараро иқтисодий муносабатларни йўлга қўшишинг энг мақбул йўлларини излади.

Буларнинг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўз йўлини излашни талаб қилди. Биз танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришига қаратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек ҳалқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир ” (1). Шундай экан, ўз йўлтини танлашда ҳалқаро тажрибаларни янада чуқурроқ ўрганиш, жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға кириб боришда бошқа давлатлар қилган хатоларни инобатга олган ҳолда бу хатоларни тақрорлашига йўл кўймаслик ҳам шу кундаги долзарб масалалардан бири деб баҳоланади.

Замонавий ҳалқаро иқтисодий алоқаларни давлатлараро савдо-сотиқ ва молия бозорларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳалқаро алоқалар билан шуғулланувчи кўпчилик иқтисодчиларнинг таъкидлашича, ҳалқаро иқтисодий алоқаларда молия бозорларининг ўсиши аллақачон савдо, маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш ҳажмидан ошиб кетган. Давлатлараро қарз олиш охириги 10-15 йил давомида ўзаро савдодан 60 фоизга ва ишлаб чиқаришдан 130 фоизга ошиб кетганидан (2) хulosса қилиб, молия бозорларида товар ва хизматлар билан таъминланмаган молиялар сотилиши ва сотиб олиниши ошиб бораётганини тасдиқлани мумкин. Бу бўшилиқни қоплаш учун бозорларга кўп миллиардли нархга эга бўлган қимматли қоғозлар чоп этилиб чиқарилмоқда. Охириги йилларда қимматли қоғозларнинг бир йиллик эмиссияси бир триллионга чиққанлиги эътироф қилинмоқда. Шунинг учун бу жараёнларни ўрганиш ва иқтисодий алоқаларга оид фаолиятларни уларнинг ижобий ва салбий йўлланималаридан хulosса қилган ҳолда мувофиқлантириш муҳим аҳамиятта эга.

Молия бозорлари ҳақида гап борар экан, бу соҳанинг ўзига яраша хусусиятларини тасаввур қилиш керак. Албатта ҳар қандай бозор каби бу ерда ҳам сотиб олувчилар ва сотувчилар мавжуд. Лекин олиниадиган ва сотиладиган нарсалар молия бўлганлиги, яъни олиниадиган ва тўланадиган восита ҳам молия бўлганлиги учун бу бозор бошқа бозорлардан ажралниб туради. Бу бозорда сотиладиган молия эвазига маълум муддатдан сўнг каттароқ миқдорда бўлган молия қайтарилади. Ва бу ҳол ҳар ҳил кўринишда намоён бўлиши мумкин: байн берган қарзлар, қарз қофозлари эвазига ёки бошқа қимматли қофозлар эвазига бериб турилган дастмаклар ва ҳоказо. Лекин, маълум муддатдан кейин олинган молия унга кўшилган фойзлари билан қайтарилиши бу савdonинг асосини ташкил этади (3).

Молия бозорларининг тараққиёти ҳалқаро иқтисодий йириклиашув (ёки глобаллашиш деб аталмиш) жараёнлари билан давом этмоқда. Бу жараёнларининг тез тараққий этиши асосида бир тарафдан, 80-йилларда тараққий этган давлатларда ўtkazilgan молия бозорларининг фаолиятини эркинлаштиришига онд ислоҳотлар бўлса, иккинчи тарафдан тараққий этган ҳамда қолоқ ва ривожланаётган давлатлар орасидаги фарқнинг кенгайиши молияга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлган.

Бу алоқалар тараққиёти натижасида молия бозорларининг йириклиашуви учта асосий молия бозорларида: Америка Кўшма Штатлари, Фарбий Оврупа ва Япония давлатларида мужассамланган. Айнан шу ерлардан бутун дунёга молиялар етказиб берилади ва яна шу ерга янада кўнайган ҳолда қайтиб мужассамланади.

Замонавий молия бозорлари ўта мураккаб бўлиб, уларнинг фаолиятини мавжуд молиявий асбобларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Асбоблар ҳар турдаги қарз қофозлари, қарз олувчиларнинг ва берувчиларнинг мажбуриятларини тасдиқловчи ҳужжатлар, сугурта ва хатарларнинг олдини олувчи услублар ва бошқа қимматли қофоз ва бошқарувчи қонун-қоидалардан иборат. Шу билан бир қаторда, молия бозорларининг фаолияти тараққий этган давлатларнинг сиёсалари, расмий ҳалқаро молия ташкилотларининг фаолиятлари ва иорасмий "оффшор миңтақалар" деб аталмиш молия бозорларининг таъсирида шаклланади.

Ушбу мураккаб жараёнларнинг, ҳозирги кунга келиб, инсоният тараққиётiga салбий таъсири кучайиб бормоқда. Аниқи тараққий топган давлатларнинг ички иқтисодий сиёсаларига ва ҳалқаро иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига молия тизимиининг таъсири жуда катта. Яъни, иккала эзлатиб ўтилган соҳаларда молия тизимиининг манфаатлари устунлиги эътироф этилган. Қизифи шундаки, илгари

молия тизимига доир доираларининг ҳокимлиги уқтириладиган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу ҳол доираларга эмас, молия тизимининг, унинг қонуни-қоидаларининг ҳокимлиги эътироф этилмоқда. Бу тизим халқаро миқёсда ўзига хос қонун ва қоидаларга кўра тараққий этмоқда ва унинг тараққиётига ҳамда ҳаракатига инсонлар ўз таъсири билан етарли даражада ўзгартира олиш эҳтимоли жуда паст.

Ҳозирги куннинг асосий муаммоси шундаки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, молия савдоси иқтисодий ўсишдан бир қанча юқори тезликда давом этиб келмоқда. Бу молия бозорларининг ҳаракатларининг ўсиши етарлича ишлаб чиқарилган маҳсулот, товарлар савdosотифи ва кўрсатилаётган хизматлар билан таъминланishi учун хом ашёларининг янги конларини ўзлаштириш ва қайта ишланига талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунда минглаб гектар ўрмонлар кесилиши, янги ёқилғи конлари ўзлаштирилиши, атмосферага уни заҳарловчи моддалар чиқариб ташланиши ва шунга ўхшаи атроф-муҳитга зарар етказилмоқдаки, бу жараёнларининг салбий таъсирини жаҳон миқёсида олимлар эътироф этмоқдалар ва халқаро жамият бундан азият чекмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришининг ўсиши мавжуд камбағаллик ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал эта олмаяти. Аксинча, ижтимоий соҳа мутахассислари “камбағаллик глобализацияси” иборасини талқин қиласилларки, бу жараёнларга нафақат қолоқ ва ривожланаётган давлатлар мубтало бўлган, ҳатто тараққий тоғлан давлатларда ҳам камбағаллар миқдорий жиҳатдан ҳам, бойлар билан фарқлари катталашиб кетганинги жиҳатидан ҳам ҳавотир уйғотмоқда. Ушбу муаммолар дунёнинг ҳар чеккасида турли соҳадаги мутахассислар тарафидан эътироф этилмоқда.

Ушбу кичкина рисола мавжуд, халқаро молия бозорларининг шакллангани, унинг тараққиёти ва жараёнларига онд масалаларни қисқача бўлсада, ёритишга қаратилган ва бу борада ўқувчиларда савоъ уйғотиш ва фикр юритишни мақсад қилиб қўйган. Ёритилган масалалар мураккаб бўлғанинги учун рисола кўпроқ магистрантлар, аспирантлар, илмий ходимлар ва шу соҳа мутахассислари учун фойдали бўлиши мумкин.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Халқаро молия бозорларининг шаклланиш жараёнига нафақат алоҳида давлатларининг таъсири, балки халқаро ҳамжамиятининг тараққий этган йўллари, давлатларининг тутган сиёсати, уларнинг иқтисодиёти ва бошиқ омиллар таъсир этгай. Булар қаторида халқаро молия ташкилотларининг тутган ўрини алоҳида эътиборга лойик. Шу билан бирга унутмаслигимиз керакки, халқаро молия ташкилотларининг сиёсати авваламбор энг кучли ва тараққий этган давлатларининг сиёсатини акс эттириб келган.

Халқаро молия ташкилотлари фаолиятининг бошланиши 1944 йил июл ойида Америка Кўшима Штатларининг Бреттон Вудс (Bretton Woods) шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманга бориб тақалади. Бунда Халқаро Молия Жамғармасининг (ХМЖ) (International Monetary Fund (IMF)) ва Халқаро Тикланиши ва Тараққиёт Банки (Дунё Банки)нинг (International Bank for Reconstruction and Development (The World Bank)) таъсис қилиниши тўғрисидаги шартиомалар қабул қилинди.

Хали Иккинчи Жаҳон уруши тугамаган ва урушдан кейинги сиёсий шароит қиёфаси эндиғина Ялта конференциясида аниқдана бошлаган бир вақтда буидай анжуманга нима ҳожат бор эди?

Тарихга назар

То Наполеон урушлари Оврупада ўтмагунига қадар, дунё миқёсида катта узвий боғланган бозор ва молия тизими ҳали мавжуд эмас эди. Тўғри, Буюк Британия ўз мустамлакаларидан арzon ҳом ашё олиб келиб уларга ўзининг саноат молларини ўтказа бошлаган эди. Лекин умум дунё иқтисодиётида бу жараёилар ҳали катта ўрин эгалламаган эди. Ўн саккизинчи асрда дунё ҳали парчалашган, Оврупадаги алоҳида давлатлар ўзаро савдо-сотиқни амалга оширсалар да, асосий таъминот ҳали ички (натурал) ишлаб чиқариш билан таъминланар эди. Фарангистон иниқлоби ва ундан кейинги Наполеон урушлари Оврупа миқёсидаги шароитни кескин ўзгартириб юборди. Давлатлар чегараларидаги тўсиқлар камайтирилди ва ўзаро савдо тараққий топа бошлади. Савдони амалга ошириш учун Фарангистоннинг франклари хизмат қила бошлади. Буюк Британия бу шароитдан фойдалана олмади. XIX аср бошларида Наполеоннинг Буюк Британияга қарни олиб борган “континентал блокада” (1) сиёсати Британиянинг молларини Оврупа бозорларига киришини чеклади.

Наполеон урушларининг якулланиши Британия учун жуда катта

афзалликлар яратди. Энди Буюк Британия ўз устунликларидан (2) фойдаланиб бутун Оврупага молларини сотиш ва бундан катта фойда олиш имкониятига эга бўлди. Буни амалга ошириш учун Буюк Британия иқтисодий услубларинигина эмас, балки сиёсий ва дипломатик имкониятларини ҳам кенг кўйлаган. Мақсад халқаро савдо тараққиёти учун муҳим бўлган эркин бозорларнинг шаклланиши ва Буюк Британия молларига дунё миқёсида кенг йўл очиб берини эди. Эркин бозорларнинг тараққий этишин ишончни молия таъминоти билан боғлиқ эди ва бу молияни ҳам Буюк Британия таъминлай бошлиган. Буюк Британия сиёсати олтин билан таъминланган ўз вазиотаси паунд стерлингни (Pound Sterling) етказиб берини билан чекланиб қолмай, халқаро бозорларда пулларининг эркин “оқимини” ҳам таъминлашга қаратилган. Натижада Буюк Британия дунё миқёсидаги банкирга айланган. Лондон шаҳри нафақат Буюк Британия Империясининг молия маркази, балки дунё миқёсидаги бозорлар қатнашувчиларининг маркази тусига кирган. Бунинг асосини албатта паунд стерлингнинг кенг ишончни қозонгани ва олтин билан таъминалигани амалга ошира олган.

Ўн тўқизинчи асрнинг ўргаларидан то Биринчи Жаҳон уруши бошлигунинг қадар Буюк Британия халқаро молияларнинг айланишини таъминлаш учун муҳим бўлган стандартларни маълум жиҳатдан шаклловчи марказ амалларини бажарган. Халқаро молиячилар ва давлатларнинг ўзаро савдоси бунинг ўзига яраша афзаликларидан фойдаланганлар. Бу даврда Британия молиячилари ва сиёсатчилари ўз ўринларида, халқаро ишлар, иқтисодий алоқалар ва молия соҳаси бўйича катта тажрибалар ортирганлар.

Биринчи Жаҳон урушининг бошлиниши Буюк Британиянинг халқаро молия бозорларидаги мавқеи пасайишининг бошлиганилигидан далолат беради. Бунинг сабаби, бир тарафдан паунд стерлингнинг олтин билан таъминланишининг вақтинча тўхтатилиши бўлса, асосийси, бошқа давлатларининг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб, Британия билан баробар рақобат олиб бора олганлиги бўлди. Аввалимбор, бу имкониятга Америка Кўшма Штатларининг корпорациялари ва баиклари эриши.

Биринчи Жаҳон уруши йилларида АҚШ урушаётган давлатлар билан савдо-сотиқдан ва уларга қарз беришдан катта даромад қилган дунёдаги энг бой давлат тусига кирган эди. XIX асрдан бошлаб Лотин Америкасига нисбатан кўйланган машхур “Жеймс Монро гояси”га асосланган спёсат ўз самарасини берган (3) ва энди Америка ўз интилишларини Индонезия, Хитой ва бошқа Жаиуби-шарқий Осиё давлатлари сари йўналтирган эди. Натижада, АҚШ корпорация ва

банклари бу даврга келиб дунёдаги энг катта сармоядор тусига кирди ва сармояларидан катта фойда олиб, Американи янада бойнита бошлади.

Бреттон Вудс сари

Биринчи Жаҳон уруши тугагач, йигирманчى йилларнинг ўрталарида Оврупа давлатларынан инфляцион жараёнларга чалиндилар. Бу ҳол авваламбор Австрияда бошланди. Кейин Олмония ва бошқа давлатларга бирин-кетин ёйниб кетди. Оврупа давлатлари бу жараёнларни тўхтатишга ҳаракат қылмадилар. балки гоҳида ўзаро савдо-сотиқда маълум афзаликкларга эришиш учун бу уларнинг қўллаётган маҳфий сиёсалари тусига киргандек эди. Натижада халқаро савдо қисқариб кетди ва бу ўз навбатида ишлаб чиқаришининг сусайиши ва илосизликкинг ҳаддан ташқари ўсиб кетишига олиб келди.

Америка бу жараёнлардан четда қола олмади. Унинг молларини чет давлатларда сотилиши камайди. Экспатриация қилинаётган (чет элдаги сармоялардан олиб келинадиган) фойда қиймати сармоялар миқдорига нисбатан тушиб кетди. Авваламбор АҚШнинг ички иқтисодий вазияти, молия соҳасидаги сунистемолчиликлар ва қонунбузарликлар натижасида Америка қимматли қофозлар бозори маркази — Биржа 1929 йилнинг октябр ойида инқирозга учради.

Халқаро иқтисодий инқирозни енгиш учун кучлар бирлаштирилиши ва давлатлар ўзаро келишилган ҳолда бу борода сиёсал олиб боришлари керак эди. Аммо бу давлардан бўлиб ўтган бирорта ҳам халқаро анжуман, яъни Генуядаги 1922 йилдаги конференция, Вестфалиядаги тинчлик конференцияси, Лондондаги 1933 йилда бўлиб ўтган халқаро иқтисодий анжуман халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликка асос сола олмади.

Агар инқироз бошланган кезлари Америка Кўшма Штатлари чет эл савdosидаги барқарорликка интилганида ёки ишончли молияга муҳтож бўлган давлатларга қарз берганида эди, халқаро миқёсда инқирозни енгишига ҳисса қўшган ва бу орқали ўзининг ҳам иқтисодий муаммоларини енгишига шароит яратган бўлар эди. Аммо, у даврда Америка Кўшма Штатларида Буюк Британия эга бўлган тажриба ҳали йўқ эди. Бу давлатда иқтисодий тараққиёт эркин савдо ва бу билан боғлиқ бўлган кескин рақобат шароитида шаклланганлиги, Америка сиёсалари тарафидан нафақат давлатлараро иқтисодий алоқалар соҳасида, ҳатто ички иқтисодий сиёсаларининг шакллананишида ҳам иқтисодигига бошқарилишига давлат аралашуви тўғрисида танқидий муносабатда бўлганлар.

Бунинг устига 1931 йилда олиб борилган Смут-Хаулей (Smoot-

Hawley tariff) иомини олган бож тўловининг киритилиши ички бозорни импортдан ҳимоя қилувчи сиёсатини амалга оширди. Бошқа давлатлар ҳам шунга ўхшац ҷораларни кўра бошладилар. Халқаро миқёсда бу ўзаро савдони 1933 йилдаги 33 миллиард доллардан 13 миллиард долларга тушиб кетишига олиб келди (4).

Халқаро савдонинг ва шунга яраша ишлаб чиқаришининг пасайиб кетиши молия соҳасидаги муаммоларни тезлатди. 1931-1940 йиллардаги халқаро қарзлар инқирози натижасида бир қанча давлатлар, шу жумладан Хитой, Фарангистон, Юнонистон, Олмония, Мажаристон, Лотин Америкаси давлатларининг кўпчилиги, Польша, Туркия, Югославия ва ҳатто Буюк Британия давлатлари 80 миллиард долларга яқин қарзларини тўлай олмаганилар (5).

30-йилларда Президент Франклин Рузвельт (Franklin Roosevelt) ҳукуматининг иқтисодий инқирозни бартараф қилиш борасида олиб борган сиёсати, бозор иқтисодиётининг самарали фаодиятини таъминлаш учун давлат муассасаларининг маълум қоидалар ва қонунчилик орқали иқтисодий ҳаракатларни мувофиқлаштириш кераклигини назарий жиҳатдан тараққий эттиришга муваффақ бўлди. Қирқинчи йилларга бориб нафқат ички сиёсатни қамраш, балки халқаро савдо ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш борасида ҳам умумий, давлатлараро тан олинган қоидалар қабул қилиш кераклиги тушунчалари тараққий этди. Ваҳдоланки, Америка Кўшима Штатлари иқтисоди чет эл савдоси ва сармоялар билан узвий боғлиқ экан, ўз манфаатларини амалга оширишда халқаро ҳамжамиятга сиёсий таъсир ўтказиш ва бу қоидаларни ўрнатишда ва уларга барчанинг риоя қилишида дунёдаги етакчи ўринни эгаллаши лозимлиги қабул қилиниди. Шу нуқтаи назардан, АҚШ ва Буюк Британия ўртасида қирқинчи йилларининг бошларида бир қанча музокаралар бўлиб ўтиб, бу музокаралар 1944 йил, июл ойдаги Бреттон Вудс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманга олиб келди.

Бреттон Вудс Шартиомалари

Анжуманда 44 давлатдан келган 700 нафар қатнашувчилар уч ҳафта давомида урушдан кейин шаклланадиган молия тизимини мұҳокама қилдилар. Анжуманга Америка Хазинаси вакили Харри Декстер Уайт (Harry Dexter White) ва Буюк Британия вакили машур иқтисодчи Жон Мэйнارد Кейнс раислик қилдилар.

Агар американагилар анжуманини ва унинг натижаларини қизғин ва хурсандчилликда кутиб олдилар деган фикрда бўлсангиз янглишласиз. Нью-Йорк шаҳридаги Уолл Стрит кўчасида жойлашган қатор банк ва брокер компаниялари халқаро савдо ва молия тизимида

маълум монополияга эга эдилар ва қандайdir янги Халқаро Молия Жамғармаси улар учун қоида ўрнатиши ва қандайdir Дунё Банки уларга рақобатчи бўлиши уларни хурсанд қилгани йўқ. “Уолл-Стрит” доббиси (қаршилиги) АҚШда катта кучга эга.

Уни енгиш учун Давлат департаменти ва АҚШ Ҳазинаси ходимлари матбуот орқали бир қанча тушунтириш ишларини олиб боришга мажбур бўлганлар. “Агар халқаро савдода умумий қоидалар қабул қилинmasa, давлатлар ўзаро пул алмашганида “қотирилган” алмашув қиймати “алмашув курс” келишиб олинmasa, давлатлар ўзаро қарзларни ёки кўп тарафлама қарзларни клиринг (clearing) (6) орқали келишилган ҳолда битирмасалар, давлатларнинг ички монетар сиёсатларида пулнинг қадрсизланиши, банклар фонайлари юқори ўрнатилиши ва солиқ тизимининг шаклланиши ва тараққиётida маълум маслаҳат ва назорат ўтказадиган, халқаро тан олинган муассаса таъсис қилинmasa, ўттизинчى йиллардаги каби буюк инқирозлар, халқаро иқтисодиётдаги тушкунликнинг қайтарилиши ва бундан давлатлар ва корпорациялар ҳисоблаб бўлмас миқдорларда зиён ва талофатлар кўриши хавфи юқори эканлиги ҳақидаги мақолалар ўша йилларда “Чет эл ишлари рўзномасида” (Foreign Affairs) чоп этилган.

Шу нуқтани назардан, Бреттон Вуде шартномаларининг мақсади авваламбор молиявий сокинликни таъминлаш ва шу орқали халқаро савдо тараққиётини кўллаш эди. Бу мақсадларни амалга ошириши Халқаро Молия Жамғармасига юклатилди. Ўн тўққизинчى асрнинг иккинчи ярмида ва йигирманчى асрнинг бошларида асосий халқаро савдо қатнашувчиларининг молиялари олтин билан таъминланар, ва олтин захиралар ҳар бир давлатнинг молиявий бойлигини акс эттиради. Ўзаро пул алмаштирища улар Буюк Британия паунд стерлинги стандартидан фойдаланар эдилар. Эндиликда Буюк Британиянинг иқтисодий, ҳарбий ва молиявий қуввати бу масъулиятни бажара олмас ва унинг ўрнига Америка Кўшма Штатларининг доллари халқаро майдонда вужудга келди.

Йигирманчى асрда олтин стандартига муносабат ўзгарди ва турли давлатлар ва шароитларда молиянинг олтин билан таъминланганлигига турлича ёндашилди. Масалан, йигирманчى йилларда Шўро ҳукуматининг “янги иқтисодий сиёсати”ни амалга ошириш даврида, унинг “червонец” пул бирликлари олтин билан таъминланган бўлса, 1933 йил иқтисодий инқироз ва ишсизликни енгишга интилган АҚШ Федерал Жамғарма Тизими (7) олтин стандартидан воз қечгаи эди.

Шу билан бирга халқаро бозорларда айланадиган молия таъминланганлиги — унинг ишончлилиги масаласи Бреттон Вудс анжу-манининг кун тартибида маълум тортишувлар билан амалга ошиди.

Буюк Британия вакили Жон Кейнс ва унинг тарафдорлари олтин таъминоти амалга оширилган ҳолда, мавжуд олтин захираларининг етишмаслиги, ва бу халқаро савдони молиявий таъминлай олмаслиги сабабли унинг молия оқимларининг тараққиётига тўсқинлик қилишини сабаб қилиб, халқаро молияни олтин билан таъминланишига қаршилик билдирилар. Бу тўсқинлик ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг тезлигига ва ишсизликнинг миқдорига салбий таъсир ўтказишини асосладилар. Бу нуқтаи назарга қарши бўлғанлар, авваламбор Уолл Стрит "маҳалласидагиларнинг" интилишларини акс эттирувчилар эди. Уларнинг олтин захиралари иисбатан бошқаларнидан кўпроқ бўлғани ёки, ҳақиқатдан халқаро савдода таъминланмаган "коғоз" пуллар айланишидан хавфсирагани сабабли, улар халқаро пулларнинг олтин билан таъминланишини талаб қилдилар.

Натижада тарафлар бир қадоқ олтин қийматини 35 долларга тенглаштиришга келишдилар. Ўзаро валюталарнинг қиймати қотирилган курсда, 1 фоиз чегара ичида "сузувчаник" ҳукуқи билан тасдиқланди. Бу курсни ўзгаририш ҳукуқи ХМЖга, агар алоҳида давлат ўта иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолган ҳолдагина қўлланиши билан берилди. Шу билан бирга иқтисодий тушкунликка учраган давлатлар деярли автоматик ҳолда қийинчиликларини енгиш учун қарз билан таъминланишлари келишиб олинди.

Иккинч Жаҳон уруши даврида Америка Кўшма Штатлари урушаётган давлатлар билан савдодан ва уларга берган қарзлардан анча маңбаат топиб, уруш тугаганидан кейин, уруш талофатларини кўрган давлатларни тиклаш учун керак бўлган маблағларга эга ягона давлат эди. Ҳеч қайси бошқа давлат бундай имкониятга эга эмас эди. Шунинг учун АҚШ доллари халқаро пул вазифасини бажарувчи молияга айланиши муқаррар эди.

Иккала халқаро молия ташкилотининг таъсис жамғармасининг асосий қисмини АҚШ тўлаганлиги бу ташкилотларда Америка етакчи ўринни эгаллаганлигини ва уларда қабул қилинадиган қарорларни Америка тўла-тўқис назорат қилишини белгилади. Шунинг учун бу ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари вазифаларини АҚШнинг вакиллари ўтай бошлади. Ундан ташқари, чексиз меҳмондўстлик кўрсатиб, иккала ташкилот АҚШнинг пойтахти Вашингтонга, (Давлат департаменти ва Ҳазина назорати остига) жойлаштирилди.

Дунё Банкининг раҳбари этиб Америкалик банкчи тайин этилгани бу ташкилотга жамғарма жалб этишда катта афзалликлар яратди. Чунки Уолл Стритликлар танимаган кимсага ишониб пулларини қарз беришлари албатта жуда мушкул ҳол эди. Нафақат тизимда ишлаган, уни ичидан яхши билган мутахассислар Уолл Стритликлар

билин яхши салом-алик қылғанларгина улардан старлича маблағ жалб қила оладилар.

Шу билан бирга, бу халқаро ташкилотлар ўз фаолиятларини ўзлари таъсис қылған ички қоидаларин таъсири туфайли тез бошлай олмадилар. Дунё банкининг фаолияти ХМЖ қарорлари билан узвий боғлиқ. Дунё Банкидан қарз олмоқчи бўлган давлат авваламбор ХМЖга аъзо бўлиб, унинг иқтисодий, баъзан сиёсий соҳада ҳам, қўйған талабларини, шу жумладан молия соҳасини такомиллаштириш, эркин бозор тараққиётига шароит яратиш шартларини бажариши керак. Урушдан талофатлар билан чиққан ва тикланиш учун катта маблағларга муҳтож бўлган давлатлар бу ташкилотларга мурожаат этишига мажбур эдилар. Лекин Халқаро Молия Ташкилотлари уларга, токи ўрнатилган қоидалар бажарилмагунга қадар, қарз ажратишга шошилмадилар ва бозор ислоҳотларини амалга оширишга унадилар.

Талофат кўрган давлатларниң тикланишларига қаратилган ҳаракатларниң бошланишига асосий сабаб бу Оврупада шаклланган (дунё миқёсида тарҳалиб борган) сиёсий аҳвол — “совуқ урушнинг” бошланиши эди. Оврупанинг тикланишига қаратилган машҳур Маршал режаси Американинг Оврупага ва бошқа ғивожлананаётган давлатларга таъсирини кучайтиришга ва совуқ урушда ғолиб бўлишига қаратилган эди.

Шу даврларда Президент Гарри Трумэн (Harry Truman) бошчиллик қылған Америка маъмурияти камбағал давлатларга ҳам ёрдам кўрсатишга қаратилган режаларни шакллантиришига қаратилган ҳаракатларни бошлаган эди. Бу ҳаракатлар халқаро молия тизимининг шаклланишида етакчи ўринни эгалламасада, тараққий этган давлатларниң қарамоғида қолған камбағал ўлкалар сиёсатини шаклланишида муҳим омил сифатида намоён бўлди.

Маршал режасини амалга ошириш даврида — то 50-йилларниң биринчи ярми якунинг қадар — АҚШнинг банклари Оврупа давлатларига ХМЖ ва Дунё Банкига қараганда бир неча баробар кўп қарз ва иқтисодий ёрдам кўрсатди. Шу билан бирга, ХМЖ ҳаракати Оврупадаги давлатларда бозор муносабатларининг тараққиётини, молия-банк тизимининг шаклланиши, ишончли молия сиёсатларининг шаклланиши, давлатлар орасидаги тўсиқларниң пасайтирилишига қаратилган эди. Бу ҳол нафақат Оврупа давлатлари орасидаги тўсиқларниң пасайиши ва ўзаро иқтисодий алоқаларниң тараққиётига, балки бошқа минтақалар билан савдоининг ўсишига ҳам олиб келди. Яъни, Халқаро Молия Ташкилотларининг роли кўпроқ ислоҳотларни амалга ошириш ва шу йўл билан молиячи тадбиркорлар фаолияти учун шароит яратиб берисп билан боғлиқ. Асосий сармояларни бу ташкилотлар эмас, тижорат банклар жалб қиласидилар.

Қисқа муддат ичидә Оврупадаги иқтисодий ўсиш самараси күп соҳаларда, урушдан олдинги кўрсаткичлардан ортиб кетганинг кўрсатди. Кўп жиҳатдан бу Бреттон Вудс тизимининг самараси ва ютуғи эди.

Ўз навбатида бу тизим Америка Кўшма Штатларига бир қанча афзалликлар яратди. Унинг банклари чет давлатларга катта миқдорда қарз бераб, улардан фоиз шаклида фойла ола бошладилар. Америка корпорациялари тикланаётган давлатларга кўплаб экспорт қилиш имконларини яратди. Бу Америка иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тизимида нафақат ҳарбий маҳсулотлар миқдорини сақлашига, тинчлик даврида керак бўлган янги турдаги кўплаб маҳсулотларни узлаштиришга ва кўпайтиришга ҳам имкон яратди.

Урушдан кейинги даврда АҚШ доллари халқаро молиялар бозорида ягона ишончили валюта бўлиб хизмат қилди. Йилдан-йилга бу валютага талаб ортиб борди. Чунки иқтисодиёти ўсиб бораётган давлатларга яна янги сармоялар керак эди. Уларнинг маҳсулотлари чет эл бозорларига сотилганида долларда баҳоланиб сотилар эди. Ва бу ўсиб бораётган савдони таъминлаш учун яна ва яна долларларга эҳтиёж ортиб борди. Халқаро иқтисодиёт ўсишининг чекланиши гўё долларнинг етмаслиги билан боғлиқ эди. Ва АҚШ бу долларларга бўлган талабни таъминлашига ҳаракат қилди ва муваффақ бўлди.

Долларда белгиланган савдони нафақат Америкага иттифоқ бўлган гарб давлатлари, "социалистик" иттифоқдаги давлатлар Хитой ва собиқ Совет Иттифоқи ҳам амалга оширап ва доллар жамғармаларига эга эдилар. Чет эл савдосидан қозонган долларларни бу давлатлар Америка банкларида эмас, Оврупадаги Фарангистон ва Буюк Британия банкларида сақлар эдилар. Қирқинчи йилларнинг охири — эллигиничи йилларнинг бошларида Америка Кўшма Штатларида мавжуд "Шўролар хавфи" шиори остидаги "Маккартизм" ёки "Жодугарлар ови" сиёсати ҳукм суроётган даврда, "қизил" давлатлар ўз пулларини Америка банкларида сақлашига журъат эта олмаганилар.

Эллигиничи йилларнинг бошларида Буюк Британия банклари расмий тарзда Америка долларларини депозитга қабул қилиб, бу валютада қарз бера бошлаганлар. Айнан шу пайт "молия жинлари" чироқдан чиқариб юборилган ва ҳануззача уларни қайтариш имконияти кўзланнаётганий йўқ. Чунки айнан шу даврдан бошлаб марказий банклар назоратисиз долларда белгиланган молия жамғармалари шаклланиб, иқтисодий фаолиятини бошлаган. Кейинчалик бу ҳол ўсиб бориб, дунё миқёсидаги молия назорати муаммосига айланган.

У даврда АҚШ иқтисодиёти халқаро бозорларга керак бўлган

миқдорда долларларни экспорт қила олмасди. Унинг ишлаб чиқариш тизимида маълум миқдорда ҳарбий маҳсулотлар ҳам ҳамиша ўрин олган. Натижада, Америка камроқ экспорт қилиб, нисбатан кўпроқ импорт қила бошлаган. Асосий тушимнинг кўп қисмини чет эл сармояларидан келадиган даромадлар ташкил этган.

Керак бўлган маблағларни қозониш учун чет элдаги долларга муҳтож бўлганилар Американинг "Уолл Стрит" биржаларида долларда баҳоланган қимматли қоғозлар (BOND) чоп этардилар. Америка банклари бу "қоғозларнинг" гаровини таъминлардилар. Шу молия асбоби кўллануви услубида Америкадан миллиардлаб долларлар олиб чиқиларди. Бу тўлов балансида (8) салбий салъдо ўсишига олиб борган.

То элигиничи йилларининг охирига қадар Бреттон Вудс молия тизими самарали фаолиятда бўлган. Лекин олтмишинчи йилларга бориб, чет элдаги айланәтган долларларнинг миқдори уни таъминлай оладиган АҚШнинг хазинасидаги олтин миқдоридан ошиб кетган.

Олтин таъминотининг тугаси

Дollarларнинг халқаро молия бозорларида олтин билан таъминланмаган миқдорда айланисини олдини олини Америка тўлов балансини ижобий холга келтириш билан боғлиқлиги аниқ эди. Лекин буни амалга ошириш йилдан-йилга қўйинлашиб борди. Сабаби олтмишинчи йилларга бориб Оврупа ва Япониянинг иқтисодиётлари тараққий топиб, улар АҚШ фирмаларига баробар рақобат кўрсата бошладилар. Бу давлатлар корпорациялари чиқараётган турли маҳсулотлар (истеъмолчиларни кенг миқёсда), Америка фирмаларидан четлаб, халқаро бозорларни ўз маҳсулотлари билан эгаллай бошладилар. Американинг салбий тўлов баланси кенгайишига иккинчи сабаб — унинг шу даврда олиб борган Вьетнам уруши ва бу билан боғлиқ бўлган ҳарбий харажатлар бўлди. Бу уруш Америкада инфляцион жараёнларининг ўсишига, иқтисодий қийинчилклар, нархлар ва ишсизлик даражасининг ўсишига олиб келди. Унинг устига Америка бозорлари чет элда ишланган автомобиллар, машинасозлик маҳсулотлари ва енгизсаноат моллари босиб келаверди ва тўлов баланси муаммоси ошириб борди. Чет элдаги доллар эгалари доллар сотиб олиш кучини йўқоттани сари ўз бойликларининг сусайшини сезардилар. Бунинг олдини олиш учун долларнинг қотирилган курсини сақлаб қолиш керак эди. Лекин Америкадан оқиб келаётган долларларни сотиши билан машғул чайқовчиларнинг бу билан ишлари йўқ.

Дollar курсини сақлаб қолиш учун Оврупа ва Япон марказий

банклари долларларни сотиб олиб, сақлашга киришилар ва бунинг учун кўплаб ўз валюталарини чоп этдилар. Бу йўсинда Америкадаги инфляцион жараёнлар Оврупа ва бошқа давлатларга экспорт қилина бошлади. Буни қарангки, доллар соҳиблари уни ёстиқлари остида сақлаш ўрнига, жамғармаларига Америка Ҳазинаси чоп этган узоқ муддатли қимматли қоғозларни (BONDS) сотиб олишган ва бу билан Америкадаги бюджет этишмовчиликни қоллаганлар. Яъни вазият шундай бўлганки, Бреттон Вудс яратган тизим АҚШга чекланмаган миқдорда кредит таъминловчи воситага айланди. Бу ҳол Оврупадагиларни ҳеч хурсанд қилмади. 1965 йили генерал Де Гол (de Gaulle) бошчилик қилаётган Фарангистон ҳукумати Американинг бу имтиёzlарини кескин танқидга олдилар. Лекин тўлов дефицитини қоплашга ва долларларини олtinga алмашишга Американинг у шароитда имконияти чекланган эди.

Шошманг! Ахир бундай вазиятнинг олдини олиш ҲМЖнинг вазифаси эди-ку! Нима учун ҲМЖ доллар инфляциясини олдини олишга ва АҚШ молия тизимини мувофиқлаштиришга ёндошмадилар?

Бу ҳурматли ташкилотнинг сиёсатини Колумбия дорилфунуни профессори, жаноб Жагдиш Бхагвати: Уолл-Стрит — Ҳазина Комплекси тушунчаси орқали ифодалашга уринади (9). Унинг ёзишича Уолл-Стрит маҳалласидагилар, АҚШ Ҳазина Департаменти, Давлат Департаменти, ҲМЖ ва Дунё Банки ходимлари бир имтиёзли жамоа аъзолари сифатида ўзаро ўрин алмашиниб туришлари (10) билан “is unable to look much beyond the interest of Wall Street” (11)

Худлас калом, шу давр Президенти Линдон Жонсоннинг (Lyndon Johnson) ижтимоӣ сиёсатини амалга оширишга ва Вьетнам урушини олиб борицга Федерал Резерв Тизимиға (ФРТ) етарлича доллар чоп этиш “илтимоси” қониқтирилган эди.

Шу билан бирга ФРТ долларларнинг ортиқча четта чиқиб кетишини олдини олиш ва Америка тўлов балансини соғломлаштириш Чораларини ҳам амалда кўрган. Чет элдаги долларга муҳтоҷ бўлганлар, доллар қозониш учун Американинг “Уолл Стрит” биржаларида долларда баҳоланган қимматли қоғозларни (BONDS) чоп этардилар. Америка банклари бу “қоғозларнинг” гаровини таъминлардилар. Бу молия асбоби қўллануви услуги билан Америкадан миллиардлаб долларлар олиб чиқиларди ва Американинг тўлов балансидаги салбий сальдони ўстиради. 1963 йил бундай услугни қўллаётган банкларга қўшимча солиқ қўлланиладиган бўлди. Шундан кейин бир неча йил давомида халқаро молия бозорларини таъминловчи Америкада чиқарилаётган қимматли қоғозлар кескин камая бошлади.

Табиат бўшилиқни чидамас. Молия бозори ҳам шундай. Ваҳо-

ланки, долларга талаб бор экан, бу талабни қониқтириш Оврупа молия бозорида давом этди. Қимматли қоғозлар Америка биржаларидан анча аввал вужудга келган ва молия асбобларини қўллаш бора-сида кўпроқ тажрибага эга Лондон биржасида чиқарила бошланди. Бу бозорга Федерал Резерв Тизими бевосита ўз таъсирини ўтказа олмасди. Ва бу даврда "молия жинлари" тараққий эта бошлади. 1964 йил Америка маъмурияти банкларни чет эл мижозларига берадиган қарзлари миқдорини чеклашга ундади. Натижада Америка банклари бундай қарзларни ўзларининг Оврупада ва бошқа минтақаларда жойлашган шўбаларидан бера бошладилар. Алоқа воситалари етарлича тараққий этган, ва молия захираларини дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига юбориш қийинчиллик туғдирмас эди.

Ўз ўрнида бу ҳол кўплаб Америка банкларини чет элларда ўз шўъбаларини очишга ундади ва нисбатан қисқа давр ичида халқаро банкачилик тез тараққий топа бошлади. Банклар учун чет эл шўъбаларининг мавжудлиги уларга ФРТнинг назоратидан маълум эркинлик яратар эди. Шу билан бирга чет элда банклар қўшма корхоналар шаклида очилар ва маҳаллий тажрибага бевосита эгалик қилишига шароит яратарди. Бундан ташқари бу даврда иқтисодиёти ва банкчилик тизими тараққий этган давлатлардагина эмас, балки тараққий этмаган иқтисодиёти ва марказий банклар тарафидан назорат мавжуд бўлмаган давлатларда ҳам кўплаб шўъба очиш ҳоли рўй бера бошлади. Бундай давлатлар оффшор (Offshore ёки Shell branch) деб аталдилар. Уларнинг афзаллиги, банкчилик қоидаларининг сустлиги ва тўланадиган солиқлар миқдори бу ерларни "солиқ жаннати" деб аталишига имкон яратгани. Энг кўп бу каби банклар Кариб денгизи бўйлаб Багам ва Кайман оролларида ўрин топган. Кейинчалик бундай шароитларни Оврупанинг кичик давлатлари ва Ўрга ер денгизида (турк. Ак дениз) жойлашган ороллар ҳам яратадиган бўлган. Бу банклар одатда кичкинагина бўлиб, ходимларнинг малакаси ва сонининг аҳамияти йўқ, умуман ҳеч қандай қарор қабул қилиш ҳукуқига ҳам эга бўлмайдилар. Уларнинг вазифаси фақат таъсисчи банкларнинг у ёки бу ҳисоб рақамларига келиб тушган молия жамғармаларини ўтказиш билан боғлиқ топшириқларини бажаришди.

1966 йилда Америка Федерал Тизими "Қ" бошқаруви (Regulation Q) номини олган банклар берадиган қарзларга тўланадиган фоизларнинг юқори чегарасини чеклаб қўядиган қоида киритди. Қарз бериш нархи чеклангач, жалб қилинаётган депозитларга ҳам уларнинг қийматини қоплайдиган нархда фоиз тўлана олмади. Шунинг учун, депозит сертификатларининг муддати битгач, мижозлар ўз маблағларини банклардан олиб кета бошладилар. Шундан кейин дол-

ларда баҳоланган депозит сертификатларни Америка банклари Оврупада кўплаб чоп этадиган бўлдилар.

Хўш, Оврупа молия бозорларицаги долларда белгиланган қимматли қоғозлар чоп этилиши тараққиёти, долларларда миллионлаб ва миллиардлаб савдо ва валюта олдин-сотдиларнинг њеч кимга ҳисобот берилмайдиган қондаларда амалга оширилиши, Федерал Жамғарма Тизимиға бўйсингайдиган, лекин Америка долларларида депозитлар (12) қабул қилиб миллиардлаб қарз берадиган банклар ва шўйбаларнинг кўпайиши, бундан долларларда белгиланган фойда орттиришлар Американинг тўлов балансига, ундан долларларнинг оқибкетишига қандай таъсири кўрсатиши мумкин эди? Албатта салбий.

Бу ҳолнинг олдини олиш учун АҚШ ҳукуматининг сиёсий имконияти ҳамиша етарли бўлган. Масалан, Буюк Британия ва Фарангистон ҳукуматлари билан уларнинг банклари долларда депозит қабул қилимасликларини талаб қилишлари ва талабларини бажаришишининг устидан чиқишлари мумкин эди. Бошқа масалаки мавжуд ҳол Америка молия доираларига ва улар орқали умуниқтисодий шароитга афзалликлар яратар эди.

Долларни халқаро молия бозорларининг салбий таъсиридан кутқаришга (ёки молия бозорларини доллар инфляциясининг таъсиридан ҳимоялашни) Халқаро Молия Ташкилоти уриниб кўрган. Бу ташкилот долларнинг ўрнига халқаро молия бозорларида айланishi керак бўлган янги молияни ихтиро қилган. Молиянинг номи Махсус Эгалик Ҳукуқлари МЭХ (Special Drawing Rights SDR) деб аталган. Ихтиоричларнинг фикрича бу молия батамом долларнинг ўрнини эгаллаши керак эди. Лекин бир неча йиллик музокаралардан кейин етмишиничи йилларнинг бошларида фаолият кўрсата бошлаган МЭХ, миқдорий жиҳатдан доллар ўрнини босмаган. Унинг сунъийлиги истеммолчиларда маълум ҳафсираш яратгани учун унга бағишиланган умидлар оқланмай қолган.

Долларларнинг миқдори молия бозорларида мавжуд талабдан ошиб бориши унинг чайқовчиларининг ҳаракатларига қўшимча далда берди. Бу ҳол 1971 йилга бориб авжига чиқиб кетди. Оврупа давлатлари ҳукуматларининг улардаги мавжуд долларларни Америка Хазинаси олтинига алмаштириб берилши тўғрисидаги талаблари кучайиб борди. Лекин Farb давлатларининг сардори бўлмиш Америкага босим ўтказилининг ўзи бўлмайди. Августнинг ўргасига бориб шу давраги АҚШ Президенти Ричард Никсон (Richard Nixon) Американинг Янги Иктиносидий Сиёсат олиб боришини маълум қилди. Бунда авваламбор доллар эндиликда Америка ҳукумати тарафидан олтин билан таъминланмаслигини эълон қилди. Иккинчидан, Амери-

ка иқтисодиётини тиклашга, тўлов балансини соғломлаштиришга қартилган чораси сифатида. Американинг чет элдан сотиб олинадиган молларига янги солиқ ўрнатилиши ва шу йўл билан импортни қисқартириши маълум қилинди. Бу чораларга қарши қатор тарақкӣ тонгтан давлатларнинг танқиди ва бу чоралар натижасида 30-йиллардаги халқаро инқироз қайтарилишидан хавфсирашлар АҚШнинг бу қарорига таъсир этмади.

Бу хавфсирашлар ўзини оқламади, доллар курси олтин таъминотисиз ҳам халқаро бозорларда ўз мавқенини йўқотгани йўқ. Американинг иқтисодий қуввати, бу ердаги иқтисодий унумдорлик ва фантехника ютуқлари унинг сиёсатини амалга оширишга тўла шароит яратди. Бошқа давлатлар бунга кўнишидан ортиқ чора кўрмадилар.

Олтин халқаро молиялар қийматининг ўлчов белгиси сифатида фойдаланишдан четлатилган бўлса-да, у ҳали ҳам молия жамғармаси вазифасини бажарувчи восита сифатида марказий банклар тарафидан кенг қўлланилиб келди. 1990-йилнинг охири, 2000-йилга борибгина бир қанча марказий банклар бу воситадан жамғарма сифатида фойдаланишдан воз кечдилар ва олтиннинг нархи тушиб кетди. 2002 йилга бориб, Американинг иқтисодидаги муаммолар, қимматли қозозлар нархининг пасайиши, Оврупа иттилоғининг янги пул бирлигини етарлича ишонч қозонмагани ва Япония биржаларидағи номаниқлик олтиннинг нархи тикланишига асос яратди.

Олтин таъминотидан воз кечилган даврдан ҳам муҳимроқ ва ҳам ҳал қилиниши керак бўлган масала — бу ўрнатилиши керак бўлган валюталарнинг ўзаро курси эди. Америка долларининг хаддан ташқари қимматлиги ва бошқа валюталарга нисбатан унинг курси туширилиши кераклигини ҳамма тушунар эди. Лекин қай даражада? Доллар курсининг тушиши Америка импортига қўшимча тўсик ва ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар учун афзалликлар яратарди (12). Шу билан бирга Япония ва Овропанинг рақобатбардошлилигига ҳам салбий таъсир ўтказар эди. Иккинчи масала халқаро валюталар курслари ўзаро эркин ўрнатилиши керакми ёки қотирилган ҳолда бўлиши керакми деган саволга тақаларди. Давлатлар орасидаги музокаралар то 1971 йил охирига қадар давом этди ва натижада доллар курси 8 фоизга туширилиши келишилди. Шунда олтиннинг расмий нархи 38 долларгача кўтарилди. Давлатлар чайқовчилар фаолиятининг хаддан ташқари салбий таъсиридан қўрқиб валюталарнинг ўзаро қийматини қотирилган ҳолда белгиланишини маъқулладилар. Шу билан бирга, валюталарнинг ўзаро ўзгарув чегараларини (сузувчанлигини) 2,25 фоизгача кўғаришга келишиб олдилар (Бретон Вудс шартномасига кўра 1 фоиз эди).

Оврупа доллари бозорининг тараққиёти

Американинг Ҳазина ва Федерал резерв тизими ички молия бозоридаги савдони чеклаши, Америка долларлари савдосини четта чиқиб кетишини, кўпроқ Оврупа бозорларида ва оффшор давлатларида амалга оширилишига олиб келди. Етмишинчи йилларнинг бошлиларига келиб бир қанча омиллар молия бозорларидаги савдони кескин ўсиб кетишига имкон яратди ва ундаи:

1. Америка ва бошқа тараққий топган давлатлар йирик банкларининг кўплаб шўъбалари чет элда ва марказий банклар назорати чекланган оффшор ерларда очилиши, молия бозорларида олигополистик (13) шароитни юзага келтирди. Рақобат кучайган сари уларнинг фаолиятлари, шу жумладан юқорида айтилган хатарлар билан боғлиқ фаолиятлари кескин ўсиб.

Америка ҳукумати тарафидан ички молия бозорини ҳам сиқиш шунга олиб келдики, Америка банклари чет элдаги шўъбаларидан кўпроқ даромад оладиган бўлдишлар. 1970-1976 йиллар давомида Американинг энг йирик 10 та банкининг ички бозорда оладиган даромади 103,5 фоизга ошиди ва 817,3 млн. долларга етди. Чет эл шўъбаларидан олган даромадлари 4,9 баробар ошиб 826 млн. долларга етди. 1970 йилдан то 1981 йилга қадар умумий даромадлар ичida чет элдаги шўъбалардан олинадиган даромадлар қисми 17,5 фоиздан 48,0 фоизгача ошиди (14).

2. Бреттон Вудс шартномасидаги олтин стандартдан воз кечиш билан боғлиқ бўлган чайковчилик ҳаракатининг кескин ўсиши.

3. Айнан шу пайт биринчи нефт инқирози бошланиши ва бу соҳадан миллиардлаб даромад олинишига тўғри келди. Нефт сотувидан орттирилган (нефт долларлар) миллиардлаб долларлик маблағлар банклар учун керакли жамғарма бўлиб, янги қарзлар беришга имкон яратди.

4. Оврупада кенг миқёсда қимматли қоғозлар бозори ва бошқа молиявий асбоблар тараққий топа бошлади.

Оврупа долларлари бозорининг тараққиёти банкларга тез суръатларда қарз бериш имкониятини яратди. Бу халқаро банкчиликнинг ўсишига ва бу банклар бераётган қарзлар миқдори, молия бозорларида айланадиган долларлар миқдори ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва халқаро савдонинг ўсиш суратларига қараганда кўпроқ миқдорда ўсишига олиб келди.

80-йиллардаги молия тизими ислоҳотлари

Етмишинчи йилларда давлатларнинг иқтисодий имкониятлари ўзгариши натижасида халқаро бозорлардаги кучлар орасида сези-

ларли ўзгаришлар рўй берди. Асосий йирик иқтисодий марказлар (ЙИМ) бўлмиш АҚШ, Оврупа Умумий Бозор давлатлари ва Япония орасида рақобат янада кучайиб борди. Бу рақобат ушбу марказларнинг тараққий этаётган давлатларга бўлган муносабатларида акс этди. Тараққий этаётган давлатларнинг хом-ашё устидаги рақобати нафақат иқтисодий, балки бу марказлар орасидаги сиёсий муносабатларга ҳам катта таъсир кўрсатди.

70-йилларга бориб тараққий этган давлатлар ишлаб чиқариш имкониятлари юқори даражага етиши, бу ерда хом ашё истеъмолига талааб ошиб боришига сабаб бўлди. Шу билан бирга ЙИМ давлатларининг хом ашё билан таъминланганлиги турли даражада бўлгани ҳам ўзаро муносабат ва рақобатга таъсир қилди. Масалан, Оврупа Иттифоқи давлатлари ва айниқса Японияга нисбатан АҚШ ўзининг турли хом ашё захираларига эга. Шу жумладан, фойдаланилаётган нефтнинг 28,5 фоизини АҚШ четдан импорт қилган бўлса (15). Фарбий Оврупа давлатлари 97 фоиз атрофида, Япония эса ханузгача деярли ҳаммасини импорт қилади (16).

1974 йилда нефт нархлари тўрт баробар ошиб кетгани бу давлатлар иқтисодиётига кескин таъсир кўрсатди. Нефт ишлаб чиқарувчи давлатлар ўзаро ОПЕК ташкилотига бирлашганликлари умумий сиёсат юритишига шаронит яратди. Натижада шу йили саноати ривожланган давлатларнинг ОПЕК аъзоларига бўлган қарзлари 60 млрд. долларни ташкил этди. Қарзлар 1976 йилга бориб 40 млрд.гача пасайса ҳам, бу уларнинг тўлов балансларига, ички сармоя сиёсатларига ўта салбий таъсир кўрсатди. Бу, иқтисодий инқиroz авж олиб кетишига олиб келиб, бир қанча давлатларда ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетди: Японияда 18% га, Румда 17,5%, Италиядা, АҚШ ва Фарангистонда 15%гача (17).

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йиллар, яъни мустамлакачилик таъсири тугаётган даврда, АҚШ илгари Оврупа давлатларига қарашли бўлган, тараққий этаётган давлатлардаги кўплаб хом-ашё бозорларини эгаллашга муваффақ бўлган. АҚШ хом ашё ишлаб чиқаришда, уни транспортда етказиб бериш ва сотища илгарилаб кетган бўлиб, шу орқали бошқа ЙИМ давлатларига ўз таъсирини ўtkаза олган. 70-йилларга бориб вазият ўзгариши, АҚШ асосан ер юзининг фарбий қисмига (Канада, Лотин Америкаси), Оврупа Иттифоқи — Африкада ва Япония, Австралия ва Осиёнинг Тинч Океани бўйидаги давлатларга ўз таъсирларини ўрнатишига муваффақ бўлди. Шу билан бирга Япония ва Оврупа давлатлари Марказий Америка ва Яқин Шарқ (18) давлатларида ўз фаолиятларини кенгайтиришига эришидилар.

Оврупа умумий бозори давлатлари қатор тараққий этаётган давлатлар билан иқтисодий ўюшмалар тузишга интилдиш. Бунда Оврупа-Араб давлатлари ва Оврупа-Африка давлатлари каби жамиятлар орқали аъзо давлатларга маълум имтиёзлар бериш билан бир қаторда, Оврупа давлатлари ўзларининг иқтисодий ва сиёсий мақсадларини илгари суришга эришилдиш.

Япония ўз ўрнида, бу шароитда Жанубий-Шарқий Осиёда ўз таъсирини кучайтиришга интилди. "Фукуда гояси" (1977) номи билан амалга оширилган ташқи сармоялар сиёсати Жанубий-Шарқий Осиё давлатларини тенг ҳамкорликка ундинди. Натижада Япониянинг Транс Миллий Корпорациялари бу минтақа давлатларида кўплаб хом ашё ўзлаштирувчи қўшма корхоналар тузишга имкон яратди. Ва бу давлатлар Япон иқтисодиётига боғланиб қолдилар.

ОПЕК давлатларининг сиёсати тараққий этган ЙИМ давлатлари орасидаги рақобатнинг янада кучайнишига сабаб бўлди. Бу давлатларда биринчи муаммо энергетик етишмасликни бартараф қилиш, нефт оқимларини тўхташига йўл қўймаслик бўлса, бошқа тарафдан нархларининг ўсиши билан боғлиқ молия етишмаслигини ҳал қилиш бўлди. Шу билан бирга, нефт сотувчи давлатлар ҳисобларида кўп миллиардлик маблағлар йиғилгандиги ЙИМ орасида ушбу маблағлардан фойдаланишида, уларни ўз давлатларига жалб қилишга уринишларига олиб келди. Бундан авваламбор кенг имкониятларга эга бўлган Америка банкларидан фойдаландилар. Ундан ташқари "етти эгачи" номини олган Американинг машҳур нефт қазувчи ва ташувчи корпорациялари ҳам АҚШнинг мавқеи ошишида катта рол ўйнади.

Нефт ва энергетик инқизозларни енгиш учун тараққий этган давлатлар Етти Давлат номини олган ўюшма ташкил этдилар. Илк бор 1975 йил ноябр ойида, нефт таъминоти муаммолари билан боғлиқ иқтисодий инқизоз масалаларини муҳокама қилиш учун етти Давлат раҳбарлари Фарангистонда йиғилгандар. Муҳокамалар натижасида Халқаро энергетик агентликни ташкил қилиш қарорига эришилган. 19 давлат аъзо бўлган бу ташкилот ўзаро рақобатнинг кучли бўлгандиги сабабли ўз мақсадларига у даврда эриша олмаган. Натижада иккинчи Етти давлат йиғилишида 1976 йил зътибор кўпроқ молиявий масалаларга: инфляциянинг олдини олиш ва валюталарнинг ўзаро курсларини мувофиқлаштиришга қаратилган. Лекин бу ва ундан кейин ўтган бир қанча учрашувларда келишишлган иқтисодий тараққиётни тезлаштириш, валюталар орасидаги тенгликни сақлаш ва келишишлган ҳолда энергетик сиёсатни амалга ошириш каби шартномалар самараси паст бўлди ва 1980-1982 йилларда иқтисодий инқизоз янада такрорланди.

Шу билан бирга, иқтисодий, молиявий ва сиёсий инқиrozлар тарақкӣй этган давлатларни янги технологияларни жалб этишга ундали. Бунга нефт нархларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳамма ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таркибий таннархларининг кескин ўзгариши мажбур қилар эди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун янги молиявий сармоялар зарур эди.

Халқаро алоқалардаги яна бир жараён — ўзаро савдодаги товарларнинг таркибининг ўзгариши бўлди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда халқаро савдо тараққиети ишлаб чиқариш тезлигига нисбатан икки баробардан ортиқ ўсади. Бунинг сабаби нафақат товарлар ишлаб чиқарилиш ҳажмининг кўпайишида, балки сотилаётган моллар таркибида, хомашёга нисбатан, саноат маҳсулотларининг қисми кўпайишида бўлди. Бу давр ичидаги қўлланилаётган техника ва технологик услубларнинг ўзгариши сарфланаётган ҳом ашёнинг миқёси камайишига олиб келди. Яъни ишлаб чиқаришнинг миқдори жисмонан ўсан бўлса-да, маҳсулотларнинг таннархида хомашё эгаллаган қиймат қисми камайди. Маҳсулотлар асосий қийматини "ноу-хау (know how)" атальмиш, фан ва техник янгиланишга тегишли харажатлар эгаллади. Ундан ташқари кимё саноатининг ўсиши кўп ҳолларда табиий ашёлар ўрнини синтетик услубда ишлаб чиқарилган моддаларнинг эгаллашига, кўп ҳолларда чиқинчиларни қайта ишлашга, илм-фан ютуқларини қўлловчи услублардан фойдаланиш саноат маҳсулотлари нархларининг ўзгаришига ва халқаро савдода хомашёларга нисбатан каттароқ ўрин эгаллашига олиб келди.

Бу муаммолар йигиндисини ҳал этишда тарақкӣй этган давлатларнинг раҳбарлари бозор иқтисодиётини ва авваламбор молия тизимининг ислоҳотлари билан енгизшга уринидилар. 1980-йилда АҚШ раҳбариятидаги Президент Роналд Рейган "Бозор сеҳрли кучга эга" деган шиор остида ислоҳотлар ўтказган. Бунда молия тизимини чекловчи бир қанча фармон ва қонунлар бекор қилинган. Шу даврдаги Буюк Британия Бош Вазири Маргарет Тетчер хоним ўтказган шу каби ислоҳотлар ҳам амалга оширилиб, молия оқимларини чекловчи қонунлар бекор қилинган эди. Молия ислоҳотлари банклар фоизларининг юқори даражасини чеклашни бекор қилиши, молия оқимларига қўлланиладиган солиқларни қисқартириш ва бекор қилиниши, воситачилар ўтказаётган молия операцияларидан олиандиган комиссion тўловларини қисқартириш, кенг миқёсда чет эл молия фирмаларига ички бозорларга кириш имкониятларини қўллаш, хусусийлаштириш ва бу билан боғлиқ қимматли қофозларнинг тарақкӣй топишини қўллаш, банклар, қимматли қофозлар ва суурта фирмалари ва бошқа молия ташкилотларини ўзаро рақобатларини

қўйлаш — молия бозорларини кескин тараққиётга бошлади. Натижада валюталарнинг ўзаро рақобати сусайиб, молия бозорларида асосий эътибор сармоялар сиёсатига қаратилган ва молия оқимларининг кескин ўсиши кузатилган.

Молиявий ва иқтисодий ислоҳотлар АҚШ иқтисодиётининг стабилланишига ўта ижобий таъсир кўрсатган. 70–80-йилларда бу давлатда ўртача инфляция ўсиши 12% атрофида бўлган бўлса, 80-йилларнинг иккинчи ярмида Америка сармояларининг самараси бу кўрсаткични ўртача 3,5–4 фойзгacha пасайишни кўрсатган. 1978 йили Буюк Британия ва Италия инқизорзни енгиш учун Халқаро Молия Жамғармасидан катта миқдорда қарз жалб этишга мажбур бўлган бўлса, молия ислоҳотлари натижасида Буюк Британияга миллиардлаб қўшимча паунд стерлинглар оқиб келган. Натижада Британия ва АҚШнинг молия ташкилотлари нафақат сармояларга бўлган ички эҳтиёжларини қониқтиришга, балки кўп миқёсдаги сармояларини экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлганлар. Мазкур ҳол сармояларни жалб этиш рақобатида ютказмаслик учун бошқа давлатларни ҳам шу каби ислоҳотларга мажбур этган. Бир неча йил давомида Япония, Фарангистон, Канада ва бошқа тараққий этган давлатлар молия ҳаракатларини чекловчи қонун-қоидаларининг ислоҳотларини амалга оширгандилар. Бу эса тараққий этган давлатларнинг сармояларининг савдоси кескин ўсиб кетишига олиб келди. Лекин вазиятнинг 60–70-йиллардан фарқ қилиувчи тарафи шунда элкини, илгари сармоялар тараққий этаётган давлатларга йўналтирилган бўлса, энди сармояларининг энг катта қисми энг тараққий этган давлатлар: АҚШ ва бошқа ЙИМга йўналтирила бошлади.

80-йилларнинг охирига бориб Америка банклари ўзларининг етакчи ўринларини йўқота бошладилар. Амалда ислоҳотларни ўтказиш бошқа давлатлар: Япония ва Фарбий Оврупадаги Фарангистон, Олмония, Италия ва Буюк Британия банкларининг ўсиб кетишига олиб келди. Шу билан бирга сармоялар экспорти нафақат қарз бериш услубида ва тўғри (бевосита) сармоялар услубида, шу билан баробар портфел сармоялари услубида ҳам кенг миқёсда амалга ошириладиган бўлди (19). Давлатлараро бу кўрсаткичлар нисбатан фарқли бўлса-да, умуман портфел сармояларининг аҳамияти, шу даврдан бошлаб сезиларли ўсиб борди. Масалан, 80-йиллар ўртасида Американинг чет эл сармояларининг 28%ни бевосита сармоялар, 14% портфел сармоялари ва 58% қарз сармоялари ташкил этса, Буюк Британиянинг 14% бевосита, 18% портфел ва 68% қарз сармоялари ташкил этган ва Япониянинг 16% бевосита, 57% портфел ва 27% қарз сармоялари ташкил этган. Ўз ўринида портфел сармояларининг ўсиши

муҳим аҳамиятга эга бўлди. Агар илгари сармоялар экспорти билан йирик Транс Миллий Корпорациялар ва Банклар шуғулланган бўлсалар молия тизимларининг ислоҳотлари, портфел сармояларининг тараққиёти молия бозорларида ўрга ҳол ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг бемалол қатнашишлари учун шароит яратди.

Молия эркинилиги 90-йилларда ўта тараққий топди ва замонавий информацион технология тараққиёти шароитида виртуаллашган ҳолда намоён бўла бошлади. Бунда давлатлар, банклар ва корпорацияларнинг ўзаро молия савдоси молия бозорларини алоҳида иқтисодий салоҳиятга эга соҳага айлантиришни бошлади. Бу ҳолни янги иқтисод тараққиёти ёки саноатлаштиришдан кейинги (постиндустриал) иқтисоди атамалар билан белгиланиш вужудга келди. Эндиликда бу соҳа анъанавий иқтисодий соҳалар ҳаракатлари хизматини ўтовчи соҳадан уларга ўз ҳукмини ва қонун қоидаларини ўрнатадиган соҳага айланниб борди. Замонавий молия бозорлари информацион воситалар орқали узвий боғланган бўлиб, жаҳон миқёсида йирик “организм” шаклида намоён бўлмоқда. Бу ҳол глобалланиш ибораси билан ифодаланмоқда.

Хулоса қилиб айтиши мумкинки, молия бозорларининг тараққиёти ўигирманчи асринг иккинчи ярмига келиб авж олганини эътироф этиши мумкин. Ўттизинчى ўйлардаги молия тизимининг синиши (*валюталар курсларининг ўзаро тартибсизлиги, инфляцион жараёнларининг авж олиши*) буюк инқирозни бошлади ва миллионлаб инсонларни шисиз, даромадсиз тушкунликда қолдирди. Шу даврда фақат давлатларнинг аралашуви инқирозни енгизи ва иқтисодиётни тараққий этишига шароит яратди. Иккинчи Жаҳон урушининг талофатларини енгизи учун ва халқаро савdonи ривожлантириш учун янги халқаро молиявий тизим — Бреттон Вудс Шартномаси хизмат қилиб келди. Шартноманинг аҳамияти — давлатлар ўзаро келишилган ҳолда ички молия тизимларини яратши, тартибсиз инфляцияга ўйл қўймаслик ва келишилган валюталар алмашибтириши курсларини таъминлаши маъжбуриятларини бајаршиларида эди. Халқаро савдо тикланиб, тараққий этишида Бреттон Вудс тизими мухим аҳамиятга эга. Лекин 70-йилларга бориб, ўигилиб қолган халқаро иқтисодий муаммоларни енгизи талаблари ва ўзаро рақобатнинг кучайиши Бреттон Вудс молия тизимининг ислоҳ қилинишига олиб келди. Бу давргача ўигилиб қолган молиявий жамгармалар сармоя қилинишилари керак эди. Валюталар курсларининг шаклланиши услуги эскирган, баъзан мавжуд тизим алоҳида давлатлар учун қўшимча имтиёзлар яратар ва бошқалар бу ҳолдан норозилик билдирад эдилар. Хуллас Бреттон Вудс тизими олтин етишимай қолганлиги ва эскир-

гандиги учун халқаро иқтисодий алоқалар тараққиётига түйсінлік қыла бошлаган эди.

Шу билан бирға, дүнёда эң күчли ва салохиятлы валюта — Америка доллары ўрین топты. 70-шіллардагы олтын таъминотидан кечаш бу валютанинг синишіга олиб келмади. Аксинча, ривожланып отынчы молия тизимінде әзіз қатор давлатларнинг ички бозорларыда ҳам доллар ұшардап авж олғанлығы ҳозирға даврга қадар күзатылған келмоқда.

Саксонинчи шілларда дүнё миқесінде молия бозорларыда рақобат-чилік күчайыб кетді. Рақобаттада енгізи учун молия бозорларыга берилған әркінлік, ариқ миқесінде амалга оширилаётгандык молия оқымларининг — дарә, сұңғыңыздарға даражасынан көнгайшышига шароит яратды. Агар истроҳоттарға қадар тараққиёттік жағдайда сармояларини экспорт қылыш келген бұлсалар, әндилекдә құпроқ сармояларни ўз давлатларына жалб қылыш борасында рақобат күчайыб кетді.

Алар шунға қадар молия ұшаралары савдо-сомиқнан амалга ошириши, ишилаб чиқарышни ривожлантиришига хизмат қылған бұлса, түйсөннинчи шілларға бориб молия бозорлари алоқида иқтисодиёт туисига кириб борди. Яңғы иқтисодиёттің деб атап молия бозорларининг ұшараларының әзіз қатнашуучиларни жасалб этті. Бунда әзіз банклар ва Транс Миллий корпорациялар иштирок этишлары билан бирға молия бозорларининг тараққиёттің ўрта ҳол ахолининг ҳам иштироки учун шароит яратды. Бу ҳол глобаллашыу жарағаенлары билан баробар амалга ошиди ва унга заман яратды.

ИККИНЧИ ҚИСМ

МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ КҮРСАТКИЧЛАРИ

2.1. Пул айланиши тезлиги ва фоизлар тенглиги. Пул айланиши даромаддорлиги тушунчаси

Пул айланишининг тезлиги иқтисодий алоқаларда муҳим рол ўйнаиди. Бу кўрсаткич инфляция тезлигини баҳолашда ўта муҳим. Инфляция деганда, биз сотувдаги товар айирбошлишни ва тўловли хизматларни шу бозорда айланастган пул массаси билан, маълум муддат (масалан бир йил) давомида қиёслаймиз. Агар кейинги муддат давомида сотувдаги моллар ва хизматлар миқдорининг ўсиши пул массасининг ўсишига нисбатан камроқ бўлса, биз бу ҳолни инфляцион жараён, яъни пул массаси товар ва хизматларга нисбатан кўпайганини ифодалаймиз. Бу ҳол нархларининг ўсиши билан давом этади. Агар сотиладиган товарлар ва хизматлар пул массасидан кўпроқ ўсадиган бўлса, унда ўрга ҳисобда, пулнинг сотиб олиш қобилияти ўсиши намоён бўлади ва бу ҳол дефляцион жараён деб аталади. Иқтисодий жараёнларда бу жуда кам учрайдиган, сунъий ҳол. Шундай ҳол сабиқ СССР тарихида 40–50-йилларда кузатилган. У давр дунё қарашларига кўра “пул коммунизмга қадар умуман йўқ бўлиб кетади” деган нуқтаи назарга кўра, пул танқислигининг ва айланиши тезлиги настлигининг салбий таъсирини, айланастган молия миқдорини кўпайтириш эмас, нархларни тушириш йўли билан ҳал қилишга урингандар (1).

У даврга нисбатан молиячилик борасида назарий дунёқарашлар сезиларли даражада тараққий топган ва бозор иқтисодиёти тадбиқ қилиниши, молия тизимининг бошқарувини такомиллаштиришга мажбур қиласди. Халқаро молия бозорларининг кенгайинши миллий молия тизимларининг мувофиқлаштирилган ҳолда ҳаракатда бўлиши билан боғлиқ. Бу мувофиқлаштириш жараёнларни назорат қилиши Халқаро Молия Жамғармасининг (ХМЖ) зиммасига юкланди. ХМЖнинг аъзо давлатларга қўядиган бир қанча талаблари мавжуд бўлиб, бу талаблар ХМЖ шартномасида келтирилган.

Талабларнинг энг муҳими инфляция устидан назоратдир, яъни миллий пул бирлигининг, шу давлатдаги ишлаб чиқарилаётган Миллий Даромадга нисбатан тез суръатда чоп этмаслик, миллий пул бирлигининг қадрсизланиши даражасининг назоратики, мақсад бу жараёнларга меъеридан ортиқ ҳолда амалга ошишига йўл қўймаслик.

Миллий Даромад ва инфляция жараёнини аниқлаш учун қўйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$(П1) \times (T) = (H) \times (Ж)$$

(I-тenglama)

Бунда:

(П1) — Тангалар, қоғоз пуллар ва банклардаги талабгача сақланаётган пуллар (корхоналар ҳисобидаги айланма пуллар).

(Т) — Пул айланиши тезлиги.

(H) — Ялпи Миллий Маҳсулот нархи.

(Ж) — Ялпи Миллий Маҳсулотнинг жисмоний миқдори.

Юқорида келтирилган тенгламадан хулоса қилиб, инфляция (И) тезлигини қўйидаги тенглама орқали ҳисобласа бўлади:

$$И = \{[(Ж / П1 \times T) 1 - Ж / П1 \times T) 2] \times 100\} + 100 \quad (2\text{-тенглама})$$

Бунда:

(Ж / П1 × Т) 1 Ялпи миллий маҳсулотнинг пул ва унинг айланиш тезлигига нисбатан бўлган базис йилдаги миқдори;

(Ж / П1 × Т) 2 Ялпи миллий маҳсулотнинг пул ва унинг айланиш тезлигига нисбатан бўлган ҳисобот йилидаги миқдори.

Тенгламалардан хулоса қилиб айтса бўладики, инфляцион жарайнларга таъсир ўтказаётган омил нафақат (П1)нинг жисмоний миқдори. Яъни иқтисодиётда айланнаётган (П1)нинг миқдори базис йилга нисбатан камайган бўлса ҳам, агар пул айланиши тезлиги ундан кўпроқ миқдорда ўсиб борса ва бу ўсиш товар ишлаб чиқариш ва аҳолига кўрсатилган хизматлар ўсиши билан қопланмаса, инфляцион жараёнлар авж олади деган тушунчалар мавжуд.

Одатда, пул айланиши иқтисодиётнинг ҳаракатга келганидан далолат. Шунинг учун қўшимча молияни чоп этиб, ёки банк кредитлари орқали янги молияларни, товар/хизматлар билан қопланмасдан, айланишга чиқариш салбий натижаларга келтиради. Айланнаётган пулларнинг миқдорини кўпайтирмасдан мавжуд молиянинг айланиш тезлигини оқилона ошира билиш иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ жараёнларининг ҳаракати тезлашганидан далолат беради.

Қисқа пулларнинг (П1) кенгайтирилиши, одатда ўсиб бораётган иқтисодиёт шароитида яхши натижа беради. Чунки, бу кенгайиш инфляцион жараёнлардан юксакроқ ҳолда иқтисодиётнинг ўсишини, яъни молиянинг моддий бойликлар билан таъминланишини амалга ошира олади. Шунда молияга муҳтож иқтисодиётнинг қатнашувчилари учун пул нархи ҳам, яъни банклар фоизи ҳам пастроқ ва арzonроқ бўлади. Лекин бу жараёнларнинг хавфи иқтисодиётнинг ўсиш имкониятлари билан белгиланади. Агар (П1)нинг ўсиши, шунга яраша, пропорционал миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилишининг ўси-

ши, ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилиши билан қопланмаса, (П1)нинг ўсиши самарасиз, инфляциянинг ўсиши билан давом этиб макроиктисодий тизимнинг ностабиллигига асос бўлади.

Одатда, банклар фоизларининг амалий пасайиши қисқа пулларнинг (П1) яхши натижа билан ўсишига олиб келади ва ўз ўрнида бу қарз олиши ва қарз бериш жараёнларининг рағбатланишига олиб келади. Бунинг натижасидаги иқтисодий ўсиш кенг пуллар агрегатларини ўстиради. Кенг пуллар маъносида (П2) ва (П3)лар тушунилади. Кенг молия агрегатларини Марказий Банклар бир-бирларидан озгира фарқли ифодалайдилар. АҚШда (П2) миқдорига (П1)га кўшимча молия бозорларидағи айланаётган банкларнинг чакана маҳсулотлари (ажратилган қарзлар) ва банкларда сақланаётган қисқа муддатли депозитлар киради ва (П3)га : (П2)га кўшимча узоқ муддатли депозитлар, турли ташкilotларнинг гаровга қўйилган ва кафолат берувчи қийматли шартномалар, чет элдаги айланаётган пуллар киради (2).

Марказий банкларнинг қисқа пулларни кўпайтириши, кенг пулларнинг ўсишига сабаб бўлади. Кенг пуллар, ўз ўринларида, бозор иқтисодиёти тараққий этган шароитда, айниқса молия бозорлари тараққий этган шароитда, иқтисодий алоқаларни жадаллашишига ва шу йўсин савдо-сотиқни ва ишлаб чиқаришни, Ялни Миллий Маҳсулотни ўсишига ундайдиган шароит яратадилар. Масалан, аккредитивлар, улар ҳали реал молия эмас, балки маълум шартлар бажарилганида (маҳсулот ишлаб чиқариш ва/ёки уни таъминлаш) тўловни амалга ошириши ҳақидаги гаров, яъни (П3)га дахлдор мажбуриятлардир. Лекин, бу гаровни қабул қилиш учун ишлаб чиқарувчи ва/ёки маҳсулотни етказиб берувчи реал айланма молияга ёки бошқа гаровларга эга бўлиши керакки, акс ҳолда у ўз мажбуриятларини бажара олмайди.

Айнан шу вазиятда, неоиқтисод foysi амалиёти реал ва нореал молия дастмаклари орасидаги фарқни ўчиришга муваффақ бўлади. Амалда бу ҳали ишлаб чиқарилмаган маҳсулот, сотилмаган товарлар, кўрсатилмаган хизматлар учун (П2)ни, яъни банклардан қарз дастмакларини ёки қимматли қофозлар чоп этилиши эвазига дастмакларни жалб қилишига шароит яратади. Баъзи тараққий этган давлатлар қонуилари чоп этилган янги қимматли қофозлар сотиб олиш учун ҳам банклар ажратадиган қарзлардан фойдаланишига рухсат этади.

Қимматли қофозлар эвазига жалб этилган дастмаклар эса банкларга депозит сифатида топширилиб, банклар тарафидан янги дастмаклар учун асос яратилишига имкон беради. Шундай қилиб, (П2) ва (П3)лар тўла ликвидлик хусусиятига эга бўлмасалар-да, янги иқтисодиёти қонуилари ҳукм сураётган даврда, ЯММнинг қийматий жиҳат-

дан ўсишига шароит яратувчи ва шунга ундаидиган омиллар сифатида намоён бўладилар. Ваҳоланки, жисмоний жиҳатдан бу қиймат маҳсулот ва хизматлар билан таъминланиб бормаса ҳам қизиғи шуки, бу ҳол сезиларли инфляцион жараёнлар билан давом этмайди. Чунки, амалда (П1)нинг ўсиши кузатилмайди. (П3)нинг ўсиб бориши эса инфляцион жараёнларга таъсир кўрсатмайди.

Шу билан бирга яна бир бор эслатиб ўтмоқ лозимки, (П1)нинг ўсиши, иқтисодиётнинг чуқур таркибий ўзгариши даврида амалга оширилса, яъни бозорнинг мавжуд маҳсулотга тўйинган таркибида бўлса, бу ҳол инфляцион жараёнларнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Чуқур иқтисодий таркибий ўзгаришларга йўналтирилган сармоялар жамиятнинг банкларда йигилган ташкилотлар ва аҳолининг захиралари ҳисобидан амалга оширилади. Бу захиралар этишмай қолганида чет эл сармоялари жалб қилинади. Иккала захира ҳам инфляцион жараёнларга асос бўла олмайди. Чунки биринчи ҳолда ушбу жамиятда йигилган захиралар илгариги ишлаб чиқилган ЯММ билан қопланган бўлади. Иккинчи ҳолда эса чет эл молияси ички бозорда айланмайди. Ушбу бозорга чет элдан жалб қилинган захиралар фақат жисмоний ҳолда кириб бориши мумкин. Чунки, одатда миллий қонунлар чет эл пул бирликларини ички бозорда айланнишига рұксат бермайдилар ва шунга иқтисодий чоралар ва тадбирларни амалга оширадилар. Фақат Марказий банк янги, ЯММ билан қопланмаган, молияларни чоп этишга ҳақли. Лекин, бу ҳол амалга ошган вазиятда инфляцион жараёнлар тараққий эта бошлайди ва ХМЖси тарафидан эътироҳ билдирилади.

Инфляцион жараёнлар, сармоялар янги маҳсулот бера бошлиғандаридан кейин бартараф этилишлари мумкин, қачонки бу маҳсулотлар ўз харидорларини топса. Сармояларнинг самараси қанчалик юксак бўлса, яъни ҳар бир амалга оширилган сармоя унга харажат қилинган пул бирлигидан қанчалик кўпроқ жисмоний маҳсулот ишлаб чиқара бошласа, инфляцион жараёнлар шунчалик тез енгилади ва ҳар бир пул бирлигига шунчалик кўпроқ маҳсулот сотиб олса бўлади ва бу жамиятнинг бойлиги ортиб боради.

(П2) ва (П3) ўсиши билан боғлиқ хатарлар, одатда уларнинг миллий даромаднинг ўсиши билан қопланмай қолиши. Бу ҳол агар қарзга берилган молия воситалари самарасиз фаолият инфляция жараёнларини тезлатади. Ўз ўрнида бу миллий пул бирлигининг қадрсизланишига бошлайди ва унинг ўрнини чет элдан ишончлироқ валюталар кириб бориши ва эгаллаши мумкин. Бундай жараёнларни бир қанча Лотин Америка давлатларида ёки 1998 йилги инқироздан кейин

Россияда, “иқтисодиётнинг долларлашиши” ибораси билан аталмиш миссоллар билан келтириш мумкин.

Бундай жараёнлар авж олиб борса, марказий банклар миллий пул бирликларининг қадрини сақлай олмасалар, иқтисодиётнинг долларлашиши жараёнлари авж олган сари миллий пул бирлиги “квази пул”, яны паст даражадаги қиymатта эга бўлиб қолади. Бундай ҳолларда Марказий Банклардаги мажбурий захиралар талаблари сиёсатларининг ва тармоқлараро сармоялар сиёсатнинг сустлиги эътироф этилади.

Лекин бундай хатарлар тараққий этаётган давлатлар учун таалуқли. Ривожланган давлатларининг иқтисодий самараси кўплаб П2 ва П3ни қўллаган ҳолда чет элдан П1ни жалб қилишга муваффақ бўладилар. Масала шу жамиятнинг жалб қилинган П1 самарали сармоя қила олиш иқтисодий шароити ва қобилиятида.

Бу нуқтаи назардан Пул Айланиш Даромаддорлиги тушунчасини хulosса қилса бўлади: самарали иқтисодиётдаги (П1) пул айланиши тезлиги ошганида ЯММнинг ўсиши бошланади. Биринчи тенгламани хulosса қилиб, ЯММ жисмоний жиҳатдан ўсиб борса, бу иқтисодиётнинг тараққий топганининг кўрсаткичи. Агар, унинг пулда белгиланган нархи ўсиб борса, унда кўпроқ пул миқдорининг ўсгани фақат инфляцион жараёнларининг бошлаганини кўрсатади ва Пул Айланиш Даромаддорлигининг пасайғанлигига далил бўлади.

Бу каби салбий ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Марказий Банклар тижорат банкларининг депозит базасидан бефоиз захиралар яратиш, бу захиралар миқдорини кўпайтириш ёки пасайтириш ҳамда марказлашган фоиз даражасини белгилап, миллий пул бирлигининг қадрини оширишга қаратилган чоралар орқали бошқарадилар.

Лекин, фақат Марказий Банкларининг фаолияти билан молия тизмини такомиллаштириш мумкин эмас. Марказий Банклар ўз фаолиятларини ҳукumatнинг иқтисодий сиёсати билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб борадилар. Марказий Банкларининг мувофиқлаштириш фаолиятлари фақат бозор иқтисоди ҳукм сураётган шароитда юқори самара бериши мумкин. Агар, ҳукumat тарафидан бозор шароитига путур етказадиган буйруқбозлик, юқори солиқ ёки ишчилар маошини чеклари ва шунга ўхшаш “соявий — норасмий” иқтисодни авж олдирадиган чоралар қўлланган ҳолда, пул мултипликаторини қисқартиришга қаратилган қаттиқ монетар сиёсат олиб борилса, яны юқори фоиз қўлланилиши, П1 устидан назорат кучайтирилса ва депозитлардан мажбурий захиралар миқдорини кўнайтириш каби чоралар — иқтисодни “сиқиб” қўйиши ва ЯММ ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Молия тизимининг асосий вазифалари

Молия тизими деганда, маълум ташкилотларнинг тасдиқланган қоидалар асосида молия бозорларининг фаолиятини таъминловчи шартлар тушунилади. Бу шартларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Молия тизими маълум давр давомида ортиқча молия дастмаклар мавжуд ердан уларни етишмайдиган ерларга самарали ўтказиб беришини таъминлашини амалга ошириши керак.

2. Молия тизими иқтисодиётнинг ўзгарувчанлигини қўллашга мослашган бўлиши, яъни етишмаган молия дастмакларини таъминлай олиши ва шу йўсин иқтисодиётнинг ўсиши ва тараққиётини амалга оширишга қодир бўлиши керак.

3. Молия тизими иқтисодий қийинчиллик ва тушкунлик ҳоли мавжуд бўлганида, ўзининг ишончлилигини ва сокинлигини стабилизигини таъминлай олиши керак.

4. Молия тизими молия бошқарув ташкилотлари учун шундай муҳитни таъминлай олиши керакки, улар пул таъминоти ва қарз бериш орқали молиявий дастмаклар етказишида молия бозорларининг самарали фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасликлари керак.

Кўрсатиб ўтилган молия тизимининг асосий тўртта вазифаси иқтисодиётдаги инфляшон жараёнларнинг олдини олган ҳолда, сокин иқтисодий ўсишини таъминловчи шароитдир. Токи бундай шароит яратилмас экан, иқтисодий тизимнинг сокинлигини таъминлаш мурракаб ҳолга айланади. Ва шу билан бирга, бундай шароитни яратиш бир кунилик иш эмас. Иқтисодий тараққиёт амалга ошган сари, мавжуд иқтисодий, қонуний ва мафкуравий муҳит ҳамиша ўзгариб боради. Шунинг учун молия бошқаруви, назорати ва қонунлар таъминотини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамиша молия тизимини кун талабига яраша мувофиқлаштириб туришлари шарт.

Марказий банкларнинг ХМЖси назорати остида ички молия сиёсаларини амалга оширишлари, молия тизимининг турли давлатларда бир қолиңга келтирилган умумий ҳол яратилишига олиб келди. Валюталарнинг ўзаро эркин алмашувининг таъминланиши молия оқимларини бемалол бир бозордан иккинчисига фақат бошқа валпотада белгиланган ҳолда ўтишини келтирди. Бу эса, халқаро миқёсда глобал умумий бозор тараққиётига бошлади ва бу бозорга янги ва янги иштирокчиларни жалб қилиб бормоқда. Бу ҳол ҳам минтақавий жиҳатдан кенгайиши жамиятлар ичида авж олиши ва чуқурлашиши қайд этилмоқда.

**Фоизлар, валюта курслари
ва қимматли қофозлар орасидаги тенгликларга эринпув**

Молия бозорларининг глобаллашиш жараёни маълумот соҳасининг тез тараққиёти таъсирида амалга ошар экан, бу ҳол бозор қатнашувчиларининг рақобатга чидамли бўлишлари учун бозордаги ҳар бир ўзгаришга эътибор беришларини ва шу ўзгаришларга яраша ўзлари ҳам керакли чораларни кўришларини ва мослашишларини тақозо этади. Глобал бозор шароитида бирорта ҳам алоҳида молия воситачиси, бошқа воситачиларга нисбатан ҳеч қандай афзалликка эга бўлмайди. Ҳар қалай бундай афзаллик узоқ давр давом эта олмайди, чунки маълумот тарқалишининг тезлиги ҳар қандай афзаллик тўғрисида бозорнинг бошқа қатнашувчиларига тез етиб боришини таъминлайди ва янгиликнинг якка ҳокимлик афзаллигидан маҳрум этади. Яъни, бозордаги мавжуд ўргача фоизлар ҳамма бозор қатнашчилари тарафидан бир хил молия маҳсулотлари учун бир хилда қўлланилади. Агар бирорта бозор қатнашувчиси — молия воситачиси қўллаётган техник воситалар тезлик ва ёки харажат талаблиги жиҳатидан бошқа воситалардан қолишиша, воситачи бозордаги маълумотлардан етарлича хабардор бўлмаса, бундай бозор қатнашчиси рақобатга дош беролмай бозорни тарк этишига мажбур бўлади. Бундан ташқари, молия воситачилари ўз мижозларининг эҳтиёжларидан жуда яхши хабардор бўлишлари керакки, мавжуд молия маҳсулотларидан энг самаралиларини таклиф этиб, шу маҳсулотларни бирлаштирган ҳолда, энг оптималь ҳолда қўллашга қодир бўлишга мажбуурлар.

Глобал молия бозори шароитида алоҳида давлатларининг молия маҳсулотларининг қийматларидағи фарқ деярли ўчиб кетиши жараёнлари кузатилмоқда. Масалан, 80-йилларда энг юқори банкларнинг фоизлари АҚШ берган қарзларга қўлланган. Бунга нисбатан Олмония ва Япония банкларининг берган қарзларига белгилаган фоизлари бир қанча пастроқ қийматда баҳоланарди. Бунга сабаб бўлиб рақобатнинг нисбатан настлиги хизмат қиласа эди. 80-йилларда молия бозорларида амалга оширилган ислоҳотлар бу бозорларни бирлаштиришга, яъни бир хил қоидалар ўрнатишга унади ва бу бозорларда сотилаётган молия маҳсулотларининг сони ҳам, асосан сотилаётган қимматли қофозлар ва валюта алмашув операциялари ҳисобига кўпайди. Бунинг натижасида, халқаро бозорлардаги АҚШ банклари га мансуб доллардаги қарзлар миқдори 72 фоиздан 53 фоизга тушиб кетди. Аксинча, Япония банклари бераётган йенадаги қарзлар, умум бозорлар миқёсида 3 фоиздан 10 фоизга, Олмония банклари бераётган марказдаги қарзлар 5 фоиздан 10 фоизгача ошди (3). Умумий халқаро бозорларда берилаётган қарзлар миқдорининг кескин ўсиши, улар-

нинг фоиз қийматларининг икки баробар пасайиши билан давом этди. Бу жарабёнлар долларда белгиланган қарзларининг фоиз қийматларининг кескин пасайиши билан баробар, бошқа валюталар: йена, марка, франк ва ҳоказоларининг нисбатан ўсиши билан давом этди ва ўрта ҳисоб валюталар фоиз нархларининг тенглашишига олиб келди. Амалдаги кўринишда, фоизлар миқдори ўзаро фарқ қиласа ҳам, уларни фарқи шу валюталарнинг ўзаро алмашув курслари билан тенглашиб кетадилар.

Глобаллашган молия бозорларида бу тенглашув “фоизлар даражаси тенгламаси” ФДТ деб юритилади. ФДТ авваламбор халқаро ва ички молия бозорларидаги бир хил валютада берилган қарзлар учун қўлланилаётган фоизлар даражаси тенглигини тъминлайди. Агар бу фоизлар орасидаги фарқ сезиларли даражада катта бўлса, унда воситачилар арzon бозордан молияни жалб қилиб, қимматроқ бозорга уни “сотадилар”. Лекин, бозор қатнашчилари орасида маълумот тарқалишининг тезлиги ва қатнашчилар зудлик билан бир-бирларини топиб, шартномалар тузиш имкониятига эга бўлғанлари учун бозорда фоизлар нархлари орасида сезиларли фарқ қолмайди. Молия воситачилари шундай фарқларни топа оладилар ва шунинг кетида “тирикчиликларини” ўтказадилар. Замонавий молия бозорининг муҳим қирраси шундаки, пул савдоси билан шуғулланган воситачилар савдо-сотиқ билан шуғулланувчилардан кўпроқ даромад топадилар.

Глобал бозорда ўргача фоизлар фарқи сезиларли даражада эмас. 80-йилларнинг ўргаларида, Лондондаги Оврупа долларларида уч ойга бериладиган қарзлар фоизи Нью-Йоркдаги долларда баҳолangan қарзлар фоизидан 0,1 фоиз фарқ қилган, холос. Олмония маркасининг ички бозорда ва Оврупа бозорларидаги фоизларининг фарқи ҳам тахминан шу миқдорда кузатилган. Ички бозордаги ва халқаро молия бозорларидаги фоизлар орасидаги фарқлар 80-йилларда ўтказилган ислоҳотлар давомида қолмаган. Ислоҳотлар натижасида молия оқимларини чеклайдиган қонунларининг бекор қилинганилиги сабабли бу тенглик яратилган. Япон молия бозорларида эркинлаштириши ислоҳотларига қадар, йена фоизларининг Оврупа бозорларидаги ва Япон ички бозорларидаги фарқи 2 фоиздан юқори бўлган (4).

Бундан ташқари, турли валюталарда берилган қарзлар ҳам глобал бозор шароитида, чет эл валютасига доир хатарлар суғурталанган шароитда, бир хилда, яъни тенг даромад келтиради. Масалан, тасаввур қилингки, долларда бериладиган қарз 8 фоизли бўлса. Маркада (5) бериладиган қарз — 13 фоиз. Ва фараз қилингки, 1 долларга 1,5 марка алмашиладиган курс бозорда мавжуд. Тасаввур қилингки, бир йиллик қайтиб сотиб олиш ҳуқуқи билан SPOT шартномасига кў-

ра 1 долларга 1,57 маркадан харидор бор (SPOT келажакда, бир йил муддатида келишилган нархда қайтиб сотиб олиш ҳуқуқи). Бу шароитда сиз, масалан, 8 фоиздан 1000 долларни бир йилга қарзга берсангиз 1080 доллар ишланингиз мумкин. ($1000 \times 0,08\% = 80$ доллар + $1000 = 1080$ доллар). Ёки сиз долларларингизни 1500 маркага сотиб уни 13 фоиздан қарзга беришингиз мумкин ва ($1500 \times 0,13 = 195$ + $1500 = 1695$) марка ҳисобида қозонилган 1695 бир йиллик СПОТ операцияси 1,57 курс бўйича эвазига ўша ($1695 : 1,57 = 1080$ доллар қозонилади. Эътибор берингки бу ерда тахминий ҳисоблар келтирилиб, валюта алмаштирувига оид ва брокерлар комиссияси харажатлари инобатга олинмаган.

Бу ерда эътиборга лойиқ ҳол — маркада берилган қарз доллар қийматидан 5 фоиз қимматроқ бўлсада, валюталар алманиувида уларнинг қийматлари билан боғлиқ фарқ — фоиз фарқларини йўққа чиқаради. Кўрсатиб ўтилган марка ва доллар валюталаридағи мавжуд тенглама дунёдаги ҳамма йирик ишончли валюталар орасидаги Фоизлар Даражаси Тенгламасини кўрсатади. Албатта маълум давр ичидаги олиб-сотарларнинг чайқовчилик операциялари натижасида ёки алоҳида давлатларнинг бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий самараси тезроқ ўсганлиги сабабли, бу тенглама алоҳида валюталар учун бузилиши мумкин. Лекин “старлича” узоқ муддат давомида олинган ҳолда бу тенглама ўз аҳамиятига эга. Агар молия бозорларида алоҳида валютага нисбатан бу тенглама бузилса, масалан бериладиган қарзларнинг фоизи сезиларни кўтарила, бу ҳол шу валютага бўлган талабнинг ўсганидан далолат беради. Талаб ўсган валютанинг бошқа валюталарга нисбатан бўлган нархи шунга яраша кўтарилади. Яъни бир валютанинг фоизи ўсганлиги сабабли қарз беришни истаган воситачилар, шу валютани қимматроқ нархда сотиб олишга мажбур бўладилар. Шунинг учун фоиздан олинган даромад, алмашув курсидаги ўсган харажат ҳисобидан, бошқа валюталарда олинадиган даромад билан ўрта ҳисоб тенглаштиради.

Замонавий молия бозорларида молияга муҳток бўлган ташкилот ёки давлатлар ўз эҳтиёжларини нафақат банклардан қарз олиб қониқтирадилар. Молия бозорлари қатишиувчилари кенг миқёсда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли қимматли қофозлар чиқариш йўли билан молия бозорларида айланётган катта дастмакларни ўзларига жалб этадилар. Ушбу молия асбобларини кўллашда банклар кенг миқёсда воситачиллик қиладилар ва мижозларига арzon, тез жалб қилинадиган ва самарали маҳсулотларни таклиф этадилар. Агар бу маҳсулотлардан, яъни қимматли қофозларни кўлланганидан олинадиган даромад, банклар берган фоизлардан юқори ва улар билан боғлиқ бўлган

хатарлар, бозор қатнашувчилари учун пастроқ бўлса, айнан шу маҳсулотлар тез ривож топадилар. Бу жараёнлар 1996-2000 йилларда кескин намоён бўлди ва халқаро бозорларда, банк кредитларига нисбатан қимматли қофозлар орқали молия жалб қилиш жараёнлари тезроқ тарақкий топди. Бу ҳол турли даврларда, яъни қачон банклар берадиган қарзларнинг фойзларидан тушадиган даромад қимматли қофозлар орқали олинадиган даромадлардан юқорироқ бўлгунига қадар ва бу билан боғлиқ хатарлар пасайгунига қадар намоён бўлади. Шу йўсинда банклар берадиган фойзлар қиймати, валюталар алмашув нархлари ва қимматли қофозлар нархлари орасида узвий боғлиқлик намоён бўлмоқда.

2.2. Молия бозорлари ва маҳсулотлари

Молия бозорларида, ҳар қандай бозорлар каби, мол олинади ва сотилади. Олинадиган-сотиладиган мол шаклида молия қабул қилинган, аниқроғи олди-сотдида айнан банк-молия маҳсулотлари қатнашади. Ҳар қандай молнинг конкрет ва абстракт қиймати бўлгани каби молия маҳсулотларининг ҳам маълум хусусиятлари мавжуд. Мумкин бўлган даражадаги хатарларни қабул қилган ҳолда, маълум муддат давомида ундан дастмак шаклида фойдаланиш имконияти бўлиб, молиянинг конкрет қиймати намоён бўлади. Қизиги шундаки, пул агрегатлари таъсири остида, яъни марказий банклар олиб бораётган сиёсат: банк фойзлари, пул айланниш тезлиги, резерв талаблари ва шу каби омилларнинг таъсири остида пулинг сотиб олиш қувватининг ўзгариши билан баробар, молиянинг абстракт қиймати ҳам ўзгаради.

Молия воситачилари

Молия бозорида сотиладиган пул, аҳолининг ва ташкилотларнинг ўз кундалик эҳтиёжларидан, маълум ёки номаълум муддатта, оптика — эркин жамғармаларидан иборат. Бу пуллар қачонки тўлов воситасидан айланма дастмак шаклига кирганида кўпроқ молия ибораси билан ифодаланади. Бу “оптика” пул жамғармаларнинг уларга муҳтож бўлган тижоратчи ишлаб чиқарувчи ташкилотларни топиб сотилиши мураккаб ҳол. Чунки, уларнинг конкрет қиймати маълум аниқ миқдорда — кўп ҳам эмас кам ҳам эмас ва аниқ муддат ундан қисқа ҳам эмас узоқ ҳам эмас билан белгиланади. Алоҳида жамғармаларнинг эгалари хоҳ жисмоний фуқаро бўлсин, хоҳ ташкилот бўлсин бу талабни қониқтириши мураккаб. Жамғарма эгалари ва молия дастмакларига муҳтож бўлган тижоратчиларни келиштириш учун молия воситачилар хизмат қиласи.

Энг қадимги молия воситачиси вазифасини ўтовчи ташкилотлар

— бу банклар. Банклар пул эгаларидан уларнинг шу кундаги ортиқча жамғармаларини ўзларида сақлаб бериш учун қабул қиласидилар. Бу қабул қилингани жамғармаларни банклар молиявий эҳтиёжи бор ташкилотларга қарзга берадилар. Банклар жамғармаларнинг қабул қилинишида тўлаш мажбуриятига кўра белгиланган фоиз ва қарзга берилганида белгиланган тўлов фонзлар орасидаги фарқ банкларнинг фойдасини ташкил этади. Бу йўл билан қарз берувчи шахслар ва қарз олувчи ташкилотлар ўзаро учрашмайдилар. Уларга банклар воситачилик қиласидилар. Банкларнинг вазифаси эркин пул маблағларининг миқдор ва муддат жиҳатидан қарз берувчи/олувчиларни келиштириш.

Банклардан ташқари охирги йилларда молия воситачилари бўлиб, Молия Сармоядори Корхоналари (МСК), Суғурта Жамғармалари (СЖ) ва Кредит Бирлашмалари (КБ) хизмат қиласидилар. Буларнинг ҳаммасининг фаолиятлари бир-бирига ўхшаш. Улар турли майдада сармоядорларнинг эркин молияларини йиғиб, йирик миқдордаги маблағларни ишончли катта қарз олувчиларга берилишини таъминлайдилар. Иккичидан, воситачилар кўплаб қарз олувчиларга молия жамғармасини тақсимлаб, сармояларни ёйиқ ҳолда сақлапига эришадилар. Алоҳида кичик сармоячи бунга эриша олмайди. Учинчидан, воситачилар қарз беришдан олдин, қарз олувчиларни ва уларнинг мақсадларини синчилаб текширувдан ўтказадиларки, агар олувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ хатарлари хаддан ташқари юқори деб баҳоланса, уларга қарз бермайдилар. Алоҳида сармоячилар нафақат малака жиҳатидан бундай текширувларга қодир эмас, балки текширув билан боғлиқ ва қарз олганларнинг фаолиятини кузатиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплай олмайдилар.

Охирги давр ичидан банклар қатори Молия Сармоядори Корхоналари (МСК) кенг ривож топган (2). Буларнинг фаолияти сармоя жамғармаларини бошқаруви билан боғлиқ. МСКлар бир қанча ўзаро боғлиқ жамғармалардан (ЎБЖ) иборат бўлиши ва/ёки уларни бошқариши мумкин. Ўзаро боғлиқ жамғармалар, одатда очиқ турдаги акционер сармоядорлари шаклида фаолият кўрсатадилар. МСКларнинг энг кенг ёйилган тури сифатида ЎБЖ маълум соҳадаги қимматли қоғозларга маҳсуслашган ҳолда ҳаракат қилинчлари мумкин, масалан. Хазина қарз қоғозларида ёки алоҳида тармоқ акцияларида. МСКлар авваламбор кўплаб сармоячиларнинг улар сармояларининг миқдоридан истисно, жамғарма йиғадилар. Муаммо шундаки, алоҳида сармоячи кўплаб мавжуд қимматли қоғозлар ичидан ўзини қониқтирадиганларини танлай олмайди. Бу ҳар бир олди-сотди билан боғлиқ чипта (комиссион) харажатлари, изланишлар нархи ва сармояларни ёйиқ ҳолга келтириш муаммолари билан боғлиқ. Шунинг учун молия

бозори тизимида алоҳида сармоядорлар ўз фаолиятларини Сармоя Жамғармаларига (СЖ) ишониб топширадилар. Уларнинг сармояла-рини бошқарганинг учун, СЖга маълум ўзини қопладиган миқдор-да чипта ҳақини тўлаш уларга қулай келади. Агар МСКлари кўплаб майдада сармоячиларнинг жамғармаларини алоҳида йирик корхонага, кенг ҳар тарафлама текширувдан кейин сармоя қилсалар, улардан фарқли СЖларининг стратегияси, сармояларни ёйиқ ҳолда кўплаб ташкилотларнинг қимматли қофозларида сақланига йўналтирилган.

Молия бозори мураккаблашгани сари қимматли қофозларни чоп этувчиларнинг фаолиятини текширувдан ўтказиш қийинлашиб, жуда юқори малакали мутахассислар фаолиятини ва кўплаб текширилган маълумотни талаб қиласди. Алоҳида сармоячилар иқтисодий жиҳатдан бундай харажатларни қоплай олмайдилар. Молия воситачилари-нинг мижозлари кўп бўлганлиги сабабли алоҳида мижоз учун бу чипта орқали тўланадиган харажатлар оғир ботмайди.

Баъзи давлатларда тижорат банклари ва сармоя банклари банк-лар фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунлар асосида ажратилади. Сармоя банклари кўпроқ янги лойиҳалар билан, уларни баҳолаш ва ҳар тарафлама текширувдан ўтказиш билан шуғулланадилар. Тижо-рат банклари эса кундалик савдо-сотиқ учун ёки ишлаб чиқарувчи корхоналарни айланма дастмаклари билан таъминлашда воситачи-лик қилувчи муассаса.

Молия бозори

Тарақкий этган давлатларда молия бозори, одатда пул бозори ва сармоялар бозорига бўлинади. Пул бозори асбоблари қисқа муддатли, бозорбоб, тез айланадиган ва кам хатарли дастмаклардан иборат. Пул бозори асбобларини баъзан нақд пул қарзи ёки қисқа муддатли қимматли қофоз деб аташлари мумкин. Пул бозори, одатда воситачисиз бозор шаклида амалга оширилади.

Сармоя бозори узоқ муддатли ва хатарли қимматли қофозлар-дан иборат. Сармоя бозоридаги қимматли қофозлар турлари пул бозоридаги асбобларни турларига нисбатан кўпроқ. Шу нуқтаи на-зардан сармоя бозорларини қуидаги бўлимларга ажратган маъкул: узоқ муддатли даромади белгиланган бозор; ташкилот ва корпора-циялар акциялари; келажак шартномалар (фьючерс) ва опционлар даромади бозори.

Пул бозорини даромади белгиланган бозорнинг бир қисми деб тасаввур қилса бўлади. У жуда қисқа муддатли банклар мижозларига ажратган ишончли ёки гаров эвазига ажратган кредитлар ва ўта бозорбоб қарз қофозлари эвазига олинган молиядан иборат.

Молия дастмакларининг сотувчиларини ва олувчиларини учраширадиган ер бўлиб молия бозори хизмат қиласди. Дунёдаги бу борадаги энг машҳур ерлар — Лойдс деб аталмиш Лондондаги суғурта маркази ёки Нью-Йоркдаги Манхеттен даҳаси, Уолл Стрит кўчасидаги брокерлар шаҳарчаси.

Бозорлар ҳар хил йўсинда ташкил қилиниши мумкин. Масалан, олувчи ва сотувчилар бир-бирларини ўзлари қидиришлари мумкин. Бунинг учун рўзиомалар ва бошқа воситалар орқали зълон берилади. Лекин, бу йўл тутилган автомашина ёки уйни ижарага топшириш учунгина қулай. Молия дастмаклари бу йўсинда камдан-кам савдо қилиниши мумкин.

Брокерлар орқали савдо юқорида кўрсатилган услубга қарагандо аича тараққий топган услуб. Бу услуб ташкилий жиҳатдан кўчмас мулк ёки қимматли қофозларнинг олди-сотисини яхши ташкил этиши билан бирга бу бозорни даллоллар бозори деса бўлади. Чунки, улар ўз фаолиятларида чинта тўлови даромадига қаратилган. Брокер ташкилотлари орқали кўп ҳолларда илк бор чоп этилаётган қимматли қофозлар самарали сотилиши мумкин. Илк бор қимматли қофозларнинг чоп этилиши ё бутунлай янги корхоналар ё хусусийлаштирилаётган корхоналар учун амалга оширилиши мумкин. Бундай қимматли қофозлар билан боғлиқ хатарлар юқори бўлганлиги туфайли фақат обрўли брокер ташкилотлари буни амалга ошира олади. Иккинчидан, катта миқдордаги қимматли қофозларни, шу жумладан, акцияларнинг ҳал қилувчи қисмдаги миқдорда савдо-сотиклари йирик обрўли брокер ташкилотлари тарафидан ташкил этилади.

Дилерлар бозорининг брокерлик-даллоллик бозоридан фарқли ўрни, унинг маҳсус соҳадаги мутахассислар фаолияти билан боғлиқлигига. Масалан, улар нафақат маҳсус тармоқ ёки қимматли қофозларнинг маълум турлари ва чинта билан даромад топадилар. Улар ҳар турдаги дастмак ва қимматли қофозларни ўз ҳисобларига сотиб оладилар ва кейин фойдаси билан ўзларининг ва, ёки шерикларининг кенг ширкат имкониятларидан фойдаланиб, сотиб юборадилар. Уларнинг фойдалари нархлардаги фарқдан шакланади. Дилерлар орқали кўплаб иккиламчи қимматли қофозлар олди-сотиси амалга оширилади. Иккиламчи бозор илгари чоп этилган ва энди эгасини ўзгартираётган қимматли қофозлар савдоси билан боғлиқ. Илк бор чоп этилган қимматли қофозлардан фарқли, улардан қозонилган сармоя, уларни чоп этган ташкилотга эмас, сотаётган сармоядорлар ҳисобига тушади.

Ким ошли савдоси бозорининг энг йирик мисоли — бу Нью-Йорк Акциялар Алмашув (New-York Stock Exchange NYSE) бозори. Бу бозорда ҳамма олувчилар ва сотувчилар учрашидилар. Дилерлар

бозоридан фарқли, бозор қатнашувчилари бирма-бир дилерлар орасында ўзига керакли молия асбобларини қидирмайдилар. Бу ерда доим сотилаётган қимматли қоғозлар рўйхати эълон қилинади ва уларга тааллуқли маълумотларни топса бўлади.

Сармоялар ва дастмаклар

Сармоя деганда, одатда ҳозирги мавжуд қийматга эга захира-ларни келажакда ундан каттароқ қийматга эга бўлиш мақсадида маъ-дум фаолиятида тасдиқлаш, сарфлаш ва ҳаракатга келтириш ва шу билан бирга, бу фаолият билан боғлиқ иқтисодий хатарни қабул қилиш деб тушунилди. Масалан, пул захираларига биржадан акциялар сотиб олишга харажат (сармоя) қўлгандар, келажакда бу акциялар-нинг дивиденди шаклида даромад олишга ёки бу акцияларнинг нархлари ўсганидан кейин қимматроқقا сотиб, даромад олишга ва шу билан бирга акцияларни чоп этган ташкилот банкротликка учраган ҳол хатарлилигини қабул қилиши билан боғлиқ. Бошқа мисол: терак кўчатлари захираларини экиб, улғайганидан кейин уларни тўсин си-фатида қурилишга сарфлашда фойдаланиш ёки сотиб, даромад кўриш ва шу билан бирга, уларнинг ўсмасдан қуриб қолиш хавфи, сотувда эришадиган даромад ер, сув, солиқ ва бошқа харажатларни қопламаслик хавфини қабул қилиш. Ушбу китобни ўқишига сарфла-ган вақтингиз ҳам сармоя ва олган билимларингиздан самарали фой-далана олишингиз ёки улар самарасиз қилиши хавфи мавжуд.

Лекин, одатда сармоя деганда, молия сармоялари ҳақида гап кетади. Молиявий сармоялар сармоядорлар учун бухгалтерия ҳисоби-нинг актив қисмида акс эттирилди ва тури шаклда намоён бўлади. Шаклларини аниқ келтириши учун молия активларини, моддий даст-маклардан ажратиш лозим. Моддий дастмаклар деганда, маҳсулот ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатишда, савдо-сотиқни амалга оши-ришида қатнашувчи моддий материаллар, бинолар, асбоб-ускуна ва ҳоказолар тушунилди.

Молиявий дастмаклар моддий дастмакларни ифодаловчи ва моддий дастмакларга бўлган мулкдорлик ҳукуқини билдирувчи қим-матли қоғозлар шаклида намоён бўлади. Булар акциялар, облигация-лар, депозит сертификатлари ва шуларга ўхшаш қарз қоғозлари кў-ринишида айланадилар. Улар нафақат қоғоз шаклида, йилдан-йилга кўпроқ компьютерларда белгиланган электрон ёзувлар шаклида вир-туал намоён бўлмоқдалар. Ваҳоланки, булар моддий ишлаб чиқаришда қатнашмасалар-да, жисмоний ва юридик шахсларнинг ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкдорлик алоқаларини белгиловчи восита ролини ўйнайдилар. Борингки, биз ўзимизнинг

шахсий завод, фабрика, банк, қишлоқ хўжалик корхонасига тўлиқ эга бўла олмасак ҳам, бу корхоналарнинг акцияларини сотиб олиб, уларнинг маълум қисмига эгалик қилишимиз мумкин. Ёки бу ташкилотлар облигацияларни сотиб олиб, маълум муддат даврида улар қозонётган молиявий фойданинг қисмига эгалик қилишимиз мумкин. Хуллас калом, молиявий дастмагингизни бирор ерга сармоя қилмоқчи бўлсангиз, ўша ернинг акцияларини сотиб олиб, фойдасига шерик бўлишингиз мумкин. Сиз сотиб олганингизда сармоя қилган молиянгиз, шу ишлаб чиқариш ёки савдо-сотиқ ёки хизмат кўрсатиш соҳасининг дастмаги бўлиб хизмат қиласди.

Молиявий услублар

Молиявий услуб ёки асбоб деб молиявий дастмакларни олинида ёки сотища қўлланадиган қимматли қофозлар, шартномалар ёки маълум хатарларни қопладиган гаров қофозлари юритилади.

Даромади белгиланган қимматли қофозлар, одатда уларни чоп этган корпорация, олдиндан эълон қилган миқдорда, фоиз ҳисобида тўланишини кўрсатади.

Сузувчан даромадли қимматли қофозлар ё марказий банк ўрнатган фоизга ёки хазина чоп этган қимматли қофозларидан олиш мумкин бўлган даромадга қўшимча бир неча фоиз юқори белгиланади. Марказий банк фоизлари ва хазина қимматли қофозлари ўзгаргани сари уларнинг ҳам даромади шунга яраша ўзгариб боради.

Энг кенг тарқалган молия асбоби — бу Хазина қарзи қофозлари (Treasury bills). Бу давлатлар тарафидан қўлланадиган молия асбоби. Аҳоли ва корпорациялардан қарз олиш учун давлат хазинаси маълум муддатга мўлжалланган Хазина қарз қофозининг чиқарилиши тўғрисида эълон қиласди. Сармоядорлар бу қофозларни эълон қилинган нархдан арzonроққа, маълум муддатга сотиб оладилар. Муддат тугаганида, бу қофозларнинг эгалари уларни Хазина белгилаган тўлиқ нархга алмашиб оладилар. Хазина ўрнатган ва сармоячилар сотиб олган нархларнинг фарқи, сармоячиларнинг даромадини ташкил этади. Хазина қарзи ким ошиди савдосида ёки даромади белгиланган савдода сотилиши мумкин. Хазина қарз қофозлари кам хатарли ва тез нақд пулга алмасилиши мумкин юқори ликвидлик ҳисобланади.

Акциялар энг кенг тарқалган муддати белгиланмаган-қимматли қофозлардир. Акцияларни чоп этган корпорациялар њеч қандай миқдорда фойда вайда қўлмайдилар. Акция эгалари корпорация эришган натижасига яраша, олинган фойладдан ўз акцияларнинг улушига яраша дивиденд оладилар. Бошқа қимматли қофозлар эгаларидан фарқли, акционерлар корпорациянинг Бошқарув амалиётини сайлаш йўли

билин, корпорация бошқарувида қатнашадилар. Агар корпорациянинг фаолияти натижасида олинаётган фойда ошиб борса, унда акцияларнинг нархи ҳам ошиб боради. Ва аксинча, тўланадиган дивидендлар миқдори камайган сари акцияларнинг ҳам нархи пасайиб боради. Бу нуқтага назардан акция қимматли қоғозларининг хатарлари бошқа сугурталанган қоғозларга иисбатан юқорироқ баҳоланади.

Дериватив (derive — олмоқ ингл.) қимматли қоғозлардан олинадиган фойда — шундай даромадки, у бошқа дастмаклар қийматининг ўзгариши билан боғлиқ. Дериватив қимматли қоғозлари — бу опцион ва фьючерс шартномалари. Уларнинг тўловлари бошқа қимматли қоғозлар: акциялар ва облигацияларнинг дастмаклари шаронти ва нархларидан келиб чиқади.

Масалан, маълум корпорациянинг акциялари билан боғлиқ келишилган опционлар олув опционы (Call option) ёки сотув опционы (put option) бўлиши мумкин. Опцион шартномасига кўра келишилган акцияларнинг нархи шартнома муддати даврида белгиланган нархдан ошиб кетса, шартномага кўра, опцион эгаси акцияларни шу белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бунда белгиланган нархдан ошгани опцион эгасининг фойдаси бўлади.

Сотув опционлар аксинча опцион эгаларига шартномада келишилган давр ичида акцияларнинг нархи белгиланган нархдан тушиб кетса, шу келишилган нархда акцияларни сотиш ҳуқуқига эга. Бу билан опцион эгаси ўзини режалаган максимал зиён хатаридан асрайди.

Деривативлар тараққий тоғиган молия бозорларидағи сармоя ва қимматли қоғозлар савдоси фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Бу бозорларда деривативлардан фойдаланишининг асосий йўлланмаси — мавжуд хатарларни бошқариш ва уларнинг олдини олиш. Бу фаолият хатарларни хежлаштириш (hedge risks), яъни сугурталаш, ҳамкорлар ва шериклар билан мавжуд хатарларни ўзаро тақсимлаган ҳолда қабул қилиш билан боғлиқ фаолият тусига кирган. Йирик молия бозорларида бу кундалик фаолият, хатарларни бошқариш атамаси билан кунига кўпраб триллион долларлик шартномалар амалга оширилади. Шу билан бирга, деривативлар жуда катта чайқовчилик фаолияти билан ҳам боғлиқ молия маҳсули. Жуда катта молия ташкилотларининг, банкларнинг, брокер компанияларининг молия дастмакларини (портфелларини) бошқаришда, юқори малакали мутахассислар деривативларни қўллаб, молия тизимларини хатарсизланган ҳолда шакллантириш билан шуғулланадилар.

Фьючерс савдоси деривативларнинг бошқа бир тури. Бунда, қимматли қоғозлар сотувчилари ва олувчилари шартномада келишилган нархда аниқ белгиланган куни, шу кундаги бозор нархлари-

дан истисно, шартномани амалга оширадилар. Бу ҳам савдодаги дастмакларнинг нархи хаддан ташқари тушиб кетиши ёки ошиб кетиши хавфидан суғуртгаланини үслуби.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, фьючерс шартномалари фақаттана қимматли қофозлар савдосига тааллуқли эмас. Бу шартномалар мавсумий нархлар ўзгаришини инобатта олиб, ҳар қандай молларга қўлланадиган ҳол: буғдои, маккажӯхори, олтин, кумуш, нефт ва шунга ўхлаш моллар бозорларида нархлари ўзгариши мумкин бўлган ҳар қанақангич моллар ташкилотларнинг ишлаб чиқарishi молия режасида кўзланган нархлардан қимматроқ нархда олмаслик учун олдиндан фьючерс шартномаси орқали нархлар ўзгариши хатарларини олдини оладилар.

Шу билан бирга молия бозорларининг жуда катта қисмини валюта савдоси билан боғлиқ опион ва фьючерс шартномалари эгаллаган. Масалан, бир валютада қарз олиб, тижорат шартномасини бошқа валютада ўтказадиганлар, қарз олинган валютани керакли валютага алмаштирадилар. Аммо қарзни ва қарз билан боғлиқ фоизларни тўлайдиган вақтдаги валюталар курси улар учун салбий тарафга ўзгариши мумкин. Бу каби хатарларни қабул қилиш учун ҳам, қарз ва фоизларни тўлайдиган кунии белгилаб, қониқарли курсда керакли валютани сотиб олиш фьючерс шартномасини тайёрлайдилар.

Банк тизимидағи муҳим қимматли қофоз — бу Депозит Сертификати. Уни банкдаги жамғарма гувоҳномаси деб атаса бўлади. Мизжозларнинг банк ҳисобларидаги қолдиқ молиялари ёки пул жамғармаларидан фарқли, депозит сертификати эвазига қўйилган жамғарма муддатли бўлиб, то муддати битмагунича, уни эгаси талаб қилиб, олиб кета олмайди. Банк жамғармани ва унга ёзилган фоизни фақат келишилган муддат битганидан сўнгтина қайтариб беради. Депозит Сертификатлари фақат аниқ, одатда катта миқдордаги қимматта чиқарилади. Агар Депозит Сертификатининг муддати битмасдан унинг эгасига дастмак зарур бўлиб қолса, у сертификатни бошқа мизжозга сотиши мумкин. Тараққий топган бозорларда ДС тез айланадиган юқори ликвидли қимматли қофозлар деб ҳисобланади.

Жуда катта корпорациялар, агар иисбатан камроқ миқдордаги молияга муҳтож бўлсалар, улар гаров билан қопланмаган қисқа муддатли қимматли қофозларини чоп этишилари мумкин. Буларни Тижорат қофозлари номи билан атайдилар.

Аkkreditivlар, одатда ҳалқлараро савдони амалга оширишда кенг қўлланадиган молия асбобларидир. Улар баъзан ички бозорларда ҳам қўллананиши мумкин. Ҳалқаро савдода, олди-сотди савдосини амалга оширишда ёки маълум хизмат кўрсатинида шартнома қатна-

шувчилари ҳар хил давлатларда яшашлари сабабли бир-бирларига ишонмасликлари мумкин. Ҳар тараф олдин молларни етказиб беринши ёки олдин тўловни амалга оширишин талаоб қилиши мумкин. Муаммони ҳал қилиш учун ҳар тарафнинг банки қатианиди. Бунинг учун молни олувчининг банки олувчининг номидан сотувчининг номига сотувчининг банки орқали аккредитив очади. Аккредитивда сотувчи бажариши лозим бўлган шартлар кўрсатилади ва шартлар бажарилганилиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжатлар қайси банкка топширилиши кўрсатилади. Масалан, келишилган миқдорда келишилган сифатдаги молни олувчининг номига транспорт воситалари орқали ортилиши. Шартнома бажарилганилиги ҳақидағи ҳужжатлар сотувчининг банки тарафидан текшириб, қабул қилиниши билан, у сотувчининг пулини тўлайди ва олувчининг банкidan бу ҳужжатлар эвазига келишилган нархдаги молияни ундиради. Яъни, аккредитив — бу маълум шартлар бажарилган ҳолдаги қарз тўлов мажбурияти.

Молия бозорининг самараси кўрсатқичи

Молия бозорининг самаравийлигининг энг муҳим кўрсатқичи, қимматли қоғозлар билан боғлиқ аниқ маълумотнинг мавжудлиги. Савдога чиқарилган қимматли қоғозлар нархи ҳақида камдан-кам очиқ савдолашиб амалга оширилади. Амалда хатарлироқ қоғозлар кўпроқ даромад келтиради ва хатарсиз қоғозлар келтирадиган даромад иисбатан пастроқ юради деган иборага орқа қилиниди. Шунга кўра ҳар қандай қимматли қоғозлар ҳақида “бозорда” янги маълумот чиқиши билан бу қоғозларнинг нархи ўзгаришига олиб келади. Ундан ортиқ, нафақат шу қоғозлар, бошқа шу турдаги қоғозларга оид маълумотлар ҳам уларнинг нархларига ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши мумкин. Қанчалик маълумотлар аниқ бўлса, сармоячилар акцияларнинг нархи ошириб юборилган ёки аксинча паст ўринатилганидан бехавотир сармояларини жойлаштирадилар, яъни сармоя портфелларини шакллантирадилар.

Сармоя портфелларини шакллантириши диверсификация жараёни билан боғлиқ. Диверсификация — бу ҳамма молия дастмакни бир ерда сақламай, уни турли тармоқлар, лойиҳалар, ҳар хил қимматли қоғоз турлари ва фарқ қиласидиган муддатларга жойлаштириши билан боғлиқ фаолият. Яъни, диверсификация — хатарларни ёйиш. Агар сармоя портфелидаги бирорта алоҳида сармоя салбий натижага олиб келса, бу билан боғлиқ зиён шу портфелдаги бошқа сармоялар ҳисобидан олинган даромадлар ҳисобидан қопланади. Ва, одатда портфелдаги бошқа қимматли қоғозлардан олган даромадлар, келтирилган зиённи ортиғи билан қоплайди.

Бу нұқтаи назардан, сармоя портфели бошқарувини сүст бошқарув ва ғайратли бошқарувларга ажратса бўлади. Сүст бошқарувни қўлловчилар сармояларининг маълум диверсификациясига эришигач, қимматли қоғозлар нархларини ва улар билан боғлиқ хатарларни ортиқча текширишга вақтларини сарфламайдилар. Ғайратли бошқарувни қўлловчилар ҳар битта сармоялари билан боғлиқ хатарларни изчиллик билан текшириб, агар бу қимматли қоғозлар нархлари улар билан боғлиқ хатарларни қопламаса, улар ўринига бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишига киришадилар ва доим Сармоя портфелларини сифатини шу нұқтаи назардан янгилайдилар.

Агар молия бозори самарали бўлса ва қимматли қоғозлар нархлари улар билан боғлиқ бўлган хатарларни тўла ва аниқ акс этса, сүст бошқарувни қўллани катта харажатлардан озод қиласди. Ва шу билан бирга ўта самарасиз бозорларда иккиласми қимматли қоғозлар савдоси амалга ошиши қийинчилик билан кечади. Шунинг учун ғайратли бошқарув сезиларли харажатларга олиб келиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори

Қимматли қоғозлар бозорида маҳсус ўринини қарзларни қарз қоғозларга айлантирилиши, умумий қарз мажбуриятларини тўлов қоғозлар ёки шунга ўхшаш, дебитор қарзликини ифодаловчи маҳсус молиявий асблоблар шаклида намоён бўлувчи қимматли қоғозлар эгаллаган. Бу асблоблар бошқа, учинчи шахсга ўтказиб берилса оладиган ёки фақат мўлжалланган шахс (хоҳ жисмоний хоҳ юридик) номига бириткирилган акция шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бундай қимматли қоғозлар, маълум дастмаклар билан таъминланган ҳолда кенг миқёсда тарқалиб бориши Farb молия бозорларида секьютеризацияланиш номини олган (Securitie — қимматли қоғоз маъносини билдиради).

Дастмак билан таъминланган қимматли қоғозларининг (ДҚҚ) асосий қийматининг қайтарилиши ва фойзларининг тўлови ушбу дастмакнинг ҳаракатланишидан хосил бўладиган молия оқимларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳаракат билан боғлиқ таваккалчилек ва даромад қимматли қоғозларининг шаклланишига ва уларининг қийматига бевосита таъсир қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу бозорининг шаклланиши — гаровига қўйилган мулк эвазига чоп этилган қимматли қоғозлар чиқарилишидан бошланади. Улар глобал миқёсда дастмакларининг энг катта қисмини ташкил этадилар. Бунинг давоми бўлиб, бозорга таъминланган тўлов асблоблари ва мажбуриятлар шаклида истеъмол кредитлар (автомобил, музлатгич ва шунга ўхшаш узоқ муддатли маҳсулотлар олиш учун ажратилган қарз қоғозлар), ижарали қарз қоғозлар ва молияни жалб қилувчи банклар ва

фондлар чиқарадиган муддати белгиланган қимматли қоғозлар чиқарилади.

ДҚҚ бозорлари йигирманчи асрнинг охирида кескин тарақкүй тошиб борди. Агар 1986 йилда эркин савдода тарқатилган ДҚҚлар 10 млрд. долларни ташкил топган бўлса, 1996 йилга бориб бу қоғозлар миқдори 150 млрд. атрофида эътироф этилган (3). ДҚҚ бозорлари нинг тараққёти қабул қилиниши мумкин бўлган дастмаклар туринг кўпайини ва янги бозорларга ёйилиши билан янада кескин тарзда кенгайини кутилмоқда.

Одатдаги қимматли қоғозлар чиқариш иши Махсус Мақсадли Уюшма (ММУ) шаклланишидан бошланади. Бу уюшма юридик ва молиявий жиҳатдан таъминланишини кўзда тутади. ММУнинг мақсади бир ёки бир нечта даромад келтирувчи дастмакларни сотиб олишидан иборат. Бунинг учун уюшма ДҚҚ молия бозорларига чиқариладар. Одатда, бундай уюшманинг сотиб оладиган дастмаклари паст даромад ёки банкротлик ҳоли учраётган дастмакларни сотиб олиб, молия бозорларидан жалб қилинган сармояларни шу дастмакларни бирлаштириш ёки қайта таъмирлаш йўли билан юқори даромадга эришуви билан боғлиқ ишларга сарфланади. Бу дегани, ММУ амалга оширган ишлар сотиб олинган дастмакларнинг фаолиятидан эмас ёки ММУни ташкил этганинг молияларидан эмас, уларни қайта таъмирланганидан қозониладиган молия оқимлари ДҚҚга тўланадиган асосий қиймат ва фойдасини таъмирлашини кўзлайди. Бу йўсиндаги молияни жалб қилиш банклардан ёки бошқа муассасалардан олинадиган қарзлардан сезиларли даражада арzonлиги билан ажralиб туради. Жалб этилган молиянинг фойдаси аниқ ўрнатилган ёки сузувчан ўрнатилиши мумкин. Улар келишилган муддат даврида (ҳар ой, квартал ёки йиллик) тўлаб борилиши, еки келишилган муддат битгач, ҳаммаси йигилиб тўланиши мумкин.

ДҚҚларнинг нархлари уларга тўланадиган фоизлар миқдорига яраша келиб чиқади. Бошқа кўрсаткичлар баробарлигига, уларнинг даромаддорлиги ДҚҚларнинг иккиласми бозордаги бозордорлиги (ликвидлиги) ва шу каби бошқа сармояларга солиштирганда, уларнинг таваккалчиллик даражаси инобатга олинади. Таваккалчиллик даражаси ДҚҚлар билан боғлиқ хатарлар билан ўлчанади. Асосий хатарлар бу қарздорлик хатари, ликвидлик хатари ва фоизлар хатаридан иборат.

ДҚҚларнинг инсончиллигини ошириш учун бир қанча молиявий услублар кўлланилиши мумкин. Булар қаторида сұғурталашни кўлланиши, махсус ҳуқуққа эга бўлган (субординатли) қимматли қоғозларни чоп этиш, ММУлар қошида махсус молиявий резервлар

ни ташкил этиш ва ҳоказо. Қимматли қоғозлар чиқарилиши билан боғлиқ хатарларнинг тури кўп бўлганилиги учун, уларни баҳолаш ва ДКҚларнинг таваккалчилик даражасини белгилаш билан турли рейтинг агентликлар шуғулланадилар. Бу рейтинг агентликларининг маҳсуллари сармоядорларни ДКҚлар билан боғлиқ таваккаллик даражасини, ҳар бир хатарликнинг унинг ўлчамини келтириш асосида белгилаб беришдан иборат. Рейтинг агентликлари дастмакларни ҳар тарафлама фаолиятини ўрганадилар, уларнинг нимадан ташкил топган ва нимадан иборат тизимини ва аддиявий жиҳатдан қонунга итоатлик даражасини аниқлайдилар. Текширувлар натижасида, улар маълум стандартларга кўра дастмаклар фаолияти ҳақида сармоядорлар учун ҳисобот тайёрлайдилар ва хулоса қилиб, ДКҚлар рейтингига даражасини белгилайдилар.

ДКҚлар келиб чиққанларида, уларни кўпроқ молиявий ташкилотлар сотиб оларди: банклар, нафақа жамғармалари ва бошқа турдаги жамғармалар. ДКҚларнинг нархи 100 минг АҚШ доллари атрофида ва бундан қимматроқ нархларда чоп этилиб келган. Бу нархлардаги ДКҚлар кичик ва жисмоний сармоядорлар учун қўзланмагаи. Ва лекин ўрта ва йирик сармоядорлар ўзларининг сармоя портфелларини режалаш ва оптималь шакллантиришларида бу каби қимматли қоғозларни сотиб олишини қўллайдилар. ДКҚлар иккиласми бозорларга кам чиқариладилар. Уларни олган сармоядорлар, одатда чиқарилган муддатнинг охиригача ушлайдилар ва бундан қўшимча даромадларга эришадилар. Шу билаи бирга, охириги йилларда кичик қийматта эга бўлган ДКҚлар тараққий этиб бориши уларни хариц қилишда кичик корхоналар ва жисмоний шахслар қатнашиши ўсиб бормоқда.

Бу ўйланиши молия бозорларнинг энг муҳим қиррасига айланниб, нул эвазига нул савдоси тараққий этмоқда.

Акциялар бозорларининг кўрсаткичлари

Дунёдаги энг машҳур акциялар бозорларининг кўрсаткичи Америкадаги Доу Жонс Индекслари. Уларни Доу Жонс Ўртача Саноат (Dow Jones Industrial Average) деб аташади. Бу кўрсаткичлар фаолияти 100 йилдан ошди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич Америкадаги 30та энг йирик корпорацияларининг акциялари ўртача нархларини ўзгариб туришини кўрсатади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ҳисоби асосига атиги 30 корпорациялар киритилган бўлсада, булар Америка иқтисодининг ҳамма тармоқларидан ваколатчи сифатида умумий иқтисодий аҳволини кўрсатиб турадилар. Чунки улар энг катта корпорациялар. Агар булардан бошқа корпорацияларнинг акционер капиталлари бу рўй-

хатта кириллгандарнидан ошиб кетса, рўйхатнинг энг пастки қаторидаги корпорация рўйхатдан ўчирилиб, ўрнига янги йирик корпорация кириллади. Доу Жонс кўрсаткичини шакллантирган даврда бу рўйхатта атиги 12та корпорация кирган экан. Ҳозирги кунда у рўйхатдагилардан фақат Женерал Электрик Ко., қолгандар қаторида йўқ бўлиб кетган, парчаланган, бошқа ном билан қайтадан рўйхатдан ўтганлар ва ҳоказо. 1928 йилда кўрсаткич ҳисобидан ўтказилган компаниялар рўйхати 30тага етказилган. 1896 йил Доу Жонс ўз кўрсаткичини ҳисоблаганда, у акционер компанияларнинг ҳамма акцияларининг қийматини кўшиб, уларни компанияларнинг сонига, яъни 12 бўлган. Шунда ўртача акционер корпорациясининг бойлигини зълон қилган. Ҳозирги кундаги ҳисоб шу асосни сақлаб қолган, ва лекин акциялар миқдори ўзгариб турганлиги учун ҳисоблаш тақомиллашибилган.

Ундан ташқари, ҳозирги молия бозорларида кўплаб акциялар бозорларини ифодаловчи кўрсаткич индекслари кўлланади. Булардан энг йириклари Стандарт энд Пур 500 (S&P 500) индекслари 500 йирик корпорацияларнинг акциялари асосида ҳисобланади ва Доу Жонс индекслари қатори аҳамиятга эга. Бозорлар глобаллашгани сари дунёдаги энг машҳур индекслар бир-бирларига солиштирилган дагина акциялар бозоридаги аҳвол аниқланади. Бу Биржалар қаторида: Никей Ўртacha (Япония), Файнейшил Таймс индекси (Буюк Британия) ва ҳоказолар.

Жараёнлар

Молия бозорларининг тараққиёти молия воситалари бажараётган вазифаларнинг ўзгариб бориши билан боғлиқ. Молия воситалари аввалимбор савдо-сотиқни таъминловчи вазифаларни бажариб, бошланғич даврида олтин-кумуш захиралари ва ҳар хил бошқа мол бойликлари билан таъминланган даврдан тараққий топган. У даврда давлат ва бошқарув тизими тарафидан молия айланиши жуда катта назоратни талааб қилмаган. У даврдаги назорат нуткун стандартларини, яъни чоп этилган пуллар ва айланишга чиқарилган молия, мол ва бошқа бойликлар билан таъминланганлиги назоратидан иборат эди. Иқтисоднинг ўсиб бориши, чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат, савдо-сотиқларнинг — молиявий таъминотнинг ўзгариши билан узвий боғлиқлиги билан тўғри корреляцион боғлиқлик сезиларли эмас эди. Молия бозорининг ва тизимининг тараққиёти астасекин мол ва бойликлар билан таъминланган молияни ўрнини фармоиший молия ёки қарз билан таъминланган молия билан алмаштирилиш жарабини вужудга келтирди.

Банк молия тизими шаклланана бошлаган давларда, улар олтин қабул қылиб, эвазига шу олтин билан таъминланган қимматли қофоз (сертификат, банкнот) чоп этар зидилар. Замонавий молия тизимида, банк ва бошқа молия депозитор ташкилотлари қыйматта эга бўлган қофоз ёки пул бирликлари ўрнига, тўлашлари ҳақидаги “ваъдалари” эвазига фойда олишлари мумкинлигини англаб, ўзларининг таъминланган бойликларидан ортиқ миқдорда тўлов ваъдаларини чоп эта бошладилар. Уларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, фақат қисман, таъминланган молия воситалари амалда, қарзлар ваъдасига кўра ва ёки мудхиш шароитларда бошқа молия муассасалари тарафидан олтин ва бошқа бойликлар шаклида талаб қилинади.

Замонавий молия тизими шундай шаклланадики, молия юритувчилар, ҳақиқий таъминланган молия ўрнига, тўлов ваъдаси асосида иш юритиш етарлича қулай ва баъзан самаралироқ. Улар тўлов ваъдасидан имкон борича узоқ муддатлар давомида фойдаланишга ва то ишончлари битгандагина ваъданни ҳақиқий таъминланган молияга алмаштирадиган ҳол юзага келди.

Бу йўлланишда қисман таъминланган жамғарма тизими дастмакларинг имконий қыйматини қисқартирасада, савдо-сотикни юритиши талабини қониқтира оладиган миқдорда молия билан таъминлай олади. Натижада бугунги кун молия таъминоти тараққиёти эришувини молия таъминоти ҳар тарафлама фармоиший ёки қарз билан таъминланган молия билан қопланган. Бу ҳол ҳаттоқи депозит сақловчи муассасалар резерв жамғармаларини ҳам қамраб олган.

Қисман таъминланган резерв тизими банкларга кенгайтирилган миқдорда молия жалб қилиш ва таъминлаш агрегатини яратади. Бу имконият банкларга умумий молия тизимига қаттиқ таъсир кўрсатишни олдини олиш учун марказий банклар, алоҳида тижорат банкларини бошқарув резерв талабларини ўрнатадилар. Аммо, юқорида келтирилган молиявий асбоблар ва молия воситачилари муассасаларининг кўп турлари марказий банклар назорати билан қопланмайдилар. Ундан ташқари, халқаро глобализация ва интернационализация жараёнлари молия бозорларини аллақачон алоҳида давлатларнинг марказий банклари назоратидан четга чиқиб кетишларига шароит яратган.

Бу ҳол халқаро молия бозорларида триллионлаб долларлар молия воситалари назоратсиз айланишига олиб келди. Банклар ва бошқа молия муассасалари қўллаётган агрегатлар, бу молия воситаларини дунё иқтисоди ишлаб чиқарётган маҳсулотдан, кўрсатилаётган хизматлардан ва амалга оширилаётдан савдо-сотиклардан бир неча баробар тезроқ суръатда ўсишига олиб келди. Яъни мажбурият ёки

қарз қофозларида белгиланган мавжуд молия дастмаклар миқдорларининг ўсиш сурати, шунга яраша сармоядан олинадиган фойданинг ўсиши бу жараёнлар давомида таъминланиши жуда мураккаб ҳол.

Бу жараёнларни олдини олишинг бир йўлланмаси бўлиб, марказий банкларнинг масъулиятларини кенгайтириш, яъни улар тарафидан нафақат қисқа пул ва банк тизимидаги молия агрегатларининг масъулияти билан чекланишлари кўзланиши лозим. Буларга қўшимча ҳамма молия бозоридаги фаолият кўрсатаётган муассасаларнинг назорати ҳам юкланиши молия соҳасидаги мутахассислари тарафидан кенг муҳокама қилинмоқда. Шу билан бирга, бунда фақат алоҳида давлатлар миқёсида масалани ҳал қилиниши, лекин халқаро молия бозорларига таъсирини ўtkаза олмаслиги ҳам эътироф этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтши мумкинки, Халқаро молия бозорлари миллий молия тизимлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда ҳаракатда бўлишига мажбур. Лекин Халқаро молия бозорларининг мавқеи устунроқ бўлганлиги учун миллий молия тизимларни, маълум стандартларга кўра мувофиқлаштириши талаби қўйилади. Бу жараёнларни, яний ички молия тизимлар фаолиятини назорат қилиши Халқаро Молия Жамгармасининг (ХМЖ) зиммасига юкланган. ХМЖнинг аъзо давлатларга қўядиган бир қанча талаблар мавжуд бўлиб, бу талаблар ХМЖ шартномасида келтирилган.

Талабларнинг энг муҳими — инфляцион жараёнларни, яъни миллий пул бирлигининг, ишлаб чиқарилаётган Миллий Даромадга нисбатан кўпроқ ҳажмда чоп этилиб, қадрсизланши даражасининг назоратики, мақсад бу жараёнлар авж олишига йўл қўймаслик.

Бу қисмда келтирилган тенгламаларнинг таҳлилидан хулоса қилиб айтса бўладики, инфляцион жараёнларга таъсирни ўtkазаётган омил нафақат (П1)нинг жисмоний миқдори. Яъни иқтисодда айланашётган (П1)нинг миқдори базис ўйлга нисбатан камайган бўлса ҳам, агар пул айланishi тезлиги ундан кўпроқ миқдорда ўсиб борса, ва бу ўсиши товар ишлаб чиқариш ва аҳолига кўрсатилган хизматлар ўсиши билан қопланмаса, инфляцион жараёнлар авж олиши аниқ.

* Пул айланishi тезлашганилиги, одатда иқтисоднинг ҳаракатга келганидан далолат. Яъни янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши, хизматлар кўрсатилиши ва товар айрболаш кўпайшиши билан давом этади. Шунинг учун қўшимчада молияни чоп этиб ёки банк кредитлари орқали янги молияларни, товар/хизматлар билан қопланмасдан, айланшига чиқармоқ салбий натижаларни келтиради ва уларнинг миқдорини кўпайтирилмасдан мавжуд молиянинг айланши тезлигини ошира билши иқтисодий, ишлаб чиқши ва савдо-сотик жараёнларининг ҳаракати тезлашганидан далолат беради. Албатта, бу ҳол мувофиқлаштирил-

ган иқтисодий сиёсат қўлланган шароитга тааллуқли. Буйруқвазлик, ўта юқори солик қўлланилиши, маошларни чеклаш каби бозор иқтисодига зид чоралар қўлланган шароитда, Марказий банклар монетар сиёсатлари самарали натижса бера олмайди ва молия мултиликаторини қисқартириши чоралари салбий таъсир кўрсатилиши мумкин.

(П2) ва (П3)лар тўла ликвидлик хусусиятга эга бўлмасаларда, янги иқтисод қонунлари ҳукм суроётган даврда, ЯММинг қиймати жиҳатдан ўсишига шароит яратувчи, шунга ундаидиган оммиллар сифатида намоён бўладилар. Ваҳоланки, жисмоний жиҳатдан бу қиймат маҳсулот ва хизматлар билан таъминланниб бормаса ҳам, қизиги шундаки, бу ҳол сезиларли инфляцион жараёнлар билан давом этмайди. Чунки, амалда (П1)нинг ўсиши кузатилмайди. (П3)нинг ўсиб бориши эса инфляцион жараёнларга таъсир кўрсатмайди.

Бу ҳол кўплаб қимматли қогозларнинг (акцияларнинг) нархларини уларнинг реал фойда келтира олиши имкониятларидан қаттий назар, ошиб боришига кенг имкон яратади.

Иқтисодиётдаги (П1) пул айланни тезлиги ошганида ЯММ ўсишига бошлайди. ЯММ жисмоний жиҳатдан ўсиб борса, бу иқтисоднинг тараққий топгани кўрсаткичи. Агар нархи ўсадиган бўлса, унда кўпроқ пул миқдорининг ўсгани фақат инфляцион жараёнларни бошлаганингини кўрсатади ва Пул Айланни Даромаддорлигини пасайганингига далил бўлади.

Уибу салбий ҳолни олдини олиши ҳаракатида Марказий Банклар тиёкорат банкларининг депозит базасидан бефоиз захиралар яратиш, бу захираларнинг миқдорини кўпайтириши ёки пасайтириши ҳамда марказлашган фоиз даражасини белгилаш орқали бошқарадилар.

Марказий банкларнинг ХМЖси назорати остида ички молия сиёсатларини амалга оширишлари турли давлатларда молия тизимининг бир қолипга келтирилган умумий ҳол яратилишига олиб кели. Валюталарнинг ўзаро эркин алмашинувининг таъминланиши молия оқимларини бемалол бир бозордан иккинчисига фақат бошқа валютада белгиланган ҳолда ўтишини келтирди. Ўз нафбатида бу глобал умумий бозор яратилишига олиб кели. Глобал молия бозори шароитида алоҳида давлатлар молия маҳсулотларининг қийматларида деярли фарқ ўчирилиб кетиши жараёнлари мавжуд. Яъни бир бозордаги амалдаги ўртacha фоизлар ҳамма бозор қатнашчилари тарафидан бир хил молия маҳсулотлари учун бир хилда қўлланилади.

Замонавий молия бозорларида, молияга муҳтож бўлган ташкилот ёки давлатлар банклардан қарз олиб ўз эҳтиёжларини қониқтибгина қолмай, балки молия бозорлари қатнашувчилари кенг миқёсда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли қимматли қогозлар чиқарши йўли билан молия бо-

зорларида айлангаётган котта дастмакларни ҳам ўзларига жалб этадилар. Уибу молия асбобларини қўллашда банклар кенг миқёсда воситачилик қиласидилар ва мижозларига арzon, тез жалб қилинадиган ва самарали маҳсулотларни тақлиф этадилар. Банклардан ташқари охиреи ўнларда молия воситачилари бўлиб Молия Сармоядори Корхоналари (МСК), Сугурта Жамгармалари (СЖ) ва Кредит Бирлашмалари (КБ) хизмат қиласидилар.

Бу ташкилотлар воситачилигида кўплаб молияни юритувчи услублар ва молиявий асбоблар тараққий топди. Шу жумладан, акциялар ва облигациялар, сугурталанган молия асбоблари — деривативлар: опционалар, фьючерслар; депозит сертификатлари, турли хилдаги вексел ва траттаталар.

Молия бозорининг ва тизимининг тараққиёти аста секин мол ва бойликлар билан таъминланган молияни ўринини фармоший молия ёки қарз билан таъминланган молия билан алмашибтирилиши жараёнини вужудга келтирди. Келтирилган молиявий асбоблар ва молия воситачи муассасаларининг кўп турдаги фаолиятлари — ((ПЗ) ҳолида) марказий банклар назорати билан қопланмайдилар. Ундан ташқари, ҳалқаро глобализация ва интернационализации жараёнлари молия бозорларини аллақачон алоҳида давлатларининг марказий банклари назоратидан четга чиқиб кетишларига шароит яратган.

Бу ҳол ҳалқаро молия бозорларида триллионлаб долларлар молия воситалари назоратсиз айланшига олиб келди. Банклар ва бошқа молия муассасалари қўллаётган агрегаторлар бу молия воситаларини яширинишига унадди. Улар дунё иқтисоди ишлаб чиқараётган маҳсулотдан, кўрсатилаётган хизматлардан ва амалга оширилаётган савдо-сомиқлардан бир неча баробар тезроқ суратда ўсишига олиб келди. Яъни мажбурият ёки қарз қоғозларida белгиланган мавжуд молия дастмаклар миқдорларининг ўсиши сурати, мувофиқлашган ҳолда мoddий бойликларининг ўсиши билан қопланмаганилиги, бу жараёнлар давом этишида, сармоялардан олинадиган фойданинг ўсиши билан таъминланшии жуда мураккаблиги қайс этилиди.

УЧИНЧИ ҚИСМ
МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ
ВА МАФКУРАВИЙ МУҲИТИ

3.1. Макроиқтисодий муҳит

Ҳозирги дунё иқтисодий жараёнларини тушинмоқ учун алоҳида давлат ёки тармоқни ўрганиш самарали натижа бериши муҳокамади ҳол. Ваҳоланки молия бозори иқтисод ҳаракатини таъминловчи энг муҳим соҳа экан, уни умумий жараёнлардан ажратиб бўлмайди. Айниқса йириклианиш-глобализация жараёнлари авж олган сари, алоҳида давлатлардаги тараққиёт жараёнлари халқаро жараёнлар билан чамбарчас боғланниб, ўзаро таъсири остида амалга ошади. Бу таъсири авваламбор молия воситалари ва молия бозорларининг ҳаракатлари белгилайди. Глобализация нуқтаи назаридан қараганда, халқаро иқтисодий тараққиёт ҳар бир ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхонанинг чиқараётган маҳсулоти, хоҳ бу маҳсулот экспортга кетсин, хоҳ ички бозорга мўлжалланган бўлсин, унинг миқдорига, нарх навосига, рагобатдошилигига, фойда ёки заар билингизнига ва шу жараёнлардан хуроса, бўлажак сармоялар жалб қилинишига таъсир ўтказади.

Аниқки, глобал бозорларда ҳар бир давлатнинг макроиқтисоди бошқа давлатларнинг макроиқтисодига боғлиқ бўлиб, уларнинг тараққиёти бир-бирига таъсирини ўтказадилар. Шу билан бирга уларнинг ҳар бирининг иқтисодий жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳар хил. Буюк Брітанияяда чои этиладиган Иқтисодчи (Economist) хафтаномаси ҳар бир сонининг охирги бетларида тараққий топган ва алоҳида, ривожланаётган давлатларнинг молиявий ва макроиқтисодий кўрсаткичларини кўрсангиз, ҳар бир давлат ўзига хос жараёнларга эга. Бу кўрсаткичлар авваламбор давлатларнинг иқтисодий самарасини ифодалар экан, уларнинг таҳлили бу даврлардаги тараққиёт тезлиги ва сармоядорлар учун мавжуд хатарларни аниқлаш имкониятини яратади.

Иқтисодий ва молия кўрсаткичларига қўшимча, сармоялар хатарларини ифодаловчи ҳол — бу сиёсий шаронт ва жараёнлар. Сиёсий жараёнларни ўрганиш, қайси давлатларда қанақа сиёсий кучлар ҳукуматга келгани ва бу билан боғлиқ бу давлат иқтисодий тизимларидаги ўзгаришлар жараёни, давлатдаги ислоҳотлар, солиқ ва ҳоказо иқтисодиётта таъсир кўрсатувчи ва бу билан боғлиқ хатарлар ҳақида хуроса, сармоядорларни бу давлатнинг молия тизимиға муносабатни шакллантиради.

Шу билан бирга унутмаслик керакки, интенсив глобализация

жараёни нафақат халқаро иқтисоднинг фаолиятини жадаллашувини кўрсатувчи ва бозор қатнашувчилари орасида янги тусдаги алоқаларни шакллантирувчи ҳол. Глобализация жараёнини Транс Миллий Корпорацияларнинг тараққиётисиз, яъни миллий иқтисодлардан, иқтисодий алоқалардан устун турувчи салтанатларнинг шаклланиши ва тараққий топишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу салтанатлар шундай қудратга эгаки, уларнинг таъсири нафақат ривожланаётган, ҳатто тараққий топган давлатларнинг иқтисоди, ундан ортиқ ички ва ташкии сиёсатларини шакллантирадилар.

Валюта алмашув курслари

Глобаллашиш шароитида молия бозорлари бир-бирига таъсири кўрсатишларининг энг долзарб соҳаси — бу валюталарнинг ўзаро курсларидир. Курслар бир давлат пул бирлигини бошқа давлат пул бирлигига қандай миқдорда алмаштириб олиш мумкинлигини ифодаловчи кўрсаткич. Шу кўрсаткич орқали, бир давлат пул бирлиги маълум миқдорига, бошқа давлатда қанча мол сотиб олиш мумкинлигини билса бўлади. Алмашув курслари ўзгариб турганлиги сабабли молларнинг чет эл валютасидаги нархлари ҳам ўзгариб туради. Агар сиз эга бўлган пул бирлиги бошқа валютага нисбатан қадрсизланса, сиз ўша валютани чоп этган давлат молларини камроқ миқдорда сотиб олишингиз мумкин. Ва аксинича, сиз эга бўлган валютанинг нархи чет эл пул бирлигига нисбатан ошса, сиз ўша давлатда илгаригига нисбатан кўпроқ мол сотиб олишингиз мумкинлигини кўрсатади. Кундалик алмашув курсларини реал курс ёки инфляцион жараёнини мужассамлаштирган курс деб аталиши мумкин.

Ички макроиқтисодий кўрсаткичлар

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти ўзгача. Уларни ифодаловчи бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар мавжудки, улардан хуоса қилиб, халқаро молия бозорлари иштирокчилари шу давлатга молияларини олиб келадилар ёки кўрсаткичларнинг салбий ҳолларига қараб ўз сармояларини олиб кетадилар.

Энг кенг тарқалган кўрсаткич — Ялпи Ички Маҳсулотнинг (Gross domestic product) ўсиш миқдоридир. Бу кўрсаткич маълум муддат даврида ишлаб чиқилган маҳсулот ва амалга оширилган хизматлар қийматини кўрсатади. Ялпи Ички Маҳсулот ўсиш тезлиги иқтисоднинг кенгайиши, бу ерда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқсан маҳсулотларининг кўпайиши ва сотилишидан далолат берувчи кўрсаткич. Бу кўрсаткич билан баробар

юритиладиган кўрсаткич, бу саноат маҳсулотининг ўсиш суръати, Ваҳоланки, саноат энг муҳим тармоқ ҳисобланганни сабабли, бу кўрсаткич мазкур давлатнинг илгари ривожланган даражасини ва сармоялар таркибини ҳам кўрсатади.

Бюджет тақчиллиги кўрсаткичи ҳам давлат самарасини кўрсатади. Бюджет — бу давлат ҳукуматининг молия режаси. У икки асосий қисмдан иборат: тушум ва харажат. Бюджет тақчиллиги давлат ҳукуматининг амалга ошираётган харажатлари ва даромадининг фарқини кўрсатади. Дунё банкининг изланишларига кўра, йилдан-йилга дунё минёсида давлатлар харажатлари ортиб бормоқда ва бу кўрсаткич мавжудлиги кўп давлатларда оддий ҳол. Энг тараққий топған АҚШда бу олтмишинчى йиллардан бери, баъзи даврлардан истисно, йилдан-йилга узлуксиз давом этётган ҳол. Одатда, бюджет тақчиллигини ҳукумат қарз олиб қоплайди. Қарз хаддан ташқари кўпайиб кетса, кимдан олинганидан истисно, молия бозорини бир қисмини ўзига жалб қилгани учун, тижорий молия бозори қатнашчилари фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бюджет тақчиллиги бир йиллик Ялпи Ички Маҳсулот миқдори билан таққосланади ва у ЯИМнинг 3%дан ошмаслиги тавсия қилинади. Шу билан бирга, энг тараққий этган давлатлар Япония ва Олмонияда ҳам у бу меъёрдан ошиб кетади. АҚШда режалаштирилган харажатларни инобатга олган ҳолда жуда катта миқдорни кўрсатади (2).

Инфляция — сотувдаги моллар нархларининг ўсиш кўрсаткичи. Одатда, иқтисод тизими ҳамиша ўзгариб туради: бунда баъзи тармоқлар ривожланади ва бошқалари сусайди. Бу ҳол албаттa тармоқлараро нархларнинг бир-бирига мувофиқланиш жараёни билан давом этади ва ташки кўринишида нархларнинг бир қанча ўсиб бориши билан давом этади. Шунинг учун йилига икки-уч фоиз инфляция бу иқтисоднинг ўрта тезликда тараққиётини ифодаловчи ҳол. Иқтисод тизими кескин ўзгараётган даврда, баъзи тармоқларга катта сармоялар сарфланади. Бу ҳол, то сармоялар қайтимига эришгунга қадар, нархларнинг кескин ўсиши — сезиларни миқдордаги инфляцион жараёнларга бошлайди. Агар сармоя қилинаётган тармоқлар тўғри танланган бўлса, сармоялар самараси амалга ошган сари, у сармоялар натижасидан бутун давлат иқтисоди фойдаланади, нархлар ўсиши сокинлашиб, иқтисодий ўшишга яхши далда бўлади. Янглиш сармоя сиёсати инфляцион жараёнларни узоқ давом этишига, турмуш даражасини тушиб кетишига ва умумсармоя иқлими ёмонлашувига олиб келади.

Банклар фоизи молия бозоридаги нархларни ва молия бозори самарасини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичdir. Банклар фоизи ҳар

бир давлатнинг марказий банклари олиб бораётган сиёсати билан белгиланади. Фонизлар юқори бўлса, банк қарзларидан фойдаланган ташкилотлар олган фойдасининг катта қисми фоиз харажатларини қоплашга сарфланади ва у корхоналарнинг иқтисодий самарасини камайтиради. Шунинг учун, юқори фоиз мавжуд бозорларда қарзга олинувчи молияга талаб пасаяди. Ва, лекин инфляцион жараёнлар ҳукм сураёттан даврда фоизлар паст белгиланса, тижорий банклар уларга тўланган фоизлар ҳисобидан, молия жалб этган ва қарз бериш фаолиятлари билан боғлиқ харажатларини қоплай олмайдилар. Бу қарама-қаршилик марказий банклар бошқарув амалиёти аъзоларининг банк фоизлари борасидаги сиёсатларини шакллантирувчи энг катта бош оғриқлари.

Ишсизлик даражаси, меҳнатга лаёқатли аҳолидан қанчалик тўйлик фойдаланаётганик кўрсаткичи. Ҳар қанақа давлатнинг миллий бойликлари бошқа табиий ва сунъий бойликлар қаторида иш кучи билан ҳам баҳоланади. Иш кучи сифати аҳолининг соғлиги ва малақаси билан белгиланади. Иш кучи тараққиётига бўлган харажат энг муҳим давлат сармоялари қаторида кўрилади. Юқори даражадаги ишсизлик арzon иш кучини белгиловчи ва чет эл сармоядорларини жалб этувчи кўрсаткич деб баҳолаш хотүғри. Бу кўрсаткичининг катталиги иш кучи тараққиётига етарлича сармоя қилинмаганлиги ва жамият ўз бойликларидан самарали фойдалана олмаганлиги белгиси. Чет эл сармоядорлари нуқтаи назаридан бу ижтимоий муаммо сиёсий ҳатарлар мавжудлигини билдиради.

Реал маош — иш кучидан фойдаланиши самарасини кўрсатувчи жуда муҳим кўрсаткич. Реал маош иккى муҳим омилга боғлиқ. Биринчиси, номинал маош миқдори. Номинал маош ишчи хизматчиларнинг маълум муддат (ойлик ёки йиллик) даврида оладиган ўртacha маошларидан иборат. Иккинчиси — инфляция суръати. Агар инфляция ўсиш тезлиги номинал маош ўсишидан юқори бўлса, реал маош миқдори пасаяди ва аҳоли турмуш даражасини пасайиб боришга олиб келади. Бу шароитда маошнинг рафбатлантириши самараси пасаяди ва жамиядга ноҳуш, салбий ижтимоий ўзгаришлар кучаяди. Шу жумладан порахўрлик, таъмагирлик, турли хилдаги ўғирлик ва сунистеъмолчиликлар, ишсизлик ўсиши авж олади ва умуман иқтисод бошқаруви самараси сусаяди.

Минимал истеъмол савати. Ҳар бир давлат, ўлка, ҳаттоқи алоҳида шаҳар ва туманлар ўзига хос истеъмол саватини белгилаши шарт. Истеъмол саватига кундалик истеъмол қилинувчи энг муҳим озиқ-овқатлар ва ишлатилувчи кийим ва буюмлар ва шу қаторда муҳим

транспорт харажатлар рўйхати киритилади. Истеъмол қилинувчи овқатлар турлари ва кийиладиган кийимлар турлари шу минтаقا урфодатлари, иқлим ва бошқа омиллар асосида шаклланади. Минимал истеъмол савати, бир кишининг энг паст даражадаги ҳаётини тальминловчи истеъмол саватининг пул билан баҳоланганди. Минимал Истеъмол Саватидан кам бўлга жамият хали бозор иқтисоди шароитига ўтмаган деб аталиши мумкин. Чунки бундай жемиятда кўпроқ феодал алоқалари мавжудлиги, бошқарувда иқтисодий услублар эмас, буйруқвозлик ҳукм суриши муқаррар.

Давлат молия сиёсати

Давлат молия сиёсати иқтисод тараққиётини шакллантиришга йўналтирилган давлат харажатлари йўлланмаларидан ва қўлланадиган солиқ миқдорлари ва турларидан иборат. Бу сиёсат иқтисодни тараққий этишига ёки аксинча, сустланишига сабаб бўлиши мумкин. Давлат харажатларининг ўсиши кўпижтимоий харажатларининг қопланишига, илгари бу соҳага бўлган харажатларининг камайиб, бошқа мол ва хизматларга бўлган аҳоли талабини ўстириши мумкин. Солиқлар ўсиши, аксинча харажат имконини камайтириб, мол ва хизматларга бўлган талабни пасайишига олиб боради. Масалан, 1988 йилдан қўлланган Япониядаги истеъмол солиги ички талабининг сусайишига ва иқтисод ўсишининг секинлашишига сабаб бўлган. Солиқ ва давлат харажатлари сиёсатини шакллантириш ўта мураккаб бўлиб, узоқ даврни талаб қиласди. Молия харажатлари ва солиқ турлари шаклланишида катта сиёсий кучлар ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қиласдилар. Ва харажатларни кўпайиб кетмаслигини чегараловчи кўрсаткич — бюджет ётишмаслиги ва у билан боғлиқ муаммолар.

Пул агрегатлари сиёсати

Пул агрегатлари сиёсати иқтисодни молиявий “поналар” (ричаглар) орқали бошқаришига йўналтирилган. Бу сиёсатни шаклантирувчи ташкилот Марказий банклар Бошқарув Амалиёти. Пул таъминотини кўпайтириш йўли билан банк фоизларини туширишига, пулга бўлган талабни оширишига, сармоялар кўпайиши ва шу орқали ишлаб чиқариши, савдо хизмат кўрсатишга бўлган талаб ва ижрони оширишини кўзлади.

Лекин, меъеридан узоқроқ муддат давомида қўлланган бундай сиёсат, агар молияни ишлаб чиқарувчилар жалб қиласалар, талабдан ортиқ маҳсулот чиқарилишига ёки аксинча, истеъмолчилар

жалб қылған бўлсалар талаб ошиб кетиб, инфляцион жараёнларини бошлаши мумкин. Агар молия сиёсати тўғридан-тўғри давлат тарафидан маълум соҳаларга харажатни кўпайтиришни кўзласа, бундан факат шу тармоқлар манфаатдор бўладилар. Ундан фарқли пул агрегатлари орқали молия таъминотини кўпайтириш сиёсати халқ хўжалигини ҳамма тармоқларини рағбатлантиришга қаратилган. Бу шароитда алоҳида тармоқ ва корхоналар ўз таваккаллари ҳисобидан молияни банклардан жалб қилишлари ёки савдо-сотиқ асносида эришган фойдалари ҳисобидан ўз сармояларини кўпайтиришларини кўзлади.

Пул агрегатларини қўлланиши арzon қарз бериш йўли билан молияга бўлган талабни оширувчи услублар ҳисобланадилар. Арzon молияга эришган ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни рағбатлантирувчи омиллар сифатида қўлланадилар. Бу услубни маъқуллаганлар, истеъмол солиқлари камайган ҳолда талаб ошишигига ва бу ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бошлайди деб уқтирадилар. Бу омилларни кенг миқёсда қўлловчилар, иқтисод самарали бўлиши учун ва ишсизлик муаммоларини ҳал қилиниши учун кенг миқёсда молияни кўпайтириш ва истеъмолчилар солиғини камайтириш кераклигини уқтирадилар ва бу ёлғиз самарали услугуб деб ишонадилар.

Ўзини-ўзи бошқарувчи иқтисодиёт

Ўзини-ўзи бошқарадиган иқтисодиётни қўлловчилар кўпроқ корхоналар фойдасига қўлланадиган солиқ сиёсатига эътибор берадилар. Улар фойдага қўлланган солиқ камайтирилган ҳолда, корхоналар кўпроқ сармоя қилишларига ишонадилар. Кўпроқ сармоя кўпроқ маҳсулот етиштиради деб уқтирадилар.

Қайси услугуб кўпроқ қўлланилишига яраша, молия бозоридаги истеъмол молиячилик ёки корпорацион молиячилик жараёнлари авж олишида акс этади. Аслида, тараққий этган бозорларда иккала турдаги молия услублари бир-бирларини тўлдирувчи молия маҳсулотлари ва фискал сиёсатида намоён бўладилар. Чунки, ҳар қандай бозорда қанчалик корпорациялар ишлаб чиқариши тараққий этмасин, солиқлар билан сиқиб қўйилган истеъмол талаби, уларнинг маҳсулотларини сотилишигига шароит бермайди ва бунда истеъмолни қарзлар билан молиялаштириш ҳам самарали натижга бермайди. Ва аксинча, истеъмолчиларни рағбатлантириш, агар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ортиқча солиқлар билан сиқиштирилса, янги сармояларга йўл бермаслиги сабабли, истиқболда иқтисоднинг тараққиётига замин яратса олмайди.

Ишлаб чиқариш айланма даври

Молия бозорларининг самарасига ўтатётган иқтисодий ўсиш ёки сўниш даврининг таъсири катта. Маркетинг назарияси илгари сурувчи бозорга чиқарилган молларнинг кириб келиши, ўсиши, тўйинниши ва сўниши даврлари умумиқтисод жараёнлари миқёсида ҳам кузатилиди. Иқтисод назариясида бу Бизнес (ишлаб чиқариш) цикли ибораси билан ифодаланадиган ҳол. Ишлаб чиқариш цикли ҳар хил тармоқларда ўзгача кўринишда намоён бўлади. Масалан, узоқ муддат давомида фойдаланиладиган моллар: автомашина, телевизор, кирювиш машинаси бозор тўйинган даврда ёки иқтисодий таанглик кучайган даврда талабдан қолишлари мумкни. Ва озиқ-овқат, дорийдармон ва ҳоказо кундалик моллар бундай цикллардан истисно.

Молия бозорларининг ўсиш ва сусайишлари бу цикллик айланма даврдан истисно турла олмайди. Шунинг учун бозор қатнашувчилари умумий макроиқтисодий муҳит шароитлари билан ҳамиша келиштирилган ҳолда фаолиятларини режалаштиришга мажбурлар.

3.2. Мафкуравий муҳит — upper case Конвергенция назарияси ва унинг тақдирни

Молия бозорлари XIX асрнинг охири ва XX аср давомида тараққий этиб келдилар. Бунга қадар банклар ва молия тизими кўпроқ савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни амалга оширишда ёрдамчи ўринни эгаллаган эдилар. Капитализм ёки бозор бошқаруви иқтисодидан фарқли “ноиқтисодий” ёки буйруқ орқали бошқарув тизимлари ҳар хил шаклларда бу давр ичида ҳамиша бир-бирлари билан ҳамкорликда ёки қарама-қаршиликда, кўпинча бир-бирларини тўлдириб турган ҳолда жамиятлар тараққиётига ўз таъсиrlарини ўтказиб келдилар. Ҳаттоқи ўта буйриқвоз ҳисобланмиш, собиқ Совет Иттилоғининг иқтисодий тизимида бозор алоқаларини аҳамиятини инкор қилинмасди, 1965 йилда Брежнев-Косигин раҳбариятида хўжалик ҳисоб киритиш ислоҳотлари амалга оширилгани, шу даврда собиқ СССРнинг иқтисодий ўсиш даражасини йилига 8-10%гача таъминланган. Бунга ўхшаш ислоҳотларга 1978 йилда ҳам уринган бўлсаларда, коммунистик мафкура бозор алоқаларини инкор қилиб, буйруқлар орқали режалаштириш ва унинг устидан назоратни амалга ошириш механизми орқали бошқарув қўллаб келингани. Бундай мафкура ҳукм сурган даврларда, пул ва молия ҳаракатлари маълум аҳамиятга эга бўлсада, банклар ва молиячилик кўпроқ бухгалтер ҳисбот амалларини бажарган деса бўлади. Чунки банклар, режаларга асосланниб

қарз ва сармояларни ажратган, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари шу режаларга кўра қарз ва сармоялардан фойдаланганлар, режаларга асосан уларни қайтарганлар ва давлат белгилаган бир неча фонзин тўлаганлар. Молия-кредит механизмининг аҳамияти пастлиги шундан ҳам маълумки, йил охиригача корхоналарнинг ишлатилмаган молиялари — сўзсиз давлат бюджетига ўтказиларди. Шу билан баробар, йилини фойдасиз, зиён билан битирган ташкилотларнинг етишимовчиликларини давлат бюджети тарафидан қоплаб бериларди. Шунга яраша молия қийматининг аҳамияти паст бўлганлиги ва бу шароитда молия бозори шаклдана олмаслиги аниқ. Энг муҳими, у мафкуранинг мулкчилик алоқалари буига йўл қўймас эди.

Бундан фарқли “озод ўлкаларда” бозор эркинлиги мафкураси ҳукм сурган. Албатта, бу эркинлик маълум қонунчилик ва келишилган қоидалар асосида амалга оширилган. Лекин, бу эркинлик циклик инқирозларга сабаб бўлганлиги учун давлат аралашуви ва халқаро алоқаларни таъминланиши учун халқаро ташкилотлар ўринатган қоидаларга амал қилинишига мажбур этилган. Яъни эркин бозор давлатларида ҳам инқирозларни енгишда ва сиёсий масалаларни ҳал қилишда “иқтиносидий”, бўйриквозлик услублар қўлланган ҳоллар бўлган. Шу билан унугтаслик керакки, бу қоидалар молиячилар-банкирларнинг “олигархлиги” — устунлиги шароитида ишлаб чиқиғанлиги сабабли, молия тизимининг манфаатларини кўзлаган ҳолда шаклланиб келган.

Иккала тизимнинг афзаллик ва камчиликларини инобатга олган ҳолда, йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларда Farb давлатларида “конвергенция” назарияси вужудга келган. Бу назарияга кўра, бозор орқали ва буйруқ орқали бошқарувларнинг ҳар бирини афзалликлари ва ҳар бирини камчиликлари мавжуд. Шунинг учун ҳар бир услугни қўллаётган жамият ўз тараққиётидаги ўзга услугнинг афзаллик тарафларини қўллашга мажбур бўладилар деган хулоса чиқкан (“Конвергенция” инглиз тилида convergence — бир нуқтага келиши маъносини билдиради). Шунинг учун буйруқ орқали бошқараётган жамият иқтиносидий-бозор услубларининг афзалликларини жорий қилишига ва капиталистик тизим кўпроқ давлат тарафидан иқтиносидий тараққиётни мувофиқлаштируванин қўллашга мажбур бўлишлари бу концепцияда таъкидланган.

Собиқ Иттифоқ ва бошқа социалистик давлатлар конвергенция назариясини ионлож ҳолда қўллашга мажбур бўладилар. “Совуқ урушда” мағлубиятга учраши ва социализмнинг битиши бу минтақада, баъзи ўлкалардан истисно, тўхтовсиз бозор иқтиносиди тояларини жо-

рий қилишга ҳаракат қилинди ва замонавий бозор муносабатларининг асоси бўлмиш ғарбий услубдаги банкчилик ва молия тизимини тараққий эттиришга киришдилар. Бу давлатларда ҳукм сурган марксистик иқтисодий назариялар, меҳнат асосида шаклланадиган қиймат назарияси ва у билан боғлиқ ғоялар унутилди. Бунда, кўп ҳодларда шошма-шошарлик ва етарлича замин тайёрламасдан ўтказилган ислоҳотлар катта иқтисодий талофатларга, миллионлаб инсонлар ва оиласарнинг турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Ва лекин, ҳалқаро молия бозорлари, айниқса ғарбий бозорлар бундан ўта манфаатлар топдилар. Шарқий Оврупа ва собиқ Иттифоқ давлатларининг иқтисодлари талофат топаётгани, бу ўлкалардан миллиардлаб долларда бойликлар оқиб кетаётгани қисқа муддат даврида ғарб ўлкалари бу “контрибуция” (6) ҳисобидан бойишлари, уларнинг иқтисодлари сезиларли даражада ўсиши ва фонд биржаларидаги акциялар индексларининг кескин ўсишларида намоён бўлди. Ва қарангки, “ютказган” давлатларнинг иқтисодлари сокинлашгани ва сармоявий муҳитлари соғломлашгани хамиртурушдек ўсаётган ғарбий иқтисодларнинг ва уларнинг фонд биржалари индексларининг сусайинини намоён қилди.

Расмий коммунистик мафкурасини ўзгартирмаган Хитой Ҳалқ Республикаси ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришган. Бу ислоҳотлар сокин сиёсий вазиятда амалга оширилгани ўн йиллар давомида Хитой Ҳалқ Республикасининг иқтисодини стабил 8-12 фонзгача тезликда ўсиб боришини таъминлаб келди. Хитой Ҳалқ Республикаси Коммунистик Партиясининг 16-қурултойи натижаларига кўра Хитой тараққиётини нафақат ишчи ва деҳқонлар, зиёлилар ва бошقا меҳнаткашлар бирлигига, балки эндиликда буларга “илфор” тадбиркорлар ҳаракати ҳам кўшилини билан боғладилар. Яъни, расмий мафкурадаги ўзгаришлар қадам-бақадам бозор ислоҳотлари ва шунга яраша молия тизимининг тараққиётини кўзламоқда.

Тараққий этган “озод ўлкаларда” эса конвергенция назарияси ўзга тақдирга эга. Етмишинчи йиллардаги кучайган ўзаро рақобатни ва шу билан боғлиқ саксонинчи йилларнинг биринчи ярмидаги иқтисодий инқиrozларни енгишнинг асосий ўналиши этиб молия тизимларининг ислоҳотларини янада кучайтирилар, ўз молия тизимларига ва шу орқали ҳалқаро молия бозорларининг ҳаракатларига чексиз имтиёзлар яратдилар. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, саноати тараққий этган давлатларда шу давр мобайнида давлат бошқарувининг ўрни ҳам кескин ўсиб борганини эътироф этиш мумкин. Дунё Банкининг 1997 йилги “Дунё тараққиёті” маърузасида эътироф этишича,

агар 1960 йилда шу давлатлар бошқарувига оид харажатларга Ялпи Ички Маҳсулотнинг 20% дан камроғини сарфлаган бўлсалар, 1980 йилга бориб 40% дан ортиқори ва 1995 йилда сал кам 50% харажатлар давлат бошқарувини ташкил этди (3). Тўғри, бу харажатларнинг қайси қисми ҳарбий ва бошқа унумсиз харажатларга йўналтирилганлигини баҳолаш қийин бўлсада, бу кўрсаткич давлат бошқаруви “эркин бозор жамиятида” аҳамиятининг ўсишидан далолат (4). Шу билан бирга, давлат харажатларининг ва иқтисодий бошқарувдаги унинг аҳамиятининг ўсиши заррача ҳам молия тизимларининг эркинлигига салбий таъсир ўтказаётгани йўқ. Аксинча, молия тизимлари ва бозорлар қийинчиликка дучор келган даврларда давлат тарафидан қоидаларни мувофиқлаштириш йўли билангида, аксарият ҳолларда моддий ёрдам кўрсатилиб ҳам келинган. Баъзида, Оврупа Иттилоғи евро киритилиши балан боғлиқ инфляция ва бюджет тақчиллигини чеклаш кабій чораларни банклар ва тадбиркорларни молиявий чеклаш деб баҳолансада, аслида бу ҳаракатлар Оврупа Бирлигининг молия тизимини мустаҳкамлашга ва ички молия бозорлари ҳаракатларини рағбарлантиришга қаратилган. Қанчалик саноат тараққий этган бўлмасин, молиячилар ҳукм сурадиган давлатларда ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Farb давлатларида конвергенция назарияси бу ерда ҳукм сурадиган Жон Кейнснинг маргинал назарияси, яъни қиймат молларга бўлган эҳтиёжлар асосида шаклланиши назарияси ўрнини боса олмади. Аксинча, маргинал назарияга асосланган ҳолда тараққий этган маркетинг услублари, илгари маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига қўлланилиб, уларнинг харидоргирилгини таъминлаган бўлса, бу назарияни молия бозорларига нисбатан қўлланилиши кенг миқёсда молия маҳсулотлари турларини тараққий эттириди.

Бу борада гаройиб натижаларга эришилди. Молия бозорларининг маҳсулотлари молия асбоблари ҳолида намоён бўлмоқда. Молиявий асбоблар қўлланганлиги натижасида олинадиган фойда, бу асбобларнинг нархини белгилайди. Қизиги шундаки, бу асбобларни сотаётган воситачилар улардан куттилаётган фойдани бер неча, гоҳида юз, ҳаттоқи минг баробар юқорироқ кутилишини кўрсата оладилар. Бунда “PR Public Relations” деган ибора кенг тарқалган бўлиб, унинг асл маъноси жамоа билан алоқаларни англатади ва жамоада керакли тушунчалар ва ишонч яратиш билан шуғулланадилар. Ана шу соҳа мутахассислари йўқ жойдан, мазкур назарияга кўра қўшимча қиймат яратишга муваффақ бўлмоқдалар. Бу жараёнларда виртуал молия дастмакларининг ва асбобларининг ҳаракати жуда катта

аҳамиятта зга бўлиб, реал иқтисод ҳисобланмиш саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларининг аҳамиятини инкор этувчи постиндустрриал ёки янги иқтисод мафкурасининг тараққиети кузатилмоқда.

Мафкуранинг тасдиқланиши, кенг миқёсда, эгалари етарлича жисмоний қийматни, ишлаб чиқмаётган ва белгилаган фойда яратмаётган бўлсада, лекин кутилаётган фойдага орқа қилиб, миллиардлаб долларлик дастмакларни сотиб олиниш жараёнларининг авж олиннишида ва бу ҳол аҳамиятли давр ичидаги давом этиб боришида намоён бўлмоқда. Янги мафкуранинг келажаги борми ёки моддий бойликлар билан таъминланмаган виртуал дастмаклар синадиларми? Ҳар қалай кузатилаётган жараёнларга кўра янги пост индустрисада иқтисод осонликча ўз ўрнини йўқотишга тайёр эмас.

Бозор фундаментализми

Машҳур молиячи Жорж Сороснинг эътироф этишича: “Биз глобал иқтисод шароитида яшаймиз, лекин бизнинг глобал жамиятимизнинг сиёсий ташкиллиги даҳшатга солувчи даражада талабга жавоб бермайди. Биз тинчликни сақлаш ва молия ортиқлигига қарши туриш имконларимизни бой бердик. Бу имконлариз глобал иқтисод синишга маҳкумдир” (5). Унинг таъкидалишича, глобал иқтисод нафақат эркин товарлар ва хизматлар савдоси билан, балки ундан ортиқ эркин капиталлар ҳаракатлари билан ҳам изоҳланади. Ва глобал молия бозори иқтисодий муҳитларга қаттиқ таъсиrotини кўрсатади. Глобал капиталистик тизимни халқаро молия капиталларининг алоҳида давлатларнинг самарасига ўта салбий таъсирисиз ифодалаб бўлмайди.

Бундай салбий вазиятнинг асосида жамиятларда кенг тарқалган бозор ўзи ҳамма янгилиш ва келишмовчиликларни тўғрилашга қодир, унга аралашувнинг хожати йўқ ва глобал иқтисод ҳеч қандай глобал жамоа бошқарувисиз гуллаб тараққий этади, деган ғоя ҳукм суради. Бу ғояга кўра, бозор ҳар бир алоҳида шахснинг манфаатларини кўзлашга ва шу орқали умумжамият манфаатларини қониқтиришга қодир ва шу йўсинада бозор механизми ишлайди деган тушунча кенг тарқалган. Бу дунёқараш XIX асрда вужудга келиб, фаранглар тилида “laissez faire” атамаси билан ифодаланар эди. Шундан бери токи Иккичи Жаҳон уруши тугагунича, халқаро молия капиталларининг ҳаракатлари мавжуд олтин миқдори билан чекланган эди. Бреттон Вудс тизими капиталлар ҳаракати чекланган шароитда савдо-сотиқни амалга оширишга қаратилган тизим эди. Лекин 80-йилларда Маргарет Тетчер хоним ва Президент Роналд Рейганинг ўз ўлкаларида амалга оширган ислоҳотлари бу чекловларни бекор қилди. Уларнинг

ислоҳотлари батамом бозор эркинлигини ва айниқса молия ҳаракатларининг эркинлигини таъминлади. Ислоҳотлар банклар фоизларининг юқори даражасини белгиламаслик, солиқларни қисқартириш, воситачилар ўтказаётган молия операцияларидан олинадиган комиссион тўловларини қисқартириш, чет эл молия фирмаларига ички бозорларга кириш имкониятларини кенг миқёсда қўллаш, хусусийлаштириши ва бу билан боғлиқ қимматли қофозларни тараққий топишини қўллаш, банклар, қимматли қофозлар ва суфурта фирмалари ва бошқа молия ташкилотларини ўзаро рақобатларини қўллашни кўзлади. Бу жараёнлар турли молия маҳсулотларини тараққиётини бошлади ва бу маҳсулотлар ўзаро рақобатлашуви молия операцияларининг самарасини ўстирди. Энди молия эгалари нафақат банкларда депозит сақлаб ёки банк ҳисобларидаги қолдиқларга йиғилган фоизлардан, балки турли хилдаги қимматли қофозлар савдосидан ҳам иқтисодий манфаат топадиган бўлдилар.

Ислоҳотлар бозор иқтисодиётига ўта эркинликни таъминловчи мафкурани яратди. Бу мафкура бозор эркинлиги жамиятдаги ҳар қандай ғоя ва бошқа амаллардан устунлигини таъминланишига қаратилган. Бундай бозор эркинлигини Жорж Сорос — Бозор фундаментализми деб атайди. Бозор фундаментализми жамиятдаги ҳамма ҳаракатлар ва инсонлар орасидаги ўзаро алоқалар маълум операциялар шаклида ва шартномалар асосида амалга ошишини талаб қиласиди ва улар албатта ягона ва умумий ўлчагич пул-молия билан ўлчанишлари ва унинг воситачилигига амалга ошиши керак. Бу бозор мафкурасининг иқтисод ва тадбиркорликдан ташқари турувчи соҳаларга тарқалиши жамиятда бузувчилик ва иймонсизлик жараёнларини яратади. Лекин бозор фундаментализми шунчалик кучайиб кетганки, ҳар қанақангига уни чеклашга журъат этган сиёсий кучларни у кўнгилчанлик, бефаҳмлик ва соддалик деган иборалар билан тамғалайди. Бозор кучлари билан бошқарилмайдиган инсон ҳаётидаги талай соҳалар қаторида морал қийматларидан оила алоқалари эстетик ва ақл-фаросат эришувларига қадар соҳаларга ҳам бозор фундаментализмининг ҳукми чегараларини билмайди. (5)

Халқаро миқёсда, бозор фундаментализми ҳукм сурини шароитида молия капитали имтиёзли ўринни эгаллаган. Ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларига нисбатан молия ўзининг енгилроқ ҳаракатчанлиги — мобиллиги билан ажralиб туради. Молия капитали хоҳлаган тарафига оғади ва энг юқори баҳоланади ва мукофотланади. Тараққиёт омили сифатида ҳамма алоҳида давлатлар уни жалб қилиш учун ўзаро рақобатда курашадилар. Ана шу устунлиги учун ҳам молия капи-

лаллари молия ташкнологларида узлуксиз жамғарилиши давом этади ва халқаро корпорациялар орқали савдога чиқариладилар. Бу жараёнларда молия бозорлари воситачилик қилидилар.

Ушбу умумжаҳон глобал жараёнлари жаҳон миқёсида бошқарилмайди. Сиесий ва ижтимоний ҳаётни бошқарувчи асосий бирлашмалар миллий давлатлар миқёсида қолган. Бунда халқаро ташкнологлар ва халқаро қонунчиллик, ҳозирги кун амалиётида урушни ёки кенг миқёсда инсон ҳуқуқларини поймол қилишини баргараш қилиш учун етарлича куч-қудратга эга эмаслар. Шу қаторда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳаракатлари ҳам қониқарли даражада эмас.

Глобал молия бозори ҳар қанақанги миллий ва халқаро назоратдан истисно қолган. Аксинча, у ўзи хоҳлаган давлат, минтақа ва соҳани ўз назорати остига олишга қодир. Ҳар қанақанги сиесий ва миллий кучни у хоҳ иқтисодий ёки давлат, ёки давраларниң ҳарбий кучларини ишлатиб енгигб ўтишга қодир. Ва молия бозори таъсирини ўтказа олмаган давлат ва минтақаларга ўзининг эркинлик даъвосини давом этиб бормоқда.

Уруш ёки тинчлик?

Уруш ва тинчлик ғоялари қадим замондан файласуф ва жамият шуносларниң фикрини ўзига жалб қилиб келган. XIX аср машхур файласуфи Малтус урушни инсоният тараққиётида муҳим ва керак бўлган ҳол деб баҳолаган. Унинг ғоясига кўра аҳолининг ўсиш тезлиги ишлаб чиқариш кучлариниң ўсиш тезлигидан юқори бўлгани учун, ҳар 25-30 йилда албатта уруш бўлиши табиий ҳол деб баҳолаган. Уруш давомида аҳоли сони камайиб, ўз ўрида ишлаб чиқарин кескин ривожланади ва шу орқали, маълум миқёсда тенглик яратилади. Аммо бу ҳол демографик ўзгаришлар сабабидан, узоқ давом этмайди. Ва яна уруш бошланиши табиий ҳол деб уқтирилган.

Бошқа ўша даврда яратилган машхур назария, бу К.Маркс ва Ф.Энгелснинг класслар, табақалар орасидаги қарама-қаршилик асосидаги тараққиёт назарияси — тарихий материализм. Уларниң назариясига кўра инсоният тараққиёти ва иқтисодий формацияларни ўзгариши табақалар орасидаги тўқнашувлар натижасида амалга ошиди. Шу тўқнашувлар сабабли, қўлдорлик даври феодализмга алмашган ва феодализм ўрнига инқилоблар натижасида капитализм тараққий этган. Улар ўз назарияларидан рухланиб, охирги инқилобгача чақиришган. Назарияга кўра, инқилоб натижасида табақасиз жамият яратилиб, тенглик, озодлик тотувлик ва одамийлик жамияти ҳукм сурини керак эди.

Ўта одамийлик (гуманистик ғоя) ҳисобланиб келинган назария-

ни амалга оширишга уриниши баъзи ҳисобларга кўра Сталин, Мао Цзэ дун, Пол Пот ва бошқа шунга ўхшашиб тизимлар ҳукм сурган даврда 100 млн. га қадар инсонлар умрини қесган. Албаттага бундай ҳисобларни эътироф қиливчилар ҳам бор. Масалан, Ўрал Дорилфунийни профессори Станислав Некрасов эътироф этишича, қурбонлар сони 100 млн. эмас “атиги” 15-20 млн. атрофида ташкил топган (6). Ва янги жамият яратилаётган бир мудхиш даврда бундай қурбонлар ўзини оқладиган ҳол экан.

Келтирилган назариялар ўзаро сезиларли фарқ қилиши билан бирга уларни бирлаштирувчи кўрсаткич — бу уларнинг материалистик, динсиз аснода яратилганлиги. Бундай назариялар алоҳида инсонлар ҳаётининг қийматини математик сонлар билан ўлчайдилар. Шунинг учун бу ғоялар назарий жиҳатдан инсонпарварлик ва тараққиётпарварлик руҳида яратилсада, уларни амалга оширишда айнан ионинсонийлиги, абадий қийматларга қаршилиги ва жирканч тизимни яратганлиги намоён бўлган.

Шунга қарамасдан марксизм назариясининг иқтисодий қисми: қиймат назарияси, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариши назарияси ва ҳ.к. ханузгача реал иқтисодни бошқаришда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Реал иқтисодни деганинг асосида замонавий неоиқтисод қўлданиши батамом реал иқтисоднинг моддий аҳамиятини никор қилиши билан боғлиқ.

Машҳур америкалик иқтисодчи Г.Б. Литвак янги иқтисодни турбокапитализм деб ифодалайди. Турбокапиталистик иқтисодга, классик-саноат капитализмидан фарқли, молия бозоридаги чайқовчилик олди-сотдилар солиштириб бўлмайдиган даражада ўсиб кетади. Илгариги шароитда ҳам бу чайқовчилик маълум аҳамияттага эга бўлсада, у умумиқтисоднинг бир тармоғи сифатида намоён бўлган. Бунда чайқовчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқ билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, улар орасидаги фарқ катталашиб кета олмас эди. Эндилидаги шароитда қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситалар чайқовчилиги нафақат алоҳида тармоқ ҳолида шаклланган, бу тармоқ ҳамма бошқа тармоқларининг устида турувчи, бошқарувчи ва назорат қиливчи соҳа тусига кирган. Мазкур шароитни вужудга келиши ва сақланиб бориши неоиқтисоднинг маҳсус кўриниши билан боғлиқ.

Янги иқтисоднинг маҳсуслигини ифодаловчи омиллар қаторида реал иқтисоднинг тадбиркорлар назаридаги аҳамиятининг пасайиши билан боғлайдилар. Бу концепцияда дастмакларининг сармоя қилининшигин тармоқлараро таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Классик иқтисод назариясидан фарқли неоиқтисод шароитида сармоялар ишлаб чиқариши, савдо ёки хизмат кўрсатиш тармоқларига

змас, реал иқтисоддан узилган алоҳида фаолият кўрсата бошлаган фонд биржалари нореал (виртуал) молияларга, қимматли қоғозлар бозорларидаги чайқовчилик, турли хилдаги сугурталанган олди-сот-диларга сармоя қилинмоқда. Классик кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш назариясига кўра, ҳар қанақанги иқтисодда аввалам бор иккинчи гуруҳдаги тармоқлар: савдо-сотиқ, енгил саноат ва озиқ-овқат билан боғлиқ тармоқлар тараққий топиб, бу тармоқларда йиғилган фойда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарилишига (оғир саноатта) сармоя қилинади. Оғир саноат ишлаб чиқарган ишлаб чиқарии воситалари иккинчи гуруҳ тармоқларига тадбиқ қилинади, бу ерда иш унумдорлигини ва сармоялар самарасини оширади ва фойда йиғилишини жадаллаштиради. Йиғилган фойда яна кўрсатилган ишлаб бўйича айланади. Бу йўлланиш, классик иқтисодга кўра, умумий иқтисодий тараққиётни таъминлайди.

Лекин ҳозирги замон молия бозорларининг тараққиёти, глобал иқтисод ҳукм сурган даврда, сармоялар таъминоти учун иккинчи гуруҳ тармоқларини тараққиётини таъминлашгаш ҳожат қолмадики, молиявий тизимнинг талабларини бажарган ҳолда, етарлича сармоя маблағларини истаган тармоқларга жалб этиш мумкин. Шу билан бирга, молия тизимининг талаблари қатъий. Бу талабларни бажармаган ўлка ва давлатлар турли хилдаги босимларга мубтало бўлишлари ва ҳатто ўз бошларига уруш орттиришлари ҳам муқаррар.

Ҳозирги кунда оммани ўзига жалб қилаётгани уруш ё тинчлик масаласига оид ғоялар — бу амалий геосиёсат ва маданиятлар (цивилизациялар) тўқнашуви назариясидир. Ушбу ғояни илгари сураётган сиёсатшуносларнинг (7) фикрича, ҳозирги кунда жаҳон бўйича саккизта энг асосий маданиятлар мавжуд. Бу Фарбий (Оврупа ва Шимолий Америка субмаданиятларини ичига қамраган), Конфуциан, Япония, Исломий, Хиндуий, Православ-Славян, Лотин Америкаси ва базки Африка маданиятларидан иборат. Бу назарияга кўра жаҳондаги ҳар қанақанги тўқнашувлар асосида ана шу асосий маданиятлар орасидаги қарама-қаршиликлар бўлар экан.

Назарияга кўра, тўқнашувлар оддий ҳол бўлиб, инсоният тараққиётида ҳамиша давом этиб боради. Бунга сабаб, биринчидан “Маданиятлар ўзаро тарихлари, тиллари, урф-одатлари, удумлари ва энг муҳими динлари билан ажralиб турар эканлар. Бу фарқлар нафақат реал, улар ҳар қанақанги маданиятларнинг ўзаро алоқалари асосида турар экан. Турли маданиятга лаёқатли маданиятлар худо ва инсон, шахс ва жамоа, фуқаро ва давлат, ота-оналар ва фарзандлар, эр ва хотин орасидаги алоқаларга турлича нуқтан назарга эгалар ва бун-

дан хулоса бўлиб турлича ҳукуқ ва масъулият, эркинлик ва ҳокимлик, тенглик ва табақачилик дунёқарашлари шаклланган” (8). Халқлар ва миллатлар орасидаги тўқнашувларга асрлар давомида ана шу фарқлар асосидаги қарама-қаршиликларга сабаб бўлиб келган.

Иккичидан, алоқа воситаларига ва транспорт воситаларига фантехника ютуқларининг жорий қилиниши ер юзини кичкина жойга айлантириб қўйган. Шунинг учун турли маданиятларнинг ўзаро алоқалари жадаллашибди ва маданиятлар ўзларининг бошқа маданиятларидан фарқларини ва маданиятлар ичидаги ўзликларини жадал суръатларда англаб бормоқдалар. Бу фарқларни англаш, ўзга маданиятларга кўпроқ салбий туйғулар билан муносабатларни ва ўзликларининг тарихий илдизларига суюнч яратишга интилишларига бошламоқда.

Учинчидан, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий ўзгаришлар дунё миқёсида халқларни маҳалий жамоаларга ажратиб бормоқда. Бу жараён миллий давлатларнинг жамоа бирлигини таъминловчи ташкилот сифатида сусайниши билан давом этиб келмоқда. Бу сусайганлик натижасида келиб чиқаётган бўшилиқни кўп ҳолларда дин эгалаб келмоқда. Динларнинг бу турдаги ҳаракатлари ғарбий насронийларда (Христианларда), яхудийларда, буддапараастлар, ҳиндулар ва ислом динларида “фундаменталистик” тусда намоён бўлмоқда.

Тўртингчидан, маданиятларнинг ўзларини англаш жараёнлари ғарб дунёсида иккى хилда намоён бўлиши билан давом этмоқда. Бир тарафдан ғарб дунёси энг кучга тўлган даври. Ва ғарб турмуш тарзи, одатда Американики, бошқа ғарбий бўлмаган маданиятларнинг кундалик ҳаётларига тадбиқ қилиниб кетган. Бу кийинишларда, одатларда, маданий хордиқ, ва бошқа ҳолларда ўзга ўлкалар оммасида кенг тарқалган бўлсада, у ердаги юқори табақаларга оид бўлганлар ўзликларини, маданий илдизлар ва удумларини тиклашга интилишлари жадаллашган жараёнларда намоён бўлмоқда.

Бешинчидан, маданий атфол ва фарқлар паст эгилувчанлик ва келишмовчиликлари даражасининг юксаклиги билан сиёсий ва иқтисодий масалалардан ажралиб турди. Шу билан бирга, бу борада миллий ва аймоқлик муносабатлардан устун, диний келишмовчиликлар маданиятлар орасидаги фарқларни кескин ифодалайди.

Геосиёсатчиларнинг таъкидлашича, жамиятлар маданиятини жуғрофий мұхит, иқлим, шу минтақа тузилишининг таркиби: тоғлар, чўллар ва ўрмонлар мавжуд ёки йўқлиги таъсиrotи остида шаклланади (9). Шу нуқтаи назардан маданиятлар теллурократия денгиз бўйи орол маданияти ва талассократия ўрта ер маданиятига ажратилади. Назарияга кўра, бу маданиятлар орасидаги қарама-қаршилик Ғарб

давлатлари ва Шарқий Оврупа давлатлари гуруҳлари орасидаги со-вуқ урушга асос бўлган. Фарб давлатлари дengиз маданиятига савдо-сотик, техника ютуқларини жорий этиш ва бозор муносабатларига асосланган тараққиётга интилиши ва у билан боғлиқ молия тизимини ўта ривожлантирганлиги билан ажralиб туради. Собиқ Иттифоқ ва у тарафдори бўлган Шарқий Оврупа давлатлари кўпроқ урф-одатларни сақловчи иерархик бошқарув, рухий қадриятларга интидувчилиги билан ажralиб туар эмниш. Совуқ урушда шарқий блок мағлубиятга учраганлиги ғарбий дунёкараш ва қийматларни илгариги социалистик давлатлар ҳудудига ёйилишига замин яратган деб уқтирадилар.

Келтирилган уруш ва тинчлик назариялари турли ғояларининг ҳокимлигини амалга оширишга хизмат қиласидилар. Бунда, албатта дунё мафкурасини ўзига бўйсундиришига интилаётган халқаро молия тизими ва шу тизим ҳаракатидан манфаатдор доиралар халқлар ва маданиятларнинг ўзаро қарама-қаршилиги ва тўқнашувлари қай йўсинда амалга оширилиши, уларнинг ҳокимлиги ўрнатилиши йўлида диний урушларни ташкил қилиш, минтақавий бозорларни очиш ва ёпиш, қайси минтақада ва кимлар урушишини, маҳалий ҳукуматларни халқаро молия тизимига бўйсундириш услубларини ҳал қиласиди.

Бу қисмдан холоса қилиб шуни айтса бўладики, молия бозорларининг самарали фаолият кўрсатиши учун маълум муҳит мавжуд бўлиши шарт. Аввалам бор мажкур шарт иқтисодий тизим барқарорлигига ва молия тизимининг эркин ва шонончи ҳаракат қилишига мўлжалланган қонунчиликка асосланилишини талаб қиласиди. Бу қонунчилик ҳар бир алоҳида миллий давлатларда шу миллатнинг урф-одатлари ва удумларини ишобатга олсада, умумий халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини талаб этади. Шу жумладан, миллий давлатлар ҳукуматларидан молия тизимини бошқарувчиси Марказий банкларининг эркинлигини, инфляцион жараёнларга йўл қўймасликни, миллий валютанинг кундаклик савдо бўйича конвертациясини таъминлашини, гарбий услубдаги демократия қондаларини ўрнатишни ва бошқа умумий стандартларни бажарилишини талаб қилинади. Бунга эришининг қатор кўрсаткичлари ва турлича бошқарши услублари мавжуд. Ана шу стандартларга алоҳида давлатларнинг ички иқтисодий муҳитлари мувофиқлашганида, халқаро молия эркинлиги учун тўла шароит яратилиб, молия оқимлари тўсиқларсиз ҳар қандай давлат чегараларини кесиб кирадилар ва яно бемалол бу давлатнинг молия бозорларини тарк этадилар.

Шу билан бирга, халқаро молия тизимининг фаолияти дунё миқёсида маълум ғоялар ҳуқм сурини шароитида самарали фаолият кўрсатишлари мумкин. Акс ҳолда эркин молиялар ҳаракатига ва молия таш-

килтларининг фаолиятларига түрлича тұсқынліктар яратылышы мүмкін. Сөвүк уруши давомида яратылған конвергентия назарияси бозор иқтисодиёті ва планлы-марказлашған гояларниң қарама-қаршишлигини ҳал құлувчы услугуб шактада вұжуда келген. Тарих тақозоси билан режали-марказлашған иқтисодиёттегі маглубиятта учраб, унинг мафкуравий назариясидан батамом езеки болды. Аксинча, бозор иқтисодиётининг мафкуравий асоси бўлмиши "маргинал" назария тараққиёті молия бозорлары тараққиёті асосида пост-индустриал гоялар янги иқтисод мафкурасининг тараққиётига замин сифатида хизмат қилди.

Ҳар қанақанға янги назария яратылышы даврида етарлича асосланып маган деган турушунча янғын иқтисод гояларига ҳам таалуқты. Лекин көлтирилған жараёнлар, амалда молия бозорларининг ислоҳотлари, янғы иқтисодининг тараққиёті мавжуд бўлибгина қодмай, у ўзини ҳимов қилишига етарлича кучга эга эканлығы ҳам намоён бўлмоқда ва ўз кучини шилатиб, хоҳ урути хоҳ бошқа йўллар билан бу мафкурани кенг ёшишига, дунё мафкурасига айлантиришига тайёр.

Ҳар қанақанға урушдан биринчи жасабр топғувчи — бу ҳақиқат. Лекин ҳақиқатни түрлича ифодалаши мүмкін ва бунга түрли назариялар хизмат қиласы: *Малтус назарияси, Синфлар кураши назарияси, Маданиятлар түқнашуви ва Геосиёсат назариялардан* фойдаланылышы мүмкін. Мұхимни мафкуравий ҳокимлікка әршиши. PR мұтахассислари айнан шу орқали бола-чақаларини боқадылар.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ
МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ ЙИРИКЛАНИШ
ЖАРАЁНИ

Тарақкүй этган ва ривожланаётган давлатлар бозор иқтисодиети мағкурасини қабул қилиб, умумий иқтисодий стандартларга эришгандар, уларнинг иқтисодлари орасида савдо-сотиқ алоқалари жадаллашишига кенг имкониятлар яратди. Халқаро иқтисодий алоқаларниң жадаллашиши интеграцион ва ҳамкорлик ришталарини чуқурлаштириди ва кенгайтириди. Бунда алоҳида корхоналарнинг, савдо бирлашмаларининг ва молия-банк муассасаларининг дунё миёсизда мисли кўрилмаган даражада йириклиши кузатилмоқда. Йириклиши жараёни деганда, инглиз ва рус тилларида глобализация деган атамани ифодалашга уринамиз.

Ричард О.Брайаннинг ифодалашича, “Глобаллашини халқаро ва кўп миллатларга хос қисмларни кучли даражада бирлашувини ўз ичига олади. Ҳақиқий глобал хизмат ички чегараларни тан олмайди ва ўзини дунё бўйича таклиф этади, миллий хусусиятларга чекланган эътибор беради” (1).

Аслида глобализация нафақат йириклиниш ва катталашини жараёнини ифодалайди, балки глобал деганда, давлатлар ва минтақалар чегараларини инобатга олмаган ҳолда, уларнинг тиллари, урфодатларидан қатъий назар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларнинг бир-бирларига ўтказаётган таъсиirlарининг кенгайиб ва чуқурлашиб бораётгзи жараёnlарни англатадиган ва шакллантирадиган ҳол.

Молия бозорлари глобалланиши ҳақида гапиарканмиз, Рой Е. Аланининг қуйидаги ифодалаши бизга тушунча беради: “Молия бозори глобалланиши қарз олувчи, қарз берувчи ва бошқа сармоячиларнинг қиммат бўлмаган халқаро воситачилари орқали шартномалар тузиш имкониятларининг кўпайишини билдиради” (2).*

Шу билан бир қаторда, маълум жиҳатдан глобалланиш ҳеч қандай янги ҳол эмас, бу интернационалланишнинг кўриниши холос, деган фикрлар ҳам иқтисодий адабиётда учраб туради.

Интенсив глобализация жараёни нафақат самарали иқтисоднинг кенгайиши ва унинг жадаллашган ҳолда маълум иқтисодий жиҳатдан кенг ҳамкорлар ўзаро алоқа боғлашини билдиради. Бу ҳол кенг миёсда, транс миллий корпорацияларнинг (ТМК) иштироки ва бошқаруви остида, миллий мавқелардан устун турувчи буюк иқтисодий салтанатларнинг шаклланиши, ўта иқтисодий бирликларнинг тарақкүй

топишини ифодаловчи ҳол. Бу салтанатларнинг таъсироти шунчалик кучли бўлиб шаклландик, улар ҳар қандай, нафақат кичик ва ўрта ҳол давлатларнинг, балки энг буюк давлатларнинг олиб борадиган сиёсаларига таъсиротларини ўтказиб, шу сиёсал шаклланишининг энг муҳим омили сифатида намоён бўлдилар.

Шундай экан, глобалланишда иқтисодий жараёнларни сиёсий ва ижтимоий жараёнлардан ажратиб, алоҳида бир ҳол сифатида кўриш ўтаётган жараёнларни тўқислигича акс эттира олмайди. Бу нуқтаи назардан интернационализация жараёни мавжуд ҳолнинг фақат бир тарафини, кўпроқ иқтисодий жиҳатдан ифодаловчи ҳол.

Глобалланиш ва интернационаллашиш ҳолларини ажратиш учун Барри Жонс жадвалда ҳар хил соҳаларда бу жараёнларни маҳаллий бозорларга, халқаро тараққиётга таъсирини кўрсатишини келтиради (3).*

Биринчи ва иккинчи жадвалларни кўринг.

Глобаллашиш дунё аҳамиятига эга бир қанча тез тараққий то-паётган жараёнларни бошлади. Булар:

- кенг миқёсда товарлар, хизматлар, молия ва сармоялар, иш кучининг давлатлар ва тармоқлар орасида ҳаракатга келиши;
- халқаро молия бозорларида валюта ва молия операцияларининг кескин кўпайиши.

Биринчи жадвал

Интернационаллашиш ва глобализация орасидаги ўхшашилик ва фарқлар савдо соҳасида

Интернационаллашиш жараёнида	Глобалланиш жараёнида
Экспортнинг ўсиши Соф Миллий даромадининг ўсишига боғлиқ пропорцияда ўсади	Ички бозорда истеъмол қилинишидан истисно ҳамма моллар ва хизматлар экспорт қилиниши кўзланади
Миллатлараро қўшма корхоналар ва кооперация асносида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ўсиб боради	Миллатлараро ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кенг миқёсда оддий ҳол
Чет эл сармоялари ўсиб боради ва лекин ички ва маҳаллий (регионал) сармояларга нисбатан миқдорий жиҳатдан камроқ аҳамиятга эга	Чет эл сармояларининг миқдори ички сармоялардан ошиб кетади ва ёч қандай минтақавий боғлиқликни акс эттирмайди

Интернационализации жараёнида	Глобалланиши жараёнида
Маҳаллий ва минтақавий ишлаб чиқариш чет элдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар олдида ички бозор учун устунлиги аник	Ишлаб чиқариш дунё миқёсида кенг ва текис ёйилган ва ҳеч қандай минтақалар билан пропорционал боғлиқлик сезилмайди
Чет элларда амалга оширилган илмий изланишлар натижалари жалб қилиниши ўсиб боради, лекин маҳаллий ва минтақавий даражадан нисбатан камроқ ўринга эга	Илмий изланишлар ва тараққиёт дунё миқёсида кенг ва текис ёйилган ва ҳеч қандай минтақалар билан пропорционал боғлиқлик сезилмайди
Чет элларга сотувлар кўпайиб боради, лекин ички сотувларга нисбатан камроқ миқёсда қолади	Фирмалар сотуви дунё миқёсида амалга оширилади ва ҳеч қандай минтақалар билан боғлиқлик кўринмайди
Фирмаларнинг чет эллардан оладиган даромадлари ўсиб боради, лекин ички бозордаги даромадларга нисбатан камроқ тушади	Фирмаларнинг даромадлари дунё миқёсида ёйилган ва ҳеч қандай минтақа билан боғлиқликни кўрсатмайди

Иккинчи жадвал

**Интернационализации
ва глобализация орасидаги ўхшашлик ва фарқлар
молия соҳасида**

Интернационализации жараёнида	Глобалланиши жараёнида
Акциялар (Мулкдорлик ҳуқуқини билдирувчи гувоҳномалар) тайёрлик билан миллатлардо бозорларда сотилади	Сармоялар, қарз олиш ва қарз берини миллий чегаралардан қатъий назар амалга оширилади
Молия ва капиталларнинг сармояларнинг оқими катта миқдорларда ўсиб боради	Хеч бир минтақага боғланмаган глобал капитал ва сармоялар бозори мавжудки, у кунига 24 соат бозорлар ва давлатлар орасидаги чегаралардан қатъий назар савдо-сотикларни амалга оширади

Интернационализацияш жараёнида	Глобалланиш жараёнида
Пул бирликларининг қиймати сокинлигини миллий ҳукуматлар ўсиб бораётган ҳалқаро молия ташкилотлари босими шароитида таъминлашга мажбурлар	Пул бирликларининг қийматини миллий монетар сиёсатини қўллашсиз назорат қилиб бўлмайди
Молия, солиқ тизими давлат назоратида амалга оширилади ва лекин ўсиб бораётган ташки босими ва тавфисияларни сезиб боради	Молия, солиқ сиёсати батамом ташки шароитнинг босими таъсирида шаклланади. Шу жумладан, сармояларни жалб этиш ва малакали ишчилар ва бошқарувчиларни бошқа имтиёзли ва енгил солиқ қўлланувчи ерларга жалб этилиш имконлари шароити таъсирида ўзлари енгилликлар ва афзалликлар яратишга интиладилар

— минтақавий ва ташкилотлараро бозорларининг ўзаро боғлиқларининг ўсиши;

— онг ва ақдий маҳсулотларнинг ва ғояларнинг ТМКга тегишли ва турли давлатларда жойлашган ilmий ва ўқув ташкилотлари орасида алишув жараёнларининг тезланиши.

Бу жараёнлар билан баробар кескин экологик муаммоларнинг хаддан ташқари йирикланиши, ўзини боқа олмайдига давлатларда аҳолининг кескин ўсиши, ижтимоий сокинликка қарши ҳаракатларнинг кескинлашиши ва ҳар турдаги экстремизм ва терроризм шаклларининг намоён бўлиши ва бу жараёнларни ҳал қилишини ҳеч қандай алоҳида давлатнинг уddyалай олмаслиги, аксинча ҳалқаро жамиятнинг бирлашувисиз, ҳамжамиятнинг бирлашган ҳолда умумий ИМОН мафкурасини тараққий этмасдан, мавжуд буюк муаммоларни ҳал қилиб бўлмаслиги глобаллашиш жараёнининг узлуксиз қисмини ташкил этган.

Глобалланиш жараёни бир қанча йўналишлардан иборат. Лекин XXI асрнинг бошига келиб инсониятнинг энг кўзга ташланадиган соҳаси бўлиб (жамиятшунослик эмас, умумий иқтисод тараққиёти эмас, дин соҳаси эмас, миллатларнинг маданияти эмас, илм соҳаси эмас ва ҳоказо) молия тизимининг тараққиёти шаклланди. Ҳамма бошқа соҳалар ҳаракатлари ва улар билан боғлиқ бўлган жараёнлар

ва уларниң тараққиетига оид сиёсат молия соҳаси ва молия сиёсати остида шаклланиб бормоқда. Агар ўтган даврларда давлатлар ва минтақаларни бошқарувчи подшохлар, беклар, уламоларининг фармойиш ва фатволари шу минтақадаги ёки халқаро алоқаларга мансуб ишларни ҳал қилувчи омиллар бўлса, ҳозирги даврда бундай фармойиш ва фатволардан аввал молиявий интилишлар жараёнлари ўрганилади. Бунда, шу фармойишларнинг бажарилишига етарли молия бор йўқлиги аниқланади ва бу фармойиш ҳозирги кундаги молия оқимларига қарши тўғон яратиш-яратмаслиги аниқланади. Чунки, ҳар қанака фармойиш қайси давлат ё минтақада ким тарафидан қабул қилинишидан қатъий назар унинг бажарилиши умумий молия оқимларига тўғри келмаса, унинг нафақат бажарилиши шубҳали ҳод, балки бу фармойишни қабул қилгандарга ҳам маълум хавф яратиши муқаррар.

Молия бозорларининг глобаллашиш жараёнинга ижобий таъсир қилувчи омиллар

(Молия бозорларининг глобаллашиш жараённи даври информацисон (маълумот) технологиянинг тез суръатда ўсиш даврига тўғри келди. Информацион технологиялар авваламбор 40-йилларнинг охирида ҳарбий соҳада қўллана бошлаган. Бу технология тараққиети жараённанда электр лампа ишлатиш ва транзисторлардан ўтиб, замонавий силикон — яхлит қўйилган моддаларгача етиб келди. Охирги изланишларнинг натижаси силиконнинг кремний ва алюминийдан иборат моддалари ўринини қоплайдиган янги моддалар қўлланган ҳолда бу технологиялар мисли кўрилмаган натижаларга эришишини кўрсатмоқда.

Информацион технологиялар фақаттина компьютерлардан иборат эмас. Маълумотларни узоқ масофага етказиб бера оладиган воситаларнинг ҳам аҳамияти кам эмас. Бу соҳада телеграф, телекс, телефонлардан ўтиб факс машиналарининг тараққиетидан кеңг миқёсда фойдаланиш имкони яралди. Ҳозирги кунда қўлланаётган интернет тизими янада тез суръатларда катта миқёсдаги бўлган маълумотларни дунёнинг ҳар қайси чеккасига бир неча дақиқалар давомида етказиб бериш имконини яратди. Бу жараёнга қўшимча кучни шишасим боғловчилар ва симсиз коннот орқали боғловчии радио тўлқинлар бағишламоқдалар.

Амалда бу тараққиёт қандай натижаларни кўрсатди? Авваламбор бу янгиликлардан ҳарбийлар билан бир қаторда, энг пулдор ташкилотлар фойдаландилар. Ҳар бир йирик молия ташкилоти ҳам

ўзининг ички информацион тизимини яратишга киришиди ва уларнинг афзалликларидан янада кўп фойда топишга интилдилар. Шу билан бир қаторда, банклараро информацион тизимлар ҳам ривож топти. Шулардан энг машҳури Белгияда жойлашган Дунё миқёсига Банклараро Молия Телекоммуникацион Жамияти (Societe for Worldwide Interbank Financial Telecommunications (SWIFT), қоғоз ва пул ёрдамисиз триллионлаб долларлик молиявий савдо-сотиқларни бир зумда ўтказади.

Информацион технологияларнинг тараққиёти молия оқимларининг ташкилий тизимига ва уларнинг таркибий шаклига ўта кучли таъсиrot ўтказади. Информацион тизим дунёнинг молия ташкилотларини шундай боғладики, Оврупада, масалан Лондондаги воситачи (брокер) фирмалар bemalol Америкадан акциялар сотиб олиб, уларни жануби-шарқ давлатларидаги мижозларига сотадилар, ва аксинча савдо-сотиқлар амалга оширилади. Бу шароитда дунёнинг ҳар чеккасида жойлашган молия бозорлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улардаги ҳар қанақа ўзгариш ва янгилик бошқа бозорларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Информацион тизимнинг шаклланиши ва бу орқали дунё бозорларининг бирлаштирилиши бир қанча янги кўринишлар ва глобаллашган бозордаги жараёнларнинг маълум қирраларини намоён этди. Булар орасида глобаллашиш жараёнини янада тараққий этишига таъсири кўрсатаётганлиги қўйидагича:

1. Молия операциялари соҳасида умумий стандартларни киритди. Бу дегани ҳар хил тилларда ифодаланувчи бир хил молия операциялари ва қийматлар аниқ маънога эга бўлдик, молиячилар қаерда таълим олмасин, бир-бирларини осонликча тушунадилар ва операциялар ўтказишда умумий тушунчалар орқали глобаллашиш жараёнларига қўшимча далда берадилар.

2. Дунёнинг ҳар чеккасида жойлашган молия бозорлари ўз мавқенини ошириши билан, молия марказлари кўпая бошлади. Бир тарафдан, бу илгаридан мавжуд молия марказларининг аҳамияти пасайишига шароит яратса, бошқа тарафдан маҳаллий мавқенини оширишга интилиш шу бозорга янги қатнашчиларни жалб қилишга кўмаклашади ва шу орқали, янги қатнашчиларни умумглобал бозорларга жалб этади.

3. Ҳаракатдаги молиялар келтирган фойда йиғилган сари бу жарайен янги маблағларнинг кўпайишига олиб боради. Бу маблағлар ўз ўрнида янги сармоялар ва капитал тараққиётини жадаллашишига замин яратади. Натижада глобал сармоялар миқдори ўта ўсиши жарайени кузатилмоқда.

4. Қимматли қоғозлар бозорларининг кескин тараққиёти уларнинг янги турларини шаклланишига ва янги молия асбобларини қўлланилишига олиб келди. Уларниң турлари нафақат шакли, ундан ташқари қиймати ўзгаришида ҳам кузатилмоқда. Қиймат, фақат ташкилотлар ва бой мижозларга мўлжалланган дастмаклар қаторида ўта арzonлари билан тўлдирилиб бормоқда. Уларниң тарқатилиш услугублари ҳам хилма-хил. Интернет тизими орқали донаси 4 доллар билан баҳоланган, миқдори чекланмаган акциялар таклиф қилиниши оддий ҳол.

5. Охирги йилларда жуда кўп давлатлар хусусийлаштириш реваларини амалга ошироқдалар. Хусусийлаштирилган ташкилот ва корхоналар қимматли қоғозлар бозорлари фаолиятига ўз хиссаларини қўшиб боришмоқда. Ўз ўрнида бу жараён нафақат маҳаллий бозорларида капитал молиялар айланишининг жадаллашиши. Бу акциялар халқаро қимматли қоғозлар савдосига ўз хиссаларини қўшиб бормоқда.

6. Халқаро валюталар тизимининг такомиллашиши бу жараёнга ўз хиссанини қўшиб боради. Масалан, Оврупа Иттифоқида умумий валюта киритилиши ёки ҳар ҳил минтақаларда мавжуд бир-бирини қўллайдиган ва бир-бирига боғлиқ валюта тизимлари ўзаро валюта савдосига ишонч ва сокинликни таъминлайди. Ўз ўрнида бу шароит ҳам глобаллашин жараёнининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Салбий таъсир кўрсатувчи омиллар

Молия бозорларининг ва савдосининг глобалланиш жараёни аввалимбор савдо-сотиқ ва сармояларнинг самарадорлиги билан боғлиқ. Бу кўрсаткичлар давр, давлатлар ва минтақалараро сезиларли фарқ қиласди. Асосий молияларнинг ҳаракати ана шу фарқнинг мавжудлиги учун амалга оширилади. Иккинчидан, молия савдоларининг глобалланиши жараёни эркин бозорларнинг тараққиётини қўлланилиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қарагандা, бир қаиназ салбий таъсир қўлиувчи омилларни келтириш мумкин:

1. Тараққий этган давлатлар иқтисодиёти ўта капиталлашган ва сармоялардан олинидиган фойда миқдори нисбий пасайғанлиги бу давлатларга янги сармоялар самарасига эришишини ўта мураккаблаштириб юборган. Шу билан бирга, бу давлатларда молиявий хатарларни олдини олиш тизимининг афзаллиги бу бозорларга сармоядорлар жалб этувчанилигига.

2. Ривожланаётган давлатларда, аксинча сармоялар самараси нисбатан юқори бўлсада, бу ерларда сиёсий, иқтисодий ва молия ха-

тарлари юқори бўлгани учун янги сармояларни жалб этиш қийин. Бу ерларда натижага эришиш кўпроқ куч, ғайрат ва таваккалчиликни талаб қиласди.

3. Тарақкӣй этган давлатларда аҳолининг сотиб олиш қобилияти юқори бўлсада, бу ерда ўзаро рақобат кучи самарали натижага эришишга қийинчилек яратади.

4. Ривожланаётган давлатларда аҳолининг сони ва қониқтирилмаган эҳтиёжлари янги молия ва савдони тарақкӣй этишига ижобий омил кўринсада, бу ердаги аҳолининг сотиб олиш қобилияти пастлиги сабабли амалга ошмайди.

5. Замонавий Информацион тизим бир қанча афзалликлар киритдики, булар бир зумдә молия оқимларини дунёнинг ҳар чеккасига етказиб бериши мумкин. Айнан ана шу қобилият, чайқовчи молиячилар ҳаракатининг таъсирида, ривожланаётган давлатларни бир-икки кун давомида чет зл маблағларидан маҳрум этиши, улар иқтисодиётини “қонсизлантириши” ва сармоядорларга кўплаб зиён етказиши мумкин. Валюталар курсларини бу ҳаракатлар таъсирида ўзгариши ҳам кўшимча хавф туғдиради. Бу хатарлар глобал молия оқимларига “онгли” тўғон таъсирини кўрсатади.

6. Ривожланаётган давлатларнинг банк тизимлари етарлича тажриба ва таъсирчан қонунчилек тарақкӣй этмаганилиги сабабли ички бошқарувнинг сустлигини кўрсатади. Бу омил нафақат ривожланаётган давлатларда, ҳатто тарақкӣй топган Японияда ҳам, банк тизимида бир қанча ачинарли ҳолларни кўрсатди. Албатта бу ҳол глобал молия тизимига салбий таъсир кўрсатади.

7. Давлатлар бошқаруви тарафидан иқтисодиётга ортиқча аралашув, молияларнинг эркин оқимига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, давлатлар тарафидан молия тизимини етарлича кузатмасликлари ҳам бундан кўпроқ салбий ҳолларга олиб келиши аниқ. Бу борада асосий масала давлат арбобларининг манфаатларини давлатнинг маанфаатларидан ажратади.

8. Миллий иқтисодиётдаги қонунчилек ва тизимнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши етарлича тарақкӣй топмасдан туриб эркин бозор, молия ва банк тизимларининг ислоҳотларини жадаллаштирилиши сармоядорларга катта зиён келтириши мумкин ва бу сармояларни қабул этган давлат ҳам нафақат ўз фуқароларинга, балки умумглобалланиш жараёнига ҳам салбий таъсирини ўтказади.

9. Маҳаллий маданиятлар, дунёқарашлар ва турли халқларнинг маҳаллий одат ва удумларининг фарқи умумстандартланишга қаршилик кўрсатувчи омил сифатида глобалланиш жараёнига салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

10. Маълум тармоқларга, бошқа тармоқлар техника ютукларини етарлича ривож топмасдан туриб тадбиқ — этилиши бу жамият, даги тармоқлар таркибий тузилишининг нотўғри шаклланишига ва умумжамият миқёсида салбий натижаларга бошлайди. Техника ютукларидан фойдаланаётган тармоқлар бошқа тармоқлардан ўзига кўпроқ афзалликларни олишга эришади. Макроинтигесий миқёсда бу тармоқлар кўпроқ экспортга интилишига олиб келади. Бу ҳол тараққиёти охирни жамиятдаги сокинликни бузиши ва умумглобалланиш жараёнинг салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Келтирилган жараёнлардан хулоса қилиб шуни тасдиқлаш мумкини, ахборот технологиялари ютукларининг қўлланилиши натижасида пул тўловлари ва қоғозли дастмаклар ишлатиш жараёнлари ва булар билан боғлиқ ҳамма молия тўлов ҳаракатлар кескин арzonлашиб бормоқда. Бунинг натижаси ва қўлловчи омиллар бўлиб кескин электрон ва оддий хабар берувчи воситаларининг тараққиёти; телефонлар ва факс машиналари; компьютерлар, модемлар ва улар билан боғлиқ чизмачилик ва бошқа тасвирий ахборотлар тараққиёти; узоқ масофага маълумот етказувчи сунъий сайдерлар ва шиша-симлар тараққиёти молия бозорлари техник имконларига таъсир кўрсатиб қўйишидаги молия маҳсулотларининг тараққиётини таъминлаб бердилар: автоматик пул ўтказувчи, электрон молия сотув шохобчалари, телефон орқали банк операциялари, кунига 24 соат хизмат кўрсатувчи ўзаро боғлиқ молия воситачиларининг фаолияти, уларнинг улгуржси ва корпоратив миёзслари билан боғлиқ хизматлари, дебитор ва кредитор молия карточкалари, электрон пуллар ва тўлов тизимлар, ва халқаро интернет орқали боғлиқ молия оқимларининг бошқаруви каби.

80-йилларда тараққий топган давлатлар тарафидан қўлланган молия бозорларининг бошқарувига таъсир ўтказишнинг ислоҳотлари, шу жумладан банклар фоизларининг юқори даражасини белгиламаслик, солиқларни қисқартириш, воситачилар ўтказаётган молия операцияларидан олинадиган комиссион тўловларини қисқартириш, чет эл молия фирмаларига ички бозорларга кириши имкониятларини кенг миқёсда қўллаш, хусусийлаштириши ва бу билан боғлиқ қимматли қоғозларининг тараққий топишини қўллаш, банклар, қимматли қоғозлар ва сугурта фирмалари ва бошқа молия ташкилотларини ўзаро рақобатларини қўллаш, турли молия маҳсулотларини тараққиётини бошлиди ва бу маҳсулотлар ўзаро рақобатлашуви молия операцияларининг самарасини ўстиради.

Юқорида келтирилган омиллар, яъни ахборот технологияларининг тараққиёти ва молия бозорлари бошқарувининг назоратини ва тўсикларини сусайтирилиши, молия оқимларининг кўпайшиши ва уларнинг са-

марадорлигига олиб келди. Бу жараёналар нафақат ички бозорларни, умуман ҳалқаро молия бозорларини ҳам қамраб олди. Бунда молия оқимлари камроқ хатар ва күпроқ даромад келтирадиган бозорларни танлаб, ўз йўналишиларни топадиган бўлди ва бу қоидаларни қабул қилиган давлатлар, уларнинг марказий банклари ва бошқа молия тизимлари бундай оқимларга тўғон бўла олмай қолдилар. Молиявий глобализация ўз ўрнида умумиктисодий, сиёсий ва маданий глобализацияга унайдиган омил бўлди.

Бу ҳол кенг мақёсда, трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) иштироки ва бошқаруви остида, миллий мавқелардан устун турувчи буюк иқтисодий салтанатларнинг шаклланishi, ўташқтисодий бирликларнинг тараққий топишини ифодаловчи ҳол. Бу салтанатларнинг таъсири шунчалик кучли бўлиб шаклланадики, улар нафақат кичик ва ўрта ҳол давлатларнинг, балки энг буюк давлатлар олиб борадиган сиёсатларига ҳам ўз таъсирларини ўтказиб, шу сиёсат шаклланишининг энг муҳим омили сифатида намоён бўлдилар.

Шундай экан, глобалланишда иқтисодий жараёналарни сиёсий ва ижтимоий жараёналардан ажратиб, алоҳида бир ҳол сифатида кўриш, ўтаётган жараёналарни тўқислигича акс эттира олмайди.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

МИНТАҚАВИЙ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ

5.1. Оврупа молия тизими

Бошланиши

Овропанинг бирлашишга, иттифоқ қуришга интилиши жуда қадимги жараён. Оврупа подшоҳлари ва зодогонларининг хонадонлари қадим қадимдаи бир-бирларига қуда бўлиб, ўзаро сулолалар яратганлар. Бунда давлатлар бирлашар ва ажрашар. Ҳарбий юришилар натижасида буюк салтанатлар барпо этилар ва яна парчаланиб, янги иқтисодий бирликлар ва алоқалар шаклланиш жараёnlари минглаб йиллар давом этиб келган. Йигирманчи асрнинг бошларига келиб, фан ва техника ютуқларининг Оврупа халқларининг кундалик ҳаётига тадбиқ этилиши, шу жумладан темир йўл восталарининг тараққиёти, телеграф, телефон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиши, бу миintaқа халқларини ўзаро узвий боғлади ва яқинлаштириди. Иқтисодий тараққиёт, кундалик муҳтожликни сенгиш, аҳоли савиёсчининг ўсиши марифат тараққиёти батамом Оврупа халқлари дунёқарашларини ўзгартириб борди. Бу жараёnlар йигирманчи аср бошларида миintaқа жамоалари сиёсий ҳаракатларида янги ғоялар яратдики, ҳар қанақсанги муаммони тинчлик йўли билан ҳал қилиниши мумкин, деган фикрлар илгари суриди. Сиёсий ва иқтисодий доираларда Бирлашган Оврупа Давлатини шаклантириш масалалари кенг миёсда муҳокама қилинар эди. Афсус, бу фикрлар амалга оширишини бошқа кучлар тарафидан батамом четта чиқарилиб, Оврупа халқлари яна иккни жаҳон урушларини бошдан кечирдилар.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин, Овропанинг бирлашиш жараёnlарининг кечишида унга четдан олиб кирилган Маршал режасининг аҳамияти катта. Бу режа нафақат иқтисодий сармоялари билан аҳамиятга сазовор. Режада кўзда тутилган иқтисодий шартлар, шу жумладан давлатларининг ички иқтисодиётни ва бозорларини кўшни давлатларда ишилаб чиқарилган маҳсулотлардан чегаралаш эмас, аксинча, Версал шартиномалардан фарқли, ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларга имкон борича шаронт яратишга қаратилгандиги, Маршал режасини ўша кунгача барпо этилган иқтисодий концепциялардан устуни қўяди.

Бреттон Вудс тизими
ва Оврупа бирлигининг шаклланниши

Оврупа молия тизими ҳам бир кунда шаклланган ҳол эмас. 1999 йил 1 январда киритилган евро валютаси ва 2002 йил 1 январидан қўдланаётган унинг жисмоний шакли, 1957 йил Румда битилган Оврупа Иқтисодий Қўмитаси (ОИҚ) шакллантириш Шартномасига бориб тақалади (1).

Ушбу Шартнома 1958 йилнинг 1 январида кучга кириб, аъзо давлатларнинг иқтисодларини бирлаштиришга қаратилган эди. Шартнома имзоланган даврда унга олти давлат: Белгия, Фарангистон, Олмония, Италия, Люксембург ва Голландия қатнашган эди. Бу давлатлар жамоаси 1973 йил, Дания, Ирландия ва 1981 йил Буюк Британия қўшилганлиги билан тўққиз аъзога етди. Кейинчалик бу Шартномага Юнон, Португалия ва Испания давлатлари ҳам қўшилди. Шартнома авваламбор савдо ва моллар эркин айланиши учун умумий бозор яратилишидан бошланди. Бу давлатлар орасидаги бож тўловларини кескин пасайтирилишини ва ўзга давлатлар билан амалга ошириладиган саводдаги бож тўловларини кучайтирилишига қаратилган. Амалга оширилган чоралар ушбу давлатларнинг бирбириларининг иқтисодларидағи қийинчилик ва олиб бораётган нарх-наво ва солиқ сиёсаларига нисбатан сезувчанлигини ошириди.

Бундан ташқари, Рим шартномасига аъзо давлатлар орасида иш кучи ҳаракатини, бир давлатдан бошқа давлатга эркин бориб ишга жойлашиши ҳукуқини таъминлади. Бунинг айрилмас қисми бўлиб, ишчиларнинг ижтимоний муҳофазалари ва ишчи кучига қўйиладиган стандарт талаблар ҳам ўзаро мувофиқлаштирилиб борилди.

Рим шартномаси молия тизимларини ўзаро мувофиқлаштириш масалаларини кам кўзлаган. Бунда олтмишинчи йил охирига қадар фақат валюталар алмаштириш курсларини ва бу борада маҳсус мусасасаларни ташкил этиш масалалари назарда тутилган. Кўзланган масалаларнинг амалга ошмаганлигига асосий сабаб — у даврда Бреттон Вудс Шартномаси етарлича самарали хизмат қиласи ва то 70-йилларга қадар бу мақсадларни амалга оширишга катта зарурят бўлмаган. Олтмишинчи йилларда Оврупа бирлигига аъзо давлатларнинг ўзаро савдоси сокин нарх-наво ва умумий монетар тизимга асосланган ҳолда жуда самарали ўсиб, интеграцион жараёнлар амал топди. Бу даврда молия тизимида атиги бир неча бор валюталар курси ўзгарганлиги кузатилган: 1961 йил Олмония маркасининг ревалвацияси (кучайиши); 1967 йилги Буюк Британия фунт стерлингининг девалвацияси (кучсизланиши) ва 1969 йилги Фарангистон франкининг девалвацияси ва Олмония маркасининг ревалвацияси. У давр

Оврупа сиёсий арбоблари иқтисодий бирлик “қадам-бақадам” валюта бирлигига ўтиб боришига ишонишган ва бу қотирилган алишув курсларини таъминлайди, деган ғоя мавжуд эди.

Аммо олтмишиничи йилларнинг охирига бориб, АҚШда инфляцион жараёнларниң кучайиши ва ички бозорлардаги алоҳида валюталарниң кескин ўзгаришлари, аъзо давлатларнинг молия сиёсатларини бир-бирларидан фарқли йўллар билан мувофиқлаштиришга уйдади. Бу ҳол эса валюталар курсларини ўзгаришига чайқовчиларнинг таъсирини кучайишига олиб келди. Масалан, 1969 йил Фарангистон ҳукумати франкни арzonлаштиришга, Олмония ҳукумати маркани қимматлаштиришга ҳаракат қилдилар (2).

Бу жараёнлар ўзаро савдога салбий таъсири кўрсатмаслиги учун тарафлар нутказида бирликларнинг ўзаро алишув курсларини мувофиқлаштиришга интилдилар. Бу оддий ҳол эмас, албатта. Икки валюта ўзаро курсларини сақласаю бошқа валюталарга нисбатан бошқача курслар белгиланган ҳолда бу чайқовчилар фаолиятига кенг миқёсла шароит яратиб берган.

Давлатлар раҳбарларининг 1969 йили Гаагадаги учрашувлари шу муаммони ҳал қилишига бағишиланган эди. Улар кейинги ўн йиллик даврида Иқтисодий ва Валюта Бирлиги яратиш режасини келишиб олдилар. 1970 йилги Вернер гуруҳи режаси деб атальмиш Бош Вазирлар Конғашин тарафидан 1971 йил бошида тасдиқлаган тадбирлар амалга ошилади. Сабаби “Монетаристлар” назарий гуруҳлари ва “Иқтисодчилар” назарий гуруҳларининг ўзаро келиша олмаганиларни бўлди.

Муаммонинг калаваси шундаки, баъзи иқтисодчилар Оврупа давлатлари тарафидан қўллананаётган иқтисосий сиёсатларни келишибилган ҳолда амалга оширишга даъват этардиларки, бу ўз ўрнида валюталар курсларини сокин сақлаб қолишига шароит яратиши керак эди. Бу назариётчиларни “Иқтисодий услугуб” тарафдорлари деб атайдилар. Улардан фарқли, “Монетаристлар” алишув курсларни келишиб олишига ва қотирилган ҳолда қўллашга ундардилар. Келишибилган курслар давлатларни шу курсларни сақлаб қолиши учун керак бўлган иқтисодий сиёсатни қўллашга мажбур бўлишларини уқтирадилар. То назариётчи тарафлар ўзаро келишишгунча, 1971 йил Президент Никсон жаноби олийлари янги иқтисодий сиёсатларини қўллашларини ва доллар бундан бўён олтин билан таъминланмаслигини зълон қылган эдилар.

Долларга асосланган халқаро молия тизимининг асосий таққидчиси, генерал Шарль де Голль бошчилик қилган Фарангистон ҳукумати эди. Бу давлат халқаро савдони олтин билан таъминланган пул-

да амалга оширилишини истар ва шу йўсинда Халқаро Молия Жамғармаси (ХМЖ) вакиллари билан музокаралар олиб борар эди. ХМЖ олтмишинчи йиллар охирида халқаро молия қилиб Махсус Эгалик Хуқуқларини (SDR) киритилишига кескин қаршилик кўрсатган. Лекин Фарангистон ҳукумати шу даврда ишчилар ва дорилфинун тала-балари ташкил этган намоишлари билан боғлиқ ожизлиги маълум эди. Намоишларни бартараф этиш учун ишчиларнинг маошлари оширилди. Халқаро молия бозорларида бу франкнинг тушиб кетишига олиб келди. Франкнинг тикланиши учун қўшимча қўлланиши керак эди ва Фарангистон ҳукумати МЭХ киритилишига рози бўлди. Америка Янги Иқтисодий сиёсатини киритганда ҳам, унинг доллар курсини белгилашдаги асосий рақиби Фарангистон эди. Фарангистоннинг янги раҳбари Жорж Помпиду билан музокаралар натижасида американклар олтиннинг расмий нархини кўтаришга ва долларнинг девальвациясига келишидилар. Фарангистон ўз навбатида қотирилган курсни қўллашга розилик берди. чунки бу билан ўзининг олтин захираларининг қиймати оширилишини ҳам таъминлади.

Янги ўрнатилган қоидаларга кўра валюталар илгариги ўзаро алиштирув курслари 1 фоиз ўзгариб туриш имкониятини 2.5 фоизгача кўпайтирган эди. Оврупа давлатларининг валюталарига нисбатан бу қоиданинг қўлланиши шуни кўрсатдики, валюталарнинг бир турлари энг пастга тушган ҳолда бошқа турдагиси энг баланд курсга кўтаришса орасидаги фарқ 9 фоизгача етар экан. Бу ҳол чайқовчиларга кенг имкон яратиб, ўзаро савдога кескин салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги учун тарафларни қониқтира олмасди (2).

1972 йил Швейцариянинг Базел шаҳрида ОИҚга аъзо тарафлар валюталарини ўзаро ўзгарувчанилигини икки баравар қисқартириш ҳақида келишиб олдилар. Келишув "Оврупа илони" ибораси остида ўзгарувчан курсни 4.5 фоизгача йўл қўйилишини тасдиқлади. Келишувга кўра тарафлар ўз валюталарини янги қоидаларга боғланган ҳолда маълум курсдан ошиб кетмаслигини ва тушиб кетмаслиги таъминлашлари керак эди. Лекин келишувни амалга ошириш осон кечмади. Бальзи давлатлар шартномадан чиқиб кетдилар ва яна ўрин алмашдилар. Бу жараёнларга ташқаридан таъсир кўрсатган омиллар кўп бўлди. Шу жумладан 1973-1974 йиллардаги нефт нархларининг кескин ўзгарганлиги.

Бир қанча омиллар таъсирида Оврупа бирлиги давлатлари икки асосий гуруҳ шаклида фаолият юритди, биринчи гуруҳга Олмония, Бенилюкс давлатлари (3) ва Дания кирган бўлса, иккинчиси бошқа аъзолардан иборат. Биринчи гуруҳ аъзолари қотирилган курсларни қўлладилар, иккинчидагилар нефть нархлари ўзгаришига жавобан

кенгроқ миқёсда ўзгарадиган курсларни қўлладилар. Бу даврдаги сиёсий бирликка эриша олмаганинги Оврупа давлатларида ишлизикнинг ўсиши инфляцион жараёнлар билан (10 фоизгача) ишлаб чиқаришининг сусайиши билан давом этди.

ЭКЮ ТИЗИМИ ШАКЛЛАННИШИ

Бу даврдаги долларнинг ўзгарувчанлиги Оврупа валюталарини у билан боғлиқларидан воз кечишгача бўлган ҳаракатларга бошлиди ва долларга қарши чайқовчиликка олиб келди. Албатта бу чайқовчилик Оврупа валюталари соҳибларининг манфаатларига ҳам салбий таъсир ўтказар эди. 1977-1978 йилларда доллар ва Оврупа валюталари орасида фарқ кескин кучайиб кетди. Бу жараёнлар ОИҚ аъзолари давлатларини Оврупа Молия Тизимини шакллантиришини тезлаштиришга унади ва 1978 йил улар бу тизимни шакллантиришига муваффақ бўлдилар. 1979 йил март оидан шартноманинг тўққиз аъзолари бу тизимга қатнаша бошлидилар (Юнон драхмаси ва энг охирги аъзо бўлган Португал ва Испания истисно).

Оврупа молия тизими уч асосий қисмдан иборат бўлган:

1. Валюталар курси ва интервенция қўлланилиши тизими.
2. Ўзаро ҳисоб-китоб ва қарз бериш тизими.
3. ЭКЮни тадбиқ этиш.

Ҳар бир қисмнинг мазмуни қўйидагича:

1. Шакланаётган Оврупа молия тизимининг асосий мақсади аъзо давлатлар орасида қотирилган курсларни сақлаб қолиш эди. Бу мақсадга эришишда ҳам иқтисодий ҳам монетар ёндашув бир-бирларини тўлдириб турган ҳолда қўлланилиши кўзда тутилган. Агар алоҳида валюта курси бошқа валюталарга нисбатан тушиб кетадиган ёки аксинча ошиб кетадиган бўлса, бу иқтисодий кўрсаткич сифатида аъзо давлатларнинг керак бўлган иқтисодий мувофиқлаштириш чораларини қўллашга ундар эди.

2. Шу билан бирга, курслар даражасини қўллаш учун бу давлатлар бир-бирларига сокинлаштириш қарзларини бериб туриш мажбуриятларини олган эдилар. Олинган чет зл валютасидаги қарз туфайли, ўз валютасини тушиб кетмаслигини таъминлаш учун интервенция қилиш кўзланган эди. Ёки бу қарзлар тўлов баланслардаги етишмасликни қоплаш учун қўлланиши ҳам мумкин эди.

3. Режаларни амалга ошириш учун Оврупа Пул Бирлиги (European Currency Unit — ECU) ЭКЮни киритиш ва Оврупа Жамғарма Фондини таъсис этиш кўзда тутилган эди. Биринчиси амалга ошиди. Иккинчисига хожат бўлмади. Алишув курсларини қўллаш учун қўйидаги чоралар қўлланилар эди:

а) аъзо давлатлар ўз пул бирликларининг курсларини икки тарафдама алишув даражасини маълум миқдорда сақлаб туришлари. Бунинг учун тарафлар икки тарафдама келишув асосида ўз валюталари курсларини ЭКЮ курсига нисбатан солиштирап эдилар.

ЭКЮга нисбатан бўлган кросс курсдан улар ўзаро валюталарининг курсларини ҳанчага ўзгарганинги ҳисоблар эдилар. Шартномага кўра бу фарқ 2,25 фоиздан ошмаслиги керак:

б) тарафлар валюталари қиймати тушиб кетган ҳолда шерик давлатларидан қисқа муддатлик қарз олиб, ўз валюталарини курсини сақлаб туриш учун уни олган валютасига сотиб олиши, яъни чет эл валютаси интервенцияси қўллови орқали сақлаб туришлари керак эди;

в) қисқа муддатли қарздан истисно тарафлар бирорталарининг тўлов муддатлари келиб, керакли валюталари бўлмай қолган ҳолда, уларга керакли миқдорда 45 кунгача қарз бериб туришлари келишилган ва бу қарз уч ойлик муддатгача узайтирилиши мумкинлиги кўзланган;

г) макроиқтисодий шароитларни, валюта курсларини сақлаб туриш учун мувофиқлаштириш режалари амалга оширилиши керак эди. Бунинг учун ҳар бир аъзо давлат олиб бораётган ички монетар сиёсатлари шерик давлатлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўзланган. Монетар сиёсатларини етарлича миқдорда мослаштирилишида курслар фарқи кўрсаткичидан кеңг фойдаланган;

д) хавфсизлик мувофиқлаштириш сиёсатини қўллаш, аъзо давлатлар ўзаро келишган ҳолда курсларини бир-бирларига мослаштириб туришларини назарда тутган. Яъни, агар макроиқтисодий чораларни кўзлаш умумиқтисодий носозликни бошлаши хавфи мавжуд бўлса, тарафлар ўзаро келишган ҳолда валюталарининг курсларини кўтаришлари ёки туширишлари мумкин эди. Бундай ўзаро мослаштириш тизим шакллангандан бошлаб вақти-вақти билан қўлланани турилган. Бу холни тизимнинг ҳам кучлик тарафи ва сустлиги деб баҳолаш мумкин. Аммо бу услуб қўлланганинги тизимнинг фаолиятини тұхтатмай амалга оширгани аниқ;

Тизим киритылиши билан Оврупа пул бирлиги фаолиятини бошлиға. ЭКЮнинг вазифалари бўлиб, айтиб ўтилгандек, аввалимбор Оврупа валюталари курсларини кўрсаткич сифатида ўзаро мувофиқлаштиришининг ўрни катта бўлган. Бундан ташқари, аъзо давлатларининг ўзаро тўловлар мослаштириш ва орадаги мавжуд бўлган қарзларни келиштириш тўловларида марказий банклар тарафидан кеңг қўлланган. Учинчидан, бу воситадан хазиналар сақлов дасмаклари сифатида фойдаланилган. Тўртинчидан, ҳисоб бирлиги тарзида

қўлланилган. Ва ниҳоят тижорат соҳасида тўлов асбобларни шаклантирувчи асос сифатида ҳам кенг қўлланган.

ЭКЮ сунъий пул бирлиги шаклида, аъзо давлатларнинг молия бирликларидан тўқилган бир сават холида ўзлаштирилган. Бу саватга ҳар бир аъзо давлатнинг пул бирлиги маълум миқдорда, давлатнинг иқтисодий қуввати, унинг олтин ва доллар захиралари миқдори инобатга олинган ҳолда киритилган.

ЭКЮнинг фаолияти

Жисмоний шаклда ЭКЮ чоп этилмаган. ЭКЮнинг таъминоти Марказий банклар тарафидан ҳар уч ой янгиланадиган Оврупа Молияси Ҳамкорлик Захираси орқали амалга оширилиши кўзланган. Захирага ҳар бир аъзо давлат ўзининг 20 фоиз олтин ва 20 фоиз доллардаги захираларини таъминлардилар. Эвазига шу миқдорда ЭКЮ билан таъминланардилар. Ўтга ҳисоб, ҳар квартал 50 миллиард атрофида ЭКЮ жамғармалари яратилган.

ЭКЮ асосан давлатлараро валюталар алишган ҳолда ҳосил бўлган қарз алоқаларини қоплаш учун қўлланган. Бунда қўшни давлатнинг валютасига эга марказий банк ўша валюта миқдорида валюта чоп этган давлатдан унинг валютаси эвазига ЭКЮ қабул қилиб олар эди. Лекин қарз миқдори кўпайиб кетган ҳолда қарз берган Марказий банк 50 фоизгача ЭКЮни қабул қиласлик ҳуқуқига эга эди.

Бу ҳол ва ЭКЮни бевосита давлатларни ўзаро келишувларида қатнашмаслиги унинг аҳамиятини пасайтиарди. Шу билан бирга йилдан-йилга ЭКЮ қадри ва аҳамияти ўсиб борди. Бунга масалан, ЭКЮ соҳифлари унга фоиз қозонишлари каби ўзгаришлар сабаб бўлди. Лекин расмий жиҳатдан ЭКЮ аваламбор ҳисоб-китоб учун, ҳарқаро жамғармалар учун қўлланиб борди. Бу борада аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги сиёсаларини баҳолашда, умумий жамғармалар яратишда ва Оврупа Сармоя Банк фаолиятларида кент миқёсда қўлланилгани аҳамиятга эга.

Тижорий жиҳатдан ЭКЮнинг тараққиёти унинг қўлланилишида ҳар хил турдаги молиявий асбобларнинг тараққиётига бошлади. Банклар ташкилот ва жисмоний шахслар учун ЭКЮда белгиланган депозит ҳисобларни очдилар. ЭКЮда белгиланган шахсий ва синдиқат қарз беришлар, қимматли қофозлар, қиймати сузувчан қофозлар бозорларга чиқди. ЭКЮнинг ҳар хил валюталарнинг қийматидан шакланган сават сифатида белгилангани, уни бошқа Оврупа валюталари нинг кескин нархлари ўзгариши хавфидан сақлар эди. Бу ҳол унинг нисбатан ишончлилигини таъминлар ва шу жиҳати билан молиячиларни жалб қиласлик ҳуқуқига эга.

**Оврупа молияси ЭКЮнинг
қиймати ва унинг қийматидаги аъзо давлатлар
валюталарининг қисми (4)**

Валюталар турлари	ЭКЮ саватидаги валютанинг миқдори (1)	ЭКЮнинг ҳар бир валютадаги миқдори (доллар қийматидаги спот курси) (2)	ЭКЮ қийматига валютани кўшган улуш миқдори (3)
1. Белгия-Люксембург франки	3,85	0,0283	0,109
2. Дания кронаси	0,219	0,154	0,034
3. Олмония маркаси	0,719	0,592	0,426
4. Юнон драхмаси	1,150	0,00741	0,009
5. Фарангистон франки	1,31	0,175	0,229
6. Голландия гулдени	0,256	0,527	0,135
7. Ирландия фунти	0,00871	1,577	0,014
8. Италия лираси	140,0	0,000804	0,113
9. Британия фунти	0,0878	1,762	0,155
10. ЭКЮ	1,0	1,224	1,224

Албаттаги, ЭКЮдан тижорий мақсадларда фойдаланишининг ўсиши расмий доираларда қўлланиши натижасида амалга ошди. Лекин Марказий банкларнинг монетар сиёсатларини олиб боришиларига ва аллоҳида давлатларнинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлашда ЭКЮнинг кенг миқёсда ўсиши маълум қийинчилликлар яратарди.

ЭКЮнинг қўлланиши қандай афзаликлар яратди? Ўша даврда ўтказилган бир қанча илмий изланишлар шуни кўрсатдики, Оврупа молия тизимиға аъзо бўлган давлатларнинг валюталари орасидаги кескин ўзгаришлар, бу билан боғлиқ хатарлар сезиларли даражада камайди. Бу тизим уларга ўзаро келишилган ҳолда валюталарининг курсларини мувофиқлаштириш имкониятини яратди. Ва, албатта Оврупа Иқтисодий Кўмитасининг умумий бозор тараққий этишида ва унинг афзаликларидан кенг фойдаланиш учун яхши замин яратди.

Шу билан бир қаторда, ЭКЮ тизими ҳамма мавжуд муаммоларни ҳал қила олмасди. Оврупа Иқтисодий Кўмитаси мақсад қилган эркин капиталлар оқимининг таъминлашни валюталарнинг мавжуд фарқлари ва нафақат валюталарнинг балки аъзо мамлакатларнинг қўллаётган қонун-қоидалари, Марказий Банкларининг сиёсатлари,

суғуртга ва пенсион тизимларининг фарқлари Оврупани ягона бозор шаклида фаолият кўрсатишига тўқсинглик яратар, давлатлар иктисадларининг фарқини сақлар ва улар умумий ўсиш имкониятларидан самарали ва тўқис фойдалана олмас эдилар.

Бирлаштириш ҳаракати 1985 йил аъзо давлат бошликлари ОИҚга 1992 йилга қадар ички бозорни шакллантиришни битиришни топширишлари билан янги тусга кирди. Топшириққа кўра аъзо давлатлардаги ички бошқарув қонуулари давлатлараро эркин сармоқлар оқимишини, банк қонунчилиги ва суғурта фаолиятларини мувофиқлаштиришга қаратилган эди. Лекин шуни инобатга олиш керакки, у даврда умумий бозорга аъзо давлатлар қонууларини қабул қилишида ва уни амалга оширишда бир-бирларидан эркин фаолият юритар эдилар ва кўзда тутилган мувофиқлаштириш ҳаракатини амалга оширишга етарлича механизм йўқ эди.

Евро киритилиши

Молдиявий ва иқтисодий муаммоларни Оврупа қитъаси миқёснада ҳал қилишини, сиёсий жиҳатдан қўлламасдан амалга ошириши мумкин амас эди. Албата сиёсий ташкилотлар: Оврупа Кенгаши ва Оврупа Девони (5) Оврупа Иттифоқини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлашган ҳолда шакллантиришга қаратилган фаолиятларисиз бўгунги кунда эришилган Оврупанинг умумий Евро пул бирлиги яратилиши мумкин эмас эди.

Дунёнинг глобаллашиши жараёни буюк иқтисодий марказлар орасидаги рақобат кучайиб бориши билан давом этмоқда. Бу шароитда рақобатда енгилмаслик йирик ички бозорларга эга иқтисодлар учун осонроқ кечиши муқаррар намоён бўлди. Оврупа Иттифоқи давлатлари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб бирлашишини чуқурлаштиришга интилишлари асосланган ҳол.

Дунё миқёсида, Бож Тўлани Шартномаларининг (ГАТТ) тараққиётida минтақавий Бирлашмалар, Шартномалар, қондалар баъзан зид келадиган ҳол. Шунинг учун Дунё Савдо Ташкилотининг бундай уюшмаларга салбий муносабати табиий.

Шундай бўлсада, Америка ва Жануби-Шарқий Осиё тарафларидаги бозорларнинг рақобати кучайиб бораётган шаронтида, Оврупа Иттифоқи глобал миқёсда рақобатдошлигини ошириш ҳаракатида ва ички бозорини кучайтириш мақсадида умумий валюта киритишига қарор қилди. Умумий валютани киритилиши Оврупа Иттифоқига аъзо давлатлар иқтисодиётларининг ҳамма тармоқ ва соҳаларига, ҳамма умумий бозор қатнашчиларига таъсир кўрсатади. Умумий валютани киритиш аъзо давлатларининг уларнинг иқтисодлари

құвватларига, тармоқлары тизимінде, бозорларининг очиқлик дара-жасыға қараб бир қанча ислоҳотларни амалға оширишгә ундағы.

Үмумий валютаның киритилишінде ундаған мұхым омиллар бу давлатларның үзаро валюта алишувлари билан боғлиқ харажатлар-нинг құйматыннан катталиғы бўлди. Алишув құйматында қўшимча шуни инобатга олиш керакки, курсларнинг ўзгарувчанлик хавфи, қўшимча сұғурталаш ва хатарларнинг олдини олиш билан боғлиқ харажатларни яратар, бу харажатлар қопланмаган ҳолда, үзаро савдо-сотиқ ҳаракатларни суст амалға оширилиши холини яратарди. Оврупага рақиб мин-тақалар бундай муаммолардан ҳоли ёки бошқа афзаллукларга эга.

Иттифоқ давлатларининг үмум савдо ҳажмінде үзаро савдо 60 фондан юксак бўлғанларни билан бу борада хали үзлаштирилмаган имкониятлар мавжуд. Бу шаронгда Иттифоқчиларнинг кўплаб иқти-садчилари ва Марказий Банклари мавжуд молиявий ва монетар фарқлар үзаро сармоялар, эркин савдо ва қотирилган алишув курсларга эришишгә тўсиқлик қилаётганини тан олдилар.

Айтиб ўтилганидек, бу жараёнларнинг амалға оширилиши на-фақат иқтисодий, балки авваламбор сиёсий бирлик таъминлашгани-гига имконият яратди. То ЭКЮ тизимининг тараққиетидан. Мааст-рихт шаҳрида 1992 йил үмумий валютаны киритиш ҳақидаги шартномага эришгунга қадар Оврупа Иттифоқи давлатлари бир қанча сиёсий ва иқтисодий тўсиқларни енгиги ўтишга муваффақ бўлдилар. Үмумий валютаны киритишдан асосий мақсад қилиб қўйидаги масалалар қўйилган эди:

1. Валюталарининг үзаро алишуви билан боғлиқ харажатлардан қутулиш.

2. Кундалик валюталарнинг үзаро курслари ўзгариб туриш холини бартараф қилиш.

3. Узоқ муддатли курслар ўзгариш хавфини бартараф қилиш.

4. Оврупа Иттифоқи давлатларининг қимматли қоғоз бозорларининг үмумийлаштирилиши ва бу қоғозларнинг қуйматини етарли-ча юқори даражада таъминлаб туриши.

5. Аъзо давлатлар бозорларидаги нархларнинг үмумийлашти-рилиши ва сокинлигини таъминлаш ва ҳоказо (6).

Қўйилган мақсадларга эришини осон кечмади. Үмумий валютаны киритиш авваламбор аъзо давлатларда кечаётган иқтисодий жа-раёнларни мувофиқлаштириши ва бир “қолинга” келтириш билан боғлиқ ислоҳотлар амалға оширилди. Ислоҳотлар ва иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштиришининг самарасининг энг асосий кўрсаткичларида аъзо давлатларнинг бюджетлари етишмасликлари миқдори уни қисқартириш ва 3 фониз чегарасидан ошираслик, Банклар фонзи ва

инфляцион жарасыларниң самарали назорати амалга оширилиши күзде тутилган.

Иттифоқ давлатларининг иқтисодий шароитлари орасида сезиларли фарқ бўлганилиги учун ўз вақтида бу режаларни амалга оширилиши катта шубҳа туғдирган. Чунки бу жараёнлар бараварига ҳаммага афзалликлар яратиши мумкин эмас. Мавжуд нархлардаги фарқ иқтисодий шароитларни бир-бирларига мослаштириш, сармоя бозорларининг ислоҳотларини, молия бозорлари фаолиятини ташкил қилувчи маъмуриятларини, солиқ қоидаларини бир-бираига мослаштирилишини, истеъмолчиларни ва атроф-муҳитни ҳимоялаш сиёсатларини, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи ислоҳотларини, рақобат ва антимонопол сиёсатларни тараққий эттириш ва бошқа кўплаб иқтисодий ва аддиявий соҳаларга ўзгартиришлар киритилиши керак эди. Бу жараёнлар давлатларга ва миллатларининг ҳар хил табакаларига ижобий ва салбий таъсирини, баъзан иқтисоднинг ўсиши суръатларини сусайтириш ва ишсизлик даражаси ошиб кетиши каби салбий жараёнлар билан боғлиқ эди.

Шу даврдаги аҳоли фикрини ўрганишлар шуни кўрсатдиги, умум Оврупа молиясини киритиш тарафдорлари алоҳида даврларда Фарангистонда 66%, Олмонияда 50% тарафдор ва қарши бўлганиларнинг кайфиятларини акс этди. Яъни Евро киритилиши тайёр гардиги даврида, бир қанча йўлланмалар бўйича Оврупа Иттифоқи маъмуряти ҳаракат қилган. Шу жумладан маълум сиёсий босимлар билан баробар, аҳолининг савиясини ошириши, ўқув курсларини ташкил этиш агитация ва ҳоказолар қўлланганки, бу жараён осон кўчмаганинги тасдиқдайди.

Ички вазият билан баробар мұхим йўналиш ҳалқаро молия бозорлари қатнашчилари билан, Молия ташкилотлари билан ва ўзга минтақа ва давлатлар билан янги валютани тан олиниши борасида кенг фаолият юритилган.

Еврони киритишида тасдиқланган алишув курси долларга нисбатан ўша киритилган кунидаги ЭКЮ курсида белгиланган эди ва 1 долларга 1,19 ЭКЮ курси билан 1 январ 1999 йил Евро валютаси киритилган. Оврупа Иттифоқи давлатларининг иқтисодларини бир-бирларига мослашиш жараёни шу кунга қадар битгани йўқ ва бу жараён, иқтисодиёт тараққиёти амалга ошар экан, ҳамиша давом этадиган ҳол. Лекин у даврга хос иқтисодиёт тизимининг кескин ўзгариб бориши ва евро китиритилиб икки йил давомида милий валюталар билан баробар фаолият кўрсатиши ва еврони жисмоний шаклда кечроқ киритилиши режалаштирилгани, бу валютани биринчи кунданоқ сустлигини кўрсата бошлади. Унинг долларга бўлган курси пасайиб

бордин. Ва 2002 йил жисмоний ҳолда киритилганиллигига қарамасдан, 2002 йил март ойига келиб бир долларга 0,87 евро курси түфри келди. Еншарайынча бир канва долларини ассоциативда көтүрүшүн мум-

Бу жараёнга бир қанча ҳолларни асос сифатида көлтириш мүмкін. Аввалинда бир-бірларига мослашув жараёны давом этмоқда. Иккінчидан, иттифоқ давлатларының ұммаси ұам Евро тизимиға аль болған змас. Минтақаниң энг жарык икәндериден бири Буюк Британия күшилмаганлығы. Учинчидан, қүшилған давлатларының энг жарык икәндері, бу жараёнларының ташаббускори Олмонияның Шарқий ерлары билан қүшилганинин салбий натижаларини хали енгіб үтгани ішік ва бу билан боғлиқ ички муаммоларға зга. Тұрттынчидан, алған шу пайтта, жағон мүккесіда икәндердің үсіш жараённининг сусағиши түғри келди ва Оврупа Иттифоқи, евро минтақасы давлатларының умуммилдік даромадларының үсішина пасайды.

Евронинг мустаҳкам валюта шаклида фаолият кўрсатиши хали ҳам муаммоли. Турли изланишларга кўра, агар Оврупа ҳукуматлари, тадбиркорлари ва маъмурияти инфляцион жараёнга қаттиқ турмасалар, евронинг истиқболида янада сусайиши мумкин. Бу изланишларда таъкидланишича, энг катта музаммо — евро минтақаси давлатларининг иқтисоди ҳар хил суратда тараққий топиши. Олмониядаги Франкфурт-Ам-Майн шаҳрида жойлашган Оврупа Марказий Банкининг сиёсати ўргача кўрсаткичларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳол суст суръатда иқтисоди ривожланаётган давлатлар учун Оврупа Марказий Банки ўрнатган фоизлар қимматлик қилиши ва уларниң сармоя сиёсатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Яъни иттифоқ давлатлари иқтисодларининг бир-бирига мослашиш жараёни, унинг кечиши муддати давомийлиги хали жуда кўп омилларга ва авваламбор сиёсий икlimга боғлиқ.

Албатта европнинг курси яна тикланиб, АҚШ доллари билан тенглашгани унинг рақобатбардошлигининг муҳим кўрсаткичидир. Шундай бўлсада, мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткич европнинг кучайганидан эмас, балки Америка иқтисодидаги муаммолар билан боғлиқ долларнинг сусайганидан далолат.

Умумжаңын глобалланиш жарапи молия бозорларидаги шаронт кескин үзгариши ва молия оқимлари замонавий техника имконияттаридан фойдаланыб, жуда тез алоҳида бозорларни тарк этишин мумкинligи, 1997-1998 йилларда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари яққол намоён бўлди. Бу ҳол бугунги кунда глобаллашиш жарапинига минтақавий боғлиқлик шаклида кириб боришлик бундай хатарлардан маълум жиҳатдан асрани мумкин бўлган имкониятларни яратиш ҳақидаги иқтисодчиларнинг фикрлари кенг микёсда муҳокама

қилингаяпты. Шу нүктүү назардан Оврупа Иккисодий Күмітасының Оврупа минтақасыда умумий валюта бирлигини киритиш тажрибасы ўрганилиши ва турлү минтақаларда құлланилиши имконияттың күриб чиқиши — бугунги күн долзарб мұаммоларидан бири деб бәрі ҳоланиши мүмкін.

5.2. Осиёниң Жануби-Шарқий давлатлари тараққиеті

Осиёниң Жануби-Шарқида жойлашған Япон ва "Үйледарлар" деб аталувчи давлатлар тараққиеті ўзининг тезлиги, қисқа муддат даврида катта ютуқларга эришгандығы билан иккисодичи, тарихчы үзүсіссатчи мутахассисларни ҳайратта көлтирган. Осиё иккисодий мөдели деб аталаған, тараққиет топиш жараёнлари Иккінчи Жаҳон уруғынан кейин аввалимбор Японияда, кейин башқа бир қанча (Корея, Малайзия, Тайван, Таиланд, Сингапур ва Гонконг) давлатларда нағыснарынан бүлди.

Шарқий Осиёдаги давлатлар қаторида аввалимбор Япон миссиялы әзтиборга лойиқ. XIX асрнинг иккінчи ярмуга қадар Япония "ёпік" давлат сиёсатини олиб борар зди. 1870-йилларда у ташқы савдосини ва саноатини тараққиеттік этиш ҳаракатларини бошлады. XX асрнинг бошларыда у минтақа миқесінде катта мавқега эга бўлса-да, хали оғир саноати гарбнинг етакчи давлатлари даражасыда өмис зди. Шунга қарамай, Япония Жануби-Шарқий Осиё минтақасында кенг миқесда иккисодий, молиявий ва сиёсий таъсиротини ўтказишга муваффақ бўлди. Бу давлат иккисодий самарасига XX асрнинг биринчи ярмида Россия, Хитой ҳатто ички Мўғилистонда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари далла бериб келди. Иккінчи Жаҳон уруши бошланишига қадар у оғир, аввалимбор ҳарбий, саноатлари тараққиетида муваффақиятларга эришиб, янги бозорларга кириш ҳаракатида зди.

50-йиллар бошида бу давлат эндигина уруши етказған талоғатларни сингиб, башқа ривожланыётгандык давлатлар орасында ўрин эгалланған зди. Асосий экспортти текстил ва шунга ўхшащ истеъмол маҳсулотларидан иборат зди. 50-йилларда у 5 млн., тонна пўлат ва 30 мини атрофида автомобил ишлаб чиқарар зди. АҚШ у даврда 7 млн. автомобил ва 70 млн. тонна атрофида пўлат қуяр зди. Мұхими Япония пўлат маҳсулотининг қыймати, ўзининг баъзи табиий бойниклары мавжуд бўлсада, ўргача ҳалқаро нархлардан юқори зди. 60-йилларга бориб Япония ҳукумати олиб борган сиёсат — бу давлатда дунёдаги энг арzon пўлат ишлаб чиқаришини таъминлади. Бу давлат имкон борица маблағларини мужассамлаб маърифат, илм, фан ютуқларини жорий этишига ва оғир саноати тараққиетига сарфлади. 70-йилларга бориб Япония энг кўп пўлат ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан

үрин олди. 70-йиллар ўргаларида Олмония автомобилчилар билан кескин рақобатта енгиб. 80-йилларга бориб Америкадан күпроқ автомобиль ишлаб чыкаришига эришгани.

Бу минтақадаги яна бир зытиборга лойиқ давлат Корея. Япониядан фарқы, Корея ўз саноат испоҳотларини XIX асрда бошламаған. 50-йиллар ўргаларида у хали күпроқ қишлоқ хұжалиғы маңсулотига мутахассислаштырылған давлат бўлиб, кейинги қирқ йил ичидә дунё миқёсиде иқтисодий жиҳатдан тараққий топиган давлатлар қаторидан ўрин олди. Бу давлат қатор саноат маңсулотларини, жумладан замонавий маңсулотлардан электроника, автомобил, алоқа воситалари ва бошқаларни ривожлантиришига муваффақ бўлган.

Бошқа Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг тараққиёт моделдари Япония ва Корея моделларидан фарқ қиласади. Бу фақат вақтдаги бўлган фарқ эмас. Улар испоҳотларини кечроқ бошлашсада, охирги ўтиз йил ичидә эришгани ютуқлари ҳам таажжублантирадиган натижаларни кўрсатди. Асосий ажратувчи фарқ шундаки, Япония ва Корея ўз тараққиётларидан күпроқ ички имкониятларига суюнган бўлсалар. Гонконг, Тайван, Сингапур, Индонезия ва Малайзия кенг миқёсда бөвосита чет эл сармояларини жалб этганларни самарали натижка берди.

Ва шу билан бирга бу давлатларни бир-бирларига ўхшашлари, улар Farb давлатларидан илгари сурладиган эркин савдо, чекланмаган бозор ва эркин рақобат ғояларини чекланган ҳолда қўллайдилар.

80-йилларда бу минтақа тараққиети энг тез суръатларга эришганилиги билан ўртача дунё тараққиети тезлигидан фарқ қиласади. Буни келтирилган З-жадвалда кўришинингиз мумкин.

З-жадвал

Ялни Миллий Маңсулот ўсими тезлиги (1)*

	1970-1979	1980-1989	1990-1996
Хитой	7,5	9,3	10,1
Ҳиндистон	7,8	5,7	8,3
Тайланд	7,3	7,2	6,3
Малайзия	8,0	5,7	7,7
Жанубий Корея	9,3	8,0	8,8
Тайван	10,2	8,1	8,6
Сингапур	9,4	7,2	7,2
Гонконг	9,2	7,5	10,1
Жаҳон	4,1**	3,1***	1,8

** 1965-1980

*** 1980-1989

қилинайты. Шу нүктүү назардан Оврупа Иккисодий Күмитасинин Оврупа минтақасында умумий валюта бирлигини киритиш тажрибасы ўрганилиши ва турли минтақаларда құлланилиш имкониятими күриб чиқиш — бугунги күн долзарб муаммоларидан бири деб ба, ҳоланиши мүмкин.

5.2. Осиёниң Жануби-Шарқий давлатлари тараққиеті

Осиёниң Жануби-Шарқида жойлашган Япон ва "йүлбарсар" деб аталувчи давлатлар тараққиеті ўзининг тезлиги, қыска мулдат даврида катта ютуқларға эришгандығы билан иккисодичи, тарихчи ва сиёсатчи мутахассисларни ҳайратта көлтирган. Осиё иккисодий мөдели деб аталиб, тараққиет топиш жараёнлари Иккинчи Жаҳон урушидан кейин авваламбор Японияда, кейин бошқа бир қанча (Корея, Малайзия, Таїван, Таиланд, Сингапур ва Гонконг) давлатларда на-мөн бўлди.

Шарқий Осиёдаги давлатлар қаторида аввалинамбор Япон мисоли эътиборга лойиқ. XIX асрининг иккинчи ярмига қадар Япония "ёпиқ" давлат сиёсатини олиб борар эди. 1870-йилларда у ташки савдосини ва саноатини тараққиетиши ҳаракатларини бошлади. XX асрнинг бошларида у минтақа миқёсіда катта мағкеге эга бўлса-да, хали оғир саноати гарбнинг етакчи давлатлари даражасида эмас эди. Шунга қарамай, Япония Жануби-Шарқий Осиё минтақасында кенг миқёсда иккисодий, молиявий ва сиёсий таъсиротини ўтказишга муваффақ бўлди. Бу давлат иккисодий самарасига XX асрнинг биринчи ярмида Россия, Хитой ҳатто ички Мўғилистоңда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари далда бериб келди. Иккинчи Жаҳон уруши бошланишига қадар у оғир, авваламбор ҳарбий, саноатлари тараққиётида муваффақиятларга эришиб, янги бозорларга кириш ҳаракати-да эди.

50-йиллар бошида бу давлат эндигина уруш етказған талоғи-ларни енгил, бошқа ривожланаётган давлатлар орасында ўрин эгалла-ган эди. Асосий экспортти текстил ва шунга ўхшаши истеммол маҳсу-лотларидан иборат эди. 50-йилларда у 5 млн., тонна пўлат ва 30 минг атрофида автомобил ишлаб чиқарар эди. АКШ у даврда 7 млн. автомо-бил ва 70 млн. тонна атрофида пўлат қуяр эди. Мұхими Япония пўлат маҳсулотининг қиymати, ўзининг баъзи табиии бойликлари мавжуд бўлсада, ўртача халқаро нархлардан юқори эди. 60-йилларга бориб Япония ҳукумати олиб борган сиёсат — бу давлатда дунёдаги энг арzon пўлат ишлаб чиқаришини таъминлайди. Бу давлат имкон борича маблағларини мужассамлаб маърифат, илм, фан ютуқларини жорий этишига ва оғир саноати тараққиётига сарфлади. 70-йилларга бориб Япония энг кўп пўлат ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан

үрин олди. 70-йиллар ўргаларида Одмония автомобилчилар билан кескин рақобатда сиғиб. 80-йилларга бориб Америкадан күпроқ автомобиль ишлаб чықаришга эришган.

Бу минтақадаги яна бир эътиборга лойиқ давлат Корея. Япониядан фарқлы, Корея ўз саноат ислоҳотларини XIX асрда бошламаган. 50-йиллар ўргаларида у хали күпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотига мутахассислаштирилган давлат бўлиб, кейиниги қирқ йил ичидаги дунё миқёсида иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олди. Бу давлат қатор саноат маҳсулотларини, жумладан замонавий маҳсулотлардан электроника, автомобиль, алоқа воситалари ва бошқаларни ривожлантиришга муваффақ бўлган.

Бошқа Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг тараққиёт моделлари Япон ва Корея моделларидан фарқ қиласди. Бу фақат вақтдаги бўлган фарқ эмас. Улар ислоҳотларини кечроқ бошлашсада, охирги ўтиз йил ичидаги эришган ютуқлари ҳам таажжублантирадиган натижаларни кўрсатди. Асосий ажратувчи фарқ шундаки, Япон ва Корея ўз тараққиётларida күпроқ ички имкониятларига суюнган бўлсалар, Гонконг, Тайван, Сингапур, Индонезия ва Малайзия кенг миқёсда бевосита чет эл сармояларини жалб этгандарни самарали натижада берди.

Ва шу билан бирга бу давлатларни бир-бирларига ўхшашилари, улар Фарб давлатларида илгари суриладиган эркин савдо, чекланмаган бозор ва эркин рақобат ғояларини чекланган ҳолда қўллайдилар.

80-йилларда бу минтақа тараққиётини энг тез суръатларга эришганлиги билан ўртача дунё тараққиётини тезлигидан фарқ қиласди. Буни келтирилган 3-жадвалда кўришинингиз мумкин.

3-жадвал

Ялии Миллий Маҳсулот ўсип тезлиги (1)*

	1970-1979	1980-1989	1990-1996
Хитой	7,5	9,3	10,1
Хиндистон	7,8	5,7	8,3
Тайланд	7,3	7,2	6,3
Малайзия	8,0	5,7	7,7
Жанубий Корея	9,3	8,0	8,8
Тайван	10,2	8,1	8,6
Сингапур	9,4	7,2	7,2
Гонконг	9,2	7,5	10,1
Жаҳон	4,1**	3,1***	1,8

**1965-1980

***1980-1989

Бу давлатлардаги иқтисодий жараёнлар тезлигини аңглаш үшін шундай түшүнтириштегі жуда күп иқтисодчи ва жамоатшунослар ҳаракат қылғанлар. 1997-1998 йиллар инқизори сабабларини ҳам шундай ифодалашга күпчилік ҳаракат қылади. Бу борадаги мавжуд назарий дүнёқарааш иқтисодий жараёнларни ушбу минтақанинг урф-одатлари ва жамият тизими билан боғлайды. Маъдумки, қулдорлик ва феодал тизимларидан фарқли, Осиё ишлаб чиқариш услуги назарістичилар тарафидан ёритилган. Ушбу Осиё ишлаб чиқариш услуги назариясында кўра бу услугуб кўпроқ сугориладиган қишлоқ хўжалиги минтақаларида шаклланган ва бу ерлардаги жамият турмуши шу тизим асосида ўз урф одатларини ва бутун жамият тизимини шакллантирган. Бундай жамиятларниң ижтимоий ҳаётги табақачилик асосида кечади. Бу йўсунда қурилган энг машҳур жамиятлар Ҳиндистон, Япония, қадимги Миср, Жанубий Америкадан Инклар давлати ва ҳоказо. Қулдорлик ва феодал тузумидан фарқли, бу жамиятларниң ҳар бир аъзоси умумжамият қоидалари ва маросимларига асосланган ҳолда турмуш кечирадилар. Бу ерда бир табақада туғилган инсон бошқа табақага ўтиб кетишлари ўта нотабиний ҳол. Бундай жамиятлар ўз сокинлиги (стабилликлиги) ҳар табақа ва ҳар бир инсоннинг интизомлилиги билан ажralиб туради. Бундай жамиятда қўйилган мақсадлар алоҳида инсон ёки табақа мақсади эмас, балки бутун жамиятнинг мақсадидан иборат. Табақалар, алоҳида оиласалар ва инсонларниң кундалик ҳаётлари ва мақсадлари умумжамият мақсадларидан келиб чиқади.

Агар Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ҳақида гап кетар экан, уларниң иқтисодий ютуқларга эришганликларини, замонавий капитализм тизими, уларниң қадимий урф-одатлари ва жамиятлари тизими билан оптималь ҳолда бирлаштирилгани натижаси — деб ифодаласа бўлади. Шу билан бирга жамият тараққиёти билан бу бирлашиб ҳам ўзгариб боришга мажбурки, бунда ёки Фарб капитализми, ёки маҳаллий удумлар устинликни згаллаб боради. Токи бу алоқалар яна оптималь ҳолда мослаштирилмагунга қадар иқтисоднинг самарали тараққиёти секинлашади ва ҳар хил нохуш иқтисодий инқизорларни бошларидан кечирадилар.

Бу давлатларниң бир қанчаси, жамиятларининг бирлиги асосида, фарbdаги улардан анча бой давлатлардан фарқли, камбағалчилик ғуаммоларини енгизшга муваффақ бўлдилар ва дунё миқёсида ўрта ёл давлатлар қаторида юқори поғонали ўрин олдилар (2). 1975 йилда кўпчилик Жануби-Шарқий давлатлар халқлари кунинга 1 доллар-

дан паст даромадга ҳаёт кечирап эдилар. 90-йилларнинг охирига келип уларнинг кўпчилиги бу иллатларни енгишга муваффақ бўлдилар. Farb давлатлари иқтисодларининг тараққиёти натижасига қарамай, ютуқларга эриша олмадилар. Яъни farb давлатларида, аҳоли даромадлари орасидаги катта фарқ мавжудлиги уларнинг удумларига зид келадиган ҳол эмас деган ҳулоса қиласа бўлади.

Шарқий Осиё давлатларининг ўсиши нафақат аҳолининг маошиб жалб этилганлиги билан ҳам эътиборга сазовор. У ердаги иқтисоднинг ўсиши ҳаттоқи иш кучи етишмасдан бошқа давлатлардан жалб замонавий технологиялар ишлаб чиқарилишининг ўсиши натижасига бу ерда юқори малакали ишчилар кенг миқёсда таёrlаниб, улардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Юқори малакали ишчилар малакаларига яраша юқори маошиб олишларидан чекланмадилар. Бу эса ўз ўрнида истеъмол бозори тараққий этиб, бошқа тармоқлар, яъни ниг тараққиётига замин яратди.

Осиё Жануби-Шарқий давлатларининг чет эл билан алоқа қилишида авваламбор эътиборга лойиқ тарафи — бу иқтисоднинг экспорт тараққиётига мослашгани. Бу давлатларининг олиб бораётган ташки иқтисодий сиёсат концепциялари халқаро бозорларга нисбатан очиқ ва яқин дейиш жуда ҳам тўғри эмас. Халқаро иқтисод билан интеграцияга интилишар экан, улар ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда протекционист чораларини кенг кўллайдилар. Бу нуқтаи назардан, авваламбор Япония ва Корея қўллаган, чет элга қаратилган сиёсатларида импорт эмас, аксинча экспорт тараққиётига куч бағишлиланган. Шунда ҳам ҳар қанақангি экспорт эмас, асосан фан ва техника ютуқларини жамлаган маҳсулотларини экспорт қилишга қаратилган.

Шу билан бирга эътиборга лойиқ, жамиятнинг расмий қонунчилиги жуда катта рол ўйнамайди. Бу давлатлардаги иқтисодий ҳаёт ҳамиша ўзаро келишуввлар орқали амалга оширилади ва бу ҳол корпорацияларнинг ўзаро алоқаларини қамрайди. Амалда ҳар бир корхона ўз тадбирларини албатта ҳукумат доиралари билан келишилган ҳолда амалга оширади, ваҳоланки бу тадбирлар қонунга зид бўлмаган ҳолда ҳам. Ўз навбатида ҳукумат қабул қилидиган қонун ва қарорлар ҳам ишбилармон ва тадбиркорлар билан бемаслаҳат амалга ошмайди. Албатта, четдан кузатувчилар учун бундай қарор қабул қилиш услуби секин ва ўта бюрократлашган туюлсада, қабул қилинган қарорларнинг ва корхоналар тадбирларининг самарасини, иқтиносдинг тараққиёт даражасидан ҳулоса қиласа бўлади.

Алоқида эътиборга бу давлатларнинг молния тизими ва алоқалари сазовор. Авваламбор, фарб давлатларидан фарқли, жамият ичидаги алоқалар бевосита, уларнинг одатларига кўра, пул айланишициз ҳам қурилиши мумкин. Шу билан биргага фарбий капитализмнинг тараққиети бу ерлардаги иқтисодий алоқаларни товар-пул муносабати орқали қуришга унади. Натижада, бу халқларнинг пухтачилиги ва ишчанлилиги, ўз ўрнида, ўтга тараққий тонгган молния бозорларини яратди. Ҳар қалай бозорларнинг фаолияти, молния асбобларининг қўлланиши, молния ташкилотларининг фаолият кўриниши фарб давлатларницидан қолишмайди. Бу сидаги молниячиларнинг ибора ва концепцияларини фарб мутахассислари бевосита англашади. Шу билан биргага, молния тизимидаги ҳам ўзига хослик мавжуд. Бу давлатларнинг тадбиркорлари ва корпорациялари, одатда молния ташкилотлари ва банклар билан узоқ мuddатли ва ўзаро жуда яқин алоқалар асосида иш олиб борадилар. Бир тарафдан бу корпорациялар учун катта қулаликлар яратади, улар ортиқча расмиятчилик ёки катта гаровсиз керак маблағларни жалб этишлари мумкин. Чунки корхона ва банклар алоқаларида сир ёки англашмовчиликлар камдан-кам учрайдиган ҳол. Бу афзалликлар корпорацияларнинг тез иқтисодий ўсишларига молниявий замин яратади.

Шу билан биргага мавжуд ҳол молния тизимининг соғломлигига катта хатар етказади. Чунки банкларнинг қарз портфелларида ишончли гаровлар билан қопланмаган қарзлар қисми ўсиб боради. Фарб услубларни қўллаб, номига кўйилган гаровлар суғурталар ҳам кўп учрайдиган ҳол. Иқтисод тараққий этаётган даврда бундай камчиликлар катта аҳамиятга эга эмас. Лекин циклик ўзгаришлар, иқтисоднинг тармоқлар тизими кескин ўзгарадиган даврларда бу молния тизими, фарб мутахассисларининг нуқтаи назаридан ўзининг занфлигини бир неча марта намоён қилган. Бунда ночор қарзларни қоплашда маҳаллий ҳукуматлар ўз тарафларидан муаммоларни енгишга ҳаракат қиласидилар ва бу давлатларнинг удумларига яраша мураккаб ҳолларни фарб давлатларидан фарқли ўлароқ оғир талофатларсиз енгадилар.

1997-1998 йиллардаги иқтисодий инқироз натижасида бу давлатларнинг корхоналари акциялар шаклида белгиланган қийматлари кескин пасайиб кетди. Қарзларини қоплаш учун улар кўплаб акцияларини фарб сармоядорларига арзимаган нархларда сотишга мажбур бўлдилар ва бу ҳол улардаги “фарбий капитализмни” кўчайиш даврини бошлади.

Бу молниявий инқирозни кўпчилик иқтисодчилар қўйидаги сабаблар билан изҳор этадилар:

Күпчилик Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий сиёсатлари экспорт тараққиётига қаратилган эди. Шу билан бирга импортни ўрнини босишига қаратилган чоралар етарлича кўлланмаган. Натижада, янги илмий ва техникавий ютуқларга эга маҳсулот чиқарувчи корхоналар 75-80 фойзгача хом ашё ва эҳтиёт қисмларни чет элдан импорт қиласар эдилар. Уларнинг валюталарининг бир оз заифлашгани, сотиб олинаётган хом ашёга қилинадиган харажатларни кескин ўсишига ва бу корхоналар самарасиз фаолият кўрсатишига мажбур бўлганлар.

**Жануби-Шарқий Осиё давлатлари
1998 йил 18 февралидаги 1997 йил 1 июнга нисбатан,
фойз ҳисобида ўзгарув (4)**

	Кимматли қоғозлар бозоридаги нархлар ўзгариши	Долларга нисбатан алишув курслари
Индонезия	-81,2	-73,5
Жанубий Корея	-32,3	-48,1
Тайланд	-47,9	-43,2
Малайзия	-59,0	-33,3
Сингапур	-45,0	-13,2
Гонконг	36,6	Долларга боғлиқ

Етишмайдиган молияни қоплаш учун улар кўплаб қисқа муддатли қарз олишига мажбур бўлганлар ва бу қарзларни узоқ муддатли дастмак сифатида қўллаганлар. Лекин маҳсулотларининг таннархи баланд бўлганлиги учун қарзларини муддатида қайтара олмай, инқиризга йўлиқканлар.

Йилдан-йилга юқори малакали иш кучига талаб ортиб борган. Лекин уларни тайёрлашга етарлича маблағ ажратилмаган. Натижада малакали ишчиларнинг етишмаганлиги сабабли уларнинг маошлари кескин ўса бошлаган. Ислоҳотларининг бошланишида мавжуд бўлган иш кучининг арzonлиги, вақт ўтган сари иқтисотдаги бу афзалликни йўқотган. Иш кучининг нархи ошиб кетганлиги ва қимматлиги ҳам бу ердаги таннархларни ўсишига ва иқтисодий самарасини пасайишига сабаб бўлган.

Аксарият ҳолларда, тараққий топаётган чет зл экспортига мўлжалланган корхоналарнинг маҳаллий иқтисод билан боғлиқлиги пасайиб борган. Бу корхоналарнинг афзалликларидан фақат унинг ходимлари ва яқинлари баҳраманд бўлганлар. Умуниқтисодий аҳволга бу корхоналарнинг таъсирини салбий баҳоланса ҳам бўлади. Чунки

маҳаллий иқтисоднинг энг яхши афзаликларини, унинг маблағлари ни: малакали иш кучи, энергия манбалари, сифатли хом ашё ва бошқаларни шу корхоналар қамраб олган. Ўз навбатида маҳаллий иқтисодий муҳитга улар шунга жавобан “самарали” қайтимларини бермаганлар. Яъни бу корхоналар кўпроқ уларни таъсис этган Транс Миддлий Корпорациялар манфаатларигагина хизмат қилганлар, холос (5).

Юқорида кўрсатилган ва баъзи бошқа сабаблар, чамаси 30 йиллардан бери узлуксиз тараққий этиб келаётган иқтисодлар цикллик инқироз даврига кириб борганинни, бу иқтисодлар ишлаб чиқариш тизимлари (6) ўзгаришга муҳтоҷ бўлганларидан далил. Лекин нима учун бу давлатлардаги инқироз бир найтда бошланди?

Буниг сабаблари деб минтақавий молия бозорларининг ўзаро узлуксиз боғлиқлигини кўрсатса бўлади. Ва молиявий боғлиқлик иқтисодий интеграция билан қўлланмаганлиги мазкур зайнфликни яратган. Иккинчидан, айнан шу даврда, Америка Кўшма Штатларида қўллананаётган Янги Технологиялар иқтисодий сиёсат ўз самарасини кўрсатди. Президент Клинтон жаноби олийлари маъмурияти олиб борган янги технологияларни қўллаш сиёсати компьютер ишлаб чиқариш, алоқа воситалари, компьютер программалари тараққиётига бир қанча афзаликлар яратди. Бу тармоқлар акцияларининг қиймати, бу маъмурият фаолияти даврида тез суъратларда ўсиб борди. Шу билан бирга, маъмурият Америка Хазинаси қўмматли қоғозларининг нархларини ҳам узоқ муддат юқори нархларда қўллаб туришга муваффақ бўлдилар ва Федерал Жамфарма Тизимининг фойиз сиёсати ҳам шунга мосланди. Натижада халқаро молия бозорларидаги сармоялар миллиардлаб Америка иқтисодига оқиб келди. Шу жумладан Жануби-Шарқий давлатларини ҳам миллиардлаб долларлар тарк этгани, ушбу иқтисодларда (қаттиқ) молияда белгиланган айланма маблағлар етишмаслигига ва бу билан боғлиқ инқирозни тезлашишига сабаб бўлди.

Қарангки, инқироз бошлангунга қадар машҳур халқаро рейтинг корхоналари “MOODY” ва “Standard and Poor”, Жануби-Шарқий давлатларининг рейтингларини етарлича баланд даражада кўрсатиб турдилар. Чунки, бу давлатларнинг ташқи кўринишида макроиктисодий кўрсаткичлари: тўлов баланслари, алишув курслари, инфляцион жараёнлар, банклар фоизи ва ҳоказо, халқаро стандартларга кўра ижобий баҳоланиб келди. Шунга қарамасдан, кўпчилик молия бозори қатнашчилари, Жануби-Шарқий давлатларини қисқа муддат ичida тарк этиб, сармояларини бошқа давлатларга, асосан Америка бозорига олиб келдилар.

Минтақада алоҳида ўринни дунёнинг энг кўп аҳолисига эга Хи-

той Халқ Республикаси (ХХР) эгаллай бошлаганлиги тарихчи, иқтисодчилар, сиёсатшунос мутахассислар тарафидан зытироф этилмоқда. 2000 йил 18 декабрда Америка милллий хавфсизлиги кенгасининг 2015 йилга қадар халқаро тараққиёт истиқболини баён этган маъруzasида, Хитой Халқ Республикаси яқин давр ичидаги нафақат минтақада, балки дунё миқёсида ҳам етакчи ўринларининг бирини эгаллайди. Ушбу маъруза хулосаларига кўра, иқтисодий ва сиёсий таъсири унинг нафақат жанубий ва шарқий давлатларга, балки Марказий Осиё давлатларига ҳам кутилмоқда (7).

1997-98 йиллардаги молиявий инқироздан кейин минтақадаги давлатлар савдо-сотиқ йўналишларини ўзгартиришга мажбур бўлган эдилар. Бунда авваламбор, ғарб давлатларидан арzonроқ бўлган ярим тайёр маҳсулотлар таъминотчиси сифатида Хитой намоён бўлди. Шу билан бирга Хитойнинг ўсиб бораётган саноати ва ички бозори минтақа давлатларининг истеъмолчиси сифатида ҳам ўсиб бормоқда. Унинг йилдан-йилга импорт қилиш имкониятининг ўсиб бориши ғарб давлатларига бас қелаоладиган бозор сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, Хитой иқтисодининг ўсиши авваламбор унинг экспорти билан боғлиқ. Бу нуқтаи назардан қараганда Хитой иқтисодининг тараққиёти стабил иқтисодий вазият билан боғлиқ. Кескин валюталар курсларининг ўзгариши, долларнинг су сайиши Хитой иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, Америка иқтисодиёти Хитой экспорти учун муҳим аҳамиятга, эга бозорга айланниб қолган. 2002 йилнинг биринчи ярмида Хитойнинг Америкага экспорти 20%лар атрофида акс эттирилган. Ваҳолангки ўтган йилларда бу кўрсаткич бир неча фойзи ташкил этган, холос.

Минтақадаги Хитойнинг аҳамияти авваламбор бу давлатнинг импорт имкониятлари билан белгиланмоқда. Дунё миқёсида Хитой энг катта чет эл захираларининг бирига эга (205 млрд. доллар атрофида) (8). Шунинг учун бу давлат халқаро молия бозорларида, шу жумладан Америка молия бозорида катта аҳамиятга эга. Охирги икки йил давомида Хитойнинг Америка давлати қимматли қоғозларига йўлланган сармоялари уч баробарга, кўпайиб 50 миллиард доллардан ошиди.

Қатор иқтисодчи таҳлилчилар Жануб-Шарқий Осиё давлатлари минтақаси ўз ички ўсиш имкониятларига эга эмас, деган фикрларни билдирадилар (9). Тўғри, АҚШ ва Япония иқтисодларининг ўсиш суръати пасайиши бу давлатлар иқтисодига салбий таъсир ўтказди. Чунки, айтиб ўтилганидек, бу давлатлар иқтисоди экспортга йўналтирилган бўлиб уларнинг маҳсулотларининг истеъмолчилари аввалимбор Япония ва АҚШ бўлиб келган.

Іюкорида айтиб ўтилганидек, бу давлатларнинг ички бозори ва ўзаро савдо-сотиқ тараққий эта бошлиши натижасида охирги йилларда минтақа чет эл сармоядорлари ўтиборини жалб этишига муваффақ бўлишига замин яратди. Бунга сабаб бўлиб инқироздан кейин амалга оширилган ислоҳотлар одатдагидек Транс Миллий Корпорацияларининг эмас, маҳаллий ўрта ва кичик тадбиркорларни қўллашга қаратилган эди. Бу ислоҳотлар натижасида маҳаллий аҳоли даромади кўтарилиб, турмуш тарзини ижобий ўзгартиргани ички бозорнинг кескин ўсиши ва иқтисодий самара ошишига олиб келган. Таҳлилчиларнинг маълумотига кўра 2001 йилининг натижаларига кўра тараққий этган фарб давлатларига йўналтирилган сармоялар 4-8 фойзгача фойда келтирсан бўлса, тараққий этётган давлатларда бу кўрсаткич 28 фойз, Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги давлатларда 32 фойзгача фойда келтирсан (10).

Бундан манфаатдор бўлган сармоядорларнинг келиши бу минтақадаги қимматли қофозлар бозорини тикланишига, кескин ўсишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Жанубий Корея қимматли қофозлар индекси ярим йил давомида 25%га, Таиландда бу кўрсаткич 27%га ўсан. Қимматли қофозлар бозорларининг ҳаракати жадаллашиши Индонезия, Малайзия ва бошқа шу минтақадаги давлатларда кузатилмоқда.

Агар жараёнлар чуқурроқ таҳдил қилинса, бу кўрсаткичлар минтақадаги ўзгаришлардан далолат беради. 1997-1998 йиллар молия инқирози Жануби-Шарқий Осиёнинг кўпчилик давлатларида ҳукуматлар ва маълум жиҳатдан мафкуравий ўзгаришларга сабаб бўлди. Ҳукуматлар, одатда кўпроқ урф-одатларга, анъаналарга кўра автократик, буйруқ орқали ва қадимий конфуций мафкурасига оид дунёқараш ҳукм сурар эди. Инқироз киритган ўзгаришлар гарбий услубдаги иш юритишни ва шунга яраша гарбийларча ҳукумат ва бошқарув услубларини киритди ва ижтимоий ҳаётни кўпроқ расмийлаштиришга мажбур қилди. Молия бозорларининг тараққиёти, фонд биржасидаги кескин акцияларнинг ўсишини авваламбор шу ўзгаришларнинг натижаси деб баҳоласа бўлади. Лекин қисқа мuddат ичидаги бундай чуқур ўзгаришлар хақида ҳулоса қилиш ва бу жамиятлар тараққиёти истиқболини ишонч билан муҳокама қилишга хали эрта. Чунки ҳеч қанақангидан удум ва урф-одатлар жуғрофий ва бошқа омиллар таъсиrotisiz шаклланмайди. Буларни расмий ислоҳ қилиниши ижтимоий мафкурага фақат ижобий таъсир қиласи, деб баҳолаш қийин.

5.3. Араб давлатларидаги молиячилик

Ислом давлатларида банкачиллик ўзига хослиги билан фарқла-

нади. Бунга сабаб, қадимдан судхўрлик билан шуғулланиш гуноҳ, деб ҳисобланган. Судхўрликни нафақат қуръон, ундан илгариги илохий китоблар ҳам ман этиб келган (1). Одатда, бу ман қилинишига иккита сабаб асос қилинади, биринчиси камбағаллар судхўрликтан янада оғир ҳолатта тушсалар, иккинчидан қарз берувчиларни бузади, чунки меҳнатсиз даромадга ўргатади.

Бу борада ҳам ҳар хил тушунчалар мавжуд. Баъзи уламолар агар берилган қарз савдо-сотиқ ёки бошқа тадбиркорликка берилса ва ундан инсоғ билан фоиз ундирилса, яъни қарз олган тадбиркор бундан зиён кўрмаса, аксинча молия дастмаклардан оқилона фойдаланса, савоб тадбиркорликни юритса, бундай молиявий олди-сотди ҳалол деган фикларларга асосланиб, унга 1988 йил Қоҳира (Миср) муфтийси ижобий фатво берган экан (2). Бошқа нуқтai назар Бақара сурасининг 275-оятига кўра “Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган, мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: “Бай (олди-сотти) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?” деганларидир. Холбуки, оллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас...” (3), ҳар қанақангি фоиз билан қарз беришини ҳаром деб таъкидлайдилар. Ҳар қалай, ички бозорларда ишлайдиган кўпчилик Исломий банклар фоиз билан ишлашини ман қиладилар (4). Кўпчилик ислом давлатларида банклар бошқарув девони аъзолари қаторида фикъ мутахассислари қатнашиб, ҳар қайси шубҳали операция бўйича унинг ҳалол ёки ҳаромлигига аниқлик киритадилар.

Лекин, бу борада ҳам аниқ йўналишлар хали белгиланмаган. Чунки уламолар қаторида баъзилари беш фоиздан ортиқроқ фойда билан ишлайдиган тадбиркорликда қатнашишини ноўрин деб баҳоласа, бошқалари умуман узоқ муддатли дастмакларда қатнашишини (яъни тадбиркорлик натижалари ноаниқ дастмакларни) қўморнинг бир тури деб ҳам баҳолайдилар.

Банклар — молия маҳсулотлари

Банкларда ўз жамғармаларини сақлайдиган мусулмонлар ҳам “депозит” тўловларини талаб қилмайдилар. Бу банклардан қарз олган фарбий (конвеншионал, яъни оддий) банклар бу ҳолдан жуда манфаатдор. Лекин бошқа тарафи, замонавий ғояларга кўра молиянинг вақт билан боғлиқ қийматини инкор қилиниши, депозитларга муддати белгиланмасдан молия захиralари топширилади. Бундай захиralардан фойдаланиш, уларнинг ҳар доим ликвидлигини таъминлаб берилишини бажариши керак бўлганлиги учун улардан фойдаланишда қийинчилклар яратади.

Шундай бўлсада, исломий тижоратчиликда маълум молиявий

асбоблар тараққий топиб, амалда қўлланиладилар. Буларнинг баъзилари қўйидагича:

Ижара, фарб давлатларида лизинг атамаси билан танилган. Бунда турли хилдаги мулкни бино ёки ишлаб чиқариш воситаларини келишилган муддатта келишилган тўлов эвазига бериб турилади.

Ижара ва иқтина, сотиб олаётган молни қисман пулини тўлаб, қолгани насияга берилади ва келишилган муддат давомида қолган қисми тўлаб борилади.

Истисно, бу ҳамижара маҳсулуга ўхшаш. Лекинижара кўпроқ ишлаб чиқариш воситаларига қўллансан, бу маҳсул ҳом ашё ва қисман ишлов борилган ашёларга қўлланади.

Мудораба, сармоячи тадбиркор ўзининг дастмагини банкка топширади. Банк бу дастмакни сармоя қиласди. Банкга сармоясини топширган тадбиркор ёки банк муассасасининг умумий даромадига, ёки фақат ўзи топширган сармояси қозонган фойдага шерик бўлади. Бу маҳсулот қўлланганида молиявий муассаса банк шаклидами ёки фонд шаклида намоён бўладими турли муҳокамаларга асос бўлмоқда. Мудораба банк ҳисботининг ҳам актив ва пассив қисмida қўлланади.

Ҳард хассан, фойда олинмайдиган қарз. Одатда, савоб учун биродарларга ёрдам сифатида ажратиладиган молия. Бу дастмаклардан фойдаланиб тадбиркорлигини тараққий этганлар умум жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши кўзланади.

Мушаърақа: бунда банк нафақат сармоядор сифатида, амалга оширилаётган лойиҳанинг қатнашчиси сифатида намоён бўлади. Бундай тадбиркорликда агар лойиха фойдаси билан амалга оширилган ёки мағлубиятга учраган ҳолда бўлса ҳам молиявий муассаса бу ҳолга ўзининг қўйиган сармоясига яраша шерик бўлади.

Мурабақа, сармоядор мушаърака маҳсулуга ўхшаш иш юритади. Лекин фарқи шартнома келишилган муддат даврида амалга оширилади. Муддат битгач, сармояларини олиб кетади.

*Исломий услубдаги банкачилик*нинг яна бир фарқли тарафи сармоядор молия муассасаси қарз олаётган тадбиркор билан баробар таваккалчиликда қатнашади.

Бундан фарқли гарбий банкачиликнинг асосий йўналиши, аввалимбор ўз дастмакларини сақлашга қаратилган бўлади. Фарб банклари қарз беришда унинг қайтарилмаслик хатарларини олдини олишга интиладилар ва одатда қарз таъминотига гаров сифатида бирорта мулк олинади. Ёки қурби етган учинчи шахснинг гаров хати қўлланилади. Бундай услублар деривативлар тараққий топиши, турли суфурга асбобларини гаров сифатида кенг қўлланишини бошлади. Бу бо-

рада энг муҳим йўналишлар — таваккалчиликни бошқаришга оид ишланишлар ва бу борадаги мутахассислар ғарбий банкачилликда юқори поғонали ҳисобланадилар.

Шу билан бирга инобатга олиш керакки, гаров талаб қилинадиган молия бозорларида қатнашувчилар учун маълум чегаралар яратилади. Девид де Меза (Devid de Meza) таъкидлашича, кўпчилик ишланишлар кўрсатадики, кам мулкка эга ва паст табақаларга мансуб тадбиркорлар молия қарз захираларидан четланадилар. Масалан, Буюк Британия Бирлашган Қирроллигидаги 85% кичик ва ўрта бизнес корхоналарига берилган қарз эвазига қўйилган таъминот мулки, қарз миқдоридан юқорироқ баҳоланади. Америка Кўшма Штатларида 70% саноат ва савдо қарзлари гаров билан таъминланган (5). Яни гаровга қўйишга маблағи етмаган тадбиркорлар қарз олиш имконидан маҳрумлар.

Фарб банкчилигининг негизи сифатида қарз олиш-беришни амалга оширилиши келишилган миқдордаги фоизлар тўлови асосида олиб борилади. Ислом услубидаги банкчилликда банкка молиясини саклашга кўяётган сармоядорлар олдиндан фойда олиш — олмаслигини, ва унинг миқдорини билмайди. Бунда таваккалчилик даражаси юқори. Лекин, баъзан оладиган фойдаси ҳам ўртача фарб банкларидаги фоиз миқдоридан юқори бўлиши мумкин, чунки сармоячи қарз олганинг таваккалида қатнашади ва унинг даромадига тўла шерик бўлади.

Шу билан бирга, сармоядор нафақат оладиган фойдасини гоҳида қўйган дастмагининг асосий қийматини ҳам йўқотиши мумкин. Чунки қарз олди-бердисида ҳеч қандай гаров ва ёки суғуртага ўхшаш фарб банкчилигида кенг қўлланиладиган деривативлар ишлатилмайди. Суғурталашни исломий уламолар қиморнинг бир тури деб баҳолаб, у билан боғлиқ операцияларга, одатда фатво бермайдилар.

Бозор миқёси

Исломий молия бозорининг тараққиёти таҳминан 1980-йилда бошланди. Унга қадар савдо-сотиқ ишлари оддий пул тўловлари орқали амалга оширилар эди. Бунда Марказий Банклар тизими, молия ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи фаолият ва молия бозори мавжуд эмас эди.

Ҳозирги кунга келиб 160га яқин исломий молия муассалари юқорида кўрсатилган молия маҳсулотларини амалга оширишлари маълум. Уларнинг умумий депозитлари миқдори 100 млрд. доллардан ортиқроқни ташкил этади ва ўрта ҳисобда йилнга 10 фонзга ошиб бормоқда.

Информацион технологиялар нафақат молия маҳсулотларининг кенгаси ва улардан мижозлар фойдаланишининг сифатий жиҳатдан ортиши билан бозорларнинг тараққиётини нефт қазувчи ва сотувчи араб давлатларида кенгайтириб, ҳамма ислом давлатларида жорий қилинишига ҳам сабаб бўлмоқда. 2001 йил ўрталарига бориб Покистон ўз банкчilik фаолиятини исломий услугга кўчириши режалаштирган эди. Индонезия, Малайзия, Судан ва Бруней давлатларида ҳам банкчilikнинг бу услугда иш олиб бориш жараёнлари кенг тарқалиб бормоқда.

Қизиги шундаки, бу услуг гарб ишбилармонлари ва молиячилари тарафидан таңқидий кўз билан баҳоланиши билан баробар, услугнинг венчур ёки таваккалчилигининг афзалликлари маълум жиҳатдан маҳсулотларига қизиқиш ҳам яратади. Шу жумладан, бир қанча гарб сармоя банклари (ANZ Investment Bank, HSBS, Deutsche Bank, ABN AMRO) исломий банкчilik ва молиялаш бўлинмаларини ва шўъбаларини яратмоқдалар. Маҳсулотларни исломий турлари ҳолида қўллаш уларга замонавий маркетинг талабларига кўра янги маҳсулотлар ва уларга талаб яратиш, бозорларни эгаллаш ва тадбиркорликларнинг ўзгача имкониятини туғдиради.

Исломий дастмакларнинг нархини кўрсатувчи индексларнинг тараққиёти ҳам аҳамиятта эга ҳол. Бу Нью-Йорк ва Лондондаги ФТСЕ Глобал Исломий Индекси ва Доу Жонс Исломий Бозор Индекслари. Бу ҳол гарб тадбиркорлари дастмакларни исломийча мумкин бўлган ҳолда ҳаракатланиши қабул қилганиларидан ва ислом давлатлари молия бозорларини тараққиёти инкор қилиб бўлмайдиган даражага етишганлигини тасдиқловчи жараён деб тан олиниши мумкин.

Ислом давлатларининг 53 нафари аъзо бўлган Ислом Тараққий Банки, 1975 йил ташкил топиб, Жидда шаҳрида жойлашган. Унинг бу давлатлар иқтисодий тараққиётидаги роли ҳам муҳим аҳамиятта эга. Банкнинг аъзо давлатлари қаторида жуда бой бўлганлари билан бирга кўп миқдорда қарзларга муҳтож бўлган камбағаллари ҳам мавжуд. Уларнинг умумий қарзлари 2000 йилга бориб 650 миллиард долларча миқдорга етган. Банкнинг асосий фаолияти аъзо давлатларининг тўлов баланслари каби харажатларини қўллаш эмас. У тараққиёт банки бўлганлиги учун унинг фаолияти давлатларнинг ўзаро савдоларини ёки алоҳида лойиҳаларни молиялаштиришига қаратилиган. Камбағал ислом давлатларининг бюджетларидағи муаммолар бу давлатларга қарз беришда қўшимча таваккалчilik яратиши Ислом Тараққиёт Банки фаолиятига қўйинчиликлар туғдирадики, исломий банкчilik қарз беришда ҳеч қандай гаровни қабул қилмайди.

Исломий банкчилликнинг энг муҳим марказларидан бири Бахрейнда жойлашган. Бунга асос мавжуд қонунчиликнинг тараққиёти, бу ердаги банкларнинг операциялари очиқ ва равшан ҳолда амалга оширилишида. Банкчилликдаги равшанлик янги мижозларни жалб қилишга муҳим омил бўлиб, банкка ўз сармояларини ишониб топширганларни ва унинг маҳсулларидан фойдаланаётганларни сонини оширишида муҳим омил сифатида намоён бўлади. Мисол қилиб Ал-Барака банк Гуруҳини келтирса бўлади. Бу гуруҳ марказий бошқаруви Бахрейнда жойлашган бўлиб, унинг 110дан ортиқ шўйбалари Мағриб давлатларидан то Жанубий Африкага, Миср, Туркия, Иордан ва бошқа Ислом давлатларида фаолият кўрсатмоқда (6). Банкнинг стратегик йўлланиши фаолияти улгуржи маҳсулотлардан йирик ижара ва сармоялар билан боғлиқ маҳсулотларга қаратилган. Ўз фаолиятида бу банк гуруҳи ҳар бир давлатнинг маҳаллий сармоядорларини жалб қилиб, қўшма корхоналар тузиш асосида ҳаракат қилишга интилади. Бу каби исломий банкчиллик гуруҳлари исломий молия бозорларида тараққий топиб бормоқда. Яна бир мисол қилиб, Дар ал-Мал ал-Исломи Гуруҳини ҳам келтирса бўлади.

Бу жараёнлардан шуни таъкидлашимиз мумкинки, охириги йигирма йил давомида “исломийча” аталмиш банкчиллик тараққиёти тезлашиб бормоқда. Бу услубни нафақат ислом давлатларида, Фарбий Оврупа ва Америка қитъасида ҳам тан олиниб, шу услубда иш юритаётганлар кўпаймоқда. Хулоса қилиб тасдиқласа бўладики, бевосита бўлмасада, ислом давлатларининг молиявий бозорлари халқаро молия бозорлари билан боғлиқ ва унга ўз таъсирини кўрсатмоқда ва молия бозорлари глобаллашувида қатнашмоқда.

Хулоса ўрнида шуни мумкинки, бу қисмда келтирилган маълумотлар дунёнинг ҳар чеккасидаги молия бозорларининг фаолиятини қамраб олмайди албатта. Асосий молия ҳаракатларини акс эттираётган учта молия бозори: Америка Кўшма Штатлари, Фарбий Оврупа ва Осиё Жануби-Шарқидаги минтақа умумий жараёнлардан тушунча беради. Булардан фарқли ўлароқ Араб ва бошқа ислом мағкурасидаги молиячиллик ўзига хослиги билан ажраталиб туради.

Минтақавий молия бозорларининг қизиги, уларнинг шаклланиши тажрибаси бошқа минтақалар учун ҳам ўрнак бўлишидадир. Шу нуқтаи назардан Оврупа молия бозори мутахассислар эътиборини ўзига жсалб қиласди. Оврупа молия тизими бир кунда шаклланган ҳол эмас. 1999 йил 1 январда киритилган евро валютаси ва 2002 йил 1 январидан қўллананётган унинг жисмоний шакли, 1957 йил Румда битилган Овропа Иқтисодий Кўмитаси (ОИК) шакллантириши Шартномасига бориб тақалади.

Оврупа молия тизими ўз тараққиётида турли даврларни бошидан

кечирди. Рум шартномаси молия тизимларни ўзаро мувофиқлаштириши масалаларини кам күзлаган. Бунда олтмишинчи йил охирiga қадар фатташалар алмаштириши курсларини ва бу борада маҳсус мусассаларни ташкил этиши масалалари назарда туттилган. Кўзланган масалаларнинг амалга ошиганилигига асосий сабаб, у даврда Бреттон Вудс Шартномаси етарлича самарали хизмат қилар ва то 70-йилларга қадар бу мақсадларни амалга оширишига катта зарурят бўлмаган.

Лекин, 1971 йили Америка Кўшима Штатлари Янги Иккисодий сиёсатини киритгани Оврупа Иттифоқида ички молия сиёсатларини қабул қилишига ундади. Янги ўрнатилган қоидаларга кўра валюталар излариги ўзаро алиштирув курслари I фоиз ўзгариб туриши имкониятини 2,5 фоизгача кўпайтирган эди. Оврупа давлатларининг валюталарига нисбатан бу қоиданинг қўлланниши шуну кўрсатдики, валюталарни бир турлари энг пастга тушган ҳолда бошқа турдагиси энг баланд курсга кўтарилса, орасидаги фарқ 9 фоизгача етар экан. Бу ҳол чайковчиларга кенг имкон яратиб, ўзаро савдога кескин салбий таъсир кўрсатилиши мумкин бўлганлиги учун тарафларни қониқтира олмасди.

1972 йил Швейцариянинг Базел шаҳрида ОИКға аззо тарафлар валюталарини ўзаро ўзгарувчанилигини икки баравар қисқартириши хақида келишиб олдилар. Келишув “Оврупа илони” ибораси остида ўзгарувчан курсни 4,5 фоизгача йўл қўйлишини тасдиқлади. 1977-1978 йилларда доллар ва Оврупа валюталари орасида фарқ кескин кучайиб кетди. Бу жараёнлар ОИК аззолари давлатларини Оврупа Молия Тизимиши шакллантиришини тезлаштиришига ундади ва 1978 йил улар бу тизимни шакллантиришига муваффақ бўлдилар.

Оврупа молия тизими уч асосий қисмдан иборат бўлган:

1. Валюталар курси ва интервенция қўлланилиши тизими;
2. Ўзаро ҳисоб-китоб ва қарз берши тизими;
3. ЭКЮни тадбиқ этиши.

Америка ва Жануби-Шарқий Осиё бозорларининг рақобати кучайиб бораётган шароитида, Оврупа Иттифоқи глобал миқёсда рақобат дошлигини ошириши ҳаракатида ва ички бозорини кучайтириши мақсадиди. Маастрихт шаҳрида 1992 йил умумий валюта киритшига қарор қилди.

Умумий валютани киритишдан асосий мақсад қилиб қуйидаги масалалар кўйилган:

1. Валюталарнинг ўзаро алишуви билан бояғиҳа ҳаражатлардан қутлиши;
2. Кундалик валюталарнинг ўзаро курслари ўзгариб туриши холини бартараф қилиши;
3. Узок муддатли курслар ўзгариши хавфини бартараф қилиши;

4. Оврупа Иттифоқи давлатларининг қимматли қозоз бозорларининг умумийлаштиришиши ва бу қозозларнинг қийматини етарлича южори дараражада таъминлаб туриш;

5. Аъзо давлатлар бозорларидағи нархларнинг умумийлаштиришиши ва сокинлигини таъминлаш.

Евро киритилиша тасдиқланган алишув курси долларга нисбатан ўша киритилгандын кунидаги ЭКЮ курсида белгиланган эди ва 1 долларга 1,19 ЭКЮ курси билан 1 январ 1999 йил Евро валютаси киритилган. Авропа Иттифоқи давлатларининг иқтисодларини бир-бирларига мослашши жараёни шу кунга қадар битгани ўйқа ва бу жараёни, ваҳолангки иқтисодиёт тараққиётини амалга ошар экан, ҳамиши давом этадиган ҳол. Лекин у даврга хос иқтисодиёт тизимининг кескин ўзгариб бориши ва евро китиритилиб, иккى йил давомида милий валюталар билан баробар фаолият кўрсатиши ва европни жисмоний шаклда кечроқ киритилиши режсанлаштирилганни, бу валютани биринчи кунданоқ сустлигини кўрсата бошлади. Унинг долларга бўлган курси пасайиб борди ва 2002 йил жисмоний ҳолда киритилганига қарамасдан, март ойига келиб бир долларга 0,87 евро курси тўғери келди.

Албатта, Евронинг яна тикланиб, ёзга бориб АҚШ доллари билан курси тенглашгани унинг рақобатдошигининг муҳим кўрсаткичи. Шундай бўлсада, мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткич европонинг кучайганидан эмас, балки Америка иқтисодидаги муаммолар билан боғлиқ долларнинг сусайганидан далолат.

Умумжоҳон глобалланниш жараёни молия бозорларидаги шароит кескин ўзгариши ва молия оқимлари замонавий техника имкониятларидан фойдаланиб, жуда тез алоҳида бозорларни тарқ этиши мумкинлиги 1997-1998 йиллардаги Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг мисолида яққол намоён бўлди. Бу ҳол глобаллашими жараёнига минтақавий боғлиқлик шаклида кириб боришилик бундай хатарлардан маълум жиҳатдан асрарни мумкин бўлган имкониятларни яратиши ҳақидаги иқтисодчиларни фикрлари кенг миқёсда бугунги кунда муҳокама қилишади.

Шу нуқтаси назардан, Осиёнинг Жануби-Шарқида жойлашган давлатларнинг, аввалимбор Япония ва Корея тажрибалари мутахассислар орасида катта қизиқиши ўйготади. Бошқа Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг тараққиёт моделлари Япония ва Корея моделларидан фарқ қиласди. Асосий ажратувчи фарқ шундаки, Япон ва Корея ўз тараққиётларидаги кўпроқ ички имкониятларига суюнган бўлсалар, Гонконг, Тайван, Сингапур, Индонезия ва Малайзия кенг миқёсда бевосита чет эл сармояларини жсалб этганлари самарали натижса берди.

Ва шу билан бирга бу давлатларни бир-бирларига ўхшиашлари,

улар гарб давлатларида илгари сурладиган эркин савдо, чекланмаган бозор ва эркин рақобат гояларини чекланган ҳолда қўллайдилар.

1997-1998 йиллар молия инқирози Жануби-Шарқий Осиё кўнчилик давлатларида ҳукуматлари ва бу ердаги мафкуравий ўзгаришига сабаб бўлди. Бу минтақадаги давлатларда одатда кўпроқ урф-одатларга, анъанааларга кўра автократик, буйруқ орқали ва қадимий конфуций мафкурасига оид дунёйкараши ҳукм сурар эди. Инқироз киритган ўзгаришлар гарбий услубдаги иши юритишни ва шунга яраша гарбийларча ҳукумат ва бошқарув услубларини киритди ва ижтимоий ҳаётни кўпроқ расмийлаштиришга мажбур қилиди. Молия бозорларининг тараққиёти, фонд биржасидаги кескин акцияларининг ўсиши авваламбор шу ўзгаришларнинг натижаси деб баҳоласа бўлади. Лекин қисқа муддат даврида бундай чуқур ўзгаришлар ҳақида хулоса қилиши ва бу жамиятлар тараққиёти истиқболини шонч билан муҳокама қилиши хали эрта. Чунки, ҳеч қанақангидан удум ва урф-одатлар, жуғрофий, атроф-муҳит ва бошқа мафкуравий омиллар таъсиротисиз шаклланмайди. Буларни расмий ислоҳ қилиши, ижтимоий мафкурага фақат ижобий таъсир қиласи деб баҳолаш қийин.

Қонунчиликлари исломий удумларга кўра шаклланган давлатларда молия бозорларининг фаолиятлари ўзгача. Бу давлатларда пул олди-сотдиси амалга ошмасада, банклар ва молия муассасаларининг ўзига яраша молия маҳсуллари мавжуд ва бу маҳсуллар тараққий этиб бормоқда. Бундан далолат бозорнинг ўсиб бориши. Унда молия маҳсулларининг гарб молия бозорларида тан олиниши ва баҳоланиши намоён бўлмоқда.

Яъни, минтақавий молия бозорлари турлича кўринишга эга бўлиб тараққиёт тарихи, иши юритши тартиби удумлари билан фарқ қиласаларда, умумий глобалашаётган молия бозорига турли тарзда кириб бормоқдалар ва бир-бирлари билан узвий боғлиқликлари ортиб бормоқда.

ОЛТИНЧИ ҚИСМ
ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ
ҲОКИМЛИГИ

Қарз қайтарыш муаммолари

XXI аср олти миллиардга борган инсониятни табақаларға бўлиниши, бундан бир миллиарддан камроқ аҳоли тўқчиликда яшаетган ва уч миллиардга яқин аҳоли муҳтожликда кун кечираётган шароитда кириб келди.

Халқаро ҳамжамиятнинг инсоният ҳаётини мувофиқлаштиришга қаратилган ҳаракатларининг самараси ҳам қониқарли даражада эмас, деб эътироф қилинмоқда. Аслида расмий тан олинган БМТ ва шунга ўхшаш халқаро ташкилотлардан устунроқ турадиган кучлар мавжуд. Айнан шу кучлар мазкур иерархияни сақлаб туради. Ваҳоланки, бу иерархиянинг юқори қисмида турғанлар ҳам халқаро жамиятнинг бу ҳолдаги шаклини ўзгартиришга интиладилар. Лекин улардан устун турувчи халқаро тизим мавжудки, улар шу тизимга бўйсунадилар. Бу замонавий молия тизими. Бу тизим манфаатлари сайдерадаги глобал жараёнларни режалаштиради, “диний” урушларни бошқаради, миңтақавий бозорларни очади ва ёпди, миллий ҳукуматларни ўз амрига бўйсундиради.

Замонавий иқтисодий назарияларда иқтисод тараққиёти асосида сармоялар ва авваламбор молиявий сармоялар жойлашган деган тушунча ҳукм сурар экан, молияси етишмайдиган давлатларнинг дол зарб муаммоси бўлиб, чет эл сармояларини ва қарзларини жалб этиш, уларни дастмак қилиб ишлатиш ва шу йўл билан иқтисодий тараққиётта эришиш энг муҳим мақсад шаклида намоён бўлмоқда. Аслиша ҳар қанақанги иқтисоднинг мустақиллиги, унинг ўзи молиявий жамғармаларни йиға олиши ва шу жамғармалардан самарали фойдалана олиши билан белгиланади. Лекин юқорида келтирилган тараққиёт ғоясига таянган ҳолда халқаро молия доиралари ривожланётган ва камбағал давлатларни миллиардлаб чет эл қарзларини жалб қилишга унрайди.

Неоиқтисод ғояси класик иқтисод ғоясидан фарқли ўлароқ, сармояларни авваламбор ишлаб чиқарishi соҳаларига ёки инфратузилмалар тараққиётига йўллаб ўтирмаиди. Қисқа муддатда энг катта фойда чиқарадиган соҳаларни кўзлайди ва янги молиявий пирамидалар яратилишига замин яратади. Бу ғояларга эргашиб, ўзидаги мавжуд молия захираларини жалб қила олмаган ва самарали фойдалана олмаган, ривожланётган ва камбағал давлатлар чет элдан жалб қилин-

гаи миллиардлаб долларларда баҳолонган молияларни талон-тарож қилиб келдилар. Натижада, дунё қарз берувчи ва қарз олувчи давлатларга бўлинниб олинган, қарзларни қайтара олмаслик муаммоси йидан-йилга авж олиб бормоқда.

Халқаро қарз олиш-бериш муаммолари XIX асрнинг биринчи яримидаётқи вужудга келган, ва бунда, асосан Лотин Америкаси давлатлари, Шарқий Оврупа давлатлари, Шарқий Осиё давлатлари ва шу асрнинг 60-йилларидан Африканинг қатор давлатлари қарз олувчи-лар ва вақти-вақти билан қарз тўлаш билан боғлиқ муаммоларни бошларидан кечираётган давлатлар қаторида намоён бўлиб келмоқдалар. Буюк Британия, Фарангистон, Олмония, Америка Кўшма Штатлари ва Япон давлатлари энг катта қарз берувчилар сармоядорлари сифатида намоён бўлганилар. Йилдан-йилга қарз тўлаш муаммолари кескинлашиб бориши молия инқирози бошланишига сабаб бўлиб келган. Масалан, 70-йилларда олинган кўп миллиардли қарзларини Мексика, Бразилия, Польша давлатлари 1982 йилга бориб Америка Кўшма Штатлари ва бошқа ғарб давлатлари банкларига ўз вақтида тўлай олмасликларини зълон қилиши, халқаро иқтисодий алоқаларга кескин салбий таъсирини кўрсатган. Бунга Америка банкларининг фоизлари кескин кўтарилиши, шу йўл билан инфляцияни олдини олишга уринганлиги, турли долларга боғлиқ давлатларнинг экспорт қилиш имконларининг кескин пасайиши муаммоларини келтириб чиқарган. Қарзларини вақтида қайтара олмаслик, ички иқтисодий қийинчилликлар Мексикадаги нотинчлик ва Польшада фуқаролар уруши авж олиб кетишининг сабабларидан бири деб ҳисобланади.

1997-1998 йиллардаги Жануби-Шарқий Осиёдаги молия инқирози бир қанча ҳукуматларнинг сўниши, шу жумладан, Индонезиядаги фуқаролар уруши ва минглаб кишилар халоқ бўлиши каби салбий оқибатларга олиб келди. 2002 йилга келиб айни молиялар Аргентинада авж олганлиги ҳам бу ерда нафақат иқтисодий, сиёсий вазиятнинг ҳам кескинлашиши, ҳукуматнинг ўзгаришига сабаб бўлди.

Халқаро ҳамжамият, халқаро молия ташкилотлари, Дунё Савдо Ташкилоти, шунга ўхшаш Бирлашган Миллатлар Тараққиёт Дастури каби ташкилотлар ва тараққий этган давлатлар тараққиёт агентликлари тарафидан бундай нохуш ҳолларнинг олдини олишга, яъни иқтисодий қийинчиллик ва сиёсий нохушликнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларини намоён қиласдилар. Лекин бундай ҳаракатлар мавжуд молия тизимларини мустаҳкамлашга, Халқаро Молия жамғармаси билан бўлган шартномаларни ривожлантиришга, шу йўсинда валюталар қийимларини сақлаб қолишга олиб келди. Бу йўл мавжуд тизимнинг нохуш тарафларини енгишга эмас, аксинча молия ти-

зимининг ҳокимлигини янада мустаҳкамлашга дунё миқёсида мавжуд молия тизимининг қоидалари уларниң тақдирларини режалайди, қолипга солади ва ҳал қилади.

Ҳозирги кунда ҳар қанақанги халқаро иқтисодий алоқалар, хоҳ у савдо-сотиқ бўлсин, хоҳ сармоялар киритиш бўлсин у молия билан таъминланилишига бориб тақалади. Молия бозорлари қайси давлаттага “қайрилиб яхши кўз билан боқса”, шу давлат молия сармояларига эришадилар ва аксинча, агар у давлат молия бозорларида ҳукм сурувчи қоидаларга бўйсунмаса, у ҳолда бу давлат молиявий сармоялардан, маҳсулотларини экспорт қилиш учун лозим бўлган дастмаклардан маҳрум бўлиб, иқтисодий тараққиётини таъминлай ололмайди ва халқаро ҳамжамиятда етакчи ўринидаги доиралар бундай давлатларга нисбатан сиёсий ва иқтисодий босимларини ўтказадилар.

Шу билан бирга қайси давлат молия дастмаклари билан таъминланса, бу ердаги иқтисодий тараққиёт ҳал қилинади деган гап эмас. Жалб қилинган молиялар янги пирамидалар яратиши ва жалб қилган миллатни янада чуқурроқ иқтисодий ноҷорликка кўмиши мумкин.

Шу йўсинда халқаро иқтисодий алоқалар шаклланишига давлатлар ва халқларнинг ўзаро муносабатларидан қатъий назар, молия тизимининг талаблари кўпроқ таъсир ўтказади. Агар давлатлар орасида молиявий алоқалар шаклланмаса, бу давлатларнинг ўзаро бошқа соҳалардаги алоқалари ҳам жуда суст шаклланади. Ва аксинча, агар улар орасида кенг миқёсда молиявий алоқалар ривожланиб борса, бу ҳол бошқа соҳалардаги алоқаларни ҳам жадаллаштиради.

Амалда, молиявий дастмаклар тараққий этган давлатларда муҗассамланган экан ва молия бозорлари шу ерда ўз қоидаларини шакллантирап экан, ривожланаётган давлатлар алоқаларини, асосан улар билан тузадилар. Ҳаттоқи, ўзаро алоқаларини ривожланаётган давлатлар тараққий этган давлатлар орқали ёки уларниң назорати остида олиб борадилар. Мавжуд халқаро молия тизими ҳокимлигининг бундай ифодаланиши, унинг тузилмаларисиз ва қоидаларидан ташқари, бирорта ҳам халқаро иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий жаражёнлар кечак олмаслигининг ифодасидир.

Қарз олаётган давлатлар қарзларини узолмай иқтисодий ва сиёсий муаммоларга мубтало бўлганди, тараққий топған давлатлар бундан манфаатдор бўладилар, деган фикр ҳам хотўғри. Вазият шундай шаклланганки, бир тарафдан тараққий этган давлатлар ва Халқаро Молия Ташкилотлари ривожланаётган ва қолоқ давлатларга қарз ажратадилар. Берилган қарзлар сармоялар шаклида олувчи давлатларга келтирилади. Лекин, кўп ҳолларда қисқа давр ичиди бу сармоялар олувчи давлатларни, ҳар хил иоқонуний йўллар орқали, тарк этди,

яйни ҳеч қандай самара бермайды. Бу дастмаклар оффшор бозорлари орқали қайтадан тарақкүй этган давлатларга сармоя қилиндишлар.

Лекин қарз олган давлатларда сармоялар самарасиз бўлганилиги сабабли, тўлаш муддати келганида қарзларини уза олмайдилар. Бу ҳол кўплаб давлатлардаги қарзлар инқирозини юзага келтиради. Қарзларини узиш учун улар ёки кўпроқ даромад қилишлари керак ёки ички харожатларини камайтиришлари. Ваҳоланки, сармоялар ижобий натижасиз бу давлатларни тарк этган экан. даромадларни бу давлатда кўпайтира олмайдилар. Демак, қарзларини тўлаш учун улар ички харожатларини, асосан ҳукумат бюджетларини камайтиришга мажбур бўладилар ёки яна янги қарз оладилар.

Қарз берган давлатларда бу ҳолат сармоялар етинимаслигини яратмасада, қарзга берилган сармоялар олган давлатлардан ўзга йўллар билан қайтиб келиши, тарақкүй этган давлатларда дастмакларниң миқдорий босими таъсирида, умумий сармоялар самарасининг пасайиши, инфляцион жараёнларнинг келиб чиқиши, иқтисодларининг самараси пасайиши ва рақобатбардошликларининг сусайишига сабаб бўлиш хатари кучаймоқда.

Молия оқимларининг эркинилиги

Молия ҳаракатларининг қондаларини Америка Кўшма Штатларида, Оврупа Иттифоқи давлатларида ва Японияда жойлашган молия доиралари ўзларининг сиёсий бирликлари ва халқаро молия ташкилотлари орқали тарақкүй эттирадилар. Айнан шу учта иқтисодий марказда молиявий глобаллашишига асос солувчи жараёнлар ўрин топган. Молиявий чайқовчиллик, валюталарнинг ўзаро олди-сотиси, бондлар (молияларни жалб қилувчи қимматли қофозлар) олди-сотисининг энг кўп қисми шу давлатларда амалга оширилсада. бу давлатлар чегарасидан чиқиб кетган. Дунё валюталар бозорларидаги бир кунилк олди-сотди триллион доллардан ошиб, давлатлар чегараларидан электрон пуллар шаклида бемалол оқиб ўтадилар. Лекин, бу бозорларни ҳаракатга келтирувчи банкларнинг ва молия брокерларининг бошқарув шўъбалари асосан кўрсатилган марказлarda жойлашган. Триллионлаб қарз олди-бердиси ва валюталар алишуви шу марказларда тасдиқланган кредит ва таваккалчилик бошқаруви сиёсатига, ҳар бир валютанинг узун-қисқа позицияларини белтиловчи қолипларига бўйсунсада, уларнинг негизини молия тизимиининг қонун-қондалари белгилайди. Ваҳоланки, бу қонун-қондалардан ташқари бирорта ҳам муҳим қарор қабул қилинмас экан, бунда дунёни молия тизими чегараларни тан олмайди. У кунига

Замонавий молия тизими чегараларни тан олмайди. У кунига

триллионлаб долларлар миқдорида валюталар алишувини таъминлайди. Бундай эркин валюта алишуви халқаро молия оқимлари тездаштирилишига ва бу ҳол ўз ўрнида бозорлардаги фоизлар орасидаги фарқни камайишига олиб келади. Яъни молия етишмаган бозорлар эркин оқимлар таъминотига кўра эҳтиёжига керакли миқдорларда молия билан таъминланади ва эҳтиёжлар қониқтирилгани сари бу ердаги банклар фоизи ва дастмаклар нархи пасаяди. Бу ҳол халқаро молия бозорларидағи фоизларнинг номинал ва реал даражадаги унификациясига-умумлашишига бошлади. Фоизлар тенглиги халқаро бозорлардаги молия дастмаклари нархларининг тенглашишига ва бозорлардаги сармояларнинг самарасини баробарлашишига олиб келади. Лекин, бу молия оқимларини тўхташига олиб келмайди. Чунки турли бозорларда таваккалчилик ва сармоялар билан боғлиқ хатарлар фарқи сақланиб қолади. Яъни, қайси бозорда сармоялар билан боғлиқ таваккалчилик даражаси ортса, молиялар шу бозорларни тезлик билан тарк этади ва бу ҳол шу бозорда молия дастмакларининг етишмаслигини ва иқтисодий тангликтин яратади. Мисол қилиб 90-йилларда собиқ Иттилоқ давлатларини кўп миллиардлаб долларлар миқдорида капиталлар тарк этганини ёки 1998 йил Жанубий Осиё давлатларини Молиявий инқироз даврида қисқа муддат ичидаги миллиардлаб долларлар тарк этганини ва миллий валюталар қиймати кескин тушиб кетганини келтирса бўлади.

Ўзларини халқаро молия бозорларининг таъсиротидан чеклашга уринган давлатлар бундай мақсадларга эришишлари жуда мураккаб ҳол. Мисол қилиб мазкур молиявий инқироздан кейин Малайзиянинг уринишлари фақат вақтинча самара бергани эътироф этилган. Ҳаттоқи кенг имкониятларга эга Ҳиндистон ва Индонезияда ҳам бундай уринишлар норасмий валюта бозорларининг авж олишига ва шу йўл билан ички иқдисодлари халқаро молия бозорлари билан боғланишига асос яратади.

Шундай қилиб, тасдиқлаш мумкинки, замонавий молия оқимларига тўқсинглик яратилиши мумкин эмас. Молиялар ўз қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда ҳар қанақанги тўсиқларни четлаб ўтишга қодир. Алоҳида давлатларнинг ички қонунлари дунё миқёсига устун турган тизими назорат қилишига ожизлик қиласиди. Аксинча, халқаро молия тизими давлатларнинг қарз олди-бердисини амалга оширишини, бозорлараро қимматли қофозлар нархлари ва валюталар курсларининг ўйини орқали ўз ҳукмига бўйснандира олади.

Оффшор ўлкалар

Оффшорлар қисқа муддат ичидаги, ортиқча қоғозвозликсиз кўп

миллиардлік молия олди-сотди операцияларини амалға ошириши имкониятими берар экан, бу ерларни күпироқ солиқлардан қочиш ёки ноқонуний йўллар билан кўлга киритилган молия захираларини беркитиш учун фойдаланадилар. Бу ерда яширилган молия захиралари иш 5 триллион долларлар атрофида баҳоланди. Ҳеч қандай миллий ёки халқаро қидириш ташкилотлари бу ҳисобларда яширилган молия захираларини текшира олмайдилар (1). Бу давлатлар қонунлари молия захираларининг эгалари ҳақида маълумотларини маҳфий сақлади.

Молия бозорлари глобаллашган сари давлатлараро молия оқимлари катта миқдорда ўсиб бормоқда. Молия оқимларини авваламбор иисбатан солиқлари юқори ва турли маъмурӣ чекловларга йўлиқкан бозорлардан энг кам солиқ ва ҳаражатлар қўлланиладиган ва энг катта даромаддор бозорларга йўлланишлари кузатилмоқда. Бу оқимларининг асосий қисмлари оффшор миңтақалари орқали амалға оширилмоқда. Оффшор бозорларининг қулайликлари авваламбор уларниң арzonлиги ва ортиқча қоидалар билан чекланмаганлиги билан боғлиқ. Айнан шу афзаликлар оффшор бозорларининг чексиз тараққий этиши учун замин яратган.

Оффшор миңтақаларга муносабат 1997-1998 йилги молиявий инициордан кейин кескин салбий тарафга ўзгарди. Бунга сабаб оффшор бозорлар орқали қисқа давр ичида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари, Лотин Америкаси ва Россияни миллиардлаб долларлар тарк этганилиги бўлди. Бундай кескин ўзгаришлар бу давлатлар сармоядорларини катта миқдорларда дастмакларидан маҳрум этган эди ва бу талофатларнинг асосий қисми суғурталанганилиги ҳам қутқариб қололмади. Терроризмга қарши ҳаракат сифатида 2001 йилининг сентябридан кейин, террористларни оффшор бозорлари орқали молия захираларини маҳфий сақлашга эришганилигидан шубҳа қилиниб, бундай услуг кўлловчи давлатлар қонунчиликларига сезиларли ўзгартиришлар киритиш ҳақидағи талаблар кучайиб кетди.

Оффшор бозорлари орқали амалға оширилаётган молия савдоини маан қилишга интилиш фақатгина терроризмга қарши курашишда сиёсий аҳамиятта эга эмас. Бу ҳаракатларнинг сабаблари бўлиб тараққий этган давлатларнинг молия оқимлари устидаги назоратнинг сусайганидир. Бу бозорлар яратадиган миллиардлаб даромадлар бошқа давлатларда қолиб кетаётганини ҳам унутмаслик керак. Лекин энг муҳими, бу бозорлар марказий банклар назоратидан четда қолгани, чекланмаган молиялар айланиши, молиянинг баҳолаб бўлмайдиган даражада ўсиб кетиши, кўплаб "молия пирамидаларининг" яратилиши ва янги, даромад келтирмайдиган дастмакларнинг ўсиши,

шу йўсунда молияларниң қадрсизланиши ва бу орқали амалга оширилаётган иқтисодий алоқаларга пурт етказишдан хавфсирашлар сезилмоқда.

Оффшор давлатларига илк, муҳим ҳужум Швейцариянинг Базел шаҳрида 1999 йил бошланди. Мазкур шаҳар банкларнинг халқаро қондаларини мувофиқлаштирувчи марказ сифатида молиячилар доиралида танилган. Бу ерда “Буюк Саккиз” давлатларининг вакиллари, банкчиллик соҳасидаги бошқа давлатларга нисбатан зиён билан фаолият кўрсатувчи 42 давлатнинг рўйхатини чоп этган эди. Рўйхатга киритилган давлатлар уч асосий гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳга энг эркин молия қондаларини қўлловчи ва солиқ тўловларидан озод қилинган давлатлар киритилган, иккинчи гуруҳга ўргача ҳолдаги эркинлик яратган ва учинчи гуруҳга нисбатан банкчиллик қонунларини йўлга кўйган ва маълум солиқ талаб қилувчи давлатлар киритилган эди.

Рўйхатга киритилган давлатлар асосий уч хусусияти билан бошқа давлатлардан ажралиб турадилар. Яъни, солиқдан озод қилинишлари, иккинчидан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳар қанақангига ҳамкорликдан бош тортишлар ва учинчидан соҳта фирмаларни таъсис этишга рухсат бериш ва бу фирмалар фаолияти устидан назоратни ўрнатмаслик билан ажралиб турадилар.

Бу рўйхат билан танишган 29 нафар Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) (OECD) аъзолари 42 давлатдан 2005 йилга қадар мазкур банкчиллик ва солиқ соҳасидаги қонунларини мувофиқлаштиришларини талаб қилдилар. Акс ҳолда улар билан иқтисодий алоқаларни узишни келишиб олдилар. Шуниси қизикки, 29 давлат қаторидан иккитаси бу талабларга қўшилмасликларини билдиридилар. Бу Швейцария ва Люксембург давлатлари бўлиб, улар ўзларининг оффшор бозорлари билан боғлиқ манфаатларини шу кун талабларига қараганда устуноқ баҳолаганлар. Чунки Швейцария ва Люксембург ўзлари ҳам чет эл захираларини жалб қилиш учун оффшор ўлкаларига хос услугларини қўллайдилар. Узоқ музокаралар натижасида Люксембург ўзининг қонунчилигига ўзгаришлар киритишга розилигини билдирган. Лекин, шу шарт билан — қачонки Оврупа минтақасида жойлашган, лекин Оврупа Иттифоқига аъзо бўлмаган бошқа давлатлар ҳам бу қондаларга риоя қилсалар. Чунки акс ҳолда Люксембургда шу кунда сақланаётган захиралар қўшни давлатга “оқиб” кетиши шубҳасиз.

Бу кунда оффшор ўлкаларга нисбатан кескин чоралар қўлланишини кузатмоқдамиз. Бу борада тараққий этган давлатлар ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда самарали натижаларга эришишни, оффшор минтақаларнинг афзалликларини бекор қилишга, молия оқим-

ларининг кузатувини кучайтиришга ва ўз назоратлари остига олишга эришмоқдалар. Лекин шуни назарда тутиш керакки, оффшор минтақалар фақат фирибгарларниң истакларини қониқтириш учун хизмат қилмаганлар. Бу минтақалар ярим аср давомидә минтақавий-иқтисодиёт тараққиётининг услуби кўринишида шаклланиб келган ва бундан турли молия доиралари манфаатдор бўлган. Бу афзалликларни сиёсий босим ва маъмурӣ услубларни қўллаган ҳолда бир зумда бекор қилиш ўта мураккаб ҳол. Чунки, оффшор бозорлар халқаро молия тизимининг ажралмас қисми шаклига кирган. Молия тизими эркин бозор шароитида шаклланган ва уни чеклашга уриниш ва бу борада ижобий натижаларга эришиш ўта мураккаб ҳол.

Глобаллашиш молия тизимининг ҳокимлиги услуби шаклида

Молия бозорларининг глобаллашганини халқаро бозорларда чайқовчилик кучайганига сабаб деб ҳам баҳоланади. Бу ҳол молияларни ишлаб чиқариш сармояларидан “чалғитишига” ва ишсизлик муаммоларини кучайишига ҳам сабаб деб баҳоланади. Бозорларининг глобалланиши молияларнинг давлатлараро оқими ўсишини таъминлайди. Бунга сабаб глобалланиш жараёнлари молия тизимидә халқаро миқёсдаги умумий стандартлар ва қоидаларнинг жорий қилинишига ундаиди.

Ўз ўрнида бу ҳол молия операциялари самарасини кескин ошириб юборади. Самараси деганда савдо-сотиқсиз ёки ишлаб чиқаришига қатнашмасдан, балки молия воситачиси сифатида катта фойда ортириш имконлари яратилганилиги тушунилади. Молия оқимлари тезлигининг ўсиб кетиши ҳам бу ерда шу молия операциялари самараси иборасида келтирилган.

Масалан, давлатлараро қарз олди-бердиси охирги 15 йил давомида халқаро савдодан 60 фоиз юқори ва ишлаб чиқаришдан 130 фоиз кўп миқдорда амалга оширилган. Шу билан бирга қимматли қоғозлар чоп этилиши 1986-1996 йилларда 220 млдр. доллардан 569 млрд. долларга ошган, яъни икки баробардан кўп (2)*. Бу молия тизимидаги оқимларнинг бошқа иқтисодий жараёнларга нисбатан миқдорий жиҳатдан кескин ўсиб боришининг далолати. Илгари молия оқимлари иқтисодий жараёнларни амалга оширувчи воситачи ҳолида шаклланган бўлса, ҳозирги кунда, унинг ўсиб бораётган миқдори ҳар қаназканги иқтисодий жараёнларга ўз ҳукмини ўтказиши ва ҳар қандай иқтисодий фаолият молия тизимини мустаҳкамланишига қаратилган ҳаракатга айланган. Неоиқтисодий фояннинг амалга оширилиши мод-

дий бойликлар билан таъминланмаган триллионлаб молия дастмакларини халқаро бозорларда айланишига олиб келди. Бу мисли кўрилмаган молиявий пирамидалар ҳар қачон қулаб кетиши ва дунё миқёсида иқтисодий ва сиёсий ноҳушликлар яратиши хатари мавжуд.

Масалани ҳал қилиш учун халқаро миқёсда молия бозорлари ҳаракатларини мувофиқлаштиришга уринилади. Халқаро Молия жамғармаси давлатлар билан ҳамкорликда умумий молия хавфсизлиги тизимини яратишга уринмоқдалар. Бунга асоснӣ сабаб бир қанча ҳисобларга кўра, ривожланаётган давлатларда яқин ўн йиллар давомида иқтисодий ўсиш самараси тараққий этган давлатларга нисбатан икки уч баробар тез суръатда амалга ошади. Бу билан боғлиқ сармояларнинг самараси ва ундан олинадиган фойда миқдори ҳам шунга яраша ривожланаётган давлатларда қолиб кетиши, мавжуд молия тизимига рақобат яратиши, янги иқтисодий ғоялар келтириши ва мавжуд молия тизимига хатарлар туғдириши мумкин. Шунинг учун молия тизими ривожланаётган давлатларда ўз ҳукмини ўрнатиши учун бу ерда ўзига керак бўлган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш — ҳозирги кун тақозоси, мавжуд хатарларни олдини олини эса таваккаллик даражасини пасайтириш, деб уқтирилади.

Тараққий этган давлатлар ўз ўринларida алоҳида хатарларни олдини олиш тизимларини яратиб, уни такомиилаштиришга интиладилар. Бунинг учун Иқтисодий Тараққиёт ва Ҳамкорлик Ташиқлотига (OECD) аъзо давлатлар экспортларини устиришига ажратилган дастмакларини қарзга берилишини сугурталаш йўлини кўллайдилар. Лекин Олмониянинг "Гермес" суғурта агентлигининг, Америка Эксимбанкининг ва бошқа тараққий этган давлатлар тараққиёт агентликларининг суғурта қилинган қарзларининг қайтарилмаганидан кўрган кўп миллардлаб иқтисодий талофатлари, бу услуб ўзини етарлича оқламаганлигини кўрсатади. "Қарз олувчиликнинг порахӯрлиги ва тескари иқтисодий сиёсалари ва ўзларининг қарз берувчи агентликларини нотўғри режалаштирганликдаги гарб сиёсий арбоблари тарафидан қўйилган айловлар жуда кўп учрайдиган ҳол. Ҳар икки тараф ҳам бу номакулчиликларга ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар ва шунга яранга хуроса чиқаринилари керак. Лекин шу кунга қадар, қарз берувчилар тарафидагилар ўзларини айловлардан ҳимоя қилиш ва зиёnlар қиёматини қарз олганларга юқлаш учун қаттиқ ҳаракат қиласадилар. Шу билан бирга, кўпчиллик қарз олувчилар диктаторлардан (золимлардан) ўтадиганроқ бўлиб, ўзларининг қашшоқ халқлари учун кам "қайғурадилар" (3).

Шунга қарамай, тараққий этган давлатлар тарафидан ривожланаётган ва қолоқ давлатларга қарз бериш давом этиб келмоқда. Бунга

нима сабаб? Нима учун аксарият ҳолатларда қарз қайтарылмаганлығыга қарамай бу давом этиб келмоқда?

Чунки камбағал ва молия дастмакларига муҳтож давлатлар молияга эга давраларга мурожат қилиб қарз сўрайдилар. Агар сўралаштган қарз маҳсус лойиҳа ёки иқтисодий тараққиётидаги дастурини амалга оширишга сармоя қилинса, бундай уринишларниң самараси юқори бўлиши мумкин. Лекин, неоиқтисодий яғаси амалида молия тизими устун туради. Реал иқтисоддан узулган молиявий пирамидалар тараққиётини сармоялар самарасини тушиб кетишидан хавфсирашини кедтиради. Сармоялар самарасини ошириш ва лоақал пасайишига йўл қўймаслик учун бўш дастмакларни қолдирмасликка интилиниади. Шунинг учун қарз бериш жараёнининг дастмакдорлар ўз ташаббуслари билан сармояларини турли давлатларга минтақа ва лойиҳаларни молиялашга таклиф этадилар. Бунда банклар ва сармоя жамғармалари маркетинг сиёсаларида янги молия маҳсулотларини таклиф этиш ва илгари суриш йўлланмалари устида бош қотирадилар ва амалга оширадилар. Ваҳоланки, Банклар, Транс Миллий Корпорациялар ва Молия Жамғармалари ҳозирги замонда иқтисодий ва сиёсий кучга эга эканлар, уларнинг қарорларини рад этишга қодир соҳа қолмаган.

Иккинчидан, шунни инобатга олиш керакки, тараққий топган давлатлар янги қийматда, турли маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Бу маҳсулотлар энг илфор фан ютуқларини, катта сармояларни ўзида мужасамлаганки, уларнинг қийматини ҳамманинг ҳам чўнтаги кўттармайди. Ваҳоланки, глобаллашган шароитда дунё бирлашган халқаро иқтисодий тизимдан иборат экан, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолчилари ҳам глобаллашган шаклда намоён бўлиши керак. Бир тарафдан тараққий этган давлатларнинг иқтисодлари хаддан ташқари сармоялаштирилган ва бу ерга сармоялар киритилиши мураккаб ҳол. Ривожланаётган ва камбағал давлатларда эса кўпроқ арzon меҳнат кучи ишлатилиб, аҳолининг сотиб олиш қобилияти анча паст. Шу билан бирга, бу ерда сармояларни амалга ошириш учун кенгроқ имкониятлар мавжудлиги кескин раҳобат яратмайди.

Тараққий этган давлатлар ўзларининг янги қийматдаги маҳсулотларини глобал базорларда сотишга уринганларида, ривожланаётган давлатлардаги паст малакали ва паст даромадга эга аҳоли бундай маҳсулотларни сотиб ололмайди. Ва ўз ўрнида, тараққий этган давлатларда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган сармоялар оқланмайди. Шу нуқтаи назардан XX асрда бир қанча глобал сармоялар дастурлари амалга оширилган. Шу жумладан, Оврупани тиклаган Маршалл режаси, Японияни қайта тиклаш режаси, ва Жа-

иуби-Шарқий Осиё давлатларида амалға оғырылған кең миқесдаги сармоя режалари самарали натижалар бериб, Корея, Тайван, Сингапур, Малайзия ва шу каби бир нечта давлатлар ривожланған давлаттар даражасында етиб қолди.

Бу ерда янги тараққий топған давлатлар сармоя ажраттан давлатларга рақобатчилар сифатида салбий таъсир үтказиши борасыданғи хавфсираш етәрлича асосланмаган. Буларнинг ичидағи энг тараққий топған Япон давлати ҳам Америка истеммол бозори билан боғлиқ бўлиб, буларнинг тараққиёти Американинг ички бозори ва долларнинг қуввати билан узвий боғлиқ. Ҳаттоқи энг аҳолиси кўп бўлган, яъни ички бозорини кенгайтириш имконига эга бўлган Хитой Ҳалқ Республикаси ҳам ўз ишлаб чиқариш ҳаракатларини ва экспортини Америка истеммол бозорига қаратган.

Америка иқтисодиёти — молия тизими пособони шаклида

Шу билан бирга, Американинг ички бозори энг катта истеммол бозори бўлгандиги ва фан ютуқлари бўйича бошқа давлатларни ортта қолдирғандиги у бундай хавфсирашдан истисно туради, дегани эмас. Буни охирги даврда Америка иқтисодидаги ҳол яққол кўрсатиб турибди. 90-йилларда Америка иқтисодининг жуда тез суръатларда ўсиши ва бунинг кўрсаткичи бўлмиши акцияларнинг нархи ва биржалар (Dow Jones, S & P 500, NASDAQ) индексларининг тез суръатда кўтарилишини кўпчилик иқтисодчилар янги иқтисод самараси, яъни информацион воситаларнинг тараққиёти ва бу соҳа билан боғлиқ тармоқларнинг тараққиёти, шу соҳага тегишли акцияларни мисли кўрилмаган даражага кўтарилиши билан боғладилар.

Бошқа нуқтаи назардан, бу суратдаги ўсишнинг энг муҳим сабаби Американинг совуқ урушдаги эрнешган ғалабаси бўлиб, ютказган давлатлардан ундирилган норасмий "тавон" гарб давлатларини бир неча баробар бойитгани билан асосланади. Бу "тавон" шаклида, фақаттана Россияни тарк этган сармоя дастмакларининг миқдори ҳар йили ўнлаб миллиард долларни ташкил этади (4). Бу қоғоз пулларда эмас, балки пулга баҳоланған маддий бойликни инобатга олсак, гарб иқтисодларни, уларнинг пул бирликларини ва авваламбор молия бозорларида энг катта талабга эга бўлган Америка долларини қанчалик қўлланғандигини тасаввур қилишга имкон яратади.

Баъзи иқтисодчилар, Америка иқтисоди ишлаб чиқариши етәрлича ўсмай туриб, акциялар ва биржа курслари тез суръатда ўсиши совин кўпигидан ҳосил бўлган пуффакка ўхшаб ёрилишидан хавфсираши 90-йиллар давомида авж олиб борди. Лекин кўрсатилган сабабларга кўра то 2000 йилга қадар бу хавфсирашлар ўзини оқламади.

Америкадаги ишлаб чиқарыш корхоналарига қўйилган сармоялар ва молиявий дастмаклар самараси дунёнинг бошқа давлатларига қараганда бир қанча юқори ва сармоялар билан боғлиқ таваккалчилкнинг рейтинг ташкилотлари тарафидан паст баҳоланиши, бу давлатга узоқ давр давомида сармояларни оқиб келишига сабаб бўлди. Бу ҳолдан фойдаланиб, молиялар етишмай қолган ҳолда Америка молиячилари зудлик билан қўйматли қоғозларни ва бошқа молия асбобларини чоп этиб, дунёнинг турли ерларидаги молия бозорларидан дастмакларни жалб этишга узоқ давр муваффақ бўлиб келдилар.

Америка қўйматли қоғозларига қўйилган сармоялар 2000 йилга қадар юқори самарали ҳисобланшиб келди. Иқтисоднинг “янги иқтисод тармоқлари” ҳисобланган информацион технологиялар ва улар билан боғлиқ соҳалар тез суръатда ривожланиб келдилар. Бу ҳол 90-йиллар давомида Америка иқтисодининг тез суръатда “виртуаллашиб” боришига асос яратди. Яъни Америка бойлиги молиявий қўйматда, акциялар қўйматида ва бошқа қўйматли қоғозлар: деривативлар, опшионлар, своплар, фьючерс ва ҳоказо турларда ўсиб борди.

Шу даврда биржадаги вазият ўта қизиб кетди. Бу дегани кўк фишкалар, яъни Америка иқтисодининг энг катта корхоналари, ва улар қаторидан ўрин олган янги технологияларга дахлдор фирмалар акцияларининг қўймати, уларнинг реал фойда келтира олишига нисбатан анча юқори баҳоланиб келди. Яъни уларнинг реал фойда келтира олиши ва бозордаги сотиладиган нархи орасидаги фарқ хаддан ташқари катталашиб кетди. Шу билан бирга реал маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқлар етарлича самара кўрсата олмади. Масалан, пўйлат ишлаб чиқарыш тармоғининг самараси бошқа давлатлардаги рақобатчиларга нисбатан камайиб борди. Натижада, ички бозорларини муҳофаза қилиши мақсадида Америка ҳукумати 2002 йилга бориб бу турдаги маҳсулотларнинг импортига янги бож тўловларини кўллашига мажбур бўлди.

Биржанинг қизиб кетишига бир қанча сабаб асос солган деб баҳоласа бўлади. Биринчидан, ишлаб чиқарыш корхоналари сарфларининг структурасидә илмий изланиши ва синовлар харажатларига (R&D) нисбатан маҳсулотларни юритиш — маркетинг ва истеъмолчиларга тавсия қилиш (PR) (5) билан боғлиқ харажатлар кескин ўсиб кетди ва бу аҳолини кўплаб акциялар ва бошқа қўйматли қоғозларни сотиб олишига чорлади. Шу йўсунда 50 фоиздан кўн аҳоли турли хилдаги қўйматли қоғозлар соҳибиға айландилар. Ваҳоланки, сотилган акциялар келтира оладиган реал фойда миқдори акцияларнинг сотилган қўйматини қоплай олмаслиги аниқ эди. Акцияларни олувчиидар бўлајак даромаддорликни ошишига ишониб — бу сармояларни амалга

оширилдилар. Яъни Америка иқтисодига янги сармоялар жалб қилинди. Лекин бу сармояларнинг самараси етарлича баланд бўлмаганлиги сабабли йирик молиявий пирамидалар яратилди.

Иккинчидан, молиявий пирамидаларнинг ўсиб кетиши сабабли, охирги йилларда жуда кам Америка корхоналари дивиденд тўладилар. Корхоналарнинг олган фойдалари акционер дасмакларига қўшиб борилади ва шу йўсунда акцияларнинг нархлари ошиб боради. Акциялар соҳиблари уларнинг нархлари ошгани сари бойиб борадилар. Агар олинган фойда миқдори, иқтисоддаги ўргача фойдадан кам бўлса, корхона бошқарувчиларининг фаолияти салбий баҳоланади ва бу уларни акционерлар тарафидан моддий жиҳатдан салбий рағбатланишларига ва ҳатто ишдан бўшатилишларига сабаб бўлади. Шунинг учун корхоналар бошқарувчилари нима бўлса ҳам йилнинг ҳар чорагини ижобий фойда билан якунлашга ва акцияларнинг нархини ошириб боришга ҳаракат қиласидилар. Қисқа муддат ичизда катта ютуқларга эришин талаби, бошқарувчиларни корхоналарнинг реал фаолиятидан истисно, ижобий натижаларини кўрсатишга мажбур қиласиди. Бу ҳол корхоналарнинг фаолиятларига аниқлик киритилиб борилишига салбий таъсир кўрсатиб келди.

Замонавий, неоиқтисод тушунчада корхоналар самараси ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки савдо-сотиқ ташкилоти ҳолида эмас, ўз соҳасидаги фаолиятининг самараси билан эмас, балки унга қўйилган молиявий сармоянинг маълум муддат даврида қанчалик катта қиймат ортириши билан ўлчанади. Реал олинган фойда корхонанинг тараққиётига эмас, кўпроқ акциялар нархларининг ўстириш билан боғлиқ корхона рекламаси (PR), катта фойда ваъда қилиш ва бунга ишонтириш билан боғлиқ ҳаракатларга сарфланади. Бунда бухгалтерлар ҳисботларидағи сунистъомлчиликлар кенг ўрин олганлиги ҳам аҳамиятга эга. Ҳар қалай Америкада қай турдаги бухгалтерия стандартларини қўллаш борасида тортишувлар ханузгача ўрин олган. Оврупа Бирлиги давлатлари Америка кундалик фаолиятида Халқаро Бухгалтерия Стандартларига (International Accounting Standards IAS) кўра ҳисбот олиб боришлиарини талаб қиласидилар. Америка тадбиркорлари эса ханузгача ўзларига қулай бўлган Америкавий Умум Бухгалтерлик қоидаларга (American's Generally Accepted Accounting Principles GAAP) амал қилишади. Чет эл корпорациялардан, агар улар АҚШда фаолият кўрсатмоқчи бўлсалар, Америка стандартларига амал қилишиларини, акс ҳолда Нью-Йорк биржасидаги олди-сотди рўйхатига уларнинг акцияларини киритилиши тақиқланади. Шуни сига эътибор бериш керакки, бухгалтерлар стандартларнинг асосий фарқи Халқаро Стандартларга кўра эътибор кўпроқ "Оврупа жамия-

ти маҳсулотларининг” аҳамиятига қаратилган бўлса, Америка стандартлари ҳисоботларни биржалардаги опционлар самараси билан боғлайдилар (6). Яъни бунда, молия тизимининг ҳокимлиги неоқти-содиёт ҳукми ила кўпроқ маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат самараси эмас, молиявий сармоялар самарасига қаратилган.

1997 йилдан бошлаб Америка корхоналарининг рентабеллиги пасайиб келди. Лекин бу ҳолни акциялар олди-сотдисида нархларининг ўсиб бориши ва биржадаги курсларини ўсиши йўли билан яшириб келишга муваффақ бўлдилар. Виртуал иқтисодий алоқалар бунга кенг шароит яратиб берди. 2000 йилга келиб Америкадаги сармоялар самараси 1997 йилги 7 фоиздан ортиқроқдан 4 фоизгача тушиб кетди. Қизиги шундаки, бу кўрсаткич Оврупа ва Тинч Океан бўйидаги давлатлар сармоялари самарасидан тушиб кетсада, Америка корхоналарининг құмматли қофозлари 2000 йил 335,6 млрд. долларлик сармояларни жалб этган, 2001 йил 132,9 млрд ва 2002 йилга қадар давом этиб келмоқда (7).

2002 йил бошидан турли корхоналарда бўлиб ўтган бир қанча молиявий жанжаллар иқтисоддаги мавжуд муаммоларни равшанлаштира бошлади. Бунда Enron, ImClone Systems, Tyco, WorldCom, AOL, Time Warner–America Online, каби корхоналарда йўл қўйилган сунстеймолчиликлар, бухгалтерия ҳисоботидаги ёлғон ёзишлар, молиявий ўғирликлар ва ҳоказо қонуибузарликлар маълум бўлди ва бу бир қанча корхоналар бошқарувчилари устидан жиноий ишлар қўзғатилишига асос бўлди. Бундай жанжаллар оқибатида сармоядорлар ва акциялар соҳибларини нафақат Американинг ишлаб чиқарыш фирмаларига, балки интернет провайдер, энергия таъминоти ва ҳоказоларга, муҳимроғи аудит компанияларига ҳам ишончи йўқола бошлиди. 1998 йилда бу аҳвол давлатлар рейтинги билан шуғулланувчи “Moody”, “Standart & Poor” каби компанияларга нисбатан Жануби-Шарқий Осиёдаги молия инқоризи бўлиб ўтганида, инқоризни бошидан кечирган давлатларга ижобий баҳо қўйганиларида кузатилган эди. Энг йирик энергия таъминловчи Эирон корпорациясини аудитини ўтказган, дунёдаги машҳур ва асосий бешта аудит компанияларидан бири Артур Андерсенга (Arthur Andersen) Адлия Департаменти тарафидан айблов қўйилди. Бу каби айбловларни құмматли қофозлар Айрбошлов Кўмитаси ҳам кўтарди. Масала нафақат Артур Андерсенга тегишли, балки бошқа йирик аудит компаниялари ҳам ўз фаолиятларида сунстеймоликка йўл қўйиши мумкинлиги ва бунга аввалимбор аудит бизнесида рақобатчилик етишмаслиги ва шу билан бирга аудит компаниялар нафақат ҳисббот тўғрилигини текшириши, шу билан бирга консалтинг, маслаҳат бериш орқали ҳам тирикчили-

гини ўтказаётгани бу соҳадаги сунистемолчиликка асос яратиши таъкидланади (8). Лекин 1998 йилдаги рейтинг ташкилотларидағи вазиятта ўхшаб, "қозоннинг ёпиқлигича" қолиши тарафдорлари аудит компанияларига нисбатан қўзғалиши мумкин бўлган жанжални олдини олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Инқироз бошланиши ва якунланишини эълон қиласидан Миллӣ иқтисод тарғиботлари бюросининг (NBER) эълон қилишича, Америкада бир қанча кўрсаткичларга кўра бу молиявий инқироз енгиб ўтилди, деган холосага келса бўлади. Лекин асосий муаммо бўлмиш: ишлаб чиқариш ва савдо, яъни реал иқтисод ҳисобланмиш соҳаларнинг самараси-фойдадорлиги билан акциялар ва турли хилдаги қўмматли қофозларнинг нархлари орасидаги катта фарқнинг сақланиб қолиши ҳали енгиб ўтилгани йўқ.

Ҳозирги кунда Америка долларининг курси халқаро молия тизимининг асосини ташкил этади. Молия бозорлари ҳаракатларининг таҳминан 45–47 фоизи америка долларида амалга оширилади. Кўпчилик давлатларнинг хазиналари — чет эл жамғармалари (70 фоизгача) Америка доллари шаклида сақланади. Долларнинг курси пасайиши жамғармаларини долларда сақловчи давлатларнинг молия вазирликлари ва ҳукуматларини саросимага туширди. Бундан ташқари, Америка Кўшма Штатлари энг катта истеъмол бозори бўлганлиги учун, доллар курсининг пасайиши бу бозорнинг сотиб олиш имкониятининг торайишига ва унга маҳсулотларини етказиб бераётган давлатлар экспорти ва иқтисодига катта зиён етказиш хатари ҳамиша мавжуд.

Американинг иқтисоди тикланиши бошланди деган овоза тарқатилишига қарамай, доллар курсининг пасайиши узоқ давр давомида бу иқдисот нореал тармоқлар тараққиёти ҳисобига ўсанлигидан далолат беради. Агар охирги йиллар давомида Америка иқтисодига четдан келган сармояларни кўздан кечирсак, улар аввалимбор ишлаб чиқариш соҳаларига эмас, молия тизимиға ва сармоя фонdlарига йўналтирилгани аниқланади. Ушбу ҳол американинг тўлов балансига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Америка тўлов баланси, млрд. долларда (9)

Йиллар	1990	1991	1992	1993	1994	1995	1996
Баланс салдоси	- 90	5	- 50	- 92	- 107	- 103	- 107

Йиллар	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Баланс салдоси	-120	-220	-320	-450	-417	-450	-510

Бу ҳолнинг асосий сабабларидан бири — Америка корпорация-

ларининг чет зл сармояларидан тушаётган даромадлари Америка иқтисодиётига, унинг құмматли қоғозларига йұналтирилған сармоялар әзазига олиб кетилаётган даромадлардан іюқорилиги. Шунинг учун чет зл сармояларларининг Американинг құмматли қоғозларига ишончи сақланиб, ханузгача Американинг иқтисодини сармоялар билан таъминланиши давом этиб келмоқда.

Мазкур шароитни вужудға келиши ва сақланиб бориши нео-иқтисоднинг маҳсус күриниши билан боғлиқ. Яңғы иқтисоднинг маҳсуслыгини ифодаловчи омыллар қаторига реал иқтисоднинг ажамиятни табдиркорлар назаридан пасайиши билан боғлайдылар. Бу мағкурада дастмакларнинг сармоя құлиниши миқдори ва тармоқлараро таркибида сезиларлы үзгаришлар күзатылмоқда. Классик иқтисод назариясидан фарқли неоиқтисод шароиттада сармоялар ишлаб чиқариш, савдо ёки хизмат күрсатиш тармоқларига эмас, реал иқтисоддан үзилған алоқида фаолият күрсата бошлаган фонд биржалари нореал (виртуал) молияларга, құмматли қоғозлар бозорларидаги чайқовчилік, турли хилдаги суғурталанған олды-сөтдиш (деривативлар: споллар, фьючерслар, варрантлар, опционлар) га сармоя қилинмоқда.

Үз ўрнида реал иқтисод ва виртуал молия бозори орасындағы фарқ күтталашиши, Америка иқтисоди қабул этгандын сармояларга мувофиқ етарлича фойда чиқара олиши хавфсирашларни яратмоқда. Бұ хавфсирашлар Американинг құмматли қоғозларининг нархлари үзгариб туришига ва долларнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. 2001 йилнинг охирида Хитой Халқ Республикаси ўзининг жамғармаларидан доллар ўринига евро қысмени күпайтириш қарорини қабул қылгани ва 2002 йил бошланышидан доллар курси евро ва иенага нисбатан пасайиши молиячилар тарафидан күтилган ҳол деб баҳоланади.

Худди шундай муаммолар бошқа тараққий этгандын давлатларининг молия бозорларida ҳам, Япония ва Фарбий Оврупа давлатларидан күзатылмоқда. Масалан, Оврупа корпорацияларига тегишли акциялар ликвидигининг пасайиши ёки Япония иқтисодига оид молиявий дастмакларнинг қопланмаганлиги күйлаб жаижалларга, ҳатто бир неча йил аввал, бу давлат Марказий банкининг раиси ишдан кетишіда, бир қанча йирик молия муассасалари синишида ва бошқа номақулчилкларда намоён бўлиб келганды. Лекин, Америка Қўшма Штатлари етакчи ўринни эгаллаганлиги, кўплаб давлатларнинг экспорти Америка бозорларининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлганлиги, бу муаммоларга алоқида эътиборни жалб қылмоқда.

Япония ҳукумати, йенанинг курсини ўсищига қарши туриб, долларни қўллашыга интилса, Оврупаликлар евронинг кучайиши, Оврупада интеграцион жараёнларининг жаддалашишига сабаб бўлишини

ва ички талаб ва таклифнинг ўсиши иқтисодий тараққиётга замин бўлишини кутмоқдалар. Шу билан бирга, европининг кучайинига, фақат Америка иқтисодининг сусайиши етарлича замин яратади. Бунинг учун Оврупа молия тизимининг умумийлашишига доир ислоҳотлар давом этиши ва Иттифоқ давлатлар иқтисодий сиёсалари янада мувофиқлаштирилиши лозим. Оврупа Иттифоқида ҳам бу ҳаракатга етарлича ёндашмаётганлар мавжуд. Яъни Европининг кучайини, Овропанинг экспорт имкониятларини пасайгани ҳолда Иттифоқнинг ички бозорининг самараси тараққиётга етарлича замин яратади олишига шубҳалар кучлилигидан далолат.

Бу борадаги асосий қарама-қаршилик, халқаро молия бозорлари қатнашувчиларининг бир тарафдан ўзларининг валюталари ва молия бозорлари ва қимматли қоғозларининг қадри ўсишига қаратилган фаолият бўлса, бошқа тарафдан бу ҳол Америка долларининг, унинг молия бозорининг сусайиши ва дунёдаги энг катта истеъмол бозорининг синишидан хавфсирашга бошламоқда. Қачонки бу хавфсирашлар бошқа жараёнлардан устун турар экан, янги иқтисодий ғоялар тараққий этмас ва молия тизимининг ҳокимлиги битмайди. Шу билан бирга унутмаслик керакки, молия тизимининг ҳокимлиги биргина давлатнинг иқтисодий самараси билан эмас, молия савдоси мафкурасининг устунлиги билан ҳам белгиланади.

Молия ҳокимлиги ва глобал муаммолар

Бир қанча муаммолар ҳозирги кунда глобал ҳисобланиб, инсоният бор кучини бирлаштирумаса, буларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу жумладан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ер иқлимини сокинлаштириш (стабиллаш); қашшоқлик, очлик, саводсизликни бартараф этиш; энергия ва ҳом ашё таъминоти ва қуролсизланиш муаммолари.

Молия тизимининг бу муаммоларга муносабати қандай?

XX аср бошларида олимлар тарафидан башорат қилинган инсон фаолияти натижасидаги атроф-муҳитнинг ўзгаришлари тезланишини (10) инсоният кун сари бошидан кечириб бормоқда. Бу фақаттина, алоҳида минглаб юз берадётган авария ҳолларининг кўпайишининг натижасида эмас. Масалан, Испания қирғоқларида 2002 йил ноябр ойида талофатга учраган нефт ташувчи “Пресстиж” танкерининг 70 минг тонна атрофидаги ҳом нефти дengiz қаърига оқиб кетиб, юзлаб километр масофадаги жонивор ва дengиз ўсимликларининг қирилиб кетишинга ва дengиз орқали кун кечираётган Испаниянинг Галиция вилояти аҳолисига катта иқтисодий зарар келтириб, минглаб оиласларнинг турмуш даражасини кескин тушиб кетишинга сабаб бўлган. Иқлимининг кескин ўзгариб бориши хавотир уйготмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер атмосферасида олтингугурт, азот ва углерод ёқилғилари чиқиндишлар йиллар сари йиғилиб борганилиги эътироф этилган эди. Натижада кўплаб кислота ёмғирларининг ёғииши, қишлоқ хўжалиги ва ўрмонларга баҳолаб бўлмайдиган даражада зиён келтиргани қайд этилган. Бундан ташқари 80-йиллар башоратига кўра атмосферада CO_2 йиғилиб бориши “парник таъсиротини” келтириши кўплаб олимлар тарафидан огоҳлантирилган эди.

Буғунги кунга келиб Оврула, Лотин Америкаси ва бошқа кўп ерларда содир бўлаётган тошқинлар ва шу билан баробар Фарбий Африка, Хитой, Марказий Осиё ва бошқа ерларда қайд этилган қурғоқчиликлар калаванинг фақат бир учи деб баҳоламоқда. Кўплаб изланишилар Тожикистоннинг Помир ва Чилининг Анд тоғ қирраларида, Гренландия оролида ва ҳаттоқи шимолий ва жанубий ер қитъалирида миллионлаб йиллар давомида йиғилиб борган қор ва яхлар эриб бориши қайд этилмоқда. Шу билан бирга, буларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни яхшилашга, иқдимни сокинлаштиришга қаратилган ҳаракатларнинг сустлиги ва етарлича маблағ ажратилмаётганлиги қайд этилмоқда.

Асосий муаммо маблағлар етишмаслигига эмас, молия тизимишининг мафкурасида деб баҳоланади. Бу мафкура асосида истеъмолчиликка интилиш бўлиб, шу кундан ва шу муҳитдан иложи борича кўпроқ шахсий фойдаланишига қаратилган. Жуда кам маблағта эга, сиёсий ва иқтисодий ташкилотларга ўз таъсиротини ўтказа оладиган шахслар (масалан Жорж Сорос) бу муаммоларни ҳал қилишига киришадиларки, бундай ҳаракатлар уларнинг ўзлари учун турли хавф яратади. Чунки бундай ҳаракатлар молия тизимишининг ҳокимлигига зид.

Масалан, атмосферадаги CO_2 миқдорининг йиғилиб бориши ва “парник таъсиротини” келтиришининг асосий сабаби қазилма ёқилғиларининг истеъмоли билан боғлиқ. Замонавий фан-техника ютуқлари энергетиканинг бошқа турларидан: шамол, қўёш, геотермал (11), денгиз оқимлари ва ҳоказолардан самарали фойдаланиш имконларига эга. Ҳозирги кунда ёқилғилардан бутунлай кечмаган ҳолда, унинг истеъмолини сезиларли қисқартирилиши мумкинилги исботланган. Лекин ёқилғиларни қазиб чиқариши, денгизлар орқали етказиб бериши, уни қайта ишлаб, электр қуввати ва турли фракциядаги ёқилги ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга сотиш билан машғул бўлиб, бундан мўмай даромад топаётгашлар, бу фаoliyatlарга сармояларини, дастмакларини бағишилаганлар янги турдаги энергетика соҳалари тараққиётига қандай муносабатлалар?

Қашшоқлик, очлик, саводсизлик XX асрда глобал ҳолга келган. Бу муаммолар ҳақида гап борар экан, эътибор авваламбор Африка,

Осиё ва Лотин Америкасидаги камбағал, тараққий этмаган давлатларга қаратилади. Буларга тараққий этган давлатларниң ёрдами авваламбор қайтариб бўлмайдиган қарзлардан воз кечиш билан кўрсатилади. Лекин бу ердаги мавжуд кенг тарқалган касалликларни, саводсизликни ва камбағалликни бартараф этишга маблағ ажратилиши ҳақида гап борар экан, 2002 йил 5-7 март кунлари Мексикада бўлиб ўтган халқаро анжумандар мұҳқомалар эътиборни жалб қиласди. Тараққий этган давлатлар ёрдамларини кўпайтиришларини, қашшоқ давлатлардаги ислоҳотлар билан боғлайдилар. Токи у камбағал давлатлар ХМЖ талабларини бажармас эканлар, яъни молия тизимининг қонун-қоидаларига бўйсунмас эканлар, камбағал давлатларга хос порахўрлик ва суистеъмолчиликни бартараф этмас эканлар, уларга ёрдам бериш бефойдалиги, ажратилган маблағлар талон-тарож қилиниши қайд этилиб ўтган (12).

Афсуски, глобал камбағаллик ҳақида гап кетар экан, бу нафақат қолоқ давлатларга тааллукли ҳол. Ҳаттохи, энг тараққий этган фарб давлатларида ҳам, бойлар ва камбағаллар орасидаги фарқ катталашгани ва бу давлатларда узоқ давр давомида камбағаллар сони сезиларли камаймаётгани эътироф этилмоқда (13). Шу билан бирга, агар бу қашшоқларни савиясини кўтаришга, касб билан таъминлашга улар учун иш жойлари яратилишига сарфланадиган сармоялар ўзини оқдаган эди, бу борада аллақачон қимматли қофозлар чоп этилиб, маблағлар йигилар, бунга оид режалар тузилиб сармоялар амалга оширилар эди. Ваҳоланки, бу фаолият ўзининг иқтисодий жиҳатдан оқлай олмас экан, уни ижтимоий хизматларга юклаш ва жамиятнинг минимал харажатлари билан бартараф қилишга интилинади.

ХМЖнинг қоидаларига бўйсунган давлатларга сармоялар оқиб келиши тезлашиши кўп ҳолларда қайд этилади, (агар бу давлатлар маълум хом ашё ва бошқа захираларга эга бўлсалар). Лекин ХМЖ талабларини бажарганилик бу давлат ҳамма сиёсий ва иқтисодий хатарлардан ҳоли бўлди деган эмас. Сармоядорларни турли хавфлардан ҳимоялаш учун, кескин сиёсий ўзгаришлар ёки қўшни давлатлар билан тўқнашувларда ҳарбий кучнинг аҳамияти катта. Ривожланаётган давлатлар ҳарбий кучларининг сустлиги ва бу ижтимоий мұхит билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш учун сармоядор давлатлар ўз ҳарбийларини шу ерларга келтиришлари — энг осон йўл. Бу ҳарбийлар яроқ ва аслахалар билан таъминланишлари учун аслахалар кенг миқёсда ишлаб чиқарилиши лозим. Аслахалар эскирганда эса уларни турли йўллар билан тараққий этаётган давлатларга сотиб ҳам, янги яроқлар таниархи қопланиши кенг йўлга қўйилган. Бу жараён-

лар оддий ҳол тусига киргандыгы учун халқаро ҳамжамият қуролсиззаныш амалга оширилиши ўта мураккаблыгында қаттық ишонади.

Шундай экан, халқаро молия тизими ўз ҳокимлигини ҳарбий ва мағкуравий йўллар билан ҳимоя қилишга интилади ва бу ҳаракатларниң самараси юқориликкага шубҳа йўқ.

Бу қисмнинг худосалари ўрнида тақдиклаш мүмкінки, замонавий иқтисодий назарияларда иқтисод тараққиёті асосида сармоялар ва авваламбор молиявий сармоялар жойлашган деган тушунчага ҳукм сурар экан, молияси етишимайдиган давлатларининг долзарб мұаммоси бўлиб чет эл сармояларини ва қарзларини жалб этиш, уларни дастмак қилиб шилатши ва шу йўл билан иқтисодий тараққиётга әришиши энг муҳим мақсад шаклида намоён бўлмоқда. Аслида ҳар қанақанги иқтисодининг мустақиллiği, унинг ўзи молиявий жамғармаларни йига олиши ва шу жамғармалардан самарали фойдалана олиши билан белгиланади. Лекин халқаро молия доиралари ривожланаштган ва камбагал давлатларни миглиардлаб чет эл қарзларини жалб қилишга ундайди.

Қарз олган давлатларда сармоялар самарасиз бўлганилиги сабабли, тўлаш муддати келганиша қарзларини уза олмайдилар. Бу ҳол кўплаб давлатлардаги қарзлар инқирозини юзага келтиради. Ваҳоланки сармоялар ижобий натижасиз бу давлатларни тарқ этган экан, қарзларини узшига мўлжалланган даромадларни бу давлатлар кўпайтира олмайдилар. Демак, қарзларни тўлаш учун улар ички харажатларини асосан ҳукумат бюджетларидаги ижтимоий тадбирларга режалаштирилган, соглиқни сақлаш, маърифат учун харажатларини камайтиришига мажбур бўладилар ёки яна янги қарз оладилар.

Қарз берган давлатларда бу ҳол, сармоялар етишимаслигини яратмасада, қарзга берилган сармоялар олган давлатлардан ўзга йўллар билан қайтиб келиши, тараққий этган давлатларда, дастмакларининг миқдорий босими таъсирида, умумий сармоялар самарасининг пасайини, инфляцион жараёнларининг келиб чиқиши, иқтисодларининг самараси пасайини ва рақобатдошликларининг сусайиниша сабаб бўлиши хатари ортмоқда.

Замонавий молия оқимларига тўйсқинлик яратилиши мумкин эмас. Молиялар ўз қонун-қоидаларига амал қилиган ҳолда ҳар қанақанги тўйсқиларни четлаб ўтишига қодир. Алоҳида давлатларининг ички қонунлари дунё миқёсига устун турган тизимни назорат қилишига ожиззлик қилаади. Аксинча, халқаро молия тизими давлатларни қарз олди-бердисини амалга ошириши, бозорлараро қымматли қоғозлар нархлари ва валюталар курсларининг ўйини орақали ўз ҳукмига бўйсундира олади.

Неоиқтисод гояси амалида молия тизими устун туради. Реал иқтисоддан узилган молиявий пирамидалар тараққиётти сармоялар сама-

раси тушиб кеттишидан хавфсирашни келтиради. Сармоялар самарасини ошириш ва лоақал пасайшига ўйл қўймаслик учун бўш дастмакларни қолдирмасликка интилиниади. Шунинг учун қарз берии жараёнини дастмакларга эгалар ўз ташаббуслари билан сармояларини турли давлатларга, минтақа ва лойиҳаларни молиялашга тақлиф этадилар. Бунда банклар ва сармоя жамгармалари маркетинг сиёсатларида янги молия маҳсулотларини тақлиф этиши ва илгари сурори йўлланмалари устидаги бош қотирадилар ва амалга оширадилар. Ваҳоланки Банклар, Транс Миллӣ Корпорациялар ва Молия Жамгармалар нафақат иқтисодий, балки ҳозирги замонда сиёсий кучга ҳам эга эканлар, уларнинг қарорларини рад этишига қодир соҳа қолмаган.

Америкадаги шилаб чиқарни корхоналарига қўйилган сармоялар ва молиявий дастмаклар самараси дунёning бошқа давлатларига қараганди бир қанча юқори ва сармоялар билан боғлиқ таваккалчиликнинг рейтинг ташкилотлари тарафидан паст баҳоланиши, бу давлатга узоқ давр давомида сармояларни оқиб келишига сабаб бўлди. Бу ҳолдан фойдаланиб, молиялар этишимай қолган ҳолда ҳам Америка молиячилари зудлик билан қимматли қозозларни ва бошқа молия асбобларини чоп этиб, дунёning турли ерларидаги молия бозорларидан дастмакларни жсалб этишига узоқ давр муваффақ бўлиб келдилар.

Шу билан бирга, Америкадаги реал иқтисод ва виртуал молия бозорининг орасидаги фарқ катталашши Америка иқтисоди қабул этган сармоялар бўйича етарлича фойда келтира олиши борасида хавфсирашларни яратмоқда. Бу хавфсирашлар Американинг қимматли қозозларининг нархлари ўзгариб тушишига ва долларнинг пасайшига сабаб бўлмоқда. Япония ҳукумати, йенанинг курсини ўсишига қарши туриб, долларни қўллашга интилса, овруталиклар евронинг кучайшини, Оврутада шотеграцион жараёнларининг жадаллашшига сабаб бўлишини ва ички талаб ва тақлифишни ўсиши иқтисодий тараққиётга замин бўлишини кутмоқдалар. Бу борадаги асосий қарама-қариницк халқаро молия бозорлари қатнашувларини бир тарафдан ўзларининг валюталари ва молия бозорлари ва қимматли қозозларининг қадри ўсишига қаратилган фаолият бўлса, бошқа тарафдан бу ҳол Америка долларининг, унинг молия бозорининг сусайшини ва дунёдаги энг катта истеъмол бозорининг синишидан хавфсирашга бошламоқда. Қачонки бу хавфсирашлар бошқа жараёнлардан устун турар экан, янги иқтисодий гоялар тараққий эттмайди ва молия тизимининг ҳокимлиги биттмайди. Яъни молиянинг ҳокимлиги шу кундаги кўринишшида Америка иқтисодининг самараси, долларнинг кучи билан белгиланмоқда.

Бир қанча муаммолар ҳозирги кунда глобал ҳисобланиб, инсоният бор кучини бирлаштирмаса, буларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу жумла-

дан атроф-муҳитни ҳимоя қылыш, ер иқлимини сокинлаштириши (стабиллаш); қашшоқзлик, очлик, саводсизликни бартараф этиш; энергия ва хом ашё таъминоти ва қоролсизланыш муаммолари. Молия тизимининг бу муаммоларга муносабати қандай?

Реал иқтисод ва виртуал молия бозоридаги қымматын қогозлар орасидаги фарқ катталашши, уларни чот этганлар қабул этган сармояларга доир ўз мажбуриятларини бажараолмаслиги бўйича хавфсирашларни яратмоқда. Мазкур фарқни қоплаш учун маҳсулотлар сотилиши лозим. Тараккүй этган давлатлардаги ички бозорлар бу маҳсулотларни ҳаммасини қамрай олмаганилиги сабабидан маҳсулотларни ривожланаётган давлатларга сотишга мажбурлар. Реал ва виртуал иқтисодларнинг орасидаги фарқнинг катталиги, уни қоплаш учун жуда кўп миқдорда ўта қыммат маҳсулотларни сотишга мажбур қиласди. Бу маҳсулотларни сотиб олиши учун ривожланаётган давлатлар эвазига шу қийматта эга бошқа молларни сотишлари керак. Лекин улар хом ашёдан бошқа тараккүй этган давлатларга сотадиган ҳеч нарсалари ўйқ. Демак, яна қазилма ашёлар кўпайтириши лозим. Бунга янги сармоялар керак. Сармоялар бўйича қарзларни узши керак. Сармояларни қоровуллаш учун қурол ишлаб чиқарни ҳам керак. Яъни бу жараёнлар атроф-муҳитга салбий таъсирини кучайтириши, қашшоқзликнинг авж олиши ва қоролланиши давом этишидан далолат.

ХОТИМА

Сўнгти йилларда умумий тараққиётга бағишланган бир қанча рисолалар чоп этилдики, уларни бирлаштирувчи ғоя — инсоният тараққиётнинг берк кўчасига кириб бораётгани. Шу жумладан Эрик Хобсбомнинг “Қисқа XX аср”, Александр Зиновьев “Инсоний чумалихона” ва Жорж Сорос “Глобал капитализм инқирози” асарларида XX аср охирида авж олган глобалланиш жараёнлари иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қирраларини ёритишга муваффақ бўлганлар ва инсоният бошидан кечираётган мудхиш жараёнларни олдини олиш муаммолари илгари сурғанлар.

Ушбу рисолада кўтарилаётган муаммолар юқоридаги муаллифлар тарафидан ҳам кенг миқёсли муаммолар қаторида ёритиб ўтилган. Бу ерда эса фақат бир соҳа: халқаро молиячилик бозорлари тараққиётининг баъзи кўринишларининг таърифини келтирилишга уринилган. Глобалашув жараёнлари кўп қиррали бўлганлиги учун молия бозорларининг тараққиётига таъсири қиливчи, иқтисодиёт назариялари ва сиёсий жараёнларнинг таъсири нуқтаи назаридан ёритилишга ҳаракат қилинган.

Молия бозорларининг тараққиёти XX асрнинг иккинчи ярмига келиб авж олганини эътироф этиш мумкин. 30-йилларда буюк инқироз натижасида миллионлаб инсонларни ишсиз, даромадсиз тушкениликда қолдирган молия бозорининг синиши, давлат аралашувини мажбур қилиган. Давлат аралашуви натижасида инқирозни енгишга ва иқтисодни тараққиётга бошлапига шароит яратган эди.

Иккинчи Жаҳон урушининг талофатларини енгиш учун ва халқаро савдони ривожлантириш учун янги халқаро молия тизими: Бреттон Вудс Шартномалари хизмат қилиб келди. Лекин 70-йиллардаги иқтисодий инқирозни енгиш талаблари тараққий этган давлатлар орасидаги ўзаро рақобатнинг кучайиши, халқаро молия тизимини испоҳ қилишга олиб келди. Бу давргача йиғилиб қолган турли давлатлардаги молиявий жамғармалар сармоя қилинишлари керак эди. Валюталарнинг ўзаро эркин рақобатларига Бреттон Вудс тизими тўсқинлик қила бошлаган эди.

Шу билан бирга дунёда энг кучли ва салоҳиятли валюта — Америка доллари ўзининг чексиз имкониятларини исботлай олди ва бундан усталикча фойдаланди. 70-йилларда олтин таъминотидан кечиш бу валютани синишига олиб келмади. Аксинча, суст молия тизимларига эга қатор ривожланяётган давлатларнинг ички бозорларида ҳам доллар ҳаракати авж олганлиги шу даврга қадр кузатилиб кельмоқда.

80-йиллар бошланишидаги молиявий тангсизликлар, баъзи ривожланяётган давлатлардаги қарз тўлаш муаммолари, тараққий эт-

ган давлатлар орасидаги рақобатнинг кучайиши дунё миқёсіда молия оқимларига әркинлик берилишига олиб келди. Бу әркинлик “арық миқёсіда амалға оширилаётган молия оқимларини — дарё, кейде деңгиз даражасигача” көнгайишига шароит яратди. Агар шунга қадар молия ҳаракатлари савдо-сотиқни амалға ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қылған бўлса, 90-йилларга бориб молия бозорлари алоҳида иқтисод тусиға кириб борди. Неонқтисод деб аталмиш молия бозорларидаги ҳаракатлар ўз фаолиятларига янгидан-янги қатнашувчиларни жалб этди. Бунда йирик банклар ва Транс Миллий корпорациялар иштирок этиши билан бирга молия бозорларининг тараққиети ўрта ҳол аҳолини ҳам иштирокига шароит яратди. Бу ҳол бошқа соҳалардаги глобаллашув жарайёнлари билан баробар амалға ошди, унга замин яратди ва бошчилик қилиб келди.

Глобаллашув жараёнлари авж олган сари, миллий молия тизимлари ҳалқаро молия бозорлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда ҳаракатда бўлишга мажбур. Бу жараёнларни, ички молия тизимлари фаолиятини назорат қилиш Халқаро Молия Жамғармасининг (ХМЖ) зиммасига юкланган. ХМЖнинг аъзо давлатларга қўядиган бир қанча талаблари мавжуд бўлиб, бу талаблар ХМЖ шартномасида келтирилган.

Талабларнинг энг муҳими — бу инфляцион, яъни миллий пул бирлигининг ишлаб чиқарилаётган Миллий Даромадга нисбатан қадрсизланишига йўл қўймаслик ва шу нуқтаи назарда назоратини амалға ошириш.

Келтирилган таҳлиллардан хуроса қилиб айтса бўладики, инфляцион жараёнларга таъсирни ўтказаётган омил нафақат (П1)нинг жисмоний миқдори, яъни иқтисодга айланадиган (П1)нинг миқдори базис йилга нисбатан камайган бўлса ҳам, агар пул айланиси тезлиги ундан кўпроқ миқдорда ўсиб борса ва бу тезликнинг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига кўрсатилган хизматлар ўсиши билан қопланмаса, инфляцион жараёнлар авж олади деган тушунчалар мавжуд.

Одатда, пул айланиси иқтисоднинг ҳаракатга келганидан далолат. Шунинг учун қўшимча молияни чоп этиб ёки банк кредитлари орқали янги молияларни товар/хизматлар билан қопланмасдан, айланисига чиқариш салбий натижаларга олиб келади. Айланадиган пулларнинг миқдорини кўпайтирмасдан мавжуд молиянинг айланиси тезлигини ошира билиш иқтисодий, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ жараёнларининг ҳаракати тезлашганидан далолат беради.

(П2) ва (П3)лар тўла ликвидлик хусусиятига эга бўлмасаларда, янги иқтисод қонунлари ҳукм суроётган даврда, тараққий этган дав-

латларда ЯММнинг қиймат жиҳатидан ўсишига шароит яратувчи шунга ундейдиган омиллар сифатида намоён бўлади, ваҳоланки, жисмоний жиҳатдан бу қиймат маҳсулот ва хизматлар билан таъминланиб бормаса ҳам. Қизиги шуки, бу ҳол сезиларни инфляцион жараёнлар билан давом этмайди. Чунки амалда (П1)нинг ўсиши кузатилимайди. (П3)нинг ўсиб бориши эса инфляцион жараёнларга таъсир кўрсатмайди. Бу ҳол кўплаб қимматли қофозларнинг (акцияларнинг) нархларини, уларнинг реал фойда келтира олиш имкониятларидан каттый назар, ошиб боришига кенг имкон яратади.

Иқтисодиётдаги (П1) пул айланни тезлиги ошганида ЯММ ўсишига бошлайди. ЯММ жисмоний жиҳаттан ўсиб борса, бу иқтисоднинг тараққий топтани кўреаткичи ҳисобланади. Агар нархи ўса, унда кўпроқ пул миқдорининг ўсгани фақат инфляцион жараёнлар бошлиғанинни кўрсатади ва пул айланни даромаддорлиги пасайланлигига далил бўлади.

(П2) ва (П3) ўсиши билан боғлиқ хатарлар, одатда уларнинг миллий (П1) билан қопланмай қолган даврида, унинг ўринига чет элдан, кучлироқ валюталар кириб бориши билан боғлиқ. Бу ҳолни бир қанча Лотин Америкаси давлатларида ёки 1998 йилги иккиздан кейин Россияда, “иқтисоднинг долларлашиши” ибораси билан атальмиш ҳоллар билан кузатилиши мумкин.

Уибу салбий ҳолни олдини олиш ҳаракатида Марказий Банклар тижорат банкларнинг депозит базасидан бефоиз захиралар яратиш, унинг миқдорини кўпайтириш ёки пасайтириш ҳамда марказлашган фоиз даражасини белгилаш орқали бошқарадилар.

Лекин Марказий банклар молияни мазкур бозор шароитига мувофиқлаштируви фақат бозор иқтисоди эркин ҳукм сурган шароитда самарасини кўрсатини мумкин. Иқтисодий бошқарувга буйруқбоззлик услубида ёндашув, солиқларни ҳаддан ташқари юқори ўрнатилиши, ишчилар маошининг чекланиши, нақд пул ҳаракатини чегаралаш ва ҳоказо бозорнинг эркин фаолиятига тўсқинлик яратилган шароитда Марказий Банкларнинг “қаттиқ” монетар сиёсалари салбий таъсир кўрсатиши, пул мултипликатори пасайтирилиши иқтисодий тараққиётни “сиқиб” қўйиши мумкин.

Марказий банкларнинг ҲМЖси назорати остида ички молия сиёсаларини амалга оширишлари турли давлатларда молия тизимишининг бир қолига келтирилган умумий ҳол яратилишига олиб келди. Валюталарнинг ўзаро эркин алишувининг таъминланиши молия оқимларини бемалол бир бозордан иккинчисига фақат бошқа валютада белгиланган ҳолда ўтишини келтирди. Ўз навбатида бу глобал умумий бозор яратилишига замин яратди. Глобал молия бозори ша-

роигида давлатлараро молия маҳсулотларининг қийматлари орасида деярли фарқ учирилиб кетиш жараёнлари мавжуд. Яъни бир бозордаги амалдаги ўртача фонзлар ҳамма бозор қатнашчилари тарафидан бир хил молия маҳсулотлари учун баробар қўлланилади. Акс ҳолда, маҳсулотларга қимматроқ нарх ўрнатган бозор қатнашчилари рақобатчиларига ютказадилар.

Замонавий молия бозорларида, молияга муҳтоҷ бўлган ташкилот ёки давлатлар банклардан қарз олиб, ўз эҳтиёжларини қониқтирадилар. Молия бозорлари қатнашувчилари кенг миқёсда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли қимматли қофозлар чиқариш йўли билан, молия бозорларида айланастган катта дастмакларни ўзларига жалб этадилар. Ушбу молия асбобларини қўллашда банклар кенг миқёсда воситачилик қиласидилар ва мижозларига арzon, тез жалб қилинадиган ва самарали маҳсулотларни таклиф этадилар. Охиригина ийларда банклардан ташқари молия воситачилари бўлиб Молия сармоядори корхоналари (МСК), Суғурта жамғармалари (СЖ) ва Кредит бирлашмалари (КБ) хизмат қиласидилар.

Бу ташкилотлар воситачилигида кўплаб молияни юритувчи услублар ва молиявий асбоблар тараққий топди. Шу жумладан, Акциялар ва облигациялар, суғурталанган молия асбоблари — деривативлар: опционлар, фьючерслар; депозит сертификатлари, турли хилдаги вексел ва тратталар.

Молия бозорининг ва тизимининг тараққиёти аста секин мол ва бойликлар билан таъминланган молияни ўрин фармойиши молия ёки қарз билан таъминланган молия билан алмаштирилиш жараёнини вужудга келтирди. Келтирилган молиявий асбоблар ва молия воситачи муассасаларининг кўп турдаги фаолиятлари (ПЗ) ҳолида) марказий банклар назорати билан қопланмайдилар. Ундан ташқари, ҳалқаро глобаллашув ва интернационалашиш жараёнлари молия бозорларини аллақачон алоҳида давлатларининг Марказий Банклари назоратидан четга чиқиб кетишларига шароит яратган.

Бу ҳол ҳалқаро молия бозорларида триллионлаб долларлар молия воситалари назоратисиз айланишига олиб келди. Банклар ва бошқа молия муассасалари қўллаётган агрегатлар бу молия воситачиларини яширинишига унади. Улар дунё иқтисоди ишлаб чиқараётган маҳсулотдан, кўрсатилаётган хизматлардан ва амалга оширилаётган савдо-сотиқлардан бир неча баробар тезроқ суръатда ўсишига олиб келди. Яъни мажбурият ёки қарз қофозларида белгиланган мавжуд молия дастмаклар миқдорларининг ўсиш суръати, мувофиқлашган ҳолда моддий бойликларининг ўсиш суръати билан қонланмаганини, бу жараёнлар давом этишида, дастмакларни сармоялардан олинидиган фойданинг ўсиши билан таъминланиши жуда мураккаб ҳол.

Шуни таңдиқласа бүләдики, молия бозорларининг самарали фаолият кўрсатиши учун маълум муҳит мавжуд бўлиши шарт. Авваламбор мазкур шарт иқтисодий тизим барқарорлигига ва молия тизимиштаги эркин ва ишончли ҳаракат қилишига мўлжалланган қонунчиликка асосланилиши талаб қилинади. Бу қонунчилик ҳар бирни алоҳида миллӣ давлатларда шу миллатнинг урф-одатлари ва удумларидан истисно, умумий халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини талаб этади. Шу жумладан, миллӣ давлатлар ҳукуматларидан молия тизимишни бошқарувчиси Марказий Банкларининг эркинлигини, инфляцион жараёнларга йўл кўймасликини, миллӣ валютанинг кундаклик савдо бўйича конвертациясини таъминлашни, гарбий услубдаги демократия қоидаларини ўрнатишни ва бошқа молия эркинлигини таъминловчи стандартларни бажарилиши талаб қилинади. Бунга эришишнинг қатор кўрсаткичлари ва турличи бошқарни услублари мавжуд. Ана шу стандартларга алоҳида давлатларнинг ички иқтисодий муҳитлари мувофиқлашганида, халқаро молия эркинлиги учун тўла шароит яратилиб, молия оқимлари тўсиқларсиз ҳар қандай давлат чегараларини кесиб кирадилар ва яна бемалол бу давлатнинг молия бозорларини тарқ этадилар.

Шу билан бирга, халқаро молия тизимиштаги фаолияти дунё миқёсида маълум ғоялар ҳукм суриши шароитини талаб қиласидиларки, бу ғоялар тан олинган ҳолда самарали фаолият кўрсатишлари мумкин. Акс ҳолда эркин молиялар ҳаракатига ва молия ташкилотларининг фаолиятларига, шу ғояларни қабул қилмаган давлатларда қонуний ёки норасмий турлича тўсқинликлар яратиши мумкин.

Совуқ уруш давомида яратилган конвергенсия назарияси бозор иқтисодиёти ва планли — марказлашган иқтисодий ғояларнинг қарама-қаршилигини ҳал қилувчи услуб шаклида вужудга келган эди. Лекин, тарих тақозоси билан режали-марказлашган иқтисодиёт мағлубиятга учраб, унинг мафкуравий назариясидан батамом воз кечилди. Аксинча, бозор иқтисодиёти, эркин капитализмнинг мафкуравий асоси бўлмиш “маргинал” назариясининг тараққиёти нафақат товар ишлаб чиқариш маркетинги соҳасида, балки пост-индустриал ғояларининг ривожланиши — неоиқтисод мафкурасининг тараққиётига ва халқаро молия бозорлари тараққиётига ҳам асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ҳар қанақангидан янги назария яратилиши “хали етарлича асосланмаган” деган тамға билан айбланади, бу ҳол иқтисодиётдаги янги ғояларга ҳам тааллуқни. Лекин, неоиқтисоднинг тараққиёти мавжуд. У ўзини химоя қилишига етарли кучга эга. Бу ғоянинг ўзи хоҳ уруш хоҳ бошқа йўллар билан бу мафкурани кенг ёйинига, дунё мафкураси-

га айлантиришга тайёрлигини келтирілгандар, турлы давлатлардаги молия ислоҳотлари билан дағыл қылса бўлади.

Ҳар қанақанги урушдан биринчи жабр топгувчи бу — ҳақиқат. Лекин, ҳақиқатни турлича ифодалаш мумкин ва бунга турли назариялар хизмат қиласи. Уруш гояларини тарғиб қилувчи: Малтус назарияси, синфлар кураши назарияси, маданиятлар тўқнашуви ва геосиёсат назарияларидан фойдаланилиши мумкин. Мұхими мақсад яни мағкуравий ҳокимликка эришиш.

Бамонавий ахборот технологиялари ютуқларининг қўлланилиши натижасида нул тўловлари ва қоғозли дастмаклар ишлатиш жараёнлари ва булар билан боғлиқ ҳамма молия-тўлов ҳаракатлари кескин арzonлашиб бормоқда. Бунинг натижаси ва қўлловчи омиллар бўлиб кескин электрон ва оддий хабар берувчи воситаларининг тараққиети; телефонлар ва факс машиналари; компьютерлар, модемлар ва улар билан боғлиқ чизмачилик ва бошқа тасвирий ахборотлар тараққиети; узоқ масофага маълумот етказувчи сунъий сайёralар ва шиша-симлар тараққиети молия бозорлари техник имконларга таъсир кўрсатиб, қуйидаги: автоматик нул ўтказувчи, электрон молия сотув шахобчалари, телефон орқали банк операциялари, ўзаро боғлиқ кунига 24 соат хизмат кўрсатувчи молия воситачиларининг фаолияти, уларнинг улгуржи ва корпоратив мижозлари билан боғлиқ хизматлари, дебитор ва кредитор молия карточкалари, электрон пуллар ва тўлов тизимлари ва халқаро интернет орқали боғлиқ молия оқимларининг бошқаруви каби молия маҳсулотларининг тараққиётини таъминнлаб бермоқдалар.

80-йилларда, тараққий топган давлатлар тарафидан қўлланган молия ислоҳотлари, шу жумладан банклар фонзларининг юқори дарражасини белгиламаслик, молия оқимларига қўлланиладиган солиқларни қисқартириш, воситачилар ўтказаётган молия операцияларидан олинадиган комиссиян тўловларини қисқартириш, чет эл молия фирмаларига ички бозорларга кириш имкониятларини кенг миқёсда қўллаш, хусусийлаштириш ва бу билан боғлиқ қимматли қоғозларнинг тараққий топнишини қўллаш, банклар, қимматли қоғозлар ва сугурта фирмалари ва бошқа молия ташкилотларини ўзаро рақобатларини қўллаш — молия бозорларининг кескин тараққиётига бошлади. Бунда турли молия маҳсулотларининг ривожланиши ва бу маҳсулотлар ўзаро рақобатлашуви молия операцияларининг самарасини ўстирди. Энди молия эгалари нафақат банклarda депозит сақлаб ва банк ҳисобларидаги қолдиқларга йиғилган фонзлардан фойдаланадиган, балки турли хилдаги қимматли қоғозлар савдосидан иқтисодий манфаат топадиган бўлдилар.

Юқорида келтирған омиллар, яғни ахборот технологияларининг тараққиёти ва молия бозорларининг назоратини сиёсий арбоблар тарафидан сусайтирилиши, молия оқимларининг кўпайини ва уларнинг самарасини ўсишига бошлади. Бу жараёнлар нафақат ички бозорларни, умуман ҳалқаро молия бозорларини ҳам қамраб олди. Бунда молия оқимлари камроқ хатар ва кўпроқ даромад келтирадиган бозорларни танлаб, ўз йўналишларини топадиган бўлди ва бу қоидаларни қабул қилиган давлатлар, уларнинг Марказий Банклари ва бошқа молия тизимлари бундай оқимларга тўгои бўла олмай қолдилар. Молиявий глобаллашув ўз ўрнида умумиқтисодий, сиёсий ва маданий глобализацияга шароит яратувчи омил бўлди.

Бу ҳол кенг миқёсда, транс миллий корпорацияларнинг (ТМК) иштироки ва бошқаруви остида, миллий мавқелардан устун турувчи буюк иқтисодий салтанатларнинг шаклланиши, ўта иқтисодий бирликларнинг тараққий топишими ифодаловчи ҳол. Бу салтанатларнинг таъсироти шунчалик кучли бўлиб шаклландики, улар ҳар қандай, нафақат кичик ва ўрга ҳол давлатларнинг, балки энг буюк давлатларнинг олиб борадиган сиёсатларига таъсиротларини ўтказиб, шу сиёсатни шаклланишининг энг муҳим омили сифатида намоён бўлдилар. Шундай экан, глобалланишда иқтисодий жараёнларни сиёсий ва ижтимоий жараёнлардан ажратиб алоҳида бир ҳол сифатида кўриши, ўтётган жараёнларни тўккислигича акс эттира олмайди.

Асосий молия ҳаракатларини акс эттираётган учта молия бозори: Америка Кўшма Штатлари, Фарбий Оврупа ва Осиё Жануби-Шарқий минтақалари умумий жараёнлардан тушуича беради. Булардан фарқли араб ва бошқа ислом мағкурасидаги молиячиллик ўзига хослиги билан ажralиб туради.

Минтақавий молия бозорларининг қизиги, уларнинг шаклланиши тажрибаси бошқа минтақалар учун ҳам ўrnak бўлишиниадир. Шу нуқтai назардан Оврупа молия бозори мутахассислар эътиборини ўзига жалб қиласди. Оврупа молия тизими бир кунда шаклланган ҳол эмас. 1999 йил 1 январда киритилган евро валютаси ва 2002 йил 1 январидан кўллананаётган унинг жисмоний шакли, 1957 йил Румда битилган Оврупа Иқтисодий Қўмитаси (ОИҚ) шакллантириш шартномасига бориб тақалади.

Оврупа молия тизими ўз тараққиётида турли даврларни бошидан кечирди. Рум шартномаси молия тизимларини ўзаро мувофиқлаштириши масалаларини кам кўзлаган. Бунда 60-йил охирига қадар фақат валюталар алмаштириши курсларини ва бу борада маҳсус муассасаларни ташкил этиш масалалари назарда тутилган. Кўзланган масалаларниң амалга ошмаганлигига асосий сабаб, у даврда Бреттон

Вудс Шартномаси етарлича самарали хизмат қылар ва то 70-йилларга қадар бу мақсадларни амалга оширишга катта зарурият бўлмаган.

Лекин, 1971 йили Америка Кўшма Штатлари Янги Иқтисодий сиёсатини киритгани Оврупа Иттифоқида ички молия сиёсатларини қабул қилишга унадди. Янги ўрнатилган қондаларга кўра валюталар илгариги ўзаро алиштирув курслари I фоиз ўзгариб туриш имкониятини 2,5 фоизгача кўпайтирган эди. Оврупа давлатларининг валюталарига нисбатан бу қонданинг қўлланиши шуни кўрсатдики, валюталарнинг бир турлари энг пастга тушган ҳолда бошқа турдагиси энг баланд курсга кўтарилса, орасидаги фарқ 9 фоизгача етар экан. Бу ҳол чайқовчиларга кенг имкон яратиб, ўзаро савдога кескин салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги учун тарафларни қониқтира олмасди.

1972 йил Швейцариянинг Базел шаҳрида ОИҚга аъзо тарафлар валюталарини ўзаро ўзгарувчанлигини икки баробар қисқартириш ҳақида келишиб олдилар. Келишув “Оврупа илони” ибораси остида ўзгарувчан курсни 4,5 фоизгача ўйл қўйилишини тасдиқлади.

1979 йилнинг март ойидан ОИҚ аъзолари давлатларини Оврупа Молия Тизими шартномасига киритдилар ва тўққизта аъзо давлатлар бу тизимга қатнаша бошладилар.

Оврупа молия тизими уч асосий қисмдан иборат бўлган:

1. Валюталар курси ва интервенция қўлланилиши тизими;
2. Ўзаро ҳисоб-китоб ва қарз бериш тизими;
3. ЭКЮни тадбиқ этиш.

Америка ва Жануби-Шарқий Осиё бозорларининг рақобати кучайиб бораётган шароитда Оврупа Иттифоқи глобал миқёсда рақобатбардошлигини ошириш ҳаракатида ва ички бозорини кучайтириш мақсадида, Маастрихт шаҳрида 1992 йил умумий валюта киритишга қарор қилди.

Евро киритишида тасдиқланган алишув курси долларга нисбатан ўша киритилган кунидаги ЭКЮ курсида белгиланган эди ва 1 долларга 1,19 ЭКЮ курси билан 1 январ 1999 йил Евро валютаси киритилган. Оврупа Иттифоқи давлатларининг иқтисодларини бир-бирларига мослашиж жараёни шу кунга қадар битгани йўқ ва бу жараён ваҳоланки иқтисодиёт тараққиёти амалга ошар экан ҳамиша давом этадиган ҳол. Евро киритилиб, икки йил давомида милий валюталар билан баробар фаолият кўрсатиши ва европи жисмоний шаклда кечроқ киритилиши режалаштирилгани бу валютани биринчи кунданоқ сустлигини кўрсата бошлади. Унинг долларга бўлган курси пасайиб борди ва 2002 йил жисмоний ҳолда киритилганлигига қарамасдан, март ойига келиб бир долларга 0,87 евро курси тўғри келди.

Албатта, евронинг яна тикланиб, АҚШ доллари билан курси тенглашгани унинг рақобатдошлигининг муҳим кўрсаткичидир. Шундай бўлсада, мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткич евронинг куячиганидан эмас, балки Америка иқтисодидаги муаммолар билан боғлиқ долларнинг сусайганидан далолат.

Умумжаҳон глобалланиш жараёни молия бозорларидаги шароит кескин ўзгариб туриши ва молия оқимлари замонавий техника имкониятларидан фойдаланиб, жуда тез алоҳида бозорларни тарк этиши мумкинлиги, 1997-1998 йилларда Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг мисолида яқъол намоён бўлди. Бу ҳол иқтисодиётчиларни глобалланиш жараёнига минтақавий боғлиқ шаклида кириб боришилик бундай хатарлардан маълум жиҳатдан асрани мумкин бўлган имкониятларни яратиши фикрлари кенг миқёсда бугунги кунда муҳокама қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Осиёнинг Жануби-Шарқида жойлашган давлатларининг, авваламбор Япония ва Корея тажрибалари мутахассислар орасида катта қизиқиш уйғотади. Осиёнинг бошқа Жануби-Шарқий давлатларининг тараққиёт моделлари Япон ва Корея моделиларидан фарқ қиласди. Асосий ажратувчи фарқ шундаки, Япон ва Корея тараққиётларидан кўпроқ ўзларининг ички имкониятларига суюнган бўлсалар, Гонконг, Тайван, Сингапур, Индонезия ва Малайзия кенг миқёсда бевосита чет эл сармояларини жалб этганлари самарали натижа берган. Шу билан бирга бу давлатларнинг бирбирларига ўхшаш томонлари улар фарб давлатларидан илгари суриласидиган эркин савдо, чекланмаган бозор ва эркин рақобат ғояларини чекланган ҳолда қўллайдилар.

1997-1998 йиллар молия инқирози Осиёнинг кўпчилик Жануби-Шарқий давлатларидан ҳукуматлари ва бу ердаги мафкуравий ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу минтақадаги давлатларда, одатда кўпроқ урф-одатларга кўра автократик, яъни буйруқ орқали бошқарув ва қадимий конфуций мафкурасига оид дунёқараши ҳукм сурар эди. Инқироз киритган ўзгаришлар гарбий услубдаги иш юритишни ва шунга яраша ҳукумат ва бошқарув услубларини киритди ва ижтимоий ҳаётни кўпроқ шундай расмийлаштиришга мажбур қилди. Сўнгти йиллардаги молия бозорларининг тараққиёти, фонд биржасидаги кескин акцияларнинг ўсиши авваламбор шу ўзгаришларининг натижаси деб баҳоласа бўлади. Лекин қисқа мuddат ичida буидай чуқур ўзгаришлар ҳақида хуроса қилиш ва бу жамиятлар тараққиёти истиқболини ишонч билан муҳокама қилишга хали эрта. Чунки ҳеч қанақсанги удум ва урф-одатлар, жуғрофий, атроф-муҳит ва бошқа мафкуравий омилилар таъсирисиз шаклланмайди. Буларни расмий ислоҳ қилиш,

ижтимоий мафкурага фақат ижобий таъсир қилади деган тушунча ҳақиқатдан йироқ, деб баҳоланади.

Қонунчилеклари исломий удумларга кўра шаклланган давлатларда молия бозорларининг фаолиятлари ўзгача. Бу давлатларда пул олди-сотдиси амалга ошмасада, банклар ва молия муассасаларининг ўзига яраша молия маҳсуллари мавжуд ва бу маҳсуллар тараққий этиб бормоқда. Бу “исломийча” молия маҳсулларининг гарб молия бозорларида тан олиниши ва баҳоланишида намоён бўлмоқда.

Яъни, миңтақавий молия бозорлари турлича кўринишига эга бўлиб, тараққиёт тарихи, иш юритиш тартиби билан фарқ қиласаларда, умумий глобаллашёйтган молия бозорига турли тарзда кириб бормоқдалар ва бир-бирлари билан узвий боғликлари ортиб бормоқда.

Замонавий иқтисодий назарияларда иқтисод тараққиёти асосида сармоялар ва аввалимбор молиявий сармоялар жойлашган деган тушунча ҳукм сурар экан, молияси етишимайдиган давлатларининг дол зарб муаммоси — бу чет зл сармояларини ва қарзларини жалб этиши, уларни дастмак қилиб ишлатиш ва шу йўл бидаи иқтисодий тараққиётга эришиш энг муҳим мақсад шаклида намоён бўлмоқда. Аслида иқтисоддининг мустақиллiği — бу унинг ўзи молиявий жамғармаларни йиға олиши ва шу жамғармалардан самарали фойдалана олиши билан белгиланади. Лекин ҳалқаро молия доиралари ривожланаётган ва камбағал давлатларни миллиардлаб чет зл қарзларини жалб қилишга унрайди.

Қарз олган давлатларда сармоялар самарасиз бўлганилиги сабабли, тўлаш муддати келганида қарзларини уза олмайдилар. Бу ҳол кўплаб давлатлардаги қарзлар инқизозини юзага келтиради. Ваҳоланки, сармоялар ижобий натижасиз бу давлатларни тарк этган экан, қарзларини узишига мўлжалланган даромадларни бу давлатлар кўпайтира олмайдилар. Демак, қарзларини тўлаш учун улар ички харажатларини, асосан ҳукумат бюджетларини камайтиришга мажбур бўладилар ёки яна янги қарз оладилар.

Қарз берган давлатларда бу ҳол, сармоялар етишмаслигини келтириб чиқармайди. Аксинча, қарзга берилган сармоялар қарз олган давлатлардан ўзга йўллар билан (кўпроқ оффшор бозорлар ораҳали) қайтиб келиши, тараққий этган давлатларда, дастмакларининг миқдорий босими таъсирида, умумий сармоялар самарасининг пасайиши, инфляцион жараёнларининг келиб чиқиши, иқтисодларининг самараси пасайиши ва рақобатбардошликларининг сусайишига сабаб деб баҳоланади.

Неониқтисод ғояси амалида молия тизими устун туради. Реал иқтисоддан узилган молиявий пирамидалар тараққиёти сармоялар са-

мараси тушиб кетиншидан хавфсирашни келтиради. Жамиятдаги мавжуд молиялар ҳаракатининг самарасини ошириш ва лоқал пасайишига йўл қўймаслик учун бўш дастмакларни қолдирмасликка интилинади. Шунинг учун қарз бериш жараёнида дастмаклар эгалари ўз ташаббуслари билан сармояларини турли давлатларга, минтақа ва лойиҳаларни молиялашга таклиф этадилар. Бунда банклар ва сармоя жамғармалари маркетинг сиёсатларида янги молия маҳсулотларини таклиф этиш ва илгари сурини йўлланмалари устида бош қотирадилар ва амалга оширадилар. Ваҳоланки Банклар, Транс Миллий Корпорациялар ва Молия Жамғармалари нафақат иқтисодий, балки ҳозирги замонда сиёсий кучга ҳам эга эканлар, уларнинг қарорларини рад этишига қодир замин ва соҳа қолмаган.

Замонавий молия оқимларига тўсқинлик яратилиши мумкин эмас. Молиялар ўз қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда ҳар қанақангидек тўсқиқларни четлаб ўтишга қодир. Алоҳида давлатларнинг ички қонунлари дунё миқёсида устуни турган тизимни назорат қилишга ожизлик қиласди. Аксинча, халқаро молия тизими давлатларнинг қарз олди-бердисини амалга ошириш, бозорлараро қимматли қофозлар нархлари ва валиуталар курсларининг ўйинини, алоҳида давлат араббларига таъсирини ўтказиш ва бошқа услублар орқали ўз ҳукмини ўtkаза олади.

Узоқ давр давомида Америкадаги ишлаб чиқариш корхоналарига қўйилган сармоялар ва молиявий дастмаклар самараси дунёning бошқа давлатларига қарагандан бир қанча юқори ва сармоялар билан боғлиқ таваккалчиликнинг рейтинг ташкилотлари тарафидан паст баҳоланиши, бу давлатта сармояларни оқиб келишига сабаб бўлиб келди. Бундан фойдаланиб, молиялар етишмай қолган ҳолда Америка молиячилари зудлик билан қимматли қофозларни ва бошқа молия асбобларини чоп этиб дунёning турли ерларидаги молия бозорларидан дастмакларни жалб этишига узоқ давр муваффақ бўлиб келдилар.

Шу билан бирга, Америкадаги реал иқтисод ва виртуал молия бозори орасидаги фарқ катталashiши Америка иқтисоди қабул этган сармояларнинг самараси пасайишига ва сармоячилар орасида турлича хавфсирашларни келтириб чиқармоқда. Бу хавфсирашлар Америка қимматли қофозларининг нархлари ўзгариб туришига ва долларнинг курси пасайишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан баробар, Япония ҳукумати йенанинг курсини ўсишига қарши туриб, долларни қўллашга интилса, оврупаликлар евронинг кучайиши, Оврупада интеграцион жараёнларнинг жадаллашишига сабаб бўлишини ва ички талаб ва таклифнинг ўсиши иқтисодий таракқиётга асос бўлишини кутмоқдалар. Бу борадаги асосий қарама-

қаршиликлар, бир тарафдан халқаро молия бозорлари қатнашчилари ўзларининг валюталари ва молия бозорлари ва қимматли қофозларининг қадри ўсишига қаратилган фаолияти бўлса, бошқа тарафдан бу ҳол Америка долларининг, унинг молия бозорининг сусайиши ва дунёдаги энг катта истеъмол бозорининг синишидан хавфсирашга олиб келмоқда. Қачонки бу хавфсирашлар бошқа жараёнлардан устун турар экан, янги иқтисодий ғоялар тараққий этмайди ва молия гизими нинг ҳокимлиги битмайди. Яъни молиянинг ҳокимлиги шу қундаги кўринишида Америка иқтисодининг самараси, долларининг кучи билан белгиланмоқда.

Бир қанча муаммолар ҳозирги кунда глобал ҳисобланиб, инсоният бор кучини бирлаштирумаса, буларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу жумладан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиши, ер иқлимини сокинлаштириши (стабиллаш); қашшоқлик, очлик, саводсизликни бартараф этиш; энергия ва хом ашёй таъминотини амалга ошириши ва қуролсизланиш муаммолари. Халқаро молия тизимининг бу муаммоларга муносабати қандай?

Реал иқтисод ва виртуал молия бозори орасидаги фарқ катлашиши, уларни чол этганлар қабул этган сармоялар бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги бўйича хавфсирашларни келтириб чиқармоқда. Мазкур фарқни қоплаш учун реал иқтисод маҳсулотлари сотилиб бориши лозим. Тараққий этган давлатлардаги ички бозорлар бу маҳсулотларни ҳаммасини қамрай олмаганинги сабабли улар маҳсулотларини ривожланаётган давлатларга сотишга мажбурлар.

Келтирилган фарқнинг катталиги жуда кўп миқдорда ўта қиммат маҳсулотларни сотишга мажбур қиласди. Бу маҳсулотларни сотиб олиш учун ривожланаётган давлатлар маҳсулотлар эвазига шу қийматга эга бошқа молларини сотишлари керак. Аммо уларнинг тараққий этган давлатларга хом ашёдан бошқа сотадиган ҳеч нарсалари йўқ. Демак, яна қазилма бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Бунга ривожланаётган давлатлар янги сармоялар жалб қилишлари керак. Кейин улар жалб қилинган сармоялар бўйича қарзларни узишлари керак. Ривожланаётган давлатларга берилган сармояларни тараққий этган давлатлар турли хатарлардан ҳарбий кучлари билан ҳимоялаши учун янги қуроллар ишлаб чиқаришга мажбур бўладилар. Яъни бу жараёнлар атроф-муҳитга салбий таъсирнинг кучайиши, қашшоқликнинг авж олиши ва қуролланиш давом этишидан далолат беради.

АДАБИЁТ ВА ИЗОҲЛАР

КИРИШ

*Ислам Каримов. Узбекистан на пути углубления экономических реформ. — Ташкент “Узбекистан”, 1995. с.8-9.

**Мир перед фактом глобализации. Миёнмаликов Х.К., Ноябрь 1999, Научный Центр цен и финансовой политики Министерства финансов Республики Узбекистан. (Выпуск 11).

***Одий савдо-сотиқ (байъ) — савоб, молия савдоси (риба) қадимдан тараққий этиб келган ва молия савдоси диний адабиётда қораланиб ҳам келган: “Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик саркитларини тарк этингиз”.

Куръони Карим. Бақара сураси, 278-оят.

БИРИНЧИ ҚИСМ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ

1. Академик Е.В.Тарле. Сочинения, том VII, “Наполеон”, Издательство СССР. М.1959. с.175-176.

2. Бу даврдаги Британия устунликлари унинг саноат революцияси ютуқлари, денгиз флоти ва ҳарбий кучлари, мустамлакаларининг қуввати ва молиявий жамғармалари билан бошқа давлатлардан ажралиб туради.

3. Америка Президенти Жеймс Монро 1823 йил Америка Конгрессига йўллаган хатида Америка қитъаси бошқа давлатлар тарафидан мустамлакага айлантирилишига интилиши Америкага қарши уюштирилган сиёсий ҳаракат деб баҳоланиши эътироф этилган. Шу билан бирга, Лотин Америкаси АҚШнинг ҳайтий манфаатлари билан боғлиқ минтақалиги эълон қилинган (Абай Турсинов. К Югу от Рио-Гранде.Continent, 25 декабр 2002).

4. Michael Moffitt. The World's Money, International Banking from Bretton Woods to the brink of insolvency/ New-York, Simon and Shuster. 1983. p.16.

5. David Malin Roodman. “Ending the Debt Crisis”. State of the world 2001. The World watch Institute. W.W. Norton & Company. New-York, London. 2001.

6. Мисол: Бир давлат иккинчи давлатга 100 млн. қарз. Иккинчи давлат биринчига 90 млн. қарз. Клиринг орқали “келишилганда” биринчи давлат иккинчига атиги 10 млн. қарз қолади.

7. Fed., FR, FRS, Federal Reserve System — Федерал Жамғарма Тизими — АҚШда Марказий Банк масъулиятини ўтовчи ташкилот.

8. Одатда Тўлов баланси икки қисмдан иборат. Оқим (ҳозирги) ҳисоб (Current account) ва Капитал ҳисоб (Capital account). Ҳозирги ҳисоб чет эл билан бўлаётган савдода олиш берининг балансидан келиб чиқади. Бунда шу кунда олиб кетилаётган (экспатриация қилинётган) чет эл сармоядорларининг фойдалари ҳам инобатга олинади. Капитал ҳисобида олинган-берилган узоқ муддатли чет эл қарз ва сармоялари баланси ҳисобланади.

9. Jagdish Bhagwati. The Capital Myth. The Difference between Trade in Widgets and Dollars. Foreign Affairs. Volume 77 #3, May-Jun 1998. p.11-12.

10. Қандайдир кадрлар сиёсатини эслатадими-е?

11. Уолл Стрит манфаатларидан узоқроқни кўзлашга ожизлик қиласдилар (ингл.).

12. Депозитлар — Банкларнинг маҳсус ҳисобларида сақлаш учун қабул қилинган мижозларнинг молия ва қийматли буюмлари. Банклардаги мижозларнинг оддий ҳисобларидағи қолдиқларидан фарқли, депозит ҳисоблардаги жамғармалар муддатли ва улар учун банк тарафидан тўланадиган фоизлар миқдори шартнома асосида келишиб олинади. Депозит сертификатлари — депозит қабул қилинганини ҳақидаги гувоҳнома. Бунда ҳамма келишилган шартлар кўрсатилади. Баъзан бу каби қимматли қоғозлар банклар учун бир қанча имтиёзлар яратиш мумкин, масалан марказий банклар резерв талабларидан озод қилиниши. Мижозлар ҳам бу каби қоғозларни бошқа банкларда гаров сифатида ишлатишлари мумкин.

(12) Миллий валютанинг қадрсизланиши чет элдан сотиб олинадиган импортнинг нархини ички бозордаги нархларга нисбатан қимматлаштиради. Четта сотилган экспорт моллари чет эл валютаси нархида ўзгармаса-да, арzonлашган миллий валюта ҳисобида кўпроқ қийматда ўлчанади.

(13) Монополистик — якка ҳокимлик бозордан фарқли, олигополистик бозорда бир нечта йирик, кучли, ўзаро рақобатга чидамли ташкилотлар фаолият кўрсатадилар. Бу шароитда, “мен қилмасам, рақибим қиласади” шиор ҳукм суриси, рақобатчи ташкилотларни (гоҳида қонундан ташқари ва ўта таваккалчилик билан боғлиқ) янгидан-янги маҳсулот ва фаолиятга ундаиди.

(14) Michael Moffitt The World's Money, International Banking from Bretton Woods to the brink of insolvency/ New-York, Simon and Shuster. 1983. p.52-53.

(15) Қизиқки нефт нархлари юқори бўлса-да ва Америка ички захираларига эга бўла туриб 80-йилларга бориб истеъмол қилаётган нефт миқдорини 50 фоизини импортда олиб келиб, ўз захираларини сақлааб қолишга интилади.

(16) Маълумотлар 70-йилларга, айнаан биринчи нефт инқизози бошланишига оид. Носкова И.Я. Трудное партнерство соперников. М., 1981. р.101–114.

(17) Носкова И.Я. Трудное партнерство соперников. М., 1981. с.57.

(18) Яқин Шарқ — рус тилидаги ибора, инглиз тилида “Үрта Шарқ” “Middle East” иоми билан аталади. Эрон, Эрон күрфази ва Ўрта ер дengизи атрофидаги араб (мағрибдан истисно) ва Истроил давлатлари миңтақаси.

(19) Бевосита сармоялар саноат, савдо ва шунга ўхшаш ташкилотларни шерикчilikда таъсис қилиши йўли билан амалга оширилади. Ундан фарқли, портфел сармоялар акция, облигациялар ва ҳоказо қимматли қофозларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

ИККИНЧИ ҚИСМ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2.1.Пул айланиши тезлиги ва фоизлар тенглиги

(1) Дефляцион жараёнлар охирги йилларда Япония ва баъзи Осиё Жануби-Шарқий давлатларда кузатилмоқда. Бунга сабаб кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ чайқовчиллик натижасида ер ва кўчмас мулкни нархлари Японияда улар келтира оладиган фойдага нисбатан кескин ошиб кетган эди. Бу чайқовчилкни амалга ошириш учун банклардан жалб қилинган молиялар муддати биттанди уларни қайтариш билан боғлиқ фоизлар тўланмаган. Олинган ер ва кўчмас мулкнинг нархлари кескин тушиб кетгани кўплаб банкларнинг инқизозга учрашига сабаб бўлмоқда.

(2) Бизнинг давлатда молия белгилари қуйидагича ифодаланади:
П0 — нақд пул.

П1 – П0 + Банклардаги ҳисобрақмаларидағи мижозларнинг қолдиқлари + маҳаллий бюджетлар маблағлари + бюджет ва жамоа ташкилотларнинг маблағлари.

П2 – П1 + Банк ҳисобларидағи муддатли қолдиқлар.

П3 – П2 + чоп этилаётган сертификатлар + мақсадли облигациялар + давлат облигациялари + молия вазирлигининг қимматли қофозлари.

Қаранг: Деньги и финансовые рынки. Авторский коллектив под рук. Чжен А.В.“Бизнес каталог” Ташкент, 1996. с.36.

(3). R.J. Barry Jones. The world turned upside down? Globalization and the future of the State. Manchester and New-York. Manchester University Press. 2000.

(4) Alan, Roy E., Financial Crises and Recessions in the Global Economy, Edward Elgar Publishing Limited, 1999, UK.

(5) Бу ерда марка мисол сиғати көлтирилмоқда, аслида евро киришилиши ва нақд евро чиқарилиши билан марка пул бирлиги бекор қилинган.

2.2. Молия бозорлари ва маҳсулотлари

(1). Essentials of Investments/ Zvi Bodie, Alex Kane, Alan J. Marcus. Published: McGraw-Hill Companies, Inc. New-York, 2001.

(2). Trends in World Marketing. Matchmaker East-West III, Rotterdam, Netherlands. 1996. Syllabus.

(3) Special Topic: Asset Backed Securities. An Investment Opinion for ABN AMRO' Private Investors. ABN AMRO Bank. Investment Newsletter. Forth Quarter 1997. p.12-13.

УЧИНЧИ ҚИСМ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА МАФКУРАВИЙ МУҲИТИ

3.1. Молия бозорларининг макроиқтисодий муҳити

3.2. Мафкуравий муҳит

(1) Ёшинобе Ватабе "Япония солиқ тизими" СБМС ва JICA ҳамкорлигидаги семинар. Тошкент, 27-32 марта 2003.

(2) Analytical Perspectives. Budget of the United States Government U.S. Government Printing office. Бу ерда кўрсатилган маълумотларга кўра у 33.5% ташкил этади.

Washington 2002. page 37. Table 3-1. Government Assets and Liabilities.

(3) Государство в меняющемся мире. Отчет о мировом развитии. 1997. Международный банк реконструкции и развития. М. "Прайм-Такс" 1997. Рисунок 1. с.2.

(4) Қизиқки, бу кўрсаткичларга кўра, 1937 йилда ҳам, буюк депрессия аталмиши иқтисодий инқизороз талофтларини енгизида, давлат тарафидан амалга оширилган харажатлар миқдори бошқа йилларга нисбатан сезиларли даражада юқоририқ қайд этилган.

(5). George Soros. The crisis of global capitalism. (New-York: Public Affairs, 1998), xix-xxi, xxv-xxx. From the World of History. Kevin Reilly. Raritan Valley College. 2000. Bedford/St.Martin's, p.540.

(6). Станислав Некрасов. Кризис рыночного фундаментализма и формирование научной картины "Открытого общества".

(7). Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations. New-York: Foreign Affairs, 1996, 1-5, 7-12. From the World of History. Kevin Reilly. Raritan Valley College. 2000. Bedford/St.Martin's p.524-533.

(8). Контрибуция — урушда ютказган давлатлар түлайдиган тавон.

(9). Дутин А.Г. Основы geopolитики. М., 2000.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ ЙИРИКЛАНИШ ЖАРАЁНИ

(1) O'Brien Richard, Global Financial Integration: The End of Geography, London Royal Institute of International Affairs. 1992, p.5.

(2) Alan, Roy E., Financial Crises and Recession in the Global Economy, Edward Elgar Publishing Limited, 1999, UK.

(3) R.J. Barry Jones. The world turned upside down? Globalization and the future of the State. Manchester and New-York. Manchester University Press. 2000, p.13–14.

БЕШИНЧИ ҚИСМ МИНТАҚАВИЙ МОЛИЯ БОЗОРЛАР

5.1. Оврупа молия тизими

(1) Валютная интеграция в Европе. Семинар Проекта ТАСИС: "Структурная интеграция", организованная Манфредом Вагнером. Алматы. 10 ноября 1997 г.

(2) Michael Moffitt. The World's Money, International Banking from Bretton Woods to the brink of insolvency/ New-York, Simon and Shuster. 1983, p.124.

(3) Бенилюкс давлатлари – Белгия, Голландия ва Люксембург.

(4) Мисол сифатида "Economist" журналидан олинган.

(5) Оврупа Кенгаши — ҳукуматлараро сиёсий ташкилот бўлиб 1949 йил ташкил топган. Оврупа Девони — кенгашнинг маъмурий маҳкамаси Фарангистонинг Страсбург шаҳрида жойлашган.

(6) Global Monetary and Economic Convergence. Edited by Gustav Bager and Mikolos Szabo-Pelsoczi. Published by Ashgate Publishing Ltd. Brookfield, Vermont, USA 1998.

(7) Европейский Совет. Факты и цифры. Council de l'Europe. Direction de la Communication. Palais de l'Europe. B.P. 431 R6, 67006 Strasbourg Cedex, France. March 1991.

5.2. Осиё Жапуби-Шарқ давлатларининг тараққиёти

(1) Global Financial Turmoil and Reform. Supervising Editor Barry Herman. United Nations University Press. Tokyo, New-York, Paris. 1999.

(2) Паст даромадли 750 доллар ва ундан кам, ўрта даромадли давлатлар 8.955 доллар ва ундан кам, юқори даромадли давлатлар 8.956 доллар ва ундан баланд киши бошига ишлаб чиқарилган Ялии Ички Маҳсулот миқдори билан дунё банки тарафидан тақсимланади (1994 йилги холат).

(3) Protect – ингл. ҳимоя құлмоқ. Протекционизм одатда ички бозорни өтедан олиб келинадиган маҳсулотлардан турли услугаларда ҳимоя қилиш деб түшүнілді. Бу бож түловларини ошириши, маҳсулот сифатларига шарт қўйиш, импорт миқдорини квоталар билан чеклари ва ҳоказо.

(4) Financial Times, 20 февраль, 1998.

(5) Global Financial Turmoil and Reform. Supervising Editor Barry Herman. United Nations University Press. Tokyo, New-York, Paris. 1999.

(6) (Тармоқлар таркиби).

(7) Вашингтон, 20 декабря 2000 года. 18 декабря в Вашингтоне Совет по национальной разведке США (NIC), представляющий собой группу экспертов, работающую в сотрудничестве с ЦРУ, опубликовал Доклад о тенденциях мирового развития на следующие 15 лет. NIC 2000-02, декабрь 2000. www.kommersant.com.ru

(8) Economist. February 2nd-8th, 2002, page 102.

(9) Morganstanley: Рост экономики США может прекратиться до конца года (Morganstanley) (Stephen S. Roach), 29 июля 2002 г.

(10) Последние тенденции мировой экономики. Экономическое обозрение. 2002. № 7, с.36.

5.3. Араб давлатларидаги молиячилик

(1) б). Таврот. Иккинчи қонунчилык сураси. 23 боб, 19-20 оялтар.

19. Яқинингта (ининга) фоиз эвазига қарз бермагин, күмишни ҳам, нонни ҳам, босқа фоизга бериш мумкин бўлган нарсаларни ҳам.

20. яқинингта (ининга) фоизга қарз бермагинки, худоинг ҳамма нарсангда, ниманини ўз қўлинг билан яратсанг барокатини берсин сенга, сен бораётган ерингда.

БИБЛИЯ. Книги Священного Писания Ветхого и Нового Завета. Канонические. Объединенные Библейские Общества. Russian Bible, United Societies 1995-12M-043(К). с.215.

(2) Financial Times. Survey: Islamic Banking and Finance. October 27, 2000. Interest is deciding factor for Muslims. p.IV.

(3) Қуръони Карим. Аловутдин Мансур таржимаси ва изоҳларининг муалифлигига. Тошкент, 1992.

(4) Судхўрлик фақат молия шаклида амалга оширилади деган фикрлар мавжуд. Аслида қадимдан судхўрлик турли буюмларда ҳам амалга оширилиб келинган. А.Б. Капланнинг, машҳур фарангистонлик сайёҳ Жакмоннинг ҳатларида келтиришича: “Ҳиндистонда дехқонлар ҳамиша қишлоқ судхўрига қарздор бўлиб келгандар, чунки баҳор экимида уруғликни қарзга оладилар, ўта камбағал қишлоқларда ҳаттоқи хўқизларни ҳам ери ҳайдашда ижарага олишади. Бу умумий қарздорлик Ҳиндистоннинг ҳамма ерларини қамраб олган ва бу қадимги Ҳиндистон судхўрлиги дехқонлардан қаттиқ фойдалансада, ярим оч яшани учун минимал маблағ қолдиради”. А. Б. Каплан. “Путешествие Виктора Жакмона (1829-1832) “Путешествие в историю, Французы в Индии”. М., Наука, 1979.

(5) Overlending? Devid de Meza. Economic Journal Vol 112 #477. February 2002. P. F17-F31.

(6). Financial Times. Survey: Islamic Banking and Finance. October 27, 2000.

ОЛТИНЧИ ҚИСМ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ҲОКИМЛИГИ

(1) Абатуров В. Глобальное движение капиталов — под глобальный контроль // Экономическое обозрение. 2000., № 3.

(2) Мир перед фактом глобализации. Миёнмаликов Х.К., Ноябрь 1999, Научный Центр цен и финансовой политики Министерства финансов Республики Узбекистан. (Выпуск 11).

(3) Devid Malin Rudman, Ending the Debt Crisis. In: State of the world 2001. The World Watch Institute. W.W. Norton and Company. New-York.

(5) (PR) Public Relations. Инглиз тилида жамият билан алоқа ибораси. Фарб давлатларида, айниқса АҚШда кенг тарқалган фаолият. Бу тушунча маркетинг тизимининг бир қисми, янги маҳсулотларни бозорларга самарали кириб бориши фаолиятидан, турли даражадаги сиёсий арбобларнинг сайланиши билан боғлиқ кенг фаолиятларни ўз ичига қамраб олади. Асосан психология соҳасидаги мутахассислар шуғулланадилар. Бу ерда (PR) кўпроқ акциялар ва бошқа қумматли қоғозлар нархларини психологик услубларни қўллаб, ишлаб чиқарини соҳасининг самараси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, нархларини оширишга қаратилган фаолият.

(6) Economist. 8-16 March, 2002. “Dreams...”.

(7) (“Le Temps”) Patrick Artus — CDC IXIS Бонг иқтисодчиси, www.inosmi.ru: 12 март 2002.

- (8) Абатуров А. Последние тенденции мировой экономики// Экономическое обозрение. Июль 2002. с.31.
- (9) Count down. The Economist. March 16-22nd 2002. p.74.
- (10) FT, America first again. March 23, 2002. p. 10.
- (11) Академик В.И. Вернадский изланишлари.
- (12) Seth Dunn. Decarbonizing the Energy Economy. In the: State of the world 2001. The World Watch Institute.W.W. Norton and Company. New-York. p.83–102.
- (13) FT, March 6 2002. p.2.
- (14) R.J. Barry Jones. The world turned upside down? Globalization and the future of the State. Manchester and New-York. Manchester University Press. 2000.

КРАТКАЯ АННОТАЦИЯ

В пособии освещен круг вопросов, охватывающих основные этапы истории формирования современных финансовых рынков и их развития в процессе глобализации. Рассмотрены вопросы финансов, ценных бумаг, инвестиций, международных отношений, асигнации также макроэкономическая и идеологическая среда функционирования финансовых рынков. Последняя глава раскрывает взаимосвязь между развитием финансовых рынков и современными глобальными проблемами.

Книга предназначена для магистрантов, аспирантов, студентов, изучающих курс международные финансы, а также специалистов, работающих в этой сфере.

THE BRIEF ANNOTATION

This book started with the history of the shape of international financial markets and noted main pointes of the process of their globalisation nowadays. There are lightened issues of Finances, Securities, Investments, International Relations, and in that row the issues of the Macroeconomic and Ideological Environment in which operate Financial Markets. Last Chapter tray to disclose interrelationship among development of the Financial Trade and main modern Global Problems.

The book will be useful for college students, magistrates, post graduate students, who learn courses of the International Financial Markets.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима 5

БИРИНЧИ ҚИСМ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ

<i>Тарихга назар</i>	8
<i>Бреттон Вудс сари</i>	10
<i>Бреттон Вудс шартномалари</i>	11
<i>Олтин таъминотининг тугаси</i>	16
<i>Оврупа доллари бозорининг тараққиёти</i>	21
<i>80-йиллар молия тизими ислоҳотлари</i>	21

ИККИНЧИ ҚИСМ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

<i>2.1. Пул айланиси тезлиги ва фоизлар тенглиги</i>	28
<i>Пул айланиси даромаддорлиги тушунчаси</i>	28
<i>Молия тизимининг асосий вазифалари</i>	33
<i>Фоизлар, валюта курслари, ва қимматли қоғозлар орасидаги тенгликка эришув</i>	34
<i>2.2. Молия бозорлари ва маҳсулотлари</i>	37
<i>Молия воситачилари</i>	37
<i>Молия бозори</i>	39
<i>Сармоялар ва дастмаклар</i>	41
<i>Молиявий ва дастмаклар</i>	42
<i>Молия бозорининг самараси кўрсаткичи</i>	45
<i>Қимматли қоғозлар бозори</i>	46
<i>Акциялар бозорларининг кўрсаткичлари</i>	48
<i>Жараёнлар</i>	49

УЧИНЧИ ҚИСМ

МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ ВА МАФКУРАВИЙ МУХИТИ

<i>3.1. Макроиқтисодий муҳит</i>	54
Валюта алмашув курслари	55
Ички макроиқтисодий күрсаткічлар	55
Давлат молия сиёсати	58
Пул агрегатлари сиёсати	58
Үзини бошқарувчи иқтисод	59
Ишлаб чиқарушы айланма даври	60
<i>3.2. Мафкуравий муҳит — upper case</i>	60
Конвергенция назарияси ва унинг тақдиди	60
Бозор фундаментализми	64
Уруш ёки тинчлик?	66

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИНГ ЙИРИКЛАШУВ ЖАРАЁНИ

Молия бозорларининг глобаллашув жараёнига ижобий таъсир құлувчи омиллар	76
Салбий таъсир күрсатуучи омиллар	78

БЕШИНЧИ ҚИСМ

МИНТАҚАВИЙ МОЛИЯ БОЗОРЛАР

<i>5.1. Оврупа молия тизими</i>	82
Бреттон Вудс тизими ва Оврупа бирлигининг шаклланиши	83
ЭКЮ тизими	86
ЭКЮнинг фаолияти	88
Евро кириллицасы	90
<i>5.2. Осиёнинг Жануби-Шарқий давлатлари тараққиёти</i>	94
<i>5.3. Араб давлатларидаги молиячилек</i>	102
Банклар молия маҳсулотлари	103
Бозор миқёси	105

ОЛТИНЧИ ҚИСМ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИНИҢ ҲОКИМЛИГИ

<i>Карз қайтариш мұаммолари</i>	<i>111</i>
<i>Молия оқимларининг эркінлигі</i>	<i>114</i>
<i>Оффишор үлкалар</i>	<i>116</i>
<i>Глобаллашиш молия тизимининг ҳокимлиги услуги шаклида</i>	<i>118</i>
<i>Америка иқтисодиеті — молия тизими посбони шаклида</i>	<i>121</i>
<i>Молия ҳокимлигі ва глобал мұаммолар</i>	<i>127</i>
<i>Хотима</i>	<i>133</i>
<i>Адабиёт ва изоҳлар</i>	<i>145</i>

О Г Л А В Л Е Н И Е

Введение.....	5
---------------	---

ЧАСТЬ ПЕРВАЯ ФОРМИРОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ

Взгляд в историю	8
На пути к Бреттон Вудсу	10
Бреттон Вудские соглашения	11
Завершение золотого обеспечения	16
Оврута доллары бозорининг тараққиёті	21
Реформы 80х годов	21

ЧАСТЬ ВТОРАЯ ПОКАЗАТЕЛИ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ

2.1. Скорость оборачиваемость денег и паритет процентов	28
Ставка доходности оборачиваемости денег	28
Основные функции финансовой системы	33
Паритета между процентными ставками, валютными курсами и стоимостью ценных бумаг	34
2.2. Продукты финансовых рынков	37
Финансовые посредники	37
Рынок финансов	39
Об инвестициях	41
Финансовые инструменты	42
Показатели эффективности финансовых рынков	45
Рынок ценных бумаг	46
Показатели рынков акций	48
Тенденции на финансовых рынках	49

ЧАСТЬ ТРЕТЬЯ **МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ И ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ СРЕДА** **ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ**

<i>3.1. Макроэкономическая среда.....</i>	<i>54</i>
<i>Обменные курсы валют</i>	<i>55</i>
<i>Внутренние макроэкономические показатели</i>	<i>55</i>
<i>Финансовая политика страны.....</i>	<i>58</i>
<i>Политика денежных агрегатов</i>	<i>58</i>
<i>Самоуправляющая экономика</i>	<i>59</i>
<i>Производственный цикл.....</i>	<i>60</i>
<i>3.2. Идеологическая среда.....</i>	<i>60</i>
<i>Теория конвергенции и ее судьба</i>	<i>60</i>
<i>Рыночный фундаментализм</i>	<i>64</i>
<i>Война или мир?</i>	<i>66</i>

ЧАСТЬ ЧЕТВЕРТАЯ **ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ**

<i>Факторы положительно влияющие на процесс глобализации.....</i>	<i>76</i>
<i>Факторы негативно влияющие на процессы глобализации</i>	<i>78</i>

ЧАСТЬ ПЯТАЯ **РЕГИОНАЛЬНЫЕ ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ**

<i>5.1. Финансовая система Европы.....</i>	<i>82</i>
<i>Бреттон Вудсткая система и формирование европейского сообщества</i>	<i>83</i>
<i>Система ЭКЮ</i>	<i>86</i>
<i>Функции ЭКЮ</i>	<i>88</i>
<i>Введение Евро</i>	<i>90</i>
<i>5.2. Развитие государств Юго-Восточной Азии.....</i>	<i>94</i>
<i>5.3. Финансы в Арабских странах</i>	<i>102</i>
<i>Банковские продукты</i>	<i>103</i>
<i>Масштабы рынка</i>	<i>105</i>

ЧАСТЬ ШЕСТАЯ
ВЛАСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ

<i>Проблемы погашения долгов.....</i>	<i>111</i>
<i>Свобода финансовых потоков.....</i>	<i>114</i>
<i>Оффшорные рынки.....</i>	<i>116</i>
<i>Глобализация как форма власти финансовых рынков.....</i>	<i>118</i>
<i>Экономика США — опора международной финансовой системы.....</i>	<i>121</i>
<i>Власть финансов и глобальные проблемы.....</i>	<i>127</i>
<i>Заключение.....</i>	<i>133</i>
<i>Литература и комментарии.....</i>	<i>145</i>

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги
Олий ўқув-юргларо илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини
мувофиқлаштириш Кенгашининг 2003 йил 17 майдаги 35-сонли мажлисига
Q-1140-сонли баёни билан тасдиқланган

Муҳаррир: М.Содиқова

Тех.муҳаррир: Ж.Нарметова

Босишига рухсат этилди 15.07.03. Офсет босма. Офсет қофоз. Қофоз
бичими 60×84 1/16. Ҳисоб-нашриёт т.10,0. Шартли босма т.10
Адали 2800 нусхада. 1361-сон Буюртма. Келишилган нархда

ЎзР ФЛ “Фан” нашриёти: 700047, Тошкент, академик Яҳё Фуломов кўчаси, 70

“АгроХарита” картфабрикаси, 700096, Ташкент ш., Муқимий кўчаси, 182.